

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247 - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

ф.ф.д. Мусаев О.Р.

**Тақризчи:**

с.ф.н., доц. Умаров Х.Ф.

*Ўқув-услубий мажмуа ЎзМУ Илмий кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	<b>ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.</b>
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	4
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	60
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	71
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	79
VII. ГЛОССАРИЙ .....	79
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	148

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. **“Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси”** модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Фалсафа фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, Америка кўшма штатлари. Осиё давлатларнинг фалсафа фанини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Жаҳон университетларида ва республикамиздаги фалсафа фанининг ютуқлари билан танишишади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси” модулини ўқитишдан мақсад:**

олий ўқув юртларидаги фалсафа фани бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали фалсафа мутахассислиги йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, фаннини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, бу соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### **Модулнинг вазифалари**

#### **тингловчи:**

сиёсий фанлар тизимининг ривожланиш тенденциялари, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишларини;

сиёсий фанларсоҳасида республикамиз ва хорижий мамлакатлар эришадиган ютуқларини;

сиёсий фанларнинг замонавий илмий муаммоларига оид тадқиқотларнинг долзарблиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини;

“Жаҳон сиёсати” ҳақида тушунча ва у билан шуғулланувчи фан ёки фанлар тизимини;

сиёсий фанлар соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини билиши керак.

**ТИНГЛОВЧИ:**

ўзининг энг олий мақсадига эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориш;

жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериш;

машғулотларни олиб боришда кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим;

**ТИНГЛОВЧИ:**

ҳозирги замон сиёсий фанларининг таркиби ва тизимидаги ўзгаришларни амалда қўллаш;

сиёсий фанларнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ва ички дифференциациясини ажрата олиш;

сиёсий фанларнинг фалсафа, мантиқ, этика ва эстетика, фуқаролик жамияти, миллий ғоя ва бошқа фанларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш малакаларига эга бўлиши зарур.

**ТИНГЛОВЧИ:**

мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий –иқтисодий салоҳияти, таълим тизими, ўзаро муносабат жараёнларининг ривожланишида фалсафий тушунчаларни амалиётда қўллаш;

инсон ва табиат ўзаро муносабатларининг моҳияти, унинг бир бутун жараён эканлигини талабаларга етказиш ва ижтимоий оқибатларининг прогнозини амалга ошириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси” фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-назарий тараққиёти** янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмуотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун фалсафани ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Каспий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан ҳамда фалсафа фани йўналиши ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда фалсафий фанларни ўқитиш самараси, ва республикамизда бу фанининг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда “Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси” ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда фалсафа фани соҳасидаги ютуқлар ва истикболлар олий ўқув юртларида фалсафа фанининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

**“Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси”  
модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модулмавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	Назарий	Амалий		
1.	Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари	4	4	2	2		
2.	Сиёсий жараёнларни бошқариш бошқарув фаолияти шакли сифатида	4	4	2	2		
3.	Сиёсий жараёнларнинг моҳияти ва инсоният тараққиётидаги ўрни.	6	6	2	4		
4.	Сиёсий бошқарувда сиёсий институтлар. Сиёсий коммуникация ва мулоқот	8	6	2	4	2	
5.	Сиёсий технологиялар. Маъмурий ресурс ва “қора” сиёсий технологиялар.	8	6	2	4	2	

	<b>Жами: 30 соат</b>	30	26	10	16		4
--	----------------------	----	----	----	----	--	---

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙМАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари**

Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари. Сиёсий жараён бошқичлари. Сиёсий жараёнлар ва муносабатлар. Сиёсий жараёнлар тушунчасига оид илмий тасаввурлар.

### **2-мавзу: Сиёсий жараёнларни бошқариш бошқарув фаолияти шакли сифатида.**

Сиёсий жараёнларни бошқариш бошқарув фаолияти шакли сифатида. Сиёсий жараёнларни бошқариш тушунчаси. Сиёсий жараёнларни бошқариш турлари. Глобаллашув шароитида сиёсий жараёнларни бошқариш хусусиятлари.

### **3-мавзу: Сиёсий жараёнларнинг моҳияти ва инсоният тараққиётидаги ўрни.**

Сиёсий бошқарув ҳақидаги билимлар тизими. Сиёсий бошқарув жараёнини ўрганишнинг назарий услублари. Сиёсий бошқарувни тадқиқ этишнинг эмпирик услублари. Сиёсий вазиятни ўрганиш жараёнини ташкил этиш. Сиёсий жараёнларнинг моҳиятининг хусусиятлари.

### **4-мавзу: Сиёсий бошқарувда сиёсий институтлар. Сиёсий коммуникация ва мулоқот.**

Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли. Давлат сиёсий бошқарув субъекти сифатида. Давлатнинг тузилиши ва бошқарув шакллари. Замонавий давлатлар тараққиётидаги тенденциялар. Сиёсий тартиботлар. Сиёсий бошқарувда сиёсий институтлар. Сиёсий коммуникация ва мулоқот.

### **5-мавзу: Сиёсий технологиялар. Маъмурий ресурс ва “қора” сиёсий технологиялар.**

Сиёсий технологиялар тушунчаси ва унинг турлари. Сиёсий муҳит ва сиёсий технологияларнинг боғлиқлиги. Сиёсий коммуникацияни амалга оширишнинг моделлари. Маъмурий ресурс ва “қора” сиёсий технологиялар.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

## **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8балл**.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.



12. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www. edu. Uz](http://www. edu. Uz)
14. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www. nuuz.uz](http://www. nuuz.uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### «ФСМУ» методи


**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Сиёсий жараёнларни бошқариш технологияси” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулоти қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Сиёсий технология</i>			
<i>Сиёсий институтлар</i>			
<i>Сиёсий бошқарув</i>			
<i>Сиёсат</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		

“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат килинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

1- гуруҳга вазифа	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиб керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li> <li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li> <li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали</li> </ul>
2- гуруҳга вазифа	<p>Слайд-шоу. Фолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргалликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиш учун керак.</p>
3- гуруҳга вазифа	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида музикий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
4- гуруҳга вазифа	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишда уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1- МАВЗУ: Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари.

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари
- 1.2. Сиёсий жараён босқичлари..
- 1.3. Сиёсий жараёнлар ва муносабатлар

**Таянч иборалар:** *сиёсат, сиёсий жараён, сиёсий омил.*

#### 1.1. Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари

Сиёсат турли шаклларда намоён бўлади. Унинг хилма-хил жиҳатлари ва таркибий қисмлари мавжуд. Сиёсий назарияда сиёсатнинг шакли, мазмуни ва муносабатларини (жараён) ажратиш қабул қилинган.

**Сиёсатнинг шаклини** унинг ташкилий тузилиши, институтлар, меъёрлар ҳосил қилади ва улар ёрдамида сиёсатнинг барқарорлиги ва мувозанати таъминланади. **Сиёсатнинг мазмунини** унинг мақсадлари, қадриятлари, муаммолари, сиёсий қарорларни қабул қилиш воситалари ва механизмлари ташкил этади. **Сиёсий жараёнларда** сиёсат турли ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар, индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади ва сиёсий фаолиятнинг мураккаб, куп субъектли ва ихтилофли табиати очиб берилади.

Сиёсий жараёнлар тақлилида биз ҳокимиятга интилувчи ёки сиёсий қарорларга таъсир утказишни истаётган субъектлар, элиталар, манфаат гуруҳлари, партиялар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ихтилофли манфаатлар, мафкуралар, мақсадлар, қадриятлар уларни келиштириш усулларини урганамиз.

Жамиятнинг сиёсий тизими—таркибий қисмлари узаро доимий алоқадорликда булган ягона, яхлит бирлик. Кунинг учун ҳам тизимли таҳлилда сиёсий тизим ёки унинг элементлари доимо ҳаракатда, алоқадорликда, узвийликда олиб қаралади. Яъни жамият сиёсий тизими жараён сифатида ўрганилади.

"Жараён" тушунчаси бирор йўналишга эга ҳаракат, ҳолатларнинг изчил алмашилиши, бирор натижага эришишга қаратилган фаолиятлар бирлигини англатади.

Ўз навбатида **"сиёсий жараён"** тушунчасини сиёсий ҳолатлар ва ходисаларнинг ички боғлиқликка эга занжири, сиёсат субъектларининг ҳокимиятга қаратилган ҳаракатлари бирлиги, деб таърифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу ҳолда сиёсий жараённинг уч хусусиятига эътибор қаратиляпти:

**Биринчидан**, сиёсий жараённи ташкил этувчи ходисалар, вазиятлар, сабаблар — оқибатларининг ўзаро боғлиқлиги, бири — иккинчисини тақозо этиши;

**Иккинчидан**, сиёсий жараён сиёсатда иштирок этувчи барча субъектлар фаолияти натижаси эканлиги;

**Учинчидан**, сиёсий жараён сиёсий ҳокимият тизимида қаратилган фаолиятдан иборат эканлиги.

Шундай қилиб, **сиёсий жараён** — **сиёсий тизим фаолиятининг шакли**. Айни вақтда, назарий планда, "сиёсий жараён" категорияси сиёсий тизимларни уларнинг ўсиши, ўзгаришида ўрганувчи абстракт — назарий моделдир.

"Жараён" тушунчасининг моҳиятини ҳар қандай ҳаракат эмас, ички ўзаро боғлиқликка эга, ўзаро бир — бирига таъсир этувчи, бу таъсир натижасида бир — бирини ўзгартирувчи ва биргаликда яхлит тизимни ташкил этувчи интегратив ҳаракат ташкил этади. Сиёсий жараён жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва, ўз навбатида, бу соҳаларга муҳим таъсир кўрсатади.

- сиёсий жараён таркиби.
- сиёсий муносабатлар.
- сиёсий жараён субъектлари.
- сиёсий ҳулқ — ативор ва сиёсий иштирок.

**Сиёсий муносабатлар** — субъектларнинг ҳокимият доирасидаги сиёсий манфаатларини бошқариш ва мувофиқлаштириш борасидаги алоқалар. Сиёсий муносабатларнинг амалга ошириши натижасида сиёсий жараён янгилаши, сиёсий ғоялар, билимлар, тажриба, қадриятлар, ахборот в.х., шунингдек сиёсий фаолият шакллари ва усулларининг тўпланиши ва узатилиши рўй беради.

Сиёсий муносабатлар қандай шаклларда амалга ошаётганлигини ҳисобга олиш зарур. Бу — ҳам корлик, компромисс, ихтилоф, кураш бўлиши мумкин.

Масалан, Б. Ельцин даврида Россиядаги сиёсий жараёнларда сиёсий муносабатлар ихтилоф шаклида кўпроқ намоён бўлган бўлса, Е. Путин даврида улар компромисс (келишув) шаклини олди.

Сиёсий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлардан фарқ қилади. Бу фарқнинг асоси — давлат ҳокимияти ва у билан боғлиқ қадриятлардир.

Сиёсий муносабатлар ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрнини белгилайди: улар ҳокимлик субъекти ёки объекти, ҳукмрон ёки тобе, бошқарувчи ёки бошқарилувчи бўладими в.х. Сиёсий муносабатларнинг тарихий шакллари: ҳукмронлик, етакчилик, бошқарув, назорат.

Сиёсий муносабатлар асосида сиёсий манфаатлар ётади. Шу билан бирга муносабатлар манфаат шаклида намоён бўлади. Шу хусусияти сиёсий муносабатларнинг сиёсий фаоллик ёки сиёсий бегоналашув асоси сифатида чиқишини белгилайди. Негаки, айнан сиёсий муносабатлар одамларнинг жамият бошқаруви ишларида иштироки ва бу иштирок самарасини

белгилайди.

Сиёсий муносабатлар турли даражадаги субъектлар ўртасида шаклланади.

**а) субъект турларига кўра:**

- синфлараро;
- синф ичидаги;
- давлатлараро;
- партиявий в.х.

**б) табиати ва мазмунига кўра:**

- демократик;
- авторитар;
- конфронтацион (зиддиятли);
- консенсусли (келишувга асосланган);

**в) амалга ошириш услубларига кўра:**

- кучга, зўрликка суянган;
- зўрликка суянмаган;

**г) муносабат асосидаги кадриятларга кўра:**

- либерал;
- социалистик;
- националистик в.х. бўлиши мумкин

**Манфаатлар:**

вақт нуқтаи назаридан — истиқболга қаратилган;

энг яқин;

доимий;

кундалик

**аҳамияти жиҳатидан:**

стратегик;

тактик;

**субъектига кўра:**

умуминсоний;

гуруҳ манфаати в.х. ларга бўлинади.

**Сиёсий жараён субъектлари — сиёсий жараён иштирокчиларидир.**

Уларга шахслар, ижтимоий қатламлар, этнослар, диний ва демографик гуруҳлар, ижтимоий ва сиёсий институтлар киради. Сиёсий жараён субъектларининг ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий мақомлари, мақсад ва интилишларининг тахлили сиёсий жараёнларга тўғри баҳо беришда жуда муҳим.

Субъектларнинг сиёсий хулқи ва сиёсий иштироки- сиёсий жараён мазмуни ва моҳиятини ўрганишнинг муҳим жиҳатидир. Сиёсий хулқ — шахс, ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга оширишида, ўз сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишда иштироки шакли. Ўз навбатида, сиёсий иштирок — сиёсат субъектларининг сиёсий муносабатларга жалб қилинганлигидир. Бу ҳақда батафсил кейинги параграфларда тўхталиб ўтамиз.

## **1.2. Сиёсий жараённинг асосий босқичлари**

Ягона, яҳлит сиёсий жараённи шартли равишда қуйидаги босқичларга



бўлиб ўрганиш мавжуд. Булар: **1-босқич- муайян** тизимнинг институционаллашуви ва конституционаллашуви; **2—босқич—**сиёсий тизимнинг амал қилиши; **3-босқич —** тизимнинг ривожланиши; **4-босқич - тизимнинг** инқироzi.

Ҳар қандай янги сиёсий тизимнинг вужудга келиши унга мос келувчи янги сиёсий институтлар ва қоидаларнинг шаклланиши, баъзи эски институтларнинг замонавийлашуви ва уларнинг янги тизимга уйғун киришиб кетиши, уларни қонунийлашувини ўз ичига олади.

Янги сиёсий институтларнинг, вужудга келиши (**институционаллашув**) ва уларнинг қонунийлашуви (**конституционаллашув**) — ягона жараённинг икки томонидир.

Сиёсий тизимнинг ривожланиши сиёсий институтлар эволюцияси билан боғлиқ. Унга икки хил (эндоген ва экзоген) омиллар таъсир этади. Институционал тизим ичидаги эндоген ўзгаришлар муайян сиёсий гуруҳлар манфаатини ва мақсадларини у ёки бу институт самарали ифодалай олмаслиги ёки уларга самарали хизмат кўрсата, олмаслиги натижасида вужудга келади.

Экзоген омилларга маданиятнинг, шахсларнинг сиёсии тизимга таъсирлари киритилади. Инсоният янги билимларга, эга бўлиб бор иши билан, янги кадриятлар шаклланиши билан сиёсий институтлар ҳам ўзгаради.

Сиёсий тизимнинг шаклланиши турли йўллар билан амалга ошади (масалан, қуролли қўзғолон, сайловларда ғалаба қозониш).

Сиёсий тизим амал қилиши босқичи қарор топган сиёсий муносабатлар ва институтлар, субъектлар, қоидалар, кадриятлар, рамзлар, сиёсий тил — ҳокимиятни амалга оширишнинг барча бошқа воситалари ва ролларини доимо карта яратишни ўз ичига олади.

Сиёсий тизим амал қилиши, деганда унинг институтлари ўз вазифаларини ўзаро боғлиқ ҳолда ва ўзаро алоқадорликда амалга ошириши тушунилади. Сиёсий тизим амал қилишини ўрганиш — сиёсий институтларнинг бошқариш, тартибга солиш вазифаларини қандай бажараётганликларини, ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида фуқаролар ҳаётига мақсадли таъсир этиш қай даражада амалга ошаётганлигини, жамиятда вужудга келувчи ихтилофлар ва зиддиятлар қай тарзда тартибга солиниши мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Функпионал тахлил сиёсий тизим ўз — ўзини қанчалик бошқара олишининг реал имкониятлари ва унинг мослашиш потенциалини аниқлаб олиш имконини беради.

Ҳар қандай сиёсий тизим сиёсат субъекти бўла олувчи барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалашга ҳаракат қилади. Аммо унинг даражаси турли жамиятларда турлича бўлади. Сиёсий тизим амал қилиши универсаллашув, демократлашув билан боғлиқ жараён. Негаки, демократиянинг ўзи— максимал кўп манфаатларнинг танланиши, артикуляцияси ва қондирилишини англатади.

Сиёсий тизимнинг амал қилиши икки нарсани ўз ичига олади: тизимнинг барқарорлигини таъминлаш ва зарур ўзгаришларга йўл қўйиш.

Сиёсий тизимларни амал қилиши жараёнида ягона ижтимоий сифат

доирасида сиёсий муносабатлар ва институтлар, сиёсий қоидалар ва кадриятлар, сиёсий муносабатлар субъекти қайта яратилади. Бу жараённинг ҳамма учун ягона восита ва усуллари мавжуд эмас. Масалан, демократик жамиятларда бу вазифани сайловлар бажаради. Яна бир воситага— мавжуд қонунчиликни ривожлантиришни кўрсатиш мумкин. Узвийлик — сиёсий тизим амал қилишининг муҳим белгиси, аммо узвийлик деганда айнан бир ҳолатларнинг давом эттирилиши назарда тутилмаслиги лозим. Одамлар ўз фаолиятларини ўзгарган шароитда ва шунга мувофиқ ўзгартирган ҳолда олиб борадилар. Кунинг учун узвийлик ва ўзгаришлар доимо ёнма — ён боради.

Сиёсий ривожланиш — тизимнинг янги шароитларга мослашишга томон ҳаракатини англатади.

Ҳар бир жамиятнинг у ёки бу соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар барча ижтимоий муносабатлар бирлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, жамият иқтисодидаги ўзгаришлар, биринчи навбатда, жамият ижтимоий тузилишини ўзгартиради. Ундаги айрим қатламлар етакчилик мақомини йўқотиб, бошқаларга ўз ўрнини беради, янги синфлар ёки гуруҳлар вужудга келади. Бу гуруҳлар, қатламлар, синфларнинг манфаати, ҳокимиятга қўядиган талаблари ўзгаради. Ушбу жараён натижасида янги ижтимоий — сиёсий уюшмалар тузилади, эски партиялар ва ҳаракатларнинг дастурларига ўзгартиришлар киритилади. Натижада жамият ривожини белгиловчи сиёсатнинг кун тартиби янгиланади.

Биргина иқтисодий соҳадаги таркибий ўзгаришлар давлат олдида шундай қутилмаган ижтимоий — сиёсий муаммоларни қўйиши мумкин — ки, натижада давлат ҳокимияти ҳам шунга мувофиқ, шакллар, усуллар, воситаларга ўтиши лозим бўлиб қолади, ҳуқуқий меъёрлар ўзгариши, давр талабига, мослашиши шарт бўлади, одамларнинг дунёқараши, одатлари, фикрлаш услублари сезиларли ўзгаришларга учрайди. Ва ниҳоят, илмий — техник тараққиёт — сиёсий технологияларга ҳам таъсир кўрсатгани туфайли бутун сиёсий механизм иши ҳам ўзгаради.

Сиёсий ривожланиш икки йўл билан амалга оширилиши мумкин: ислохотлар ва инқилоб.

**Ислохотлар** — тизим янгиланишининг табиий кечувчи жараёни. У сиёсий институтлар ва уларнинг вазифаларини сифат жиҳатдан ўзгаришини аста — секинлик билан ва изчил амалга ошишини англатади. Ислохот радикализмга қарши қўйилади. Сиёсий, ислохотларнинг манбалари ва омилларига қуйидагилар киради: ҳокимият тизимининг у ёки бу элементлари ва вазифалари ҳаётдан ортда қолганлиги натижасида сиёсий қарама - қаршилиқларнинг кескинлашуви; ихтилофли вазиятларнинг келиб чиқиши; етакчи ижтимоий гуруҳлар кенг сиёсий муносабатлар ва институтларини қайта кўришга интилиши; ҳукмрон гуруҳлар ва халқ сиёсий онгида сиёсий таркибларни ўзгартиришга мойиллик, истак, ирода шаклланиши.

**Сиёсий инқилоб** — сиёсий тизимни тубдан ўзгартиришнинг кучга тянган усули. Сиёсий ислохотлар самарасиз ўтган тақдирла, сиёсий инқироз чуқурлашиб, вазият кескинлашганда, инқилоб содир бўлиши мумкин.

**Сиёсий инқироз босқичи** — сиёсий тизим емирилишини, ҳокимият

ташқи ва ички ўзгаришларга мувофиқ ҳаракат қила олмаётганлигини, марказий ҳокимият заифлашишини, қарорларнинг бажарилмаслиги, сиёсий режим эса легитимлигини йўқотишини англатади.

Сиёсий инқироз одатда элиталарнинг алмашинуви билан боғлиқ. Улар доим ҳам ҳукуматлар алмашилиши, ҳукмрон партияларнинг майдондан кетиши билан тугалланмайди. Аввалги танланган ривожланиш йўли қайта кўриб чиқилиши билан инқирозни келтириб чиқарган сабаблар барҳам топиши мумкин.

Аммо ялпи инқирозлар одатда янги элиталар шаклланишига ёки бутун ижтимоий — сиёсий ҳаётнинг ўзгаришига олиб келади (собиқ СССРнинг парчаланиши). Сиёсий инқирознинг бир қатор белгилари мавжуд:

- ҳокимият шоқобчаларининг ўз легитимлигини йўқотиб бориши;
- ҳокимиятнинг турли марказлари ўртасида ўзаро алоқадорлик, боғлиқликнинг йўқолиши;
- бир марказ иккинчисига тўсқинлик қила бошлаши;
- параллель ҳокимиятларнинг ташкил топиши;
- ҳокимият жамиятдаги анъанавий таянч қатламларидан маҳрум бўлиши.

### 1.3. Сиёсий жараёнлар ва муносабатлар

**Сиёсий иштирок** — ижтимоий — сиёсий жамоа аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлиги (муайян босқичда эса — халқаро ҳамжамият муносабатларига ҳам). Сиёсий иштирок тушунчаси демократия концепцияларида, сиёсий модернизация ва сиёсий ривожланиш, сиёсий маданият, сиёсий партиялар доирасида асосий тушунчалардан бири сифатида қўлланади.

Сиёсий иштирок субъектларига индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар киради.

Қўлама жихатидан сиёсий иштирок

- маҳаллий;
- минтақавий;
- умумдавлат;
- халқаро сиёсат даражасида амалга оширилади.

**Сиёсий иштирок тўғридан-тўғри (бевосита) ва бавосита амалга оширилиши мумкин; умумий ва чекланган; ихтиёрий ва мажбурий; анъанавий, фаол ва пасив, легитим ва нолегитим, қонуний ва қонунга хилоф бўлиши мумкин.**

Сиёсий иштирок шакллари ҳам турлича. Уларга:

- ахборот қабул қилиш ва узатиш;
- сиёсат ва давлат арбоблари, ҳамда ташкилотлари билан мулоқот;
- сайлов ва бошқа сиёсий кампанияларда иштирок;
- намоишларда, сиёсий иш ташлашларда, оммавий норозилик ҳаракатларида, озодлик урушлари ва инқилобларда иштирок;
- бошқарув ва ўз — ўзини бошқарувда иштирок;
- қонунлар яратиш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишда иштирок;

- сиёсий партиялар ва ижтимоий — сиёсий ҳаракатлар фаолиятида иштирок киради.

Сиёсий иштирок қуйидаги вазифаларни бажаради:

- турли манфаатлар, талаблар, умидларни ифодалаш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш;

- сиёсатчилар ва бошқарув аппарати ходимларини танлаш, улар фаолиятини назорат этиш;

- бошқарувга доир қарорлар ва сиёсат йўналишини белгилашга аҳолини жалб этиш;

- сиёсий ижтимоийлашув;

- ихтилофларни олдини олиш ва бартараф этиш;

- бюрократия билан курашиш, фуқароларни сиёсат ва бошқарувдан бегоналашувига қарши кураш.

Сиёсий иштирок кўринишлари, усуллари, даражалари ва шаклларини аввало жамият сиёсий тизим ининг хусусиятлари, сиёсий маданияти, кўплаб барқарор ва ўзгарувчан ички ва халқаро омиллар белгилайди.

Сиёсий иштирок учун энг қулай шароитни демократик ва ҳуқуқий давлатлар яратади.

Шунингдек, иштирок имкониятлари иштирок манбаларига ҳам боғлиқ: бўш вақт, пул ва бошқа моддий захиралар, маълумот, ахборот, билим ва ундан амалда фойдалана билиш, ОАВларига эҳтиёжнинг қон дирилиши, сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотларга аъзолик.

Фуқаронинг сиёсий иштирокдан манфаатдорлиги мас аласида, унинг учун муҳим кадриятлар, сиёсатга қизиқиши, унинг фуқаролик бурчи, ўзини бирор сиёсий оқим, ҳаракатта мансублигини англаши каби сиёсий — руҳий хусусиятлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Сиёсий – руҳий бегоналашув кўпинча сиёсий лоқайдлик ёки экстремизмга олиб келади.

Сиёсатда иштирок бир қанча даражаларда амалга оширилади:

1. Шахс ва гуруҳлар даражасида – **микросиёсат** ҳосил бўлади. Бу ерда фаолият урф – одат, анъана, эскидан қолган муомалда тартиби билан белгиланади, кундалик турмуш икир – чикирлари доирасида шах сёки гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви ва келишуви жараёни анна шундай кечади. Мамалакатлар, минтақалар, жаҳон даражасида – макросиёсат амалга ошади. Бу даражада махсус тайёрланган шахслар муайян роллар, кўникмалар, вазифаларни амалга оширишади. Микросиёсатга барча инсонлар даҳлдор: «инсон – сиёсий мавжудот». Макросиёсатда сиёсий агентлар – сиёсий институтлар вакиллари фаолиятр кўрсатади.

Сиёсатни амалга ошириш учун унинг барча даражаларида зарур нарсалар қуйидагилар:

1. Шахслар – сиёсий фаолият субъектлари.

2. Механизмлар – анъаналар, урф – одатлар, қўйдилар, қонунлар, сиёсий фаолият субъектларига таъсир этиш услублари.

3. Институтлар – сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий фаолият механизмлари билан алоқадорликда амалга оширувчи тадбирларини

қўллаб - қувватловчи, туртки берувчи, назорат қилувчи ва текширувчи ташкилотлар.

Одамларнинг жамоа ҳаётида иштироки ибтидоий даврларда ҳам мавжуд бўлган. Одамларнинг сиёсий иштироки демократия масалаларини узвий ўрганиш, таҳлил қилиш қадимги Юнон маданиятида бошланган. Айнан Юнонистонда бошқарувнинг Республика шаклига асос солиниб, тўғридан – тўғри демократиянинг халқ йиғини, мансабларга тайинлашда иштирок, улар фаолиятини назорат этиш, ҳукм юрғатиш, энг муҳим, шу жумладан, ташқи сиёсатга доир қарорлар қабул қилишда фаол қатнашиш каби шакллари амал қилинган.

Юнон мутафаккирлари биринчи бўлиб "иштирок" терминини давлат тузилишининг ўзгарувчан ва хилма — хил кўринишлари ва полислар бошқаруви шакллари тадқиқ этувчи аналитик категория сифатида қўллашган. Сиёсий иштирок бу ерда шахс манфаатлари, унинг эҳтиёжларини амалга ошириш нуқтаи назаридан эмас, умумжамоа манфаатларига бўй сунган, давлатнинг мукамал шаклини топишга ёрдам берувчи тушунча сифатида қаралган. Одамлар (эркин шахслар — қуллар - ажнабийлар) ҳар хиллигидан, тенг эмаслиги тамойили ҳатто эркин одамлар ҳам ўзаро тенг эмас, деган фикрга томон ривожлантирилган. Натижада дастлабки элитар назариялар батафсил ишлаб чиқилди.

Афлотун ва Арасту фикрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар бир томондан фуқароларнинг иштирокини инкор этсалар ( демократик давлатда ҳатто қобилиятинг бўлса ҳам бошқарувда иштирок этишнинг ҳожати йўқ" (Афлотун), иккинчи томондан уни фуқаронинг туб, ажралмас белгиси, деб эълон қилинали: ҳатто болалар тарбиясида ҳам кейинчалик улардан: сиёсий ҳаёт ва давлат иштирокчилари этишиб чиқишидан келиб чиқилиши лозим" (Арасту) .

Қадимги Юнонистоннинг сиёсий фикри ва тажрибаси давлат ҳаётида иштирокнинг турли намуналарини таҳлил қилиб чиққан. Уларнинг қиймати, қарийб икки минг йилдан сўнг демократиянинг қайта тикланиши, аниқроғи янги турининг шаклланиши билан боғлиқ равишда янада тўлароқ англанди.

Янги давр вакиллари иштирокни ҳоким сиёсий стратегиясининг идеал моделини яратиш (Н.Макиавели); суверенитет ва бошқарув турли кўринишларининг тимсоли (Ж.Бодей); бошқарув шакллари ва тамойиллари (Ш.Монтескье) воситаси сифатида қарашган. Улар давлат бошқарувида иштирок билан сайловларда иштирокни фарқлашган ("халқнинг бошқарувда иштироки вакиллар сайлаш билан чекланиши лозим" (Ж.Монтескье)).

Шимолий Американинг кўзга кўринган сиёсий арбоби Т.Жефферсон ҳар бир фуқаро давлат ишида иштирок этишини шарт, деб билгани ҳолда, энг масъулиятли лавозимларни "табиий аристократия" вакиллари эгаллашлари лозим (яъни маълумоти ва мулки бор одамлар), деган ақидага суянган.

Француз инқилоби инсонни ҳар қандай чеклашлар ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш лозимлигини эътироф этгани ҳолда, оддий фуқароларнинг сиёсатда иштироки механизмларини ишлаб чиқмаганлигини кўрамаиз.

Либерализм назариётчилари ҳам аслида мулкдорларнинг давлатга

нисбатан бир мунча мухториятини қарор топтирди ва вакиллик ғоясини чуқурлаштирди. "Хусусий мулк, охир - оқибатда, сиёсий қобилиятнинг энг яхши ўлчовидир" (Борис Чичерин)).

Шундай қилиб, сиёсий иштирок сайловларда чекланган иштирокни англатиб келган.

Шарқда сиёсий иштирок масалалари ўзига хос тарзда ривожланган. Маълумки, шарқ маданияти коллектив қадриятлар устунлиги асосига қурилган. Аммо давлат бошқарувида демократия шакли амал қилган ҳолатларни Шарқ давлатчилиги тарихида учратмаймиз. Бошқарувнинг республика шакли ҳам бу ерда қарор топмаган. Гарчанд, халифалик давлати таркиби демократия тасаввурини берсада, амалда дерократик бошқарув эмас, монархияни кузатамиз. Шунга қарамай, фуқароларнинг бошқарувда иштироки масалалари Шарқ сиёсий фикрида салмоқли ўрин эгаллайди. Бу соҳада Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида бир қатор, юнон файласуфлари таъсиридаги қизиқарли фикрлар айтилган. "Темур тузуклари" да аҳолининг турли қатламларининг бошқарувда иштироки тўғрисида бир қатор фикрлар айтилган. Парламентар республика бошқарувини маъкул, деб топган жадидлар фуқароларнинг иштирокларига алоҳида эътибор берганлар.

Шарқда ҳам /арбдан мустақил равишда элитар концепциялар, бошқарувда фозиллар, олимлар, танланган одамларнинг ўрни алоҳидалиги таъкидлаб келинган.

Сиёсий қарор — ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда сиёсий талаб аниқ ифодаланмаган бўлса ва шу талабни ифодалаётган субъектлар доимий тазйиқи сезилмаса, тизим бундай талаб ва эҳтиёжлар жамият ҳаёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам, жавоб бермайди. Шунинг учун турли даражадаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг бош вазифаси — ўз манфаатлари ва талабларини давлат ҳокимияти институтлари қабул қилаётган бошқарувга доир қарорлар киритишдан иборат.

Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технология сидир. Сиёсий қарорларни қабул этишининг уч босқичи кўрсатилади: 1) тайёргарлик босқичи; 2) қарорларни қабул қилиш босқичи; 3) қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи. Биринчи босқичда умумий ижтимоий контекстан сиёсий руҳдаги талаб ва зиддиятлар ажратиб олинади. У ёки бу масалани "долзарб" деб, бошқаларни "сиёсий эмас", деб тўхтатиб туриш имконияти аслида ҳокимиятга эгаликни англатади. Негаки, сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни муайян субъективликка йўл қўяди.

Иккинчи босқичда ечимни талаб этаётган муаммоларни топиб, муҳокама қилинганидан сўнг сиёсий мақсадлар ва уларга эришиш йўллари белгилаб берилади. Сиёсий мақсадлар одатда альтернатива (бир — бирини истесно этувчи имкониятларнинг ҳар бири) тарзида баён этилади. Қарорларни муайян шасхлар (сиёсатчи) ёки гуруҳлар (расмий ва норасмий) қабул қилишлари мумкин. Шу ўринда сиёсий қарорларни қабул қилувчи субъектлар тўғрисида

батафсил тўхтаб ўтиш жоиздир. Сийсий қарорларни қабул қилувчи субъект бўлиб конституцияга мувофиқ ёки бошқа сабабларга кўра қарор ишлаб чиқариш ва қабул қилишга алоқадор шахслар, жамоат ташкилотлари аъзолари ёки уларнинг давлат ҳокимияти сайланма органларидаги вакиллари в.х. бўла оладилар.

Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг турли босқичларида ижтимоий субъектлар турлича иштирок этадилар. Масалан, биринчи босқичда аҳолининг барча қатламлари қатнаша олса, иккинчи босқичда давлатнинг ваколатли органлари, партия ва жамоат ташкилотлари етакчи ўринни эгаллайди. Сийсий қарорларни қабул қилишнинг бир нечта усуллари мавжуд: 1) компромисс — ўзаро ёнбосишлар натижасида эришилган битим; 2) консенсус (келишув)

қарор овоз бериш йўли билан эмас, келишув йўли орқали қабул қилинади. Келишув, барча томонларнинг қарорга кўшилмасаларда, умумманфаатлардан келиб чиқиб, унга қарши чиқмасликларини билдиради; 3) устунлик — сиёсатда бирор синф ёки давлатнинг бошқа синф ёки давлатларга нисбатан бошқа мавқеъни эгаллаши. Бунда тарафлар кудратли субъект қарорларини ўз манфаатларига мос деб эътироф этишади. Халқаро муносабатларда кенг қўлланилади. Масалан, НАТО да устунлик роли АҚШ га тегишли.

Учинчи босқичда ҳокимият қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этади. У зиддиятларни кўпайиши ва кескинлашиши билан характерланади, негаки, қабул қилинган қарорлар сиёсатнинг барча субъектларини қониқтирмайди, лекин уларни амал қила бошлашини таъминлаш зарур. Қарорларни татбиқ этишда муҳолиф кучлар билан бирга ўз манфаатлари ни ҳимоя қилиш мақсадида ҳокимиятнинг кучи органлари ҳам қаршилик кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорлар қонун шаклида бўлиши, бажарилиши учун масъул шахслар белгиланиши, адресли бўлиши (яъни қайси гуруҳлар, қатламларга қартилганлигини аниқ, айтилган бўлиши) талаб этилади.

Ўзбекистондаги сийсий жараёнларнинг ўзига хослиги.

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти етарлича ривожланмаганлиги сабабли сиёсат ва сийсий муносабатлар иқтисодий, ижтимоий, шахсий муносабатлардан мустақил равишда мавжуд эмас. Натижада сиёсат жамият ҳаётининг ҳамма соҳалар ига кириб боради, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланишга доир ҳеч бир масала ҳокимият аралашувисиз ҳал қилинмайди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантириш Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг энг муҳим қирраси бўлиб қоляпти.

2. Ўзбекистондаги сийсий жараёнлар асосан вертикал тарзда, яъни юқоридан қуйига қараб ташкил этилган. У ҳокимият ва жамият ўртасидаги мулоқот, келишув асосига қурилади. Жамият ўз талабларини ҳокимиятга вакиллик органлари, манфаат гуруҳлари томонидан етказишини биласиз. Ана шу вакиллик тизими (партиялар, ОАВ, нодавлат ташкилотлари в.х.) шаклланиш жараёнини бошидан кечирпяти.

3. Ўзбекистондаги асосий жараёнлар давлатнинг фаол сиёсат олиб бориши

билан характерланади. Бу — бизнинг давлатчилик анъаналаримиз билан белгиланади. Ўрта Осиёда "ҳокимият жамият" муносабатларида доимо давлат асосий роль ўйнаган.

4. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг кўпчилигини асосан давлат институтлари ташкил этади. Бу яна фуқаролик жамиятининг у қадар ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Айни вақтда сиёсий жараёнлар иштирокчилари (субъектлар) сонини ортишига қаратилган ҳаракатлар кучаймоқда ва бунда ҳам кўпинча давлат ташаббус кўрсатмоқда.

5. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра кўпроқ, харизматик ва идеократик турларга хос. Шунга кўра жамиятни бирлаштириш учун миллий ғояга кучли эҳтиёж сезилади ва айни вақтда, сиёсий етакчининг роли катта бўлади.

## 2-МАНЗАУ: Сиёсий жараёнларни бошқариш бошқарув фаолияти шакли сифатида

### **РЕЖА:**

- 2.1. *Сиёсий бошқарув: моҳияти, мақсад ва вазифалари.*
- 2.2. *Сиёсий бошқарув кўринишлари ва соҳалари.*
- 2.3. *Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида сиёсий бошқарув ролининг ўсиши*

**Таянч иборалар:** *милал, ниҳал, фирақ, адён, умам, радд, мақолот, аҳли китоб.*

### **2.1. Сиёсий бошқарув: моҳияти, мақсад ва вазифалари**

Бошқарув бизни қуршаб турган дунёга хос универсал ва зарурий хусусият ҳисобланади. Кенг маънодаги бошқарувни турли муносабатларда кузатиш мумкин. Инсоннинг иродасига боғлиқ равишда физик жараёнлар (ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш), техник тизимлар (темир йўл транспорти ҳаракати), жамоа фаолияти (сиёсий партия фаолияти), алоҳида кишилар хатти-ҳаракати бошқарилиши мумкин. Бошқарув - заруратдир. Бошқарувсиз кишилар фаолиятини мақсад сари йўналтириш, тегишли соҳаларни ривожлантириш мумкин бўлмайди. Бошқарув бўлмаган жойда тартибсизлик, бошбошдоқлик юзага келади.

Бошқарув - серқирра жараён. Оилани бошқариш техник тизимлар (транспорт, алоқа)ни бошқариш жараёнларидан тубдан фарқ қилади. Давлатни бошқариш билан худудларни бошқаришни айнан бир нарса деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Сиёсий партияни бошқариш услублари диний



ташкilotларни бошқариш услубларидан жиддий фарқ қилиши табиий. Турли соҳаларни бошқариш масалаларига чуқур тўхталмай, сиёсат соҳасидаги бошқарувга тўхталамиз.

Бошқарув – жамият сиёсий ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Бошқарув жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва социал жараёнларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Сиёсатдаги бошқарув муносабатлари ниҳоятда серқирра.

Сиёсий бошқарув – сиёсатдаги бошқарув муносабатларини ўзида ифода этади ҳамда сиёсий соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Давлат арбоби ёхуд сиёсий арбобнинг нуфузи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, давлат идораси ёки сиёсий партия фаолияти учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, омма онгида муайян сиёсий кучнинг жозибали қиёфасини қарор топтириш, аҳолининг электорал майлларини шакллантириш, сиёсий низолар юзага келганида рақибларга таъсир кўрсатиш ва ҳоказо муаммолар шулар жумласидандир. Юқорида зикр этилган муаммоларнинг муҳимлиги шубҳасиз. Чунки мамлакатни самарали бошқариш учун раҳбарлар фуқаролар ҳурматини қозониши, сайловларда ғалаба қозониш учун сиёсий кучлар сайловчиларнинг хайрихоҳлигига эришиши, низоли вазиятдан тезда чиқиш учун рақибларга таъсир кўрсатиш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган сиёсий вазифаларни бошқарувнинг анъанавий усуллари ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас. Хусусан, ижро учун мажбурий қарорлар қабул қилиш, муайян меъёр, қоида ва қонунлар ишлаб чиқиш йўли билан юқорида зикр этилган масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Сиёсий бошқарувнинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда намоён бўлади – бошқарув субъекти белгиланган мақсадга эришиш йўлида ўз ваколатлари, мақоми, мажбурлаш ҳуқуқидан фойдаланмайди, қонун ва бошқа умуммажбурий меъёрлар яратмайди. Сиёсий бошқарувда субъект<sup>1</sup> ўз манфаатларини қондириш ва мақсадларига эришиш йўлида инсонларнинг қарашлари ва феъл-атворида ўзгаришлар ясашга йўналтирилган ўзига хос усул ва воситалардан фойдаланади.

Бошқарув муносабатларининг бу тури сиёсий амалиётда кўпдан бери мавжуд. Айтиш мумкинки, сиёсат қанчалик кўхна бўлса, сиёсий бошқарув ҳам шу қадар қадим тарихга эга. Ҳар қандай давлат ҳукмдори ўз нуфузини ошириш ҳақида доимо қайғурган, маслаҳатчилари эса унга бу вазифани амалга оширишда кўмаклашган. Давлат ишларини ҳал қилишда мураккаб, чигал вазиятлар юзага келганида узокни ўйлайдиган сиёсатчилар куч билан эмас, яхши гап билан муаммони ҳал қилишни, оммани мажбурлаб эмас, балки ўз ғояларига мафтун этиб йўналтиришни афзал кўрган.

Бироқ XX асрнинг ўрталарига қадар сиёсий бошқарув фақат амалиёт сифатида мавжуд бўлган. Сиёсий бошқарув фанга айланиши учун эса илмий билим тизимида чуқур ўзгаришлар юз бериши талаб этилар эди. Социология, психология, сиёсий фан, бошқарув ҳақидаги фанларнинг ривожланиши

---

<sup>1</sup> Сиёсий бошқарув субъекти – сиёсатда бошқарувга ўз таъсирини, иродасини ўтказувчи тараф, сиёсий бошқарув объекти – шу таъсирга берилувчи, иродага бўйсинувчи тараф.

туфайли сиёсий бошқарув илмий билим объектига айланди. Сиёсий бошқарув фани сиёсий арбобнинг имижини яратиш, электорал майлларни шакллантириш, сиёсий ташкилот учун мақбул ахборот муҳитини яратиш, хуллас, турли сиёсий мақсадларга эришиш имконини берадиган билимларни манфаатдор кишиларга етказадиган фанга айланди.

## **2.2. Сиёсий бошқарув кўринишлари ва соҳалари**

Жамият ҳаётида сиёсий бошқарувнинг тутган ўрни ва ролини тушуниш учун унинг кўринишларини ажратиш мақсадга мувофиқ. Сиёсий бошқарувнинг биринчи кўриниши – субстанционал<sup>2</sup> шаклдир. Сиёсий бошқарувнинг субстанционал кўриниши объектив равишда амал қиладиган ижтимоий механизм ва жараёнларни ўзида ифода этади. Субстанционал бошқарув ёрдамида сиёсий тизимнинг яхлитлиги таъминланади, унга хос сифат кўрсаткичлари сақланади, унинг тараққиёти таъминланади. Сиёсий тизим доирасида кечадиган сиёсий ижтимоийлашув, институтлашув, легитимлашув каби жараёнлар ана шу жараён-механизмларга мисол бўла олади. Амалиётда субстанционал бошқарув инсонларнинг жамиятда қабул қилинган меъёр ва қоидаларга бўйсунуши, маданий қадриятларга монанд иш тутишда намоён бўлади.

Бошқарувнинг реляцион<sup>3</sup> кўриниши сиёсатдаги “субъект-объект” муносабатларини қамраб олади, бунда бошқараётганлар (бошқарув субъектлари) ва бошқарилаётганлар (бошқарув объектлари), яъни бошқарув қарорларини ижро этувчилар аниқ ажратилади. Шунингдек, сиёсий бошқарув уни амалга ошираётган кишиларнинг онгли фаолиятига, мақсадларига, бошқаларга таъсир қилиш имкониятларига, демакки, бошқарув жараёнида банд бўлганларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиши назарда тутилади.

Сиёсий бошқарувда субъект-объект муносабатлари уч кўринишда намоён бўлади. Булардан биринчиси - давлатнинг мансабдор шахслари ва давлат идоралари (бошқарув субъектлари) билан аҳоли ва унинг гуруҳлари (бошқарув объектлари) ўртасидаги муносабатлардир. Бошқарувнинг бу тури, одатда, давлат бошқаруви деб номланади, чунки бунда давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар бошқарув субъекти ҳисобланади. Бундай бошқарув давлатнинг маъмурий бошқарувини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бошқарувнинг бу тури, шунингдек, ижроия ҳокимияти органлари (ҳукумат, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат муассасалари) томонидан амалга ошириладиган бошқарув фаолиятини қамраб олади.

Давлат бошқарувининг асосий хусусияти шундан иборатки, унга “легитим куч ишлатиш” ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти берилади. Бундан ташқари, бошқарув субъекти сиёсий қарорларни ҳаётга жорий этишда ўз ваколатлари, мақоми билан боғлиқ ресурслардан фойдаланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, замонавий жамиятда давлат бошқаруви, асосан, меъёрий

<sup>2</sup> Субстанция – бошланғич асос.

<sup>3</sup> Реляцион - французча “relation” тушунчасидан олинган бўлиб, объект ва субъект ўртасидаги муносабатларни назарда тутади.

тартибга солиш орқали, яъни тегишли идоралар томонидан қонун, қарор, фармон, фармойиш ва бошқа меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Сиёсий бошқарувдаги субъект-объект муносабатларининг иккинчи кўриниши давлат идоралари, сиёсий ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улар ичида шаклланадиган бошқарув муносабатларини қамраб олади. Бундай бошқарув муносабатлари алоҳида ташкилотлар (давлат муассасалари, сиёсий партиялар ва ҳоказо) доирасидан ташқарига чиқмайди. Бу турдаги муносабатлар бошқарув субъектига ўз мақоми билан боғлиқ ресурсларга таяниш, ташкилот аъзолари учун мажбурий меъёрлар ишлаб чиқиш ва бу меъёрларни бузганларга нисбатан жазо чоралари қўллаш ҳукуқини беради.

Сиёсий бошқарувдаги субъект-объект муносабатларининг яна бир кўриниши бошқарув субъекти (сиёсий ташкилот, таъсир гуруҳлари, давлат арбоби) ўз мақсадига эришишда “легитим куч ишлатиш” ҳукуқига, ўз мақоми билан боғлиқ ресурсларга таяна олмаслиги, барча учун умуммажбурий қонун ёки фармон қабул қила олмаслиги оқибатида бошқарув объектига таъсир кўрсатишнинг бошқа усул ва воситаларини қўллашга мажбур бўлганида юзага келадиган муносабатларни қамраб олади.

Сиёсий бошқарув доирасида қандай сиёсий мақсадларга эришиш, қандай вазифаларни ҳал қилиш мумкин? Бу саволга жавоб топиш бу фаннинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш имконини беради. Сиёсий бошқарув куйидагиларга хизмат қилади:

1. Давлат арбоби ёки сиёсий арбобнинг нуфузини, обрў-эътиборини мустаҳкамлаш. Сиёсатчи учун обрў-эътиборга эга бўлиш – аҳоли назарида аҳамиятли бўлиш, кенг омманинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига эришиш, сиёсатда муваффақият қозониш, турли сиёсий вазифаларни ҳал қилиш имкониятидир. Шунинг учун ҳар қандай давлатда унинг раҳбари нуфузини оширишга қаратилган ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади. Сайлов орқали бошқарув ваколатларига эга бўладиган сиёсатчилар, айниқса, аҳолининг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади, шунинг учун юқорида зикр этилган вазифа улар учун муҳим аҳамият касб этади.
2. Давлат идораси, сиёсий партия, жамоат ташкилоти фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, омма онгида уларнинг жозибали кифасини шакллантириш. Ҳар қандай давлат идораси фуқаролар назарида давлат бошқарувининг билимдон идораси сифатида танилишдан манфаатдор бўлади. Шундагина унинг бошқарув қарорлари жамият томонидан ижро этилиши талаб қилинадиган муҳим қарорлар сифатида идрок этилади. Ўткир рақобатли сиёсий курашда ғолиб чиқиш учун ҳар бир сиёсий ташкилот сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтожлик сезади. Бироқ бунга эришиш учун омма бу ташкилотда ўз манфаатларининг ҳимоячисини кўриши, унга ишониши даркор. Шунинг учун ҳам юқорида зикр этилган вазифани бажармасдан туриб, сиёсий муваффақиятга умид боғлаш мумкин эмас.

3. Муайян давлат дастури, сиёсий дастур ёки сиёсий лойиҳа тарафдорлари сонини кўпайтириш. Жамият ҳаётини ислоҳ қилиш давомида бошқарув қарорларини амалиётга жорий этишда қийинчиликлар пайдо бўлаётганини тан олиш лозим. Бунинг асосий сабабларидан бири – омманинг янги дастур ва лойиҳаларга гумон билан қараши, уларни тушунмаслиги оқибатида қабул қила олмаслиги билан боғлиқдир. Демак, демократик ўзгаришларни амалга оширишда бу янгиланишларнинг кишилар томонидан қандай қабул қилинаётганини ўрганиш, кишиларнинг истакларига таъсир кўрсатиш, уларнинг кайфиятлари ва кадриятларида ўзгаришлар ясаш талаб этилади. Бундай заруратни англаш мазкур вазифани сиёсат субъектлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айлантиради.
4. Аҳолининг электорал<sup>4</sup> майлларини шакллантириш. Давлат органларига сайловлар – демократиянинг ажралмас белгисидир. Деярли барча сиёсий кучлар, партиялар бу вазифанинг улкан аҳамиятини англаб етган. Шафқатсиз рақобат уларни сайловчиларнинг овозлари учун кураш технологияларини доимий равишда такомиллаштириб боришга ундайди.
5. Сиёсий иттифоқлар, блоклар тузиш. Келишув ва ҳамкорлик сиёсати сиёсат субъектларига мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Бироқ ҳар бир сиёсий иттифоқ мураккаб ва синчковлик билан амалга оширилган фаолият натижасида ўз шерикларига таъсир кўрсатиб, муайян натижага эришади. Бундай фаолият куч ишлатишни инкор этади, ўз иттифоқдошларига заргарона таъсир кўрсатиш, усталик билан ҳаракат қилиш негизига қурилади.
6. Сиёсий низолар шароитида рақиб ва оппонентларга таъсир кўрсатиш. Сиёсий низо тарафларнинг муросасизлиги, тажовузкорлиги ва умумий қоидаларга амал қилишни истамаслиги билан характерланади. Сиёсий ихтилофлар жамиятда беқарорлик келтириб чиқаради, жамият аъзолари ўртасида низо уруғларини сочади, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини фалажлантиради. Шунинг учун ҳам сиёсий низоларни ҳал қилиш йўллари излаш муҳимдир. Куч ишлатиш йўли билан низони бартараф этиб бўлмайди. Бунда ихтилофли вазиятларни тартибга солишнинг алоҳида технологияларини қўллаш талаб этилади.
7. Давлат қарорларини қабул қиладиган шахсларга таъсир кўрсатиш. Замонавий жамиятлар ҳаддан ташқари табақалашган, уларда турли ижтимоий гуруҳлар мавжуд, бу гуруҳлар ўз навбатида, ўз манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилишга интилади. Гуруҳий манфаатларни ҳимоя қилиш усулларида бири давлат идоралари ва мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиш, босим ўтказиш билан боғлиқ. Бундай таъсирнинг шакл ва услублари хилма-хил, улар доимий равишда такомиллашиб боради.
8. Сиёсий қўллаб-қувватлаш учун оммани сафарбар этиш. Аниқ сиёсий вазифаларни ҳал қилишда сиёсат субъектлари халққа, унинг манфаат-эҳтиёжларига таянишини намойиш қилиши лозим. Ҳукмрон кучлар ҳам,

---

<sup>4</sup> Электорал – сайлов билан боғлиқ.

мухолифатдаги кучлар ҳам улар юритаётган сиёсатга кишиларнинг ишончи даражаси юқори эканини кўрсатишга интиладилар. Демократик жамиятда инсонларни бирор ғояни қўллаб-қувватлашга мажбурлаш мумкин эмас, бироқ уларни ишонтириш орқали бунга ундаш мумкин. Шунинг учун ҳам бу вазифа сиёсий бошқарувга тааллуқли саналади. Сиёсий муносабатлар майдонида амал қилаётган турли субъектлар учун юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг муҳимлиги шубҳасиз. Замонавий жамиятда бу вазифалардан жиллакурса бир қисмини ҳал қилмасдан туриб, муҳим сиёсий натижаларга эришиш мураккаб. Эътиборлиси шундаки, бошқарув субъекти бу вазифаларни ҳал қилишда ўз ваколатларидан фойдалана олмайди, қонун ёки фармон қабул қилиш йўли билан бу муаммони ҳал қила олмайди, кучни қўллай олмайди. Зеро, таъсир объекти бошқарув субъектига бевосита бўйсунмайди.

Шундай қилиб, сиёсий бошқарув давлат бошқарувидан куйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

**Биринчидан**, сиёсий бошқарувда бошқарув субъекти кучга таяниш, жазо чораларини қўллаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, демакки, шахснинг истақларига таъсир кўрсатишнинг бошқа шаклларида фойдаланади.

**Иккинчидан**, сиёсий бошқарувда бошқарув субъекти барча учун умуммажбурий меъёрлар яратиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади, шунинг учун инсон руҳияти ҳақидаги билимларга таянган ҳолда таъсир кўрсатишга мажбур бўлади.

**Учинчидан**, сиёсий бошқарув доирасида ўзига хос вазифалар ҳал қилинади. Бу вазифаларнинг ҳал қилиниши сиёсат субъектларига сиёсий майдонда ўз позициясини мустаҳкамлашга, рақобатли курашда ғалаба қозонишга, оммага таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Жамиятда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга, ўз режалари, сиёсий дастур ва лойиҳаларини амалга оширишга интилаётган сиёсат субъектлари учун бу вазифалар ниҳоятда муҳим саналади. Бироқ аҳолининг бу вазифаларга муносабати бирдай яхши бўлмайди, чунки бу вазифалар ортида айрим ҳолларда шахсий иззат-нафс, гуруҳий манфаатлар, ғаразли мақсадлар яширинган бўлади. Бундай шароитда бу вазифалар ошкор этилмайди. Ахир, бирор сиёсий кучнинг нуфузини ошириш ёки сиёсий иттифоқчиларга таъсир кўрсатиш каби мақсадларни очикдан-очик эълон қилинишини тасаввур этиш қийин.

**Тўртинчидан**, сиёсий бошқарув доирасида бошқарув вазифаларини ҳал қилишнинг алоҳида усул ва воситалари шаклланади. Бу усулларнинг йиғиндисини сиёсий технологиялар деб номлаш қабул қилинган.

Демак, **сиёсий бошқарув** инсонлар руҳияти, онги ва қалбига моҳирона таъсир кўрсатишнинг шундай усулларини ўз ичига оладики, бундай таъсир кишиларни сиёсат субъектининг манфаатига мос равишда ҳаракат қилишга ундайди, айна пайтда уларда ўз танловининг эркинлигига, ҳаракатларининг табиийлигига ишонч туғдиради. Бу усуллар ёрдамида омма онгига янги тасаввурлар, қадриятлар, кўрсатмалар, ғоялар, маслаклар сингдирилади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий бошқарув жамият олдида қатор ахлоқий

муаммоларни ҳам кўндаланг қилади. Шахсий, гуруҳий ва ижтимоий манфаатларнинг мос келмаслиги, сиёсий макондаги кескин рақобат, сиёсат субъектларининг ғоявий қарашлари ва кадриятларидаги фарқлар ҳамда ўз муаммоларини ҳар қандай усуллар билан ҳал қилиш истаги бу муаммоларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, сиёсий бошқарув – сиёсатдаги бошқарувнинг алоҳида тури бўлиб, муайян сиёсий мақсадга эришишга йўналтирилади ҳамда умуммажбурий меъёрлар ишлаб чиқиш ва легитим кучга таяниш имконияти бўлмаган муҳитда муаммоларни ҳал қилишнинг алоҳида усул ва воситаларини, турли сиёсий технологияларни қўллашни назарда тутди.

### **2.3. Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида сиёсий бошқарув ролининг ўсиши**

Сиёсий бошқарув узок тарихга эга. Деярли барча жамиятларда ҳукмдорлар нуфузини ошириш, аҳолининг кенг қатламларига ўз таъсирини кенгайтириш муаммолари долзарб бўлган, турли гуруҳлар ҳукмрон доираларга самарали таъсир кўрсатиш йўллари излаганлар. Бироқ ҳозирги кунда сиёсий бошқарув анча кенг кўлам касб этди. Бундай ҳолат XIX-XXI асрларда авж олган қатор муҳим жараёнлар билан боғлиқ.

Сиёсий бошқарув ролининг ўсишига сабаб бўлган жараёнлардан бири – жамият сиёсий ҳаётида омма ролининг ўзгариши билан боғлиқ. Бу жараённи испан файласуфи Х.Ортега-и-Гассет ёрқин ва жонли ифодалаган. Унингча, айнан XIX асрда кенг омма тарих саҳнасига чиқди. Илгари кенг омманинг сустлиги, халқнинг сиёсий ҳокимият муаммоларига аралашмаслиги сабабли барча муаммолар жамиятдаги озчиликни ташкил этган оқсуяклар томонидан ҳал қилинган бўлса, эндиликда омма ўша озчиликка итоат қилмай, бошқарув ваколатларини қўлга олмоқда. Жамият сиёсий ҳаётида омма ролининг ўсиши оқибатида аҳолининг кенг қатламларига босим кўрсатиш усуллари ўрнига таъсир кўрсатишнинг янги воситаларини ахтариш зарурати туғилди.

Сиёсий бошқарувнинг аҳамиятини кучайтирган яна бир жараён – омма онгининг эркинлашуви ва демократлашуви билан боғлиқ. Охириги икки аср давомида одамлар онгида демократия ва либерал мафкура кадриятлари қарор топганини кузатиш мумкин. Инсонларга шахс эркинлиги, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, барчанинг қонун олдида тенглиги, сиёсий плюрализм ва халқ ҳокимияти ғоялари яқин бўла боргани сари инсонлар ҳар қандай шаклдаги зўравонликка қаршилик кўрсата бошладилар. Бундай шароитда эркин ва ҳақ-ҳуқуқини танийдиган инсонни бошқариш алоҳида маҳорат талаб эта бошлади.

Сиёсий бошқарувнинг ривожланишига туртки бўлган яна бир жараён жамиятнинг демократлашуви билан боғлиқ. Бу жараён ҳокимиятлар бўлиниши, асосий давлат идораларининг сайлов йўли билан шакллантирилиши, барчанинг қонун олдидаги тенглиги, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устунлиги, кўшпартиявийлик тамойилларининг мустаҳкамланишида ўз ифодасини топди. Ўз хатти-ҳаракатларида қонун билан чегараланган мансабдор шахслар ва сиёсий

арбоблар ўз нуфузи ва таъсирини ошириш учун сиёсий бошқарув назарияси ва амалиётига мурожаат қилишлари ҳам эҳтиёж, ҳам заруратга айланди.

Гарчи сайловлар демократлаштириш жараёнининг узлуксиз қисми бўлса-да, лекин уни алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз. Зеро, умумий сайлов ҳуқуқининг жорий этилиши ҳам сиёсий бошқарувнинг ривожига туртки бўлди. Маълумки, сиёсий бошқарув фани доирасида сайлов кампанияларини уюштириш йўллари ҳақида ҳам билим берилади. Айнан сайловолди кураш давомида оммага таъсир кўрсатиш технологиялари яратилган ва тажрибада синалган. Шу боисдан, сайлов кампанияларини ташкил этиш ва бошқариш муаммолари сиёсий бошқарувнинг энг муҳим масалаларидан бири саналади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари, манфаат гуруҳларининг сиёсий майдонда фаол роль ўйнаётган мустақил субъектларга айлангани ҳам сиёсий бошқарувнинг аҳамиятини янада оширди. Шунингдек, электрон оммавий мулоқот воситаларининг ривожланиши, радио, телевидение ва интернет пайдо бўлиши билан оммага ахборот орқали таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Бу ахборот воситалари нафақат одамларга ахборот улашиш вазифасини бажаради, балки бу ахборотни ҳиссий идрок этишга ҳам кучли таъсир кўрсатади, оммавий кайфиятларни шакллантиради. Сиёсий бошқарувда сиёсий феъл-атворга таъсир кўрсатиш учун қўлланиладиган кўпгина усуллар шу ахборот воситаларидан самарали фойдаланишни назарда тутади, айнан шу воситалар орқали узатилаётган ахборотнинг ишонтирувчи таъсири ва кучини бир неча баробар кучайтириш имконини берди.

Шундай қилиб, XX аср охири – XXI аср бошларида инсоният тарихида содир бўлган жиддий ўзгаришлар сиёсий мақсадларга эришиш усулларини жиддий таҳрир қилишни талаб этмоқда. Бир томондан, жамиятни самарали бошқариш зарурати мавжуд бўлса, иккинчи томондан турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини келиштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай вазиятда турли сиёсий кучлар томонидан сиёсий бошқарувга қизиқишнинг ортиши табиийдир.

### 3-МАВЗУ: Динни антропологик ўрганиш. Динни тадқиқ этишда феноменологик ёндашувлар

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Сиёсий бошқарув ҳақидаги билимлар тизими.
- 3.2. Сиёсий бошқарув жараёнини ўрганишнинг назарий услублари
- 3.3. Сиёсий бошқарувни тадқиқ этишнинг эмпирик услублари
- 3.4. Сиёсий вазиятни ўрганиш жараёнини ташиқил этиши.

**Таянч иборалар:** феноменология, антропология, диний мифология, дин психологияси, дин социологияси, дин – ижтимоий ҳодиса.

#### **2.1. Сиёсий бошқарув ҳақидаги билимлар тизими**

Сиёсий бошқарув самарадорлиги бошқарув субъектининг бошқарув вазифаларини ҳал қилиш технологиялари, усул ва услубларини қўллаш билишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунда, авваламбор, тажрибага таяниш, мақсадга эришишнинг энг таъсирчан усулларини танлаш, амалиётда синалган услубларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий бошқарувдаги профессионализм шуниси билан характерланадики, бошқарув субъекти нафақат ўзи ёки ўзгалар тажрибасига таянади, балки бу турдаги бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берадиган илмий билимга ҳам суянади.

Бироқ ижтимоий ҳаёт ўзгарувчан ва серқирра эканини инобатга оладиган бўлсак, фақатгина ўтмиш тажрибасига йўналганлик самарали сиёсий бошқарув доирасини торайтириб қўйиши муқаррар. Айниқса, бугунги кундагидек туб ислохотлар амалга оширилаётган шароитда, кишиларнинг қадриятлари, кайфиятлари, интилишлари ва баҳолари ўзгараётган вазиятда бу жиҳат алоҳида долзарблик касб этади. Сиёсий бошқарувни фақатгина фараз ва ҳиссиётларга асосланган ҳолда ташкил этиш ҳам кутилган натижани бермайди.

Таъкидлаш жоизки, замонавий шароитда сиёсий бошқарувнинг аҳамияти ва роли ўсганига қарамай, бу жараён кам ўрганилган. Гарчи охири вақтларда сиёсий бошқарувнинг алоҳида вазифалари тавсифланган адабиётлар пайдо бўлган бўлса-да, уни яхлит ва тизимий равишда ўрганадиган махсус билим соҳаси шаклланмаган. Бундай билим сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини тушунтирувчи назария ҳамда таълимотлар тизими ва илмий услубларнинг муайян йиғиндисидан иборат.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, сиёсий бошқарув соҳасида банд бўлганлар бу соҳада тўпланган назарий ишланмаларга таянадилар, сиёсий фан, социология, психология, менежмент, давлат бошқаруви каби фанларнинг илмий ютуқларидан фойдаланадилар. Бироқ сиёсий бошқарув фанининг



эндигина шаклланаётганини инобатга оладиган бўлсак, ҳали тадқиқ этилишини кутаётган, ҳал қилинмаган, ўзининг илмий ечимини топмаган муаммолар талайгина эканини тан олиш лозим.

Ҳар қандай илмий билим соҳасини тавсифлаш унинг тадқиқот объекти ва предметини аниқлашдан бошланади. Бундай мантиққа амал қилиш мазкур илмий билим соҳасининг жамият ҳақидаги билимлар тизимида тутган ўрнини аниқлаш имконини беради. Сиёсий бошқарув ҳар қандай жамиятнинг ажралмас қисми саналади. Таъкидлаш жоикзи, сиёсий бошқарув ҳақидаги илмий билимлар хусусийдан умумийга сари ривожланмоқда. Бундай билимларга хос яна бир хусусият унинг фанлараро табиатга эканлиги билан боғлиқ.

Сиёсатда бошқарув муносабатларининг бу турини қатор йўналишдаги олимлар – сиёсатшунослар, социологлар, психологлар тадқиқ этмоқда ва уларнинг ҳар бири бу соҳани ўз илмий йўналиши доирасида ўрганмоқда. Масалан, сиёсатшунослар сиёсий бошқарувни амалий фан сифатида ўрганиб, сиёсий ҳаёт назарияси билан амалиётининг бевосита бирикувини ифодалайдиган йўналиш деб биладилар. Социологлар сиёсий бошқарувдаги ижтимоий ўзаро таъсирни тадқиқ этишга урғу берадилар ва уни ўрганиш учун ўзларида мавжуд бой услубий воситалардан, эмпирик тадқиқот услубларидан фойдаланадилар. Психолог-олимлар сиёсий бошқарувнинг кишиларга руҳий таъсир ўтказиш билан боғлиқ қисмини ўрганишга киришганлар. Бироқ юқорида зикр этилган ҳеч бир илмий йўналиш сиёсий бошқарувни ўзининг асосий тадқиқот объекти ҳисобламайди ва унга иккинчи даражали ўрин ажратади. Ваҳоланки, сиёсий бошқарув мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши зарур. Бу эҳтиёж сиёсий бошқарувнинг жамиятда тобора ўсиб бораётган роли билан мустаҳкамланади. Айниқса, бу йўналишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ижтимоий воқеликнинг бу қисмини ўрганаётган олимларнинг хатти-ҳаракатларини бирлаштирмоғи лозим.

Демак, сиёсий бошқарувни нафақат амалиёт сифатида, балки бошқарувнинг бу тури ҳақидаги билимлар тизимини сифатида ҳам тушуниш мумкин. Бу билимлар сиёсий бошқарув муносабатларининг пайдо бўлиш шарт-шароитлари ҳақидаги, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар тўғрисидаги, унинг амалиётда намоён бўлиш шакллари ҳақидаги, қўйилган мақсадларга самарали эришишни таъминлайдиган хатти-ҳаракатлар ҳақидаги билимлардан иборат.

Сиёсий бошқарув ҳақидаги илмий билимларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси – мазкур бошқарув жараёнининг табиати, ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш шакллари ҳақидаги умумназарий билимлардир. Иккинчиси – аниқ бошқарув вазифаларини ҳал қилиш шарт-шароитлари, усуллари ва йўллари ҳақидаги амалий билимлардир. Бу икки гуруҳ ўзаро боғлиқ. Умумназарий тасаввурларга таянган ҳолдагина содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ички моҳиятини тушуниш мумкин, бу эса уларни ҳал қилиш воситалари ва усуллари ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий бошқарув ҳақидаги умумназарий ва амалий билимларнинг

ўзаро боғлиқлигини тан олган ҳолда улар ўртасидаги фарқларни ҳам ажратмоқ лозим. Қуйида келтирилган жадвалда улар тизимий шаклда ифодаланган:

Сиёсий бошқарув ҳақидаги илмий билимларнинг икки турини фарқлаш учун асослар	<i>Назарий билим</i>	Амалий билим
1.Билимнинг йўналганлиги (нима ўрганилмоқда?)	Сиёсий бошқарув сиёсатдаги бошқарувнинг алоҳида тури сифатида	Аниқ сиёсий бошқарув жараёни
2.Билим олишдан мақсад (қандай мақсадда ўрганилмоқда?)	Сиёсий бошқарув жараёни ривожланишининг умумий тенденцияларини тавсифлаш, тушунтириш ва белгилаш. Муайян илмий парадигма доирасида универсал аҳамиятга эга мавҳум назарий модель куриш	Аниқ сиёсий вазиятни бошқариш ва назорат қилиш механизмларини аниқлаш. Муайян бошқарув вазиятини моделлаштириш
3.Ўрганиш методологияси (қандай ўрганилмоқда?)	Сиёсий бошқарув жараёни ва унинг иштирокчилари хатти-ҳаракатларининг энг умумлаштирилган моделларини яратиш имконини берадиган назарий услублар	Назарий моделларни аниқ материал, реал вазият ҳақидаги билим билан “тўлдириш” имконини берадиган эмпирик услублар
4.Макон-замон кўрсаткичлари (қачон ва қайси чегараларда ўрганилмоқда?)	Илмий қизиқиш доираси ва тадқиқотчининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади	Муайян муддатда ҳал қилиниши талаб этиладиган реал вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади

Биринчидан, бундай фарқлар тадқиқот йўналишида намоён бўлади. Умумназарий билимлар сиёсий бошқарувга хос умумий тенденцияларни ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, пайдо бўлиш ва ривожланиш шарт-шароитлари, таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этишга йўналтирилган. Амалий тадқиқотнинг диққат марказида эса конкрет сиёсий

бошқарув жараёни туради, вужудга келган вазият, шунингдек, бу жараён иштирокчиларига айланган кишиларнинг истаклари, феъл-атвори, кайфиятлари ўрганилади.

Иккинчидан, назарий ва амалий тадқиқотлар ўзининг асосий вазифасига кўра фарқланади. Назарий билимлар сиёсий бошқарув жараёни ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиришга ва шу асосда универсал моделларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. Бундай билимлар бошқарувнинг умумий йўналишларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва, одатда, муайян тавсиялар беришни назарда тутмайди. Амалий билим эса муайян вазиятни тушуниш орқали шу вазиятни бошқариш ва уни исталган ўзанда йўналтириш имконини берадиган механизмларни танлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, бу билимлар сиёсий воқеликни ўрганиш усули, қўлланиладиган методологик услубларга кўра фарқ қилади. Сиёсий бошқарув жараёнлари ривожланишининг умумий йўналишларини тушунтирадиган универсал схемаларни яратиш назарий билимларга хос хусусият саналади. Зеро, бу вазифа назарий услублардан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Амалий билимлар эса кишиларнинг манфаатлари ва орзу-истаклари, уларнинг қадриятлари ва кўрсатмалари ҳақидаги аниқ маълумотни қўлга киритиш имконини берадиган эмпирик методларни яхши билишни талаб этади.

Тўртинчидан, назарий ва амалий билимлар макон-замон омили нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади. Назарий сиёсий бошқарувни ва унинг алоҳида жиҳатларини, масалан, аҳолининг электорал феъл-атворини бутун умри давомида ўрганиши мумкин, бу жиҳатдан мазкур муаммо битмас-туганмас илмий муаммолардан биридир. Амалий тадқиқот эса конкрет вазифани самарали ҳал қилиш бўйича тавсияларни муайян муддатгача тақдим этиш зарурати билан чегараланган. Чунки, масалан, сайлов кампаниясининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар муайян муддатга қадар керак бўлади ва муайян сайлов округи билан боғлиқ бўлиши талаб этилади.

Демак, самарали сиёсий бошқарувга эришиш учун ҳам назарий билимлар, ҳам амалий билимлар талаб этилади. Айни вақтда уларни ўзига хос музтоғга ўхшатиш мумкин. Бунда унинг сув ости қисми – сиёсий бошқарув муносабатларининг табиати, ўзига хос хусусиятларини тушунтирадиган назарий концепциялар йиғиндисидан иборат бўлса, унинг сув усти қисми – бошқарув амалиётида юзага келадиган муайян вазиятларни ўрганиш, билиш, тушунтириш кўникмалари ва малакасидан иборатдир.

Музтош билан қиёслаш сиёсий бошқарувда банд бўлган кишилар меҳнатининг мазмун-моҳиятини очиб беради. Кўпинча улар муайян вазиятни ҳал қилиш йўллари топадилар, деган фикр устувор бўлади, ваҳоланки, бу чоралар самарали бўлиши учун назарий билимларнинг пишиқ хазинасига таянмоқ лозим.

## 2.2. Сиёсий бошқарув жараёнини ўрганишнинг назарий услублари

Сиёсий бошқарув илмий тадқиқот объекти сифатида муайян методологиядан фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, назарий билимлар универсал, вақт билан чегараланмаган хусусиятларни излашни талаб этади. Бу вазифа махсус илмий услублар ёрдамида ҳал қилинади.

Сиёсий бошқарув ҳақидаги билимлар бир қанча фанлар кесишувида шаклланиши боис, бу соҳани ўрганиш услублари ҳам турли илмий ёндашувларни ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, сиёсий бошқарувга жалб қилинган кишиларнинг феъл-атвори мураккаб, зиддиятли ва ўзгарувчан бўлгани боис, сиёсий бошқарув амалиётини бир томонлама тавсифлаш ва тушунтириш мумкин эмас. Бу эса сиёсий бошқарувни турлича ёндашувлар, турли назарий услублар асосида таҳлил қилишни шартлаб қўяди.

Сиёсий бошқарувни таҳлил қилишда қўлланиладиган назарий услубларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ услублар сиёсий бошқарувни яхлит жараён сифатида тавсифлашда қўлланилса, иккинчи гуруҳ услублар сиёсий бошқарув жараёни иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини тадқиқ этишга йўналтирилган.

Биринчи ёндашувда сиёсий бошқарув объектив жараён сифатида ўрганилади. Иккинчисида, кишиларнинг субъектив фаолияти сифатида ўрганилиб, сиёсий бошқарувда иштирок этаётган инсонларнинг мақсадлари, манфаатлари, эҳтиёжларига таянишини назарда тутади.

**Структурализм** услуб сифатида бир аксиомага асосланади. Унга кўра, сиёсатда объектив равишда, инсонларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий тузилмалар – структуралар (институтлар, меъёрлар, гуруҳлар, жамоалар, мақомлар, роллар) мавжуд бўлади. Структуралар кишиларни бирлаштиради, уларнинг феъл-атворини белгилаб беради. Тузилмаларнинг барқарорлиги уларни ижтимоий воқелиқдан ажратиб олган ҳолда ҳар бирини алоҳида ўрганиш имконини беради.

Структурализм ёндашуви доирасида алоҳида шахсларнинг феъл-атвори, одатда, эътиборга олинмайди. Чунки бу ёндашувга кўра, шахс, авваламбор, муайян тузилманинг талабларига итоат этган ҳолда ҳаракат қилади. Масалан, инсоннинг мақоми, унинг муайян ижтимоий гуруҳ ёки сиёсий ташкилотга аъзолиги унинг электорал танловига таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, мақомларни, гуруҳий тузилмаларни ўрганиш баробарида биз сайловларда муайян номзоднинг кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши даражаси ҳақида тахмин қилишимиз мумкин.

Бироқ инсон, одатда, бир эмас, бир нечта тузилма таъсирида бўлади. Чунки инсон бир нечта мақом гуруҳларига тегишли бўлади ва турли меъёрларга қараб йўл тутишга мажбур бўлади. Замонавий фанда “структур босим”нинг мураккаблигини тавсифлаш учун **топология услуб** (юнонча *topos* – жой) қўлланилади. Бунда сиёсат сиёсий макон ёки сиёсий майдон нуқтаи назаридан ўрганилади. Ҳар бир инсон муайян мақомлар, ресурсларга эгаллик қилиб, кўп ўлчамли сиёсий ёки ижтимоий маконда ўзига мос жой, ўрин эгаллаши назарда тутилади.

Ўхшаш ёки бир хил ресурсларга эга (маълумоти даражаси, моддий

аҳволи, сиёсий иерархиядаги мақоми ва ҳоказо) кишилар ижтимоий ва сиёсий маконда яқин позицияларга эга бўладилар, улар бир-бирига интиладилар. Сиёсий маконда эгаллаган ўрни инсоннинг феъл-атвориға кучли таъсир кўрсатади, унинг турмуш тарзи, интилишлари ва сиёсий майлларини белгилаб беради.

Структуралистик ёндашувдан фарқли ўлароқ **функционализм** объектив ижтимоий тузилмалар ўртасидаги алоқадорликларни аниқлашга урғу беради. Масалан, функционал ёндашув доирасида сиёсий бошқарувнинг пайдо бўлиши жамиятда, сиёсий тизимда бунга эҳтиёжнинг етилиши билан тушунтирилади. Тадқиқотчининг вазифаси ҳам мазкур эҳтиёжни вазифага айлантиришдан иборат бўлади. Бошқа бир мисол: сайлов кампанияси давомида унинг ташаббускорлари муқаррар равишда сиёсий рекламадан фойдаланадилар. Сиёсий рекламанинг вазифаларини аниқлаштириш функционализмнинг таҳлил доирасига киради.

**Тизимий таҳлил** ҳозирги кўринишида XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий фанларда шаклланди. Бу ёндашув тадқиқотчини ўрганилаётган объектни ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда бўлган ҳамда доимий ривожланиш ҳолатида бўлган очиқ тизим сифатида ўрганишга йўналтиради. Тизимий таҳлил методологияси сиёсий бошқарувни яхлит таҳлил қилиш, унинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишда чуқурроқ ва кенгрок ёндашиш имконини беради.

Назарий услубларнинг иккинчи гуруҳи сиёсий бошқарув жараёнига жалб этилган кишиларнинг хатти-ҳаракати сабабларини (мотивларини) ўрганишни назарда тутди. Мотивация муаммолари турли фан вакиллари томонидан ўрганилгани боис, кишиларнинг сиёсий феъл-атворини тушуниш ва башорат қилишда қўлланиладиган услублар ҳам турли методологик мактабларга тааллуқли бўлиши мумкин. Улардан энг муҳимлари – оқилона танлов назариялари, психодинамик, бихевиорал, когнитив назариялар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган ҳар бир назарий услуб ўз ютуқлари ва камчиликларига эга. Бу услубларнинг ютуғи шундан иборатки, улар сиёсий бошқарувнинг муайян жиҳатларини тавсифлаш, тушунтириш, таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, улар сиёсий бошқарув субъекти ва объектини ажратувчи ҳамда бирлаштирувчи тузилмаларни таҳлил қилиш имконини беради (структурализм), бу тузилмалар ўртасидаги алоқадорлик-боғлиқликларни аниқлаш имконини беради (функционализм), шахс томонидан муайян сиёсий феъл-атвор моделининг танланиши жараёнларини тавсифлаш имконини беради (психодинамик, когнитив ва бошқа назариялар).

Бироқ ҳеч бир назарий услуб сиёсий бошқарув жараёнларини бутун мураккаблиги ва серқирралигини тавсифлаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам сиёсий бошқарув вазифаларини ҳал қилишда турли назарий услублардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш, зарурат туғилганида эса турли услубий йўналишларни мувофиқлаштириш, уларнинг муштараклигига эришиш талаб этилади.

### 2.3. Сиёсий бошқарувни тадқиқ этишнинг эмпирик услублари

Назарий ёндашувлардан фарқли ўлароқ эмпирик<sup>5</sup> услублар аниқ объект ҳақида билим олишга йўналтирилган. Бир қараганда, эмпирик услублар инсоннинг атроф дунёни ўрганиши билан кўп умумийликка эга. Кузатув, интервью, сўровлар – булар билан биз кундалик ҳаётда кўп тўқнашамиз. Бироқ фанда эмпирик фактларни олиш услублари – мураккаб жараён саналиб, улар тегишли билим, кўникмалар ва малака бўлишини талаб этади.

Эмпирик услубларни миқдорий (“қатъий”) ва сифатий (“юмшоқ”) услубларга ажратиш расм бўлган. Кузатув, анкета сўровлари, контент-таҳлил миқдорий услубларга киради. Case-study (вазиятни ўрганиш), чуқур интервью, фокус-гурӯҳлар билан ишлаш сифатий услублар ҳисобланади.

**Кузатув услуби** – муайян ҳодиса ёки жараёни тушунишга йўналтирилган тизимлашган ҳаракат бўлиб, кузатувчи томонидан унинг сифатлари ва хусусиятларининг қайд қилишини назарда тутаяди. Масалан, сайлов кампанияси давомида рақибларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш уларнинг баёотларини қайд қилишни, сайловолди тадбирлардаги иштирокини кузатиш ва улар томонидан тайёрланган рекламани баҳолашни назарда тутаяди. Кузатув услуби бизни қизиқтирадиган сиёсий воқеаларни кузатишимиз билан умумийликка эга. Бироқ ўз соҳасининг мутахассислари томонидан илмий уюштирилган кузатишлар оддий кузатувлардан тубдан фарқ қилади. Бунда кузатув доираси кенг бўлади, сиёсий майдонда ҳаракат қилаётган кишилар хатти-ҳаракатлари бутун ранг-баранглиги билан қамраб олинади, муайян ҳодисаларнинг такрорланувчанлиги даражаси аниқланади, ўзаро таъсирлар табиати аниқланади, уларнинг изчиллиги белгиланади.

**Анкета сўрови** кузатувдан фарқли ўлароқ шахс онгида содир бўлаётган жараёнлар ҳақида билиш, инсон нимани орзу қилаётгани, давлатнинг қандай шаклини мақсадга мувофиқ деб билиши, қайси етакчилар ва сиёсий партияларга устуворлик бераётганини аниқлаш имконини беради. Онгдаги бу фикрлар муайян вақтга қадар кишиларнинг сиёсий феъл-атворида намоён бўлмаслиги мумкин, бироқ уларни муайян хатти-ҳаракатларга яширинча тайёрлаши мумкин. Анкета сўровлари аҳолининг кўрсатмалари, кадриятлари, майлларини аниқлаш имконини беради, буларни билмай туриб эса белгиланган мақсадларга эришишда муваффақият қозониш мумкин эмас. Бундан ташқари, сўровлар турли сабабларга кўра илмий кузатув доирасидан ташқарида қолган воқеалар ва хатти-ҳаракатлар ҳақида ҳам ахборот бериши мумкин.

**Контент-таҳлил** – ахборот манбаининг шакли ва мазмунига миқдорий ишлов бериш, баҳолаш ва шарҳлаш усулидир. Контент-таҳлил номзоднинг сайловолди плакатлари ва дастурий баёотларида қандай ҳажмда қандай ахборот борлигини, бу ҳужжатлар жамоатчилик фикрини, омманинг манфаат-эҳтиёжларини ифодалаш-ифодаламаслигини аниқлаш имконини беради. Контент-таҳлил, айниқса, анкета сўрови ўтказиш имконияти бўлмаган, бироқ

<sup>5</sup> Эмпирия (юнонча *emprigia* – тажриба) – аниқлик, аниқ маълумотлар, кишиларнинг аниқ хатти-ҳаракатлари.

муайян сиёсий ташкилот, давлат муассасаси, сиёсий етакчининг устувор мақсадлари ҳақида ахборот жуда зарур бўлган вазиятларда қўл келади.

**Case-study** (вазиятни ўрганиш) тадқиқотчининг ўрганилаётган вазиятга муайян муддатга “кириши”ни назарда тутаяди ва ушбу вазиятни ҳар томонлама кўриб чиқиш имконини беради. Аниқроғи, бу услуб объектлар ўртасидаги алоқадорликларни, воқеалар ривожини динамикасини, гуруҳий меъёр ва қадриятларни, роллар структурасини ва ҳокимият юзасидан муносабатлар тизимини ўрганиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, бу услуб фақат бир объект ҳақида ахборот олиш имконини беради, бироқ олинган ахборот батафсил ва тўлиқ бўлади. Сиёсий бошқарувда case-study ёрдамида сиёсий ҳаракатлар, партиялар, шунингдек, бошқарув объекти ҳисобланмиш алоҳида шахслар ўрганилиши мумкин.

**Чуқур интервью** – шундай сўров ўтказилишини назарда тутаядики, унда тадқиқотчи бевосита респондент билан суҳбатлашади ва унга аввалдан тайёрланган саволларга жавобларни ўзи шакллантиришини таклиф этади ва шу тариқа суҳбатдошини фикрлашга, турли ҳодисаларни баҳолашга ундайди. Бундай суҳбат-интервью давомида респондент тасаввурларининг мураккаб ранг-баранглигини юзага чиқариш, унинг ҳиссий кечинмаларини, хавотирлари ва орзу-умидларини тушуниш мумкин бўлади. Одатда, кенг миқёсли анкета сўровига тайёргарлик кўриш вақтида ёки муайян сабабларга кўра анкета сўровини тайёрлаш ва сифатли ўтказиш имконияти бўлмаган шароитда ахборот олишнинг бу услуби қўлланади.

**“Фокус-гурӯҳлар”** услуби ёки гуруҳий баҳс-мунозаралар услубидан аҳоли турли қатламларининг муайян ҳодиса-воқеага муносабатини аниқлашда фойдаланилади. Бу услуб бирор муаммонинг муҳокамасини ўз ичига олади, бундай муҳоқамада махсус танланган кишилар иштирок этадилар, баҳс тадқиқотчи томонидан уюштирилади ва йўналтирилади. Гуруҳий баҳс-мунозарани ташкил этишнинг методикаси пухта ишлаб чиқилган бўлса, сиёсий етакчининг нутқи, сайловолди баёноти, сиёсий реклама ва ҳоказоларга аҳолининг муносабатини ўрганиш мумкин бўлади.

Сиёсий бошқарувда вазият ҳақида ҳар томонлама кенг ахборот олиш учун қўлланиладиган миқдорий ва сифатий услубларнинг қисқача тавсифидан сўнг улар ўртасидаги фарқларни жадвалда келтириш ўринли бўлади:

<b>Асосий кўрсаткичлари</b>	<b>Миқдорий услублар</b>	<b>Сифатий услублар</b>
Назарий модель	Миқдорий маълумотлар ёрдамида ифодаланадиган “қатъий” назарий модель	Янги маълумотлар олинишига мувофиқ равишда ўзгаришга қодир “мослашувчан” назарий модель
Таҳлил мантиқи	Асосан дедуктив	Асосан индуктив
Эмпирик маълумотлар	Статистик кўрсаткичлар, ўзаро таъсирларни ўлчаш	Фикр-мулоҳазалар, ҳужжатлардан парчалар, кузатувлар

	натижалари шаклида ифодаланган	шаклида ифодаланган
Иш тартиби	Бир андозага солинган, такрорлаш назарда тутилади	Тадбирлар камдан-кам ҳолларда такрорланади
Маълумотлар таҳлили	Статистик услублар ёздамида амалга оширилади	Алоҳида мавзуларни ажратиш ёки тўпланган далиллар асосида муайян ғояларни умумлаштириш орқали амалга оширилади; маълумотлар таҳлили яхлит тасаввурга эга бўлишга йўналтирилган

Эмпирик услубларнинг ўзига хослиги яна шунда намоён бўладики, муаммони назарий жиҳатдан ўрганмасдан туриб, назарий услубларсиз эмпирик услублардан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, анкета сўровлари орқали бирор ҳудудда сайловчиларнинг қадриятлари ҳақида маълумот олиш учун “қадриятлар” тушунчасининг назарий моделига эга бўлиш керак, шахснинг мотивациялари тизимида қадриятларнинг роли ва аҳамиятини тушуниш керак. Шунинг учун тадқиқотчи эмпирик маълумотларни излашда муайян назарий-услубий парадигмага таяниши талаб этилади.

Шундай қилиб, пухта назарий-услубий пойдевор, биринчидан, сиёсий бошқарув жараёни ҳақидаги билимларни доимий равишда кенгайтириб бориш, унинг ривожланишига хос хусусиятларни тушуниш, унинг иштирокчилари феъл-атворининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради; иккинчидан, сиёсий вазиятга тўғри баҳо бериш ва самарали сиёсий қарорлар қабул қилиш учун зарур эмпирик материал тўплаш кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

#### **2.4. Сиёсий вазиятни ўрганиш жараёнини ташкил этиш**

Хўш, муайян сиёсий вазиятни ўрганиш жараёнини қандай ташкил этиш лозим, деган савол туғилади. Таъкидлаш жоизки, бошқарувнинг самарадорлиги бошқарув субъектининг объект ҳақида ҳамда ўзи ҳаракат қилиши керак бўлган шарт-шароит тўғрисида ишончли, аниқ, тўлиқ маълумот олиш имкониятига боғлиқ бўлади. Бу маълумотлар вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқарув услубларини қўллаш учун зарурдир. Айтайлик, сайловолди кампания давомида номзод ўз сайловчилари орасида чиқиш қилишни мўлжаллаган. Унинг нутқида қайси муаммолар кўтарилиши керак? Табиийки, айнан шу сайлов округи аҳолисини ташвишлантирадиган муаммолар кўтарилиши керак. Бироқ бу одамларнинг кайфиятлари, манфаатлари, қадриятлари, ташвишлари ҳақидаги ахборотни




қандай олиш мумкин? Бундай кўп сонли турфа фиклар орасида энг асосийсини қандай аниқлаш мумкин?

Сиёсий етакчи имижини яратиш устида ишлаётганлар олдида эса бундан ҳам мураккаброқ вазифа кўндаланг бўлади. “Етакчи кишилар назарида қандай қиёфага эга бўлиши керак” ёки “етақчининг қиёфасини қай тарзда ўзгартириш керак”, деган саволга жавоб топишда кишиларнинг идеал етакчи ҳақидаги фикрларини билиш, муайян етакчининг кишилар томонидан қабул қилинишининг ўзига хос хусусиятларини билиш талаб этилади. Бу ахборотларсиз қарорлар қабул қилиш мумкин эмас.

Бундай тадқиқотлар олиб борилганида кўпинча катта ҳажмдаги ахборот тўплашга ҳаракат қилинади, бироқ кейинчалик унинг талайгина қисми кераксиз бўлиб қолади. Бундай хатонинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун ахборотни мақсадли излаш ва вазиятни таҳлилий режалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Вазиятни таҳлилий режалаштириш – белгиланган мақсадга эришишга туртки бўладиган омилларни аниқлашни назарда тутати. Вазиятни таҳлилий режалаштириш босқичма-босқич ва муайян қоидаларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Қуйидаги чизмада вазиятни таҳлилий режалаштиришнинг асосий босқичлари жадвал тариқасида тасвирланган:



Мазкур жадвалда ифодаланган ҳар бир босқичнинг мазмун-моҳиятини кўриб чиқайлик.

**Ахборот олиш йўллари аниқлаш.** Сиёсий бошқарув воситасида ҳал қилинадиган вазифалар кўп: ҳукуматга ишончни ошириш, қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватланишига эришиш, сайловларда ғалаба қозониш, ихтилофли вазиятни бартараф этиш ва ҳоказо. Муайян мақсадни кўзлаб иш юритиш ахборотни тўплаш жараёнига тегишли йўналиш беради, ахборот излаш жараёнини муайян алгоритмга солади. Мисол учун, ҳукуматга ишончни янада орттириш мақсадида ахборот излашда аҳолининг ҳукуматга муносабатини аниқлаштирувчи саволларга жавобларни топиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, аҳоли билан ҳокимият идоралари ўртасида ишончга асосланган муносабатларни ўрнатишга нима халақит бераётганини аниқлашга урғу берилади. Шунингдек, сайловларда ғалаба қозониш учун “Сайловчилар номзодни қўллаб-қувватлашга тайёрни, сайловчилар унга ўз овозларини беришлари учун номзод нима қилиши керак?” деган саволларга жавоб топиш талаб этилади.

Кўриниб турибдики, ахборотни излаш йўналиши оддий саволларда

ифодаланади, бу саволлар бир фикрни ўзида ифодалайди – мақсадга эришиш учун нима қилмоқ керак? Қуйидаги мисолда сайлов округидаги социал-иқтисодий вазиятни ўрганишнинг мураккаброқ шакли келтирилган. Бунда ўртага ташланган саволларга жавоб топиш учун жиддий изланиш олиб бориш талаб этилади.

Тадқиқот мақсади – социал-иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш.

Белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқот давомида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш таклиф этилади:

1. Аҳолининг турли қатламлари томонидан социал-иқтисодий вазиятнинг баҳоланишини ўрганиш.
2. Мавжуд муаммоларнинг ечими учун ҳокимиятнинг турли тармоқларининг масъуллиги даражасини баҳолаш.
3. Аҳолининг тадқиқ этилаётган ҳудуддаги ҳокимият эгалари ва мансабдор шахсларга муносабатини ўрганиш;
4. Аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун долзарб саналган муаммолар рейтингини аниқлаш;
5. Сайловлар вақтида аҳоли турли қатламларининг электорал фаоллигини ўрганиш;
6. Сайловларда сайловчиларнинг электорал феъл-атворининг эҳтимол тутилган моделларини таҳлил қилиш;
7. Аҳолининг турли ижтимоий қатламларининг сиёсий кайфиятларини аниқлаш;
8. Аҳолининг турли ижтимоий қатламларининг ижтимоий аҳволини таҳлил қилиш;
9. Мавжуд ижтимоий тарангликлар ва низоларнинг таҳлили;
10. Аҳолининг иқтисодий ва социал ислохотларга муносабатининг таҳлили;
11. Дастурни ишлаб чиқиш учун таклифларни саралаш;
12. Сайловлар, номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақидаги ахборотни тарқатиш каналлари (воситалари)ни аниқлаш;
13. Электоратнинг мақсадли гуруҳларини аниқлаш.

**Назарий концепция (модель)нинг танланиши ёки ишлаб чиқилиши. Вазиятни таҳлил қилишда назарий моделлаштириш муҳим қадам ҳисобланади. Унинг ёрдамида объектнинг муҳим жиҳатларини аниқлаштириш, унинг таркибий қисмларини яхлитга бириктириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, назарий модель тадқиқот йўналишини белгилаб беради, муҳим бўлмаган жиҳатларга чалғишга йўл қўймайди.**

Вазиятнинг назарий модели мавҳум конструкция бўлиб, уни яратиш учун методологияни яхши билиш талаб этилади. Назарий модель бевосита кузатилиши мумкин бўлмаган вазият ҳақида билим олиш имконини беради. Биргина вазиятни ўрганиш учун турли назарий моделлар ишлаб чиқилиши мумкин, чунки ҳар қандай фан кўп сонли парадигмаларга таянади, яъни ижтимоий воқеликни ва инсонлар феъл-атворини тушунтирувчи турли назарий услублар мавжудлигини тан

олади. Назарий модельни яратиш жараёнида тадқиқотчи тизимий ёхуд бихевиорал, когнитив ва бошқа илмий ёндашувдан фойдаланиши ёки уларни уйғунлаштириши мумкин. Таъкидлаш жоизки, билимларининг чуқур ва мақсадга йўналтирилган бўлишини истаган тадқиқотчи учун назарий модельни ишлаб чиқиш вазиятни тадқиқ этишдаги муҳим қадам ҳисобланади.

**Операционализация назарий модель танланганидан сўнг амалга ошириладиган жараёндир.** Операционализация деганда назарий-таҳлилий жадвалларни эмпирик тавсифлаш тушунилади. Бу босқичда назарий модель кузатилиши, ифодаланиши ва ўлчаниши мумкин бўлган ҳодисалар шаклида тақдим этилади. Операционализация давомида мавҳум тушунчалар кўрсаткичлар, характеристикалар шаклини олади. Шундай қилиб, операционализация назарий чизмадан аниқ билим олишга ўтиш жараёнини ўзида ифодалайди. Бунда сиёсий жараён иштирокчилари ва шарт-шароитлари тўғрисида билим олиш назарда тутилади, зеро, бусиз сиёсий бошқарув самарадорлигини оширишга доир амалий кўрсатмалар ишлаб чиқиш амри маҳол. Бундан ташқари, операционализация нафақат янги ахборотларни излаш жараёнини конкретлаштиради, балки навбатдаги вазифани ҳам ҳал қилиш имконини беради – тўпланган ахборот орасидан энг муҳимини, зарурий ахборотдан иккинчи даражали ахборотни ажратиш имконини беради.

Вазиятни таҳлилий режалаштириш учун турли эмпирик услублар ёрдамида **ахборот тўплаш** талаб этилади. Бу босқичда аҳоли ўртасида анкета сўровлари ўтказилади, фокус-гурӯҳлар билан ишланади, контент-таҳлил амалга оширилади ҳамда ахборот олишнинг бошқа йўлларида фойдаланилади.

**Маълумотлар таҳлили. Вазиятни режалаштириш.** Бу босқичда олинган маълумотларга математик ишлов берилади, турли омиллар ўртасидаги боғлиқликлар аниқланади, устувор йўналишлар таҳлил қилинади. Таҳлил давомида назарий модель конкрет мазмун билан бойитилади. Агар яна юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, сиёсий арбобнинг имижини шакллантириш мақсадида сиёсий кампания ўтказишда мазкур босқичлар босиб ўтилгач, сиёсатчи одамлар томонидан қандай идрок қилинаётгани, кишилар унинг фаолияти ҳақида нималарни билишлари, кишиларнинг бу сиёсатчига муносабати, у ҳақдаги мулоҳазалари, туйғулари, баҳолари, ундан нимани кутаётганликлари маълум бўлади.

Тажрибанинг кўрсатишича, таҳлилнинг чуқурлиги, унинг сифати, ахборотга ишлов бериш тезлиги аввалги тадқиқот вазифаларининг қанчалик муваффақиятли ҳал қилинганига боғлиқ бўлади, яъни назарий модельнинг пухталиги, операционализациянинг аниқлиги, услубий пойдеворнинг асослилиги, эмпирик материал тўплашга жавобгар шахсларнинг виждонига боғлиқ бўлади.

Вазиятни таҳлилий режалаштириш бошқарув қарорларини қабул

қилишнинг зарурий шартидир. Кишиларнинг кайфиятлари, кўрсатмалари, қадриятлари, феъл-атвор андозаларини билиш ва ўрганиш асосида уларнинг дунёқарашига, хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш мумкин. Бироқ вазиятни таҳлилий режалаштириш қанчалик муҳим ва зарурий эканини тушуниб етмайлик, реал вазият билан унинг таҳлилий конструкцияси бир нарса эмаслигини тушуниб етишимиз зарур. Уларнинг ўртасида доимо фарқ мавжуд бўлади.

Реал вазият доимо мураккаброқ, ихтилофлироқ, ёркинроқ бўлади. Ва ҳаттоки энг мукамал илмий услублар тизими ҳам ижтимоий воқеликни бутун ранг-баранглигини қамраб олиш имконини бермайди. Бундан ташқари, шуни ёдда тутиш керакки, таҳлилий конструкциядан кўра реал вазият анча ўзгарувчанроқ, ҳаракатчанроқ ва тадқиқот объектлари ўз қарашлари ва фикрларини ўзгартириб турадилар. Шундай экан, тадқиқотнинг бу жараёнига шу қадар катта аҳамият бериш шартмикан, деган савол туғилади. Вазиятни таҳлилий режалаштириш зарур жараён эканлиги шак-шубҳасиз. Чунки бунда, биринчидан, кўр-кўрона ҳаракат қилинмайди, иккинчидан, таҳлилий конструкция билан реал вазият ўртасидаги фарқ катта бўлмайди. Бу назарий конструкция бошқарув жараёнидаги асосий, муҳим ва устувор жиҳатларни ажрата билиш имконини беради.

Реал вазиятда юз бераётган ўзгаришларни назорат қилиш учун мониторинг олиб борилади. Жараён мониторинги қаерда ўзгаришлар юз берганини, қаерда муаммолар пайдо бўлганини, қаерга кўшимча кучларни йўналтириш керак эканини аниқлаш имконини беради. Хулоса қиладиган бўлсак, вазият ҳақидаги билимлар сиёсий бошқарувда асосий ресурс бўлиб хизмат қилади.

#### **4-МАВЗУ: Сиёсий бошқарувда сиёсий институтлар. Сиёсий коммуникация ва мулоқот**

##### ***РЕЖА:***

- 4.1. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли.*
- 4.2. Давлат сиёсий бошқарув субъекти сифатида.*
- 4.3. Давлатнинг тузилиши ва бошқарув шакллари.*
- 4.4. Замонавий давлатлар тараққиётидаги тенденциялар.*
- 4.5. Сиёсий тартиботлар.*

**Таянч иборалар:** *давлат, сиёсат, сиёсий тартиботлар, жамият.*

#### **4.1. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли.**

Сиёсий фаннинг мустақил фан мақоми олиши ва институтлашуви натижасида турли сиёсий ҳодисаларнинг кўп сонли тадқиқотлари ўтказилди. Натижада, сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳулқ-атвори тавсифловчи катта ҳажмдаги эмпирик маълумотлар тўпланди. Бу маълумотларни тартибга келтириш, муайян тизимга солиш, сиёсий ҳаётни яхлит ифодоловчи назарий асосни барпо қилиш зарурияти - сиёсий тизим назариясини ишлаб чиқишда замин бўлиб хизмат қилди.

Т.Парсонс ўзининг ижтимоий тизимлар назариясида жамиятдаги маънавий, иқтисодий ва сиёсий тизимларни ажратиб кўрсатди. Унинг фикрича, иқтисодий тизим жамиятнинг товарларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилса, маънавий тизим ижтимоий меъёрлар ёрдамида жамият ҳаётини тартибга солишга хизмат қилади. Сиёсий тизим эса, Т.Парсонснинг фикрича, жамиятни умумий мақсадлар сари сафарбар этишга, бирлаштиришга хизмат қилади.

Америкалик олимлар Дэвид Истон ва Габриэль Алмонд **сиёсий тизим назариясининг** асосчилари ҳисобланадилар. Д.Истон ўзининг «Сиёсий тизим» (1953), «Сиёсий таҳлил чегараси» (1965), «Сиёсий ҳаётнинг тизимий таҳлили» (1965) асарлари билан сиёсий тизим назариясига асос солди. Унингча, сиёсий тизим ўзини ўзи бошқарувчи ва тараққий этувчи яхлитлик бўлиб, ташқаридан келадиган импульсларга жавоб беради. Бу тизим кўп бўлақлардан иборат яхлитлик бўлиб, муайян чегараларга эга. Сиёсий тизимнинг **кириш жойи** бор, унга ташқаридан импульслар - яъни талаб ва таянч етиб келади. Тизимнинг **чиқиш жойи**дан сиёсий Қарорлар ўрин олади ва улар ёрдамида сиёсий ҳаракатлар амалга оширилади. Д.Истонга кўра сиёсий тизим куйидагича кўринишга эга:



**Талаблар** сиёсий тизимга келиб тушадиган маълумотлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Талаблар кенг ва тор бўлиши мумкин. Масалан, Чернобил АЭСида юз берган фалокат натижасида тор талаблар - шу станцияни умуман ёпиб қўйиш ва кенг талаблар - атом энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сиёсатни тўлалигича ўзгартириш талаблари қўйилди. Д.Истон талабларни уч гуруҳга ажратади:

- тақсимловчи талаблар (иш ҳақини ошириш, таълим олиш шарт-шароитлари, медицина хизматининг сифатини ошириш билан боғлиқ талаблар);

- тартибга солувчи талаблар (ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, бозорни назорат қилиш билан боғлиқ талаблар);
- коммуникатив талаблар (ахборот олиш кафолатлари билан боғлиқ талаблар).

Талаблардан ташқари сиёсий тизимнинг кириш жойига **таянч** ҳам етиб келади. Таянч моддий бўлиши (солиқ тўлаш, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш, ҳарбий хизмат ўташ ва ҳоказо) ҳамда маънавий (давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш, ҳукуматга хайрихоҳлик) шаклда бўлиши мумкин.

Сиёсий фан тараққиёти давомида сиёсий тизимлар назарияси ривожлантирилиб, Д.Истон моделининг айрим камчиликлари тузатилди. Истон назариясига кўра, сиёсий тизим унга келиб тушадиган талабларга жавобан фаолият юритади. Умуман олганда бу – тўғри, бироқ масалага бундай ёндашиш оқибатида сиёсий тизимнинг мустақиллиги ҳисобга олинмайди. Ҳукумат фуқароларнинг манфаат ва истакларига боғлиқ бўлмаган кўпгина масалаларни ҳам ҳал қилади. Бундай ёндашув асосида ҳукуматнинг урушлар бошлаш (масалан, Афғонистонга совет қўшинларини киритиш), солиқларни ошириш билан боғлиқ Қарорларини тушунтириш қийин. Шу боис, сиёсий фанда Д.Истон моделини ички кириш жойлари билан тўлдириш Ғояси пайдо бўлди, бу кириш жойига сиёсий элитадан импульслар келиши таъкидланди.

Сиёсий тизим - атроф муҳитдан муайян чегаралар билан ажратилган. Сиёсий тизим чегаралари анча ҳаракатчандир. Сиёсий тизим чегаралари фуқароларнинг сиёсатдаги ихтиёрий иштироки ҳисобига кенгайиб боради. Сиёсий тизим таркибида институционал, меъёрий, коммуникатив, маданий ва функционал тизимларни ажратиш мумкин. **Институционал тизим** сиёсий институтлардан ташкил топган. Ўзида катта ҳажмдаги сиёсий ҳокимият тўплаган асосий сиёсий институт - давлатдир. Сиёсий тизимда сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўз табиатиغا кўра сиёсий бўлмаган ижтимоий институтлар - оммавий ахборот воситалари ва диний ташкилотлар ҳам сиёсий тизимда муҳим ўрин эгаллайди.

**Меъёрий тизим** сиёсий ҳаётни тартибга солувчи турли хил меъёрлар – ҳуқуқий нормалар, ахлоқий меъёрлар, сиёсий анъаналардан ташкил топган. **Коммуникатив тизим** сиёсий тизим ичидаги ва ташқарисидаги барча алоқа шакллари, ўзаро таъсир ва мулоқотларни (масалан, сиёсий партиялар билан ҳукумат муносабатларини, сиёсий тизим билан иқтисодий тизимнинг ўзаро таъсирини, бир давлат сиёсий тизими билан бошқа давлат сиёсий тизими ўртасидаги муносабатларни) ўз ичига қамраб олади. **Маданий тизим** сиёсий кадриятлар, миллий менталитет, сиёсий ҳуққ андозалари, мафкура ва жамоатчилик фикридан иборат. **Функционал тизим** сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари ва воситаларида намоён бўлади ҳамда “сиёсий тартибот” тушунчасида ўзининг умумлашган ифодасини топади.

Г.Алмонд ўзининг «Ривожланаётган ҳудудлар сиёсати» китобида сиёсий тизимнинг кириш жойи билан боғлиқ ва чиқиш жойи билан боғлиқ вазифаларни фарқлайди. Булар: сиёсий ижтимоийлашув, манфаатларни ифода этиш (артикуляция), манфаатларни талаблар ва дастурлар шаклига

келтириш (агрегация)дан иборат. Меъёрлар ишлаб чиқиш, Қонунларнинг ижросини амалга ошириш, уларнинг ижросини назорат қилиш каби вазифалар эса сиёсий тизимнинг чиқиш жойи билан боғланади. Сиёсий тизим ўз вазифаларини самарали бажарганидагина унинг фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиши кучаяди.

Сиёсий тизимларнинг табиатига қатор омиллар таъсир кўрсатади: маданият, тарихий анъаналар, иқтисодий ривожланиш, фуқаролик жамиятининг етуклиги ва ҳоказо. Сиёсий тизимнинг атроф муҳит билан ўзаро таъсирида ушбу омиллардан қайси бири устуворлик қилишига қараб сиёсий тизимлар туркумларга ажратилади. Ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларига кўра **очик сиёсий тизимлар** ва **ёпиқ сиёсий тизимлар** фарқланади. Очиқ сиёсий тизимлар атроф муҳит, ташқи дунё билан кенг алоқа қиладиган тизим бўлса, ёпиқ сиёсий тизимларнинг ташқи дунё билан мулоқоти минимумга етказилган бўлади. Сиёсий тизимни **демократик, тоталитар, авторитар** тизимларга бўлиш кенг тарқалган ва бундай туркумлаш сиёсий тартибот табиати билан боғланади.

Яна бир туркумлашга кўра сиёсий тизимлар **анъанавий** ва **замонавий тизимларга** ажратилади. Анъанавий сиёсий тизимларда фуқаролик жамияти ривожланмаган ва сиёсий роллар заиф тақсимланган бўлади. Замонавий сиёсий тизимларда ривожланган фуқаролик жамияти мавжуд, сиёсий роллар аниқ тақсимланган бўлади. **Ж.Блондель** сиёсий тизимларни беш категорияга бўлади. **Либерал-демократик сиёсий тизимлар** сиёсий Қарорлар Қабул Қилишда либерализмга асосланадиган бўлса, **радикал-авторитар ёки коммунистик тизимлар** ижтимоий бойликларни тақсимлашда тенгликка асосланади. **Анъанавий сиёсий тизим** олигархиянинг ҳукмронлиги ва ижтимоий адолатсизликнинг ҳимоя қилиниши билан ажралиб туради. **Популистик тизимлар** авторитар воситалар ёрдамида моддий бойликларни адолатли тақсимлашга интиладилар ва шу боис халқ томонидан қўллаб-қувватландилар. **Авторитар-консерватив** тизимларда мавжуд тенгсизликни сақлаб қолишга ҳаракат қилинади ва сиёсий иштирокни кенгайтиришга йўл қўйилмайди.

Сиёсий маданиятни эътиборга олган ҳолда Г.Алмонд сиёсий тизимларнинг тўрт турини фарқлайди: инглизча-америкача, континентал-европача, Қисман саноатланган ва тоталитар сиёсий тизимлар. **Инглизча-америкача сиёсий тизим**да шахс эркинлиги, фаровонлик, хавфсизлик ва мулк каби либерал қадриятлар устун туради. Бу тизимда сиёсий роллар аниқ тақсимланган бўлиб, манфаатларни ифода этувчи кўп сонли институтлар тизими ривожланган. Шу боис бундай тизимларда эҳтиёжларни қондириш даражаси юқори бўлиб, шунинг ҳисобига барқарорлик таъминланади. **Континентал-европача** сиёсий тизимда сиёсий маданият бўлакларга ажралган бўлади, бир-биридан фарқ қилувчи маданий тизимлар мавжуд бўлади. Бундай сиёсий тизимларда замонавий маданиятлар билан анъанавий маданиятларнинг қоришмасини кўриш мумкин. **Қисман саноатлашган сиёсий тизимлар**да мажбурлаш даражаси юқори. Бир-биридан кескин фарқ қилувчи сиёсий йўналишлар, оқимларнинг мавжудлиги ва уларни

келиштиришдаги Қийинчиликлар зўрлаш воситаларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради. Бундай тизимларда сиёсий тузилмалар ва уларнинг вазифалари аниқ чегараланмаган, шу боис ижроя органлар қонун чиқарувчи идораларнинг вазифаларини ўзлаштириб олишлари мумкин. **Тоталитар сиёсий тизимларда** тобелик сиёсий маданияти устунлиги боис сиёсий кадриятлар ва сиёсий ҳуққ андозалари ҳокимият эгалари томонидан, яъни “юқоридан” туширилади. Бундай тизимларда сиёсий ҳаваскорлик ва ихтиёрий ташкилотлар тузиш тақиқланади. Сиёсий фаолликнинг мажбурий шакли устун туради. Ҳокимият эгалари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини назорат қилади.

Барқарорлик ва ўзгаришларга мойиллиги жиҳатидан консерватив ҳамда ўзгарувчан сиёсий тизимлар фарқланади. **Консерватив сиёсий тизим** мавжуд тартибни сақлайдиган ва уни қўллаб-қувватлайдиган тизим бўлса, **ўзгарувчан сиёсий тизимлар** ижтимоий янгиланишга, ўзгаришларни амалга оширишга, ислохотлар ўтказишга йўналтирилган бўлади. Ўзгарувчан сиёсий тизимларнинг ўзини иккига ажратиш мумкин: **реакцион сиёсий тизимлар** - сиёсий ҳаётнинг қўхна ва ўтмишдаги андозаларига қайтишга Қаратилган бўлса, **прогрессив сиёсий тизимлар** - янги типдаги жамият шакллантиришга йўналтирилган. Сиёсий тизимларнинг кўплаб турлари мавжудлиги сиёсий ҳаётнинг ранг-баранг ва серқирра эканлигидан далолат беради. Алоҳида мамлакатлардаги мавжуд сиёсий тизимни турли кўрсаткичлар ва омиллар ёрдамида тавсифлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш мумкин.

## 4.2. Давлат сиёсий бошқарув субъекти сифатида

Давлат максимал ҳокимият тўплаган асосий сиёсий институт сифатида доимо сиёсий фан вакилларининг диққат марказида бўлган. Узоқ давргача “давлат” ва “жамият” атамалари ўртасида чегара қўйилмаган, кишилар бу тушунчаларни фарқламаганлар. Бу тушунчалар ўртасидаги фарқни кўрсатиб берган олим - Н.Макиавелли эди. У давлатни таърифлаш учун махсус “*stato*” атамасини илмий мулоқотга киритди. Фуқаролик жамияти ва давлатни назарий жиҳатдан чегаралаган олимлардан яна бири - файласуф Гегель эди. Жамият ва давлатни айнан бир деб ҳисоблаш анъанаси ҳозирда ҳам мавжуд бўлиб, назарияда эмас, кундалик онгда сақланиб олган. Мулоқотда “давлат” атамаси кўпинча мамлакат, миллат, Ватан, жамият каби тушунчалар билан бир маънода Қўлланилади.

Давлатга муносабатда эстатик (фр. “*etat*” – давлат) ва аксилэстатик йўналишлар ўртасидаги курашни кузатиш мумкин. Эстатик йўналиш тарафдорлари жамият ҳаётига давлатнинг фаол аралашувини оқловчи Қарашларни ифода этсалар, аксилэстатик йўналиш тарафдорлари давлатнинг жамият ҳаётига аралашувини чеклаш билан боғлиқ фикрларни илгари сурганлар. Биринчи йўналиш тарафдорлари давлатга ижобий муносабатда бўлиб, унинг ижтимоий фойдалилигини тан олган бўлсалар, иккинчи йўналиш намояндалари давлатга салбий муносабатда бўлганлар ҳамда давлатни инсон



эркинликларини чекловчи ёвуз куч сифатида талкин қилганлар.

Сиёсий фанда давлат тадқиқотлари турли ёндашувларга асосланган ҳолда олиб борилган. Булардан энг кўп тарқалгани – меъёрий ёндашувдир. Унга кўра, давлат хулқ-атвори, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар йиғиндиси дир. Институционал ёндашувга кўра, давлат – мураккаб табиатга эга, марказлаштирилган, иерархик тузилишга эга сиёсий институт дир. Социологик ёндашувга мувофиқ давлат - ижтимоий ҳаётни уюштириш шакли, ягона олий ҳокимиятга бўйсинувчи кишилар иттифоқи, сиёсий яхлитлик дир.

Давлатнинг манбалари, яъни унинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳақидаги масала сиёсий фан учун муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон сиёсий тафаккурида бу масала юзасидан Қатор Қимматли фикрлар айтилган. Теократик концепция бўйича давлат Худонинг иродасига кўра пайдо бўлган. Патриархал назария тарафдорлари давлат ҳокимиятини ҳомийлик, оталик ҳокимияти сифатида талкин қилади ҳамда уни уруғларнинг кабилаларга, кабилаларнинг йирик жамоаларга бирлашиши натижасида вужудга келган, деб хулоса қилади. Шартнома назариясида давлат ҳукмдор ва фуқаролар ўртасидаги келишув натижасида пайдо бўлган, бу шартнома ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш ва тартибни таъминлаш мақсадида тузилган, деб уқтирилади. XIX асрда забт этиш назарияси кенг тарқалди (асосчиси Л.Гумплович). Бу назарияда давлатнинг вужудга келиши бир гуруҳларнинг бошқа гуруҳларни забт этиши билан тушунтирилар эди. Психологик назария асосчилари давлат илдизларини улуғ истеъдодли инсон томонидан кашф қилинган Ғояда кўрар эдилар. Давлатнинг вужудга келишини тушунтирувчи ижтимоий-иқтисодий концепция алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, давлат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида, ижтимоий ва мулкий табақаланиш туфайли келиб чиққан, шу боис давлат манбаларини меҳнат тақсимоти, жамиятни бошқариш билан боғлиқ фаолиятнинг ажралиб чиқиши билан боғлаш лозим.

Бошқа сиёсий институтлардан давлат ўзининг расмийлиги, юқори даражадаги ҳокимиятнинг тўпланганлиги, фаолиятини тартибга соладиган муайян Қоидаларнинг мавжудлиги, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг кенг имкониятларига эгалиги билан ажралиб туради. Давлат жамият яхлитлигини таъминлайди ва шундай сиёсий марказ ҳисобланадики, бошқа барча сиёсий кучлар унга сари интиладилар. Давлат жамият ҳаётини уюштиради, унда муайян тартиб бўлишини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, турли сиёсий тизимларда давлатларнинг роли турлича.

Давлат мажбурлаш, куч ишлатиш каби фавқулодда ҳуқуққа эга. Давлат мажбурлаш аппарати - армия, тартибни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш хизматлари ёрдамида ўз иродасини бошқаларга ўтказди. Бу – фақатгина давлатга тегишли бўлган фавқулодда ҳуқуқлардан биридир. Ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи умуммажбурий Қонунлар қабул қилиш ҳуқуқи ҳам

шулар жумласидандир. Давлатнинг яна бир фавқулодда ҳуқуқи - солиқлар йиғиш ҳуқуқидир. Солиқлар - давлатни озиқлантирувчи манба бўлгани учун давлатлар солиқ йиғиш ҳақида доимо Қайғуради. Шу боисдан солиқ хизмати ҳар Қандай давлатнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Давлатнинг муҳим белгиси – унинг ҳудудидир. Давлат учун чегаралар нафақат географик категория, балки сиёсий категория ҳамдир. Чунки ҳар бир давлат пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнида ўзи учун Қулай табиий бўсағаларда чегара ўрнатишга ҳаракат Қилади. Бунда давлат ҳудуди этник чегаралар билан мос келиши катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Зеро, буларнинг мос келмаслиги ҳудудий даъволарни келтириб чиқаради, ихтилоф манбаига айланади.

### 4.3. Давлатнинг тузилиши ва бошқарув шакллари

Давлатларни турли белги ва омилларга кўра туркумлаш мумкин. Бошқарув шаклига кўра туркумлаш давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартибига кўра амалга оширилади. Бошқарув шаклини белгиловчи мезонлар куйидагилардан иборат:

- давлат раҳбари лавозимини эгаллаш тартиби; давлат раҳбарига берилган ваколатлар ҳажми; ҳокимият ваколатларининг давлат раҳбари ва вакиллик идоралари ўртасида тақсимланиши; давлат органларига юклатилган мажбуриятлар Ҳокимиятни ташкил этиш усулига кўра монархия ва республикалар ажратилади. Монархия - давлат бошқаруви шакли бўлиб, унда давлат раҳбари (монарх) ҳокимиятни ворисийлик асосида қабул қилиб олади (одатда, ҳокимият отадан ўғилга ўтади). Бунда ҳокимиятга эгаллик қилиш муддати чегараланмаган (одатда умрининг охиригача), монарх вафотидан кейин ҳокимият унинг авлодларига ёки яқин қариндошларидан бирига ўтади. Монархиянинг куйидаги шакллари ажратилади:
  - мутлақ (чекланмаган) монархия;
  - дуалистик монархия;
  - конституцион (чекланган) монархия. **Мутлақ (чекланмаган) монархияда:**
    - ҳокимият тўлалигича монархга тегишли бўлади;
    - қонун чиқарувчи вакиллик органи бўлмайди;
    - монарх жамият томонидан назорат қилинмайди;
    - барча давлат қарорлари монарх томонидан қабул қилинади;
    - мансабдор шахслар монарх томонидан тайинланади;
    - суд ҳокимияти ҳам монарх қўлида тўпланади.

*Масалан, Саудия Арабистони, Қатар, Уммон, Бруней, Бахрайн.* **Дуалистик монархияда:**

- ҳокимият монарх ва парламент ўртасида тақсимланади;

- конун чиқарувчи вакиллик органи мавжуд бўлади;
- парламент ваколатлари чекланган бўлиб, монархнинг роли кучли бўлади;
- ҳукумат монарх томонидан шакллантирилади;
- ҳукумат монарх олдида масъулиятли бўлади;
- парламент халқ иродасини ифода этади, бироқ монарх ва ҳукуматни назорат қила олмайди;
- одатда парламент монарх ҳокимиятини кўшимча легитимлаштиришга хизмат қилади;
- кўпинча вақтинчалик ўтиш табиатига эга бўлади.

*Масалан, Иордания, Кувайт, Непал, Таиланд* **Конституцион монархияда:**

- монарх институти сақланади, бироқ ҳокимият парламентга тегишли бўлади;
- монарх ҳокимияти конституция ва қонунлар билан чекланган бўлади;
- кенг ваколатларга эга парламент мавжуд бўлади;
- ҳукумат парламент томонидан шакллантирилади;
- ҳукумат парламент олдида масъулиятли бўлади;
- давлат қарорлари парламент томонидан қабул қилинади;
- монарх миллат яхлитлигининг рамзи сифатида намоён бўлади;
- кўпинча, контрассигнатура институти мавжуд бўлади.

*Масалан, Буюк Британия, Швеция, Испания, Япония, Голландия, Бельгия.* **Республика** - давлат бошқаруви шакли бўлиб, унда давлат раҳбари мамлакат фуқаролари томонидан сайланади. Унинг ваколатлари муддати конунда белгиланган тартибда чекланган бўлади (одатда 4-7 йил). Республиканинг куйидаги шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

- президентлик республикаси;
- парламентар республика;
- аралаш шаклдаги республика. **Президентлик республикасида:**
- давлат раҳбари – президент устун роль ўйнайди;
- одатда, президент халқ томонидан сайланади ва катта легитимликка эга бўлади;
- президент давлат идоралари (парламент)дан мустақил бўлади;
- президент ва парламент “ўз фаолият доирасида” амал қилади, бунда президент ҳал қилувчи сўзга эга бўлади;
- президент ижроя ҳокимиятни бошқаради ва вазирларни тайинлайди;
- ҳукумат президент олдида масъулиятли бўлади;
- бош вазир лавозими бўлмайди ёки бош вазир маъмурий роль ўйнайди;
- одатда, парламент ҳукуматга ишончсизлик билдира олмайди;
- баъзи давлатларда президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади;
- ижроя ҳокимияти бошлиғи бўлган президент барча давлат идораларидан устун туради.

*Лотин Америкаси давлатларида кенг тарқалган.*

### **Парламентар республикада:**

- одатда, президент парламент томонидан сайланади;
- президент мустақил роль ўйнамайди, балки ҳукумат ва парламент иродасини бажаради;
- президент парламент олдида масъулиятли бўлади;
- парламент давлат ҳаётига оид барча муҳим масалаларни ҳал қилади;
- ҳукумат парламент томонидан шакллантирилади;
- ҳукумат парламент олдида масъулиятли бўлади (парламент томонидан ишончсизлик билдирилган тақдирда ҳукумат истеъфога чиқариб юборилиши мумкин).

*Масалан, Германия, Италия, Ҳиндистон, Венгрия, Чехия*  
**Аралаш шаклдаги республика:**

- президентлик республикаси ва парламентар республика ўртасидаги оралиқ мавқени эгаллайди;
- ҳокимият президент ва парламент ўртасида деярли тенг тақсимланади;
- одатда, президентни халқ сайлайди ва президент ўз вазифаларини, парламент ўз вазифаларини бажаради;
- ҳукуматни шакллантиришда президент ва парламент биргаликда иштирок этадилар;
- бош вазир мустақил бўлиб, мамлакатда президентдан кейинги иккинчи мансабдор шахс ҳисобланади;
- ҳукумат ҳам, президент ҳам парламент олдида масъулиятли бўлади (президент ҳукуматни истеъфога чиқариши, парламент унга ишончсизлик билдириши мумкин).

*Масалан, Франция, Польша, Португалия, Финляндия.* Давлатларни ҳудудий тузилишига кўра туркумлашда давлатнинг яхлитлик даражаси, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар тизими инобатга олинади. **Ҳудудий тузилишига кўра** қуйидаги давлатлар ажратилади: унитар давлат, федерация ва конфедерация.

### **Унитар давлат:**

- яхлит ҳудудга эга бўлади;
- аҳолисининг кўпчилигини асосан бир миллат вакиллари ташкил этади;
- ҳудудида ягона конституция ва қонунчилик амал қилади;
- маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади;
- марказий ҳукумат катта ваколатларга эга бўлади.

*Масалан, Франция, Швеция, Финляндия, Польша, Чехия, Эстония.* Федерация:

- одатда, кўп миллатли, катта ҳудудга эга давлат;
- ўз федерал конституциясига, олий давлат идораларига, рамзларига эга;
- шунингдек, федерация субъектлари ҳам ўз конституцияси, давлат рамзлари ва давлат идораларига эга;
- федерация икки палатали парламентга эга, “юқори палата” ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади;
- марказ ва ҳудудларнинг ваколатлари аниқ тақсимланган;

- федерация аъзолари давлат ҳисобланмайдилар ва ацессия ҳуқуқига эга эмаслар.

*Масалан, АҚШ, ГФР, Швейцария, Россия, Ҳиндистон. Конфедерация:*

- ўткинчи ва беқарор тузилма;
- бирор мақсад йўлида бирлашган мустақил давлатлар иттифоқи;
- одатда тарқалиб кетади ёки федерацияга ўсиб ўтади.

Масалан: 1848 йилгача Швейцария; Бирлашган Араб Республикаси – Жамол Абдул Носир ташаббуси билан 1958 йилда Сурия ва Мисрнинг конфедерацияси сифатида тузилган, 3 йилдан кейин тарқалиб кетган; Сенегамбия – Сенегал ва унинг ҳудудидаги Гамбиянинг конфедерацияси 7 йил мавжуд бўлган (1982-1989). Давлатнинг моҳияти унинг сиёсий режими билан ҳам белгиланади. Бунга кўра, тоталитар, авторитар ва демократик давлатлар ажратиб кўрсатилади. Сиёсий ҳаётнинг барқарорлиги, унинг узлуксизлигига кўра барқарор ва беқарор давлатлар ажратилади. Беқарор давлатлар президентлар, ҳукуматлар, парламентлар, конституцияларнинг тез-тез алмашиб туриши билан, давлат тўнтаришларининг кўп сонлилиги билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан Лотин Америкаси давлатлари сиёсий ҳаёти ўзининг беқарорлиги билан ажралиб туради. Маълумотларга кўра, 150 йил мустақил ҳаёти давомида бу давлатларда 535 та давлат тўнтариши амалга оширилган.

<b>ҲУҚУҚИЙ БЎЛМАГАН ДАВЛАТ</b>	<b>ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ</b>
Давлат ҳокимияти ҳеч қандай қонун билан чекланмаган	Давлат ҳокимияти қонун устуворлиги негизда амалга оширилади
Ҳокимият бўлиниши тамойили амал қилмайди ёки фақат расмий кўринишга эга бўлди	Ҳокимият бўлиниши тамойили тўла амал қилади
Фуқароларнинг, инсонларнинг эркинликлари ва ҳуқуқлари ҳимояланмаган	Фуқароларнинг, инсонларнинг эркинликлари ва ҳуқуқлари тўла ҳимояланган
Давлат ҳокимияти томонидан рухсат берилмаган барча фаолият турлари таъқиқланади	Қонун томонидан таъқиқланмаган барча турдаги фаолиятга рухсат берилади
Одил суд фақат жазоловчи табиатга эга бўлади, қонунчиликда айбсизлик презумпциясига амал қилинмайди	Қонунчиликда айбсизлик презумпциясига ва айбланувчининг фақат адвокат олдида кўрсатма бериши ҳуқуқига тўла амал қилинади
Давлат қонунчилиги халқаро ҳуқуқий актлар ва меъёрларнинг устуворлигини тан олмайди ёки уларни рад этади	Давлат қонунлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос равишда қабул қилинади

Ташқи сиёсатда кучга таянилади ва “Мақсад воситаларни оқлайди” тамойилига амал қилинади	Ташқи сиёсатда ихтилофларни сиёсий-ҳуқуқий йўл билан бартараф этишга урғу берилади, “Эзгу мақсадларга адолатсиз воситалар билан эришиб бўлмайди” тамойилига амал қилинади
---	---

#### 4.4. Замонавий давлатлар тараққиётидаги тенденциялар

Замонавий давлатлар тараққиётида икки ўзаро боғлиқ тенденцияни кузатиш мумкин. Биринчи тенденция жамиятда давлатнинг ролини кучайтиришга, давлат аппаратини ўстиришга қаратилган бўлса, иккинчи тенденция биринчисига қарама-қарши бўлиб, давлат ҳокимиятини чегаралаш билан характерланади. Давлат ролини кучайтириш билан боғлиқ йўналиш қатор сабаблар оқибатида вужудга келган. Бу сабаблар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: жамият ҳаётининг қатор соҳаларини давлат томонидан тартибга солиш зарурати, шунга мувофиқ қонунлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи, янги жинойтлар (масалан, компьютер соҳаси билан боғлиқ жинойтлар) билан кураш вазифаси бу муаммоларнинг ечими билан махсус шуғулланадиган давлат ташкилотларини шакллантиришни тақозо этади.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ҳаётида давлат роли кучайтирилишининг яна бир сабаби - иқтисодни тартибга солишнинг бозор механизмининг чекланган имкониятларидир. Давлат капитали ишлаб чиқаришнинг кам даромадли, лекин муҳим соҳаларига йўналтирилмоқда, илғор илмий соҳаларни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Давлатнинг иқтисодий роли билан бир қаторда унинг ижтимоий роли ҳам кучаймоқда. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, ишсизликнинг ижтимоий оқибатларини тартибга солиш зарурати, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги зиддиятлар ва номувофиқликларнинг олдини олишга қаратилган фаол ҳудудий сиёсат олиб бориш зарурати давлатнинг ижтимоий ролини оширмоқда. Ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий низоларни ҳал қилиш, ижтимоий ҳимояга кучайган эҳтиёж давлатнинг ижтимоий ролини юксалтирмоқда.

Давлат тараққиётидаги бундай йўналишлар сабабли деярли барча ривожланган мамлакатларда почта тўлалигича давлат тасарруфида, темир йўллари, ҳаво транспорти, газ саноати, электр энергетикаси - давлат тасарруфидадир. Давлат ролининг ошиши ҳалқаро алоқаларнинг кенгайиши, ва шунга мувофиқ, давлатнинг дипломатик, мафкуравий, ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Давлат ролининг ўсиши сиёсатнинг ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг мураккаблашувидан ҳам келиб чиқади.

Давлат ролининг кучайиши қатор ижтимоий омиллар билан, хусусан, ғайриэтак йўналиш туфайли чекланмоқда. Ривожланган сиёсий тизимга эга

бўлган жамиятларда давлат ҳокимияти доимо фуқаролик жамияти томонидан жамоатчилик фикри, муҳолифат фаолияти, жамоат назорати ёрдамида чеклаб турилган.

#### 4.5. Сиёсий тартиботлар

«Сиёсий тартибот» тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида илмий мулоқотга киритилган. Французча «режим» (regime) сўзи ўзбек тилида тартибот деб юритилади ва бошқарув усули, идора этиш тарзи маъносини беради. Сиёсий тартибот - сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш воситалари, усуллари, шакллари йиғиндиси. Кўп жиҳатдан сиёсий тартибот давлат шаклига, аниқроғи давлатни бошқариш шаклига боғлиқ бўлади. Бироқ бу боғлиқликни мутлақлаштириб бўлмайди. Чунки давлатнинг бошқарув шакли унинг Конституцияси ва Қонунларида мустаҳкамланган бўлиб, сиёсий ҳаётнинг расмий-ҳуқуқий томонинигина ўзида ифода этади. Бироқ конституцияда мустаҳкамланган тартиблар баъзи ҳолларда ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топмайди. АҚШ ва СССРни эсга оладиган бўлсак, аслида бу давлатларнинг бошқарув шакли бир хил (республика) бўлса-да, ҳокимиятни амалга ошириш шаклига кўра улар жиддий фарқ қилар эдилар. Ёки бошқарув шакли монархия бўлса-да, республикаларга нисбатан демократия хийла кўпроқ ривожланган давлатларни мисол қилиб олайлик. Шу боис, давлатларнинг сиёсий тизими ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун у ерда расман эълон қилинган бошқарув шаклини билиш kifоя қилмайди. Бунинг учун мамлакатда қандай сиёсий тартибот ўрнатилганлигини ҳам аниқлаш зарур.

Сиёсий тартибот мамлакат ҳаётининг муайян босқичига хос сиёсий муносабатлар тартиби, сиёсий эркинлик даражаси, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажми, демократик ҳуқуқларнинг кафолатланганлик даражаси, бошқариш усулига боғлиқ бўлади. Сиёсий тартибот давлатнинг жамият ва алоҳида шахс билан муносабатларида ҳам ўз ифодасини топади. Сиёсий тартиботларнинг белгилари:

- сиёсий ҳокимиятни шакллантиришда халқнинг иштироки даражаси;
- инсон ҳуқуқлари билан давлат ҳуқуқларининг нисбати;
- шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги;
- ҳокимиятни амалга ошириш механизмларининг ўзига хос хусусиятлари;
- ҳокимиятнинг бевосита халқ томонидан амалга оширилиши даражаси;
- ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида Қонун устуворлиги даражаси;
- оммавий ахборот воситаларининг мавқеи, жамиятда ошкоралик даражаси ва давлат бошқарувининг шаффофлиги;
- сиёсий тизимда нодавлат тузилмаларининг ўрни ва роли;
- Қонун чиқарувчи ва ижроя ҳокимиятлари ўртасидаги нисбат;
- сиёсий етакчиликнинг ўзига хос хусусиятлари;
- сиёсий Қарорларни қабул қилишда озчилик манфаатларининг инобатга олиниши;
- сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда муайян усулларнинг устуворлиги;

- жамият билан ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиати;
- сиёсий феъл-атворнинг ўзига хос хусусиятлари;
- давлатдаги куч тузилмалари (армия, давлат хавфсизлиги идоралари ва полиция)нинг жамиятдаги мақоми ва роли;
- сиёсий плюрализм ҳажми;
- кўппартиявийликнинг шаклланганлиги;
- мансабдор шахсларни сиёсий ва ҳуқуқий жавобгарликка тортиш механизмларининг мавжудлиги.

Сиёсий тартиботларни туркумлашнинг Қатор мезонлари бор. Хусусан, ҳокимият идораларига сайловларнинг Қандай ташкил этилиши, Қайси кучларнинг ҳокимиятдан ўрин олганлиги, ҳокимиятни амалга оширишнинг қандай усулларига устунлик берилиши, сиёсий муҳолифатнинг фаолиятига қай даражада йўл Қўйилганлиги, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш даражаси - сиёсий тартиботларни туркумлашдаги муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Шу мезонлар асосида Қуйидаги сиёсий тартиботлар фарқланади:

1. Тоталитар тартиботлар;
2. Авторитар тартиботлар;
3. Демократик тартиботлар.

Тоталитаризм сиёсий тартибот сифатида ХХ асрда пайдо бўлди. «Тоталитаризм» тушунчаси латинчадан («totalitas») таржима Қилинганда «бутун», «тўла», «ялпи», «жами» деган маъноларни беради. Сиёсий мулоқот тилига бу атамани илк бор Б.Муссолини киритди. Тоталитаризм деганда кўпинча фуқаролар устидан ёппасига назорат амалга ошириладиган сиёсий тартибот тушунилади. Тоталитаризм - ишлаб чиқаришнинг ҳамда бутун ижтимоий ҳаётнинг сиёсий шакли бўлиб, жамият ва шахс устидан ҳокимиятнинг ёппасига назоратини, бутун ижтимоий тизимнинг коллектив мақсадларга ва расмий мафкурага бўйсунганини ўзида ифода этади.

#### **Тоталитар тартиботларнинг белгилари:**

- Давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари устидан ҳукмронлик ўрнатишга интилади;
- Жамият аъзолари сиёсий ҳаётдан мутлақо бегоналашади, сиёсий онгда ҳокимият билан халқнинг “бирлашиб кетганлиги” ҳақида тасаввур шаклланади;
- Иқтисод, оммавий ахборот воситалари, маданият, дин ва ҳаттоки кишиларнинг шахсий ҳаёти устидан давлат назорати ўрнатилади;
- Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда “Қонунда рухсат этилган нарсаларгагина ижозат берилади” тамойили амал Қилади; Давлат ҳокимияти бюрократик йўл билан шакллантирилади, “сирлилик” гардиши билан ўралган бўлади ва халқ томонидан назорат Қилинишига йўл Қўйилмайди;
- Зўравонлик, мажбурлаш ва террор бошқарувнинг устувор усулига айланади;



- Ягона партия ҳукмронлик Қилади, у давлат аппарати билан чирмашиб кетади ва мухолифатчи кучларнинг фаолияти таъқиқланади;
- Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари расмий табиатга эга бўлади ва уларни амалга ошириш кафолатлари бўлмайди;
- Ягона мафкуранинг ҳукмронлиги ўрнатилади, плюрализм йўқ Қилинади;
- Давлат ҳокимиятининг кучли марказлашуви кузатилади;
- Давлатнинг жазоловчи идоралари жамият томонидан назорат Қилинмайди;
- Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат мавжуд бўлмайди;
- Давлат ҳокимияти ўзбошимчалик билан амалга оширилади, бунда демократик меъёрлар ва кўпчилик фикри инобатга олинмайди.

Юқорида санаб ўтилган белгилар барча тоталитар давлатларга хос. Лекин бундай давлатлар учун алоҳида хусусиятлар ҳам хос. Шу асосда тоталитаризмнинг уч тарихий кўриниши ажратилади: **коммунистик тоталитаризм, фашизм ва национал-социализм.**

Тоталитаризмнинг дастлабки тарихий шакли - совет типдаги тоталитаризм эди. Бу тартибот асосан 1918 йилга келиб шаклланди. Коммунистик тоталитаризм тоталитаризмнинг бошқа кўринишларига нисбатан унинг асосий хусусиятларини ўзида тўла акс эттиради. Чунки унда хусусий мулк бекор Қилинади, давлатнинг мутлақ ҳокимияти тан олинади.

Тоталитар тартиботнинг иккинчи кўриниши – фашизмдир. Илк бор фашизм Италияда 1922 йилда ўрнатилган эди. Италиян фашизми Гоявий утопияга асосланиб, жамиятни янгилашни эмас, Рим империяси улуғворлигини тиклаш, мустақкам давлат ҳокимияти ўрнатишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган эди. Фашизм «халқ қалбини» тозалашға, маданий ва этник асосдаги яхлитликни таъминлашға Қаратилган эди.

Тоталитаризмнинг учинчи кўриниши – национал-социализмдир. Сиёсий тартибот сифатида у 1933 йил Германияда вужудға келди. Национал-социализм фашизмға ўхшаш, лекин баъзи жиҳатларни совет коммунизмдан ўзлаштирган. Агар коммунистик сиёсий тартиботда зўравонлик ичкариға, яъни ўз фуқароларига Қаратилган бўлса, национал-социализмда - ташқарига, бошқа халқларға Қарши Қаратилган. Тоталитаризмнинг тарихий шакллари ўртасидаги фарқ уларнинг мақсадларида ўз ифодасини топган (коммунизм Қуриш, Рим империяси улуғворлигини тиклаш, олий ирқнинг жаҳонда ҳукмронлигини ўрнатиш).

Тоталитаризм тарихан ҳалокатға маҳқум тузум. У тобора таназзулға учраб боради, унда ташаббускорлик, самарали хўжалик юритиш бўлмайди ва бундай давлатлар асосан ўзининг бой табиий ресурслари ҳисобига кун кўради. Тоталитаризм - ёпиқ жамият, у дунёда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобига олиб, ўз вақтида сифат жиҳатдан янгиланишға Қодир эмас. Унинг имкониятлари Гоявий догмалар билан чекланган. Тоталитар жамиятни эстатик жамият сифатида тушуниш кенг тарқалган. Эстатик жамиятда ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча жабҳалари давлат томонидан кучли назорат Қилинади. Тоталитар тартиботларда эстатизм кучли бўлади ва давлатдан мустақил, хусусий фаолиятни йўқ Қилинади.

Тоталитаризмга муқобил шакллардан бири - авторитаризмдир. Ўзининг хусусиятларига кўра у тоталитаризм ва демократия ўртасида оралиқ мавқе эгаллайди. Демократия билан яқинлиги - давлат томонидан назорат қилинмайдиган, бошқарилмайдиган, мустақил соҳаларнинг (айниқса иқтисод ва шахсий ҳаёт) мавжудлиги, фуқаролик жамияти элементларининг сақланиб қолинганлиги бўлса, тоталитаризм билан яқинлиги – сиёсий соҳанинг давлат назорати остида эканлигидир. Бир томондан, бу тартибот тоталитаризмга нисбатан либералроқ бўлса, бошқа томондан, демократик тартиботга нисбатан қаттиққўлликнинг улуши кўпроқ тартиботдир. Авторитар тартиботда сиёсий ҳокимият бир киши ёки гуруҳ қўлида тўпланadi, халқнинг бошқарувдаги иштироки минимумга етказилган бўлади ҳамда иқтисодий, маънавий соҳаларнинг эркин ривожланиши таъминланса-да, сиёсий соҳа давлатнинг кучли назорати остида бўлади.

Умуман, **авторитар сиёсий тартибот учун қуйидаги белгилар хос:**

- Давлатни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қўлланилади;
- Террор ва оммавий қатағонлар деярли бўлмайди, лекин уларни амалга ошириш учун етарли кучлар мавжуд бўлади;
- Қисман цензура сақланади, ўзига хос “ярим ошкоралик” мавжуд бўлади;
- Ягона мафкура бўлмайди;
- Қисман плюрализм мавжуд бўлади, мухолифатга йўл қўйилмайди;
- Сунъий кўппартиявийлик мавжуд бўлади, чунки мавжуд партиялар ҳукмрон доиралар ишлаб чиққан йўл-йўриқларга амал қилади, акс ҳолда улар тарқатилиб юборилади;
- Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинган бўлади, лекин улар амалда тўла таъминланмайди (авваламбор сиёсий соҳада);
- Шахс ҳокимият билан ўзаро муносабатларда хавфсизлик кафолатларидан маҳрум бўлади;
- Куч тузилмалари жамият томонидан деярли назорат қилинмайди ва кўпинча сиёсий мақсадларда қўлланилади;
- Етакчининг роли юқори бўлади, бироқ етакчи ҳар доим ҳам харизматик етакчи деб тан олинмайди. Авторитар сиёсий тартиботлар инсоният тарихида кўп тарқалган. Қатор авторитар давлатлар ўзининг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий равнақи билан бир қаторда сиёсий барқарорлигини, эркин иқтисод билан бирга кучли ҳокимиятни намоён қилди. Авторитаризмни баъзида чекланган плюрализмга асосланган тартибот деб ҳам атайдилар. Бунда иқтисодий, маданий плюрализмнинг мавжудлиги назарда тутилади. Авторитаризм ҳам салбий, ҳам ижобий жиҳатларга эга. Унинг салбий хусусияти - сиёсатнинг давлат бошлиғига боғлиқлигида, фуқароларда сиёсий зўравонликнинг олдини олиш имкониятининг йўқлигида намоён бўлади. Боз устига, авторитар тартиботлар сиёсий рақобат даражасини анча пасайтиради. Ижобий хусусияти эса фавқулодда вазиятларда ижтимоий тартибни таъминлаш қобиляти, муайян масалаларни ҳал қилишда диққат-эътибор ва

ресурсларни шунга сафарбар Қилиш имкониятларида намоён бўлади. Бу тартибот, айнақса, чуқур ислохотлар ўтказиш даврида Қўл келади.

**Демократик тартибот белгилари:**

- Аҳоли давлат ҳокимиятини шакллантиришда ва уни амалга оширишда бевосита ёки билвосита иштирок этади;
- Қарорлар кўпчилик томонидан озчиликнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Қабул Қилинади;
- Ривожланган фуқаролик жамияти мавжуд бўлади;
- Ҳуқуқий давлат Қарор топган бўлади;
- Марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари сайланади ва сайловчилар олдида ҳисобдор бўлади;
- Давлат ҳокимияти легитим бўлади;
- Куч тузилмалари (Қуролли кучлар, полиция, хавфсизлик органлари) жамиятнинг назорати остида бўлади, Қонунларда кўрсатилган шароитлардагина улардан фойдаланилади;
- Ишонтириш, келишиш, мувофиқлаштириш усуллари устуворлик Қилади, зўравонлик, мажбурлаш, таъқиқлаш минимумга етказилган бўлади;
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланади;
- “Қонунда ман этилмаган барча нарсага рухсат берилади” тамойили амал Қилади;
- Сиёсий плюрализм Қарор топган бўлади, кўппартиявийлик шаклланган бўлиб, сиёсий партиялар рақобати ҳукм суради;
- Сиёсий муҳолифат мавжуд бўлади (ривожланишнинг муқобил дастурларини илгари суради, ҳокимиятнинг хатоларини танқид Қилади, уни парламент ва матбуот орқали назорат Қилади);
- Ошкоралик ҳукм суради, оммавий ахборот воситалари ҳар Қандай цензурадан холи бўлади.

1.

## 5-МАВЗУ: Сиёсий технологиялар. Маъмурий ресурс ва “қора” сиёсий технологиялар.

### **РЕЖА:**

- 5.1. *Сиёсий технологияларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.*
- 5.2. *Сиёсий технологияларнинг турлари.*
- 5.3. *Сиёсий технологияларнинг шаклланиши.*

**Таянч иборалар:** *давлат, сиёсат, технология, сайлов.*

### **5.1. Сиёсий технологияларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари**

Турли давлатлар ва жамиятларда сиёсий жараёнлар ўзига хос тарзда кечади. Бир томондан, сиёсий жараёнлар маълум чегарага эга бўлиб, муайян сиёсат субъектларининг устуворлиги билан ажралиб турадиган, ўзига хос хусусиятларга эга жараён сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан, сиёсий жараёнларнинг давлат ва бошқа сиёсий институтлар томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган муаммолар йиғиндиси эканлигини ҳам кўришимиз мумкин. Бу муаммоларнинг ҳал қилиниши мақсадли ҳаракатларни амалга оширишни, муайян ресурсларни қўллашни тақозо этади. Бунда ҳокимият билан боғлиқ барча муносабатлар кишиларнинг муайян макон ва замонда амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари ва ҳиссиётлари сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, сиёсий муносабатлар ва алоқадорликларнинг янги даражаси юзага келади. Натижада, ҳокимият учун кураш - бошқариш, қарорлар қабул қилиш, низоларни ҳал қилиш, ўзаро мулоқот ўрнатиш каби жараёнларни амалга ошириш усули ва тадбирлари сифатида гавдаланади. Шу маънода, жамиятни бошқариш ва ҳокимиятни амалга ошириш жараёнлари воқеа-ходисаларнинг кечишига кучли таъсир қилувчи омилларни эътиборга олишни талаб этади.

Шундай қилиб, муаммони ҳал қилиш учун инсон уни тушуниши ва бунга эришиш воситаларини билиши кифоя қилмайди. Муаммони ҳал қилиш учун унинг ечимига хизмат қиладиган воситаларни амалда қўллаш, яъни муайян технологиялардан фойдаланиш талаб этилади. Умуман олганда, “муаммо НИМАдан иборат ва уни ҚАНДАЙ ҳал қилиш керак?” деган саволга жавоб топиш билан муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Айнан шу туфайли технологиялар ёрдамида ҳокимият янги мазмун-моҳият касб этади. Технологиялар сиёсий воқеа-ходисаларга ўзгача ёндашувни тақозо этиб, уларни ҳал қилишга йўналтирилган фаолият юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масаланинг муҳим бир жиҳати шундаки, сиёсий

жараённинг мазмун-моҳияти муаммони ҳал қилиш учун қўлланилаётган усулларга узвий боғлиқ бўлади.

Демак, **сиёсий технологиялар** – маълум муддатда ва белгиланган маконда сиёсий субъектнинг мақсад-вазифаларини энг самарали ва оқилона тарзда амалга оширишга йўналтирилган ҳамда муайян кетма-кетликда қўлланиладиган фаолият усуллари, услублари ва тадбирлар йиғиндисидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий технологиялар – сиёсий субъектга ҳокимият билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш имконини берадиган муайян билим ва кўникмалар мажмуасидир.

Одатда, муайян андозага солинган, такрорланадиган ва маълум талаблар доирасида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар сиёсий технологияларни қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Аниқроғи, **сиёсий технологияларнинг пайдо бўлиш сабаблари** қуйидагича:

- сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида сиёсат иштирокчилари томонидан мақсадга эришишнинг оқилона, қулай ва самарали усулларини қўллаш зарурати;
- ҳокимият юзасидан ўзаро таъсирларда тасодифийликни камайтириш, сиёсий жараёнлардаги кескин “сакраш”ларни кўра билиш, ижтимоий фаолликдаги кутилмаган “портлаш”ларнинг олдини олиш эҳтиёжи;
- давлатни бошқаришнинг фойдали ва тежамкор усулларини қўллаш зарурати;
- муайян жараённинг оғир ва кескин “нуқталари”ни, босқичларини аниқ белгилаш имкониятининг мавжудлиги;
- вазиятни назорат қилиш, бошқариш ҳамда муаммонинг ечимига хизмат қиладиган самарали ва фойдали ҳаракатларни амалга ошириш имкониятининг пайдо бўлиши;
- сиёсий жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини барқарорлаштириш зарурати, бунда тобора кўпроқ кишилар сиёсий хатти-ҳаракатларнинг илғор усулларини тез орада ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Бошқача айтганда, **сиёсий технологияларни қўллашдан асосий мақсад сиёсат субъектларининг ўз вазифалари ва мажбуриятларини самарали бажаришига эришишдир**. Технологиялар субъектларнинг манфаатлари, вазифа ва мақсадларига мувофиқ ҳаракат қилишга йўналтирилган. Шу боисдан, технологиялар ресурсларни жалб қилиш ёки тежашга, вазиятни барқарорлаштириш ёки беқарорлаштиришга, сайлов кампанияларини уюштиришга, тезкор ахборот беришга, қарорлар қабул қилишга, давлат дастурларини ишлаб чиқишда манфаатларни уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Сиёсий технологиялар мақсадга мувофиқ фаолият усуллари ва тадбирларнинг йиғиндиси сифатида нафақат мақсадга эришиш

воситаларини тартибга келтиради, балки хатти-харакатларнинг муайян кетма-кетлигини ҳам белгилаб беради. Бу кетма-кетликни **сиёсат субъекти ҳаракатлари алгоритми** деб аташ мумкин. Айнан алгоритмларда муаммони ҳал қилишнинг энг оқилона ва самарали усуллари танлаб олинган ҳамда мустаҳкамланган бўлади. Шунингдек, алгоритмлар тўпланган тажрибани бошқалар билан ўртоқлашиш имконини беради.

Аслида алгоритмлар субъект фаолиятида қўлланилаётган усул ва тадбирларни саралаш, бир шаклга солиш ҳамда соддалаштириш оқибатида юзага келади. Амалда технологиялар субъект-объект муносабатларининг кўп сонли механизмлари ва услублари негизида қарор топади. Хўш, сиёсий технологиялар қачон юзага келар экан? Мақсадга эришиш жараёнида маълум босқичлар кетма-кетлиги мустаҳкамланиб, ушбу босқичларда муайян услуб ва воситаларни қўллаш мунтазамлиги белгиланганида сиёсий технологиялар юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, технологиялар алоҳида механизмлар, таъсир техникаси ва усуллари билан айнан бир нарса эмас. Шундай экан, сиёсий технологияларнинг алоҳида таъсир механизмларидан фарқи нимада? Сиёсий технологиялар – сиёсатда реал ҳаракат қилаётган субъект томонидан мақсадга эришишга қаратилган техникаларни қўллаш жараёни ва ушбу фаолиятнинг натижасидир.

Албатта, сиёсий фаолиятнинг ҳамма турлари ҳам тўлалигича технологиялаштирилган бўлмайди. Баъзан сиёсий мақсадга эришиш жараёнининг айрим жиҳатларигина технологиялар шаклини олганини кўриш мумкин. Бунда сиёсий субъект локал технологиялардан фойдаланиши мумкин. Сиёсий жараённинг қайсидир қисминигина самарали ташкил этишга йўналтирилган технологияларга **локал технологиялар** дейилади. Сиёсатда локал технологиялардан қачон фойдаланилади? Мисол учун, қарорлар қабул қилиш соҳасини олайлик. Бу жараён, одатда, ўта мураккаб бўлиб, унда кутилмаган ҳолатларнинг улуши бирмунча юқори бўлади. Локал технологиялар ушбу жараённинг фақатгина алоҳида босқичларига хизмат қиладиган ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Масалан, локал технологиялар қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти идораларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Умуман олганда, сиёсий технологиялар мазкур жараённи тўлалигича қамраб олишга ҳамда уни оқилона ва самарали ташкил этишга ожизлик қилади.

Демак, сиёсий технологиялар бирор-бир жараённи тўлалигича ёхуд унинг маълум босқич ва даврларинигина қамраб олиши мумкин. Ҳокимият ва бошқарув билан боғлиқ анча мураккаб муносабатларни эса (масалан, норасмий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни) маълум технологик занжирга солиб бўлмайди.

Сиёсий технологиялар, бир томондан, сиёсий майдонда ҳаракат қилаётган **инсоннинг** ўзига хос хусусиятлари (унинг билимлари, тажрибаси,

кайфиятлари)га боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, унинг фаолиятида қўлланилаётган моддий (маънавий) ресурсларга ва техник қисмга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, технологияларнинг шаклланиши ва қўлланилиши, уларни амалга ошириш суръатлари субъектнинг малакаси ва билимдонлигига, тажрибасига, техник ресурслардан фойдаланиш маҳоратига бевосита боғлиқ бўлади. Одатда, техник имкониятлар ёки кадр ресурслари билан кам таъминланганлик технологияларнинг самарадорлигини пасайтиради. Шунинг учун сиёсий технологияларнинг қай тарзда қўлланилиши сиёсий субъектнинг моддий аҳволига, маълум вазиятда мавжуд имкониятлардан фойдалана олиш қобилиятига, технологияларга оид тўпланган тажрибани қўллаш маҳоратига узвий боғлиқдир. Сиёсат субъектининг хатолари ва билимсизлиги нафақат сиёсий технологияларнинг аҳамиятини пасайтириши, балки унинг йўналишини ҳам тубдан ўзгартириб юбориши, охир-оқибат, сиёсий технологияларга нисбатан салбий муносабат уйғотиши мумкин. Шундай экан, давлат ва жамият учун муҳим соҳаларда сиёсий технологияларни қўллашдан аввал субъектларни саралаш талаб қилинади. Хусусан, сиёсий субъектларнинг малакаси, амалий тажрибага эгаллиги, психологик жиҳатдан мустаҳкамлиги, ноанъанавий вазиятларда ҳам ҳаракат қилишга қодирлиги нуқтаи назаридан ўзига хос танлов ўтказилиши талаб қилинади.

Сиёсий технологиялар энг самарали ва оқилона ҳаракатларнинг оддийгина рўйхати эмас, балки мақсадга эришиш жараёни устидан назоратни кучайтириш усули, мазкур фаолиятни ўзига хос бошқариш шакли ҳамдир. Белгиланган мақсадга эришиш ва кутилган натижани олиш - **сиёсий технологиялар самаралилигини баҳолашнинг олий мезонидир**. Шу билан бирга, технологияларнинг самаралилигини баҳолаш ниҳоятда мураккаб эканлигини таъкидлаш жоиз. Сиёсат соҳасида кўп сонли ресурслардан фойдаланилиши, ҳокимиятни амалга ошириш жараёнларини назорат қилишнинг мураккаблиги, баъзан сиёсий жараённи такомиллаштиришга уринишдек тақдим этилаётган сиёсий технологиялар ортида мутлақо бошқа мақсад ва манфаатлар яшириниши туфайли сиёсий технологияларга баҳо бериш мураккаблашади.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий технологиялар сиёсий ҳокимият ва давлат бошқарувининг барча соҳаларида кенг тарқалган. Боз устига, сиёсий технологиялар сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг **конвенционал (легал) жараёнлари** сифатида тан олинган. Бироқ баъзан сиёсатда **ноконвенционал**, яъни қонунда ман этилган ёки сиёсий анъаналарга мутлақо зид усул ва услубларнинг (қўпоровчилик ҳаракатлари технологияси, терроризм, жамоатчилик фикрини зарурий ўзанга йўналтириш каби усуллар) қўлланилишини кузатиш мумкин.

Сиёсий технологияларни қўллаш вақти ва жойи **чегараланган** бўлади. Сиёсий технология таркибига кирган ҳар бир фаолият усули, услуги ва воситасининг ўз “муддати”, яъни қўлланиш вақти бўлади. Лекин сиёсий технологияларда усуллар, тадбирлар, уларни ўтказиш вақти ва жойи

қанчалик қатъий белгиланган бўлмасин, технологияларнинг баъзан бу қолиплардан чиқиб кетиши кузатилади. Бундай четга чиқишлар шароитга мослашиш, вазият билан ҳисоблашиш туфайли содир бўлади.

Бошқача айтганда, технологияларни қўллашда доимо **ижодкорлик** кузатилади. Баъзан ноанъанавий усулларни қўллаш туфайли технологиялар такомиллашади, фаолиятнинг оригинал ва ўзига хос усуллари билан бойитилади. Айтиш мумкин, вақтда, технологияларни қўллашда ўзбошимчаликларга йўл қўйиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро технологиялар сиёсий фаолиятни самарали ташкил этиш ва осонлаштиришга қаратилганлиги учун ҳам уларнинг расмийлаштирилиши, институтлаштирилиши, меъёрий мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.

Шу сабабли технологияларни қўллашда ўзига хос чегаралар мавжудки, улардан чиқиб кетиш сиёсий технологияларнинг самаралилик даражасини тушириб юбориши мумкин. Айтиш мумкин, пайтда уларнинг ҳаётдан узилиб, қотиб қолишига, догмалар йиғиндисига айланишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Сиёсий технологияларнинг **таркибий тузилиши**да уч қисмни ажратиш мумкин. Булар: **махсус билимлар; аниқ ҳаракат усуллари, услублари ва тадбирлар ҳамда техник-ресурс қисм.**

Сиёсий технологияларда билимлар алоҳида ўринга эга. **Сиёсий технологиялар моҳиятан сиёсий воқеликни, ҳаётни ифода этади.** Боз устига улар сиёсий ҳокимият ва давлат бошқаруви билан боғлиқ муаммоларни амалий ҳал қилишнинг самарали воситалари ҳамда усуллари топишга йўналтирилган. Бунда асосан технологик билим назарда тутилади. Билимнинг технологик даражаси илмий-амалий билимнинг бир шакли ҳисобланади. Технологик билимлар ҳам билишга хизмат қилувчи, ҳам лойиҳалаштирувчи, ҳам воқеликни ўзгартирувчи фаолият сифатида намоён бўлади.

Технологик билим борлиқ билан бевосита боғлиқ бўлиб, аниқ воқеа-ҳодисаларни ўзида ифода этади. **Технологик билимларнинг илмий билимдан фарқи** шундаки, улар идеалга йўналтирилган мавҳумлик бўлмай, аниқ муаммо, вазият, ҳодиса билан “ишлайди”. Сиёсий технологиялар аниқ муаммони маълум муддат давомида ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан ҳам назарий билимлардан фарқ қилади.

Агар назарий билим ҳодиса (вазият)ни идеаллаштиради, технологик билим уни конкретлаштиради; агар назария универсал-амалиётга мурожаат қилса, технологик билимлар воқеликнинг алоҳида бўлагига қаратилган бўлади. Шу боисдан, сиёсий технологиялардан воқеликнинг муайян қисмини мантиқий англаш эмас, балки унга амалий жавоб бериш талаб этилади. Бундай амалий жавоб аниқ воқеа-ҳодисани чуқур назарий асослашни назарда тутмайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай воқеа-ҳодисалар ўз ривожланиш мантиқига, тараққиёт манбаларига, ўсиш чўққисига эга бўлади ва муайян муаммонинг



ҳал этилишини талаб қилади. Шу боисдан, технологик билимларнинг мазмун-моҳияти:

- воқеа-ҳодисани акс эттираётган **технолог**-таҳлилчига;
- мазкур муаммони ҳал қилиш истагини илгари сураётган **буюртмачига**;
- муаммони ҳал қилиш учун ҳаракат қилаётган **ижрочига** боғлиқ бўлади.

Технологик ёндашувда воқеа-ҳодиса, вазиятнинг табиатини, тузилиши, шакллари, ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, технологик маълумотлар махсус хулоса ва баҳоларни, яъни сиёсий кучлар нисбатига берилган баҳоларни, мафкуравий дастурларга оид хулосаларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, технологик маълумотлар мазкур вазиятнинг иқтисодий, маиший, экологик ва бошқа жиҳатларини таҳлил қилишга хизмат қилади.

Технологик билимларни сиёсий фаннинг назарий хулосаларига муносабати турлича бўлиши мумкин. Зеро, **технологияларни қўллашда “билим”га эмас, “амалий ҳаракат”га урғу берилади.** Шу боисдан, айрим ҳолларда сиёсий технологияларни қўллаётган шахс ўз вазифасини бажараётганида назарий хулосаларга эътибор бермаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, илмий тадқиқотларнинг назарий хулосаларидан амалий вазифани ҳал қилишда фойдаланилмаслик ҳолатлари учрайди. Боз устига, агар илмий тилда илмий атамаларнинг маъноси қатъий белгиланган бўлса, технологик ёндашувда тушунчалар анча эркин талқин қилинади. Сиёсий технологиялар лексикасида илмий атамалар билан бир қаторда ҳиссий образлардан, турлича талқин қилинадиган тушунчалардан ҳам кенг фойдаланилади. Бунда халқ оғзаки ижоди, кундалик мулоқот тили муҳим ўрин эгаллайди.

Технологик билим сиёсий инженериянинг субъектив жиҳатларини ўзида ифода этади. **Сиёсий инженерия** эса сиёсий лойиҳалаштириш (башорат қилиш, режалаштириш, дастурлар ишлаб чиқиш) ҳамда ҳокимият институтларининг амалий фаолиятини уюштиришни назарда тутаяди. Шу боисдан, сиёсий технологиялар бирор-бир тадбирни қандай амалга ошириш кераклиги ҳақидаги билимлар бериши билан эмас, балки мақсадлар йўлида **ҳаракат қилиш малакаси, кўникмасини шакллантириши** билан аҳамиятлидир.

Мазкур кўникма ва малакалар алоҳида усуллар, услублар, ҳаракат техникаларини қўллашда намоён бўлиб, танланган мақсадга бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, қарорлар қабул қилиш соҳасида – давлат сиёсатини ишлаб чиқишда тарафларнинг манфаатларини уйғунлаштириш усуллари; халқаро низоларни ҳал қилиш доирасида – ихтилофдаги томонлар ўртасида келишувга эришиш ёки уларга яраштирувчи (арбитраж) тузилмалар томонидан таъсир қилиш усуллари; ахборот соҳасида эса – рақибларнинг туҳматларига қарши курашиш усуллари бўлиши мумкин.

Муайян усул ва тадбирлардан фойдаланиш, бир томондан, сиёсий майдонда ҳаракат қилаётган субъектларнинг ҳолатига боғлиқ бўлса, иккинчи

томондан, ушбу муаммо ҳал қилинаётган шарт-шароитдан ҳам келиб чиқади. Масалан, сайлов кампанияларининг замонавий технологиялари билан таниш бўлмаган киши буюртмачининг сайловлардаги ғалабасини таъминлашга хизмат қиладиган усул ва техникаларни қўллай олмайди. Қонун устуворлиги ўрнатилган давлатда эса сайловларни ўтказишда рақиблар билан курашнинг “қора” ва ноқонуний технологияларидан фойдаланиб бўлмайди.

**Малакали кадрлар хизматидан фойдаланиш, ижрочиларнинг техник таъминланганлиги, сарфланаётган маблағлар миқдори** каби омиллар сиёсий технологияларнинг сифатига ва демакки, уларнинг самарадорлигига муҳим таъсир кўрсатади. Масалан, давлат сиёсатини мафкуравий таъминлаш технологияларини қўллашда махсус тузилмаларга зарурат туғилади; моддий жиҳатдан қийналиб қолган номзод сайловолди кампаниясида ниҳоятда самарали, лекин қиммат усуллардан, масалан телевидениедаги рекламадан воз кечишга мажбур бўлади; қарорлар қабул қилиш технологияларидан фойдаланиш мазкур фаолият билан махсус шуғулланувчи тузилмалар ва уларда банд бўлган кадрлар резервига эҳтиёж туғдиради. Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган омиллар сиёсий технологияларни қўллаш доирасини чеклаб қўйиши, ёхуд уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

## 5.2. Сиёсий технологияларнинг турлари

Сиёсий технологиялар сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ва давлат бошқаруви билан боғлиқ турли жараёнларда кенг қўлланилади. Улар ичида энг оммалашгани сиёсий технологияларнинг **функционал** туридир. Бундай технологиялар ҳокимият ва бошқарувнинг турли субъектлари бажарадиган роллар ҳамда ишларнинг самаралилигини ошириш, уларнинг фаолиятини муайян алгоритмларга солиш<sup>6</sup>ни назарда тутаяди. Мазкур технологиялар қарорлар қабул қилишда, манфаатларни мувофиқлаштиришда, музокаралар юритишда, жамоатчилик билан мулоқот қилишда қўл келади ҳамда ушбу жараёнларни бошқариш ва назорат қилишга хизмат қиладди.

Фойдаланиладиган соҳаларга кўра **предметли** технологияларни, яъни аниқ соҳаларда қўлланиладиган технологияларни ажратиш мумкин. Бундай технологиялар қаторига электорал (сайловолди) технологияларни, лобби технологиялари, ахборот технологиялари, дипломатик ёки ҳарбий соҳаларда музокаралар ўтказиш тартиби ва усуллари каби технологияларни киритиш мумкин. Ижтимоий қамровига кўра, сиёсий технологиялар турли **даражаларга** ажратилади. Хусусан, *умумбашарий даража* – жаҳон миқёсидаги муаммоларнинг ечими билан боғлиқ бўлиб, табиат муҳофазаси, халқаро хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларни қамраб олади. **Минтақавий-худудий даража**даги технологиялар алоҳида давлатлар ёки

<sup>6</sup> Фаолиятни алгоритмларга солиш – фаолият кетма-кетлигини белгилаш.

халқаро ташкилотларнинг муайян ҳудуддаги (Европа, Яқин Шарқ каби) муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қамраб олади. **Миллий давлатлар даражасидаги** технологиялар бир мамлакат ҳудудидаги давлат бошқаруви ва ҳокимиятни амалга ошириш жараёнини ўз ичига олади. **Корпоратив даражадаги** технологиялар алоҳида ташкилот доирасидаги бошқарув муносабатларини қамраб олса, **маҳаллий даражадаги** технологиялар маҳаллий сиёсий муносабатларга белгиловчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, **шахслараро даражада** қўлланиладиган технологиялар ҳам мавжуд.

Муайян фаолият усулларида фойдаланиш давомийлигига кўра қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин: **стратегик** – актор<sup>7</sup>ларнинг узок муддатли фаолиятига йўналтирилган технологиялар, **тактик** – қисқа муддатли мақсадларни амалга оширишни кўзда тутадиган, **спорадик** – бирданига қўлланиладиган ва **циклик** – фаолият давомида қайта тикланадиган, янгиланадиган технологиялар.

Технологиялардан фойдаланувчи субъектлар доирасини кенгайтириш нуқтаи назаридан кўплаб соҳаларда қўлланиладиган **универсал технологиялар** ва камдан-кам қўлланиладиган **ноёб технологияларни** фарқлаш мумкин. Биринчи турдаги технологиялар шароити ўхшаш барча соҳа ҳамда вазиятларда фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Ноёб технологиялар эса фақат аниқ белгиланган шароитдагина қўлланиладиган ҳаракат усулларида иборат бўлиб, бироз ўхшаш шароитларда ҳам улардан фойдаланиб бўлмайди. Универсал технологиялар акторларнинг ўзига хос хусусиятларига деярли боғлиқ бўлмайди, шу боисдан, вақт ва моддий ресурсларни максимал тежаш имконини беради. Ноёб технологиялардан эса муайян мақсадни амалга оширишда бир мартагина фойдаланилади, кўпинча бу технологиялар чекланган доирадаги субъектлар учун махсус ишлаб чиқилади ва қўлланилади. Улар анча қимматга “тушади” ҳамда ўхшаш шароитларга “кўчирилганида” таъсирчанлик ва самаралилик даражаси пасайиб кетади.

Масалан, алоҳида дипломатик технологиялар давлатлараро музокаралар олиб бориш жараёнида кўплаб қўлланиши мумкин, сайловолди технологиялардан турли даражадаги сайловларда (қайси мамлакатда ўтказилишидан қатъи назар) чекланишларсиз фойдаланиш мумкин. Лекин миллатлараро зиддиятларни ҳал қилишда томонларнинг турлича сабабларни рўқач қилиши, манфаатларининг кескин фарқланиши ва ҳоказолар туфайли фақат шундай усул ва воситалар қўлланиладигани, улар ёрдамида фақат ўша вақтда, фақат ўша жойдаги, айнан ўша муаммони самарали ҳал қилиш мумкин бўлади.

Фаолият шароитларининг хилма-хиллиги, динамик ўзгаришлар, субъект қобилиятидаги фарқларни эътиборга оладиган бўлсак, **қатъий белгиланган** ва **мослашувчан** технологияларни ажратиш мумкин. Қатъий

<sup>7</sup> Актор – амалий ҳаракатдаги субъект.

белгиланган технологияларда қўлланиладиган услуб ва воситалар қатъий белгиланган бўлади ҳамда асосий кўрсаткичлар ўзгармас ҳисобланади. Ҳокимият институтлари ўртасидаги манфаатларни келиштириш ёки ҳужжатларни имзолашда маълум иерархияни сақлаш каби тартиблар шулар жумласидандир. Мослашувчан технологиялар эса мақсад ва ресурсларга, ўзгарувчан шароитга мослашишга имкон беради. Улар аслида янгиланиш, тубдан ўзгариш ва янги шаклланаётган алгоритмларга ўтиш жараёнини бошдан кечираётган технологиялардир.

Фаолиятда маълум тартиб-қоидага амал қилиш даражасига кўра **меъёрий** ва **девиант** технологиялар ажратилади. Меъёрий технологиялар – жамият (ташқилот)даги мавжуд қонун-қоидалар, меъёрлар, анъаналар, урф-одатлар билан шартланган фаолият усуллари дир. Бунга қарама-қарши ўлароқ, девиант технологиялар муайян фаолият усулига қўйилган чеклов ва талаблардан четга чиқадиган технологиялардир. Қонун ва ахлоқий меъёрларга зид келадиган “қора” ва “кулранг” технологиялар шулар жумласидандир. Амалиётнинг кўрсатишича, сиёсий жараённинг кескин бурилиш давларида, чунончи, ҳокимият органларига сайловлар вақтида ёки сиёсий инқироз шароитида бундай технологияларнинг мислсиз “юксалиши” кузатилади. Сиёсий субъектлар тухмат, товламачилик, рақибни обрўсизлантирувчи ахборот тарқатиш, ҳатто фитналар уюштириш каби усулларга мурожаат қила бошлайди. Кўпинча бундай фаолият турлари нафақат жанжал ва зиддиятларни келтириб чиқаради, балки сиёсий жараённинг кечишини, жамиятдаги кучлар нисбатини кескин ўзгартириб юборадиган инқирозларга ҳам сабаб бўлади.

Ҳокимият учун курашнинг бундай технологияларидан фойдаланишнинг олдини олиш ҳар қандай давлат ва жамият учун ниҳоятда муҳимдир. Бироқ сиёсий воқелик шуни кўрсатмоқдаки, бундай технологияларнинг айрим турлари билан курашиш бефойда. Масалан, замонавий алоқа тизимларининг кенг тарқалганлигини эътиборга олсак, техник нуқтаи назардан электрон жосуслик каби хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мураккаб.

Сиёсий мақсадга эришишнинг **ошқора** ва **пинҳона** технологияларини ажратиш мумкин. Ошқора технологиялар ҳокимиятнинг жамоатчилик билан кўп сонли мулоқотларида намоён бўлади ва ҳокимиятнинг омма билан яқинлигини ўзида гавдалантиради. Бироқ кўпинча бундай усуллар намоёишкорона табиатга эга бўлади ҳамда жамоатчиликнинг ҳокимиятга ижобий муносабатини шакллантиришга хизмат қилади. Пинҳона сиёсий технологиялар эса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аслида сиёсий жараённи белгилаб берса-да, кам даражада технологиялаштирилган бўлади. Шу боисдан, асосан фаолиятнинг тасодифий, ноёб, камдан-кам учрайдиган усул ва воситаларини қамраб олади.

### 5.3. Сиёсий технологияларнинг шаклланиши

Сиёсий технологияларни яратиш ва қўллаш аслида сиёсий соҳа билан боғлиқ муайян вазифаларни бажариш жараёнини ихчамлаштириш, мукамаллаштириш, арзонлаштириш ва енгиллаштиришга хизмат қилади. Охир-оқибат бу технологиялар сиёсий ўзгаришлар юз бераётган соҳани назорат қилиш ва бошқариш имкониятларини кенгайтиради. Сиёсий технологияларнинг шаклланиши ва амал қилиши жараёнида уч хил ёндашув - **тузилмавий, макон-вақт нуқтаи назаридан ва жараён нуқтаи назаридан ёндашув**ни кузатиш мумкин. Тузилмавий ёндашув муаммо ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, уни ҳал қилишнинг самарали усуллари излаш ва ушбу жараённи технологик жиҳатдан таъминлашни назарда тутди. Макон-вақт нуқтаи назаридан ёндашиш қўлланилаётган воситаларни шу муаммо ҳал қилинаётган макон (ҳудуд) ва замон (вақт)га мослаштириш заруратини ўзида ифода этади. Жараён нуқтаи назаридан ёндашиш эса мақсадга эришиш жараёнининг қатор босқичлардан иборат бўлишини шартлаб қўяди. Бундай технологияларни шакллантириш жараёни қуйидаги мантиққа бўйсундирилган: “таҳлил – ташҳис ва вазиятни баҳолаш – башорат-лойиҳалаш ишлари – мақсадларни белгилаш - ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқлаш – тавсиялар бериш”.

Умуман олганда, технологиялар алоҳида вазиятларга татбиқан ишлаб чиқиши ёхуд кенг тарқалган ҳолатларга мослаб шакллантирилиши мумкин. Технологиялар “юқоридан”, яъни ҳукмрон тузилмалар томонидан туширилиши ёки доимо шундай шароитда ҳаракат қиладиган субъектларнинг тажрибасини умумлаштириш натижасида ҳам шакллантирилиши мумкин. Бироқ кўпинча технологиялар аралаш усулда шакллантирилади. Бунда ҳукмрон доиралар томонидан белгилаб берилган меъёрлар, мақсад ва вазифалар ушбу вазифаларни ҳал қилиш билан бевосита машғул кишиларнинг тажрибаси билан омукта қилинади.

**Технологияларни шакллантиришнинг икки усули** мавжуд: **субъектив ва таҳлилий**. Биринчи усул кўпроқ субъектив ёндашувга асосланган. Бундай технологияларнинг пойдеворини соғлом ақл, субъектнинг ҳаётий тажрибаси, унинг майллари, олдиндан кўра билиш қобилияти, стереотиплари, одатлари ва дунёни идрок қилишининг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади. Аслида бундай таркибий қисмларсиз мақсадни баҳолаш ва унга эришиш йўллари белгилаш мумкин эмас. Бироқ субъектив технологияларда нафақат юқорида санаб ўтилган омилларнинг устуворлиги кузатилади, балки бошқа ёндашувлар, хусусан, таҳлилий ёндашувни қўллаш имконияти чекланади. Субъектив технологиялар кўпинча (масалан, инқирозли вазиятларда) ўзини оқлайди ва ижобий натижа беради. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам бундай технологияларни қўллаш кутилган самарани беравермайди.

Технологияларни шакллантиришнинг иккинчи усули махсус таҳлилий услуб ва тадбирларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, айнан шу услублар мақсадга эришиш йўллари белгилашда устуворлик қилади. Мазкур услублар нафақат акторларнинг мақсадларни белгилашдаги

ўзбошимчалигини чеклайди, балки мақсадни ва унга эришиш йўлларини белгилашда олдиндан кўра билиш, тажрибага асосланиш имкониятларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Бунда субъект «мақсад» ва «шарт-шароит» категорияларига онгли ёндашади, ўз фаолиятини чекловчи қатор омилларни эътиборга олади ҳамда амалга ошириладиган тадбир ва ҳаракатларнинг оқибатларини кўра билади.

***Мазмунан технологияларни шакллантиришнинг таҳлилий усули қуйидагиларни назарда тутади:***

- акторларга ва улар ўртасидаги функционал ҳамда шахсий муносабатларга баҳо бериш;
- амалдаги фаолият меъёрлари ва қонун-қоидаларини инобатга олиш;
- сиёсий кучларнинг нисбатини баҳолаш;
- ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда хатти-ҳаракатларни режалаштириш;
- ўз фаолиятининг макон ва замондаги (вақт нуқтаи назаридан) ҳажмларини белгилаш;
- атроф-муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш;
- ҳаракат қилаётган кишиларнинг имконияти ва салоҳияти билан ҳисоблашиш.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда энг фойдали тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берадиган барча усуллардан фойдаланилади.

Қисқаси, таҳлилий усул шундай мезон ва ўлчов тизимларидан фойдаланишни назарда тутади-ки, уларнинг йиғиндиси вазиятни адекват<sup>8</sup> тушуниш имконини беради. Бу эса мақсадга эришиш йўлида субъект фаолиятини самарали ташкил этишга туртки бўлади. Мазмунан мазкур ёндашувда фаолиятни турли таркибий қисмларга бўлиб юбориш, ундаги энг муҳим палла ва босқичларни ажратиш, унинг ҳажмларини белгилаш ва уни амалга ошириш суръатларини аниқлаш талаб қилинади. Шу асосда субъект акторларнинг ўзаро муносабатларини, фаолиятнинг замон ва макондаги кўрсаткичларини, ташқи муҳитнинг таъсирини, мазкур вазият кечишининг эҳтимол тутилган вариантларини, жараённинг бурилиш нуқталарини ва бошқа муҳим кўрсаткичларни аниқлаб олиш имконига эга бўлади ҳамда ўз ҳаракатларини шулар асосига қуради.

Шу билан бирга, алоҳида олинган жараённинг ўзига хослиги, унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни эътиборга оладиган таҳлилий ёндашув изланиш табиатига эга бўлади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, кўпинча муайян акторлар фаоллигининг туб моҳияти, асл сабабларини аниқлаш, хатти-ҳаракат ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш амримаҳол бўлади. Шундай бўлса-да, таҳлилий ёндашув субъектнинг хатти-ҳаракатини режалаштириш,

---

<sup>8</sup> Адекват – айнан ўхшаш, тўғри, холис.

унинг фаолиятини тартибга келтириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, таҳлилий усуллар ёрдамида вазиятни ўрганиш сиёсий технологияларни шакллантиришнинг субъектив усулларида тубдан фарқ қилади. Лекин сиёсий технологияларни шакллантиришда юқорида таъкидланган икки ёндашув билан чекланилмайди. Бунда ўхшаш сиёсий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган илғор тажрибани ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

##### **1- мавзу. Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари.**

1. Сиёсий жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари.
2. Сиёсий жараён бошқичлари.
3. Сиёсий жараёнлар ва муносабатлар.
4. Сиёсий жараёнлар тушунчасига оид илмий тасаввурлар.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.

7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

12. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www. edu. Uz](http://www. edu. Uz)
14. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www. nuuz.uz](http://www. nuuz.uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

#### **2-мавзу:Сиёсий жараёнларни бошқариш бошқарув фаолияти шакли сифатида.**

1. Сиёсий жараёнларни бошқариш шакли сифатида.
2. Сиёсий жараёнларни бошқариш тушунчаси.
- 3.Сиёсий жараёнларни бошқариш турлари.
- 4.Глобаллашув шароитида сиёсий жараёнларни бошқариш хусусиятлари.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови //



- Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
  7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
  8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
  9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
  10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
  11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

12. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www. edu. Uz](http://www. edu. Uz)
14. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www. nuuz.uz](http://www. nuuz.uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

#### **3-мавзу: Сиёсий жараёнларнинг моҳияти ва инсоният тараққиётидаги ўрни.**

1. Сиёсий бошқарув ҳақидаги билимлар тизими.
2. Сиёсий бошқарув жараёнини ўрганишнинг назарий услублари.
3. Сиёсий бошқарувни тадқиқ этишнинг эмпирик услублари.
4. Сиёсий вазиятни ўрганиш жараёнини ташкил этиш.
5. Сиёсий жараёнларнинг моҳиятининг хусусиятлари.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши

- керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
  6. Мирзиёев Ш.М. Бу юк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
  7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
  8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
  9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
  10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
  11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

12. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www. edu. Uz](http://www. edu. Uz)
14. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www. nuuz.uz](http://www. nuuz.uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

#### **4-мавзу: Сиёсий бошқарувда сиёсий институтлар. Сиёсий коммуникация ва мулоқот.**

1. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли.
2. Давлат сиёсий бошқарув субъекти сифатида.
3. Давлатнинг тузилиши ва бошқарув шакллари.
- 4.Замонавий давлатлар тараққиётидаги тенденциялар.
- 5.Сиёсий тартиботлар.
- 6.Сиёсий бошқарувда сиёсий институтлар.
- 7.Сиёсий коммуникация ва мулоқот.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.

2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Бунок келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

12. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www. edu. Uz](http://www. edu. Uz)
14. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www. nuuz. uz](http://www. nuuz. uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

#### **5-мавзу: Сиёсий технологиялар. Маъмурий ресурс ва “қора” сиёсий технологиялар.**

1. Сиёсий технологиялар тушунчаси ва унинг турлари.
2. Сиёсий муҳит ва сиёсий технологияларнинг боғлиқлиги.

3. Сиёсий комуникацияни амалга оширишнинг моделлари.

4. Маъмурий ресурс ва “қора” сиёсий технологиялар.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.

## IV. Электрон таълим ресурслари

12. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
14. Infocom.uz электрон журналы: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Раҳбарлик имконияти тести

Қуйида таклиф этилган саволларни диққат билан ўқинг ва ўзингизга маъқул келган жавоб вариантини доира ичига олиб қўйинг

Тест саволлари:

1. Хафтанинг ҳар бир куни учун иш режасини тузиб чиқасизми?

А) албатта тузаман;

Б) агар турли ишлар кўпайиб қолсагина тузаман.

В) бошқа қиладиган ишим йўқми?

2. ҳар бир ишга раҳнамолик қилиш учун ўз вақтингизни ҳисоблаб чиқасизми?

А) албатта;

Б) ҳа, жуда бўлмаса тахминан;

В) баъзида, айниқса иш кўп, лекин вақт оз бўлган пайтда.

3. Бирор бир жиддий қарор қабул қилишдан олдин, жамоа билан маслаҳатлашасизми?

А) ҳа, аммо фақат ўринбосарлар билан ёки вазифа кимга алоқадор бўлса, шу одам билан;

Б) ҳа, менинг фикримни ойдинлаштиришга ёрдам бера оладиган ҳар бир ходим билан;

В) баъзида маслаҳатлашаман, шунда ҳам вақт бўлган тақдирдагина;

Г) қарорни ўзим қабул қиламан, кейин эса улар хафа бўлмасликлари учун ўзимни маслаҳатлашгандек қилиб кўрсатаман;

Д) маслаҳатлашишга зарурат сезмайман, нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан.

4. Агар бирон ишни бошқаларга қараганда пухта ва тез бажара олишингизга ишонч булса-ю, аммо шу ишни бошқалар билан ҳамкорликда бажаришингизга тўғри келса, уни ўзингиз мустақил тарзда бажаришингиз хохиши бўладими?

А) йўқ, чунки ҳақиқатан ҳам бу менга шундай туюлиши мумкин;

Б) йўқ, чунки ёлғиз ўзим қанчалик куйиб пишмайин, биргаликда бажарилган иш тезроқ амлга ошишини тушунаман;

В) шундай хошош пайдо бўлади, лекин ҳеч кимни хафа қилмаслик учун бу ҳақида оғиз очмайман;

Г) пайдо бўлади, бу тушунарли, лекин ҳамма учун бир ўзим ишламайманку!

5. Хатто Сизнинг фикрингизга бошқалар қўшилмасалар ҳам, ўз нуқтаи назарингизни ҳамма қабул қилишига уринасизми?

А) ҳа, агар ҳақ эканлигимга сўзсиз ишонсам;

Б) ҳа, ўзимнинг обрўимни тўкмаслик учун;

В) фикрим нотўғри эканлигини исботли далиллар келтиргунларига кадар фикримни ўтказишга ҳаракат қиламан;

Г) йўқ, бошқалар билан тортишгандан нима фойда;

Д) йўқ уринмайман, кўпчилик хато қилиши мумкин эмас.

6. Сиз ўз шахсиятингизга нисбатан танқид ва танбеҳларга қандай муносабатда бўласиз?

А) эшитганларимнинг ҳаммасини хотиржам ўйлаб чиқаман, агарда танбеҳ ёки танқид ўринли эканлигига ўзимда ишонч туйғуси туғилса, у холда хатоларимни такрорламасликка ҳаракат қиламан;

Б) олдин жаҳлим чиқади, кейин тинчлангач эшитганларимдан нима ўринли ва нима ўринсиз эканлиги тўғрисида мулоҳаза юритаман;

В) мен танқид қилган одамни “кўзига чўп тиқишга” ҳаракат қиламан;

Г) агар ҳурмат қиладиган одам фавқулодда мени танқид қилса, жаҳлим чиқмайди, бошқа вазиятларда эса бунга эътибор қилмайман.

Тест калити:

Жавоб вариантлари САВОЛЛАР

1	2	3	4	5	6	
А	3	2	0	1	3	3
Б	2	2	4	3	2	2
В	0	0	3	2	4	0
Г			2	0	1	1
Д			1		0	

Тест калитидан фойдаланган ҳолда ҳар бир савол ва унга берилган жавоб кесишган нуқтани топиб ва тааллуқли баллни аниқланг. Ҳар бир савол бўйича олинган баллар йиғиндисига асосланган ҳолда қуйидаги изоҳга муурожаат этинг.

Натижалар:

16 : 20 баллар, раҳбар бўлиш учун имкониятингиз яхши ривожланган. Иш кунингизни тўғри ташкил этишга урганинг. қизиққонлик билан қарор қабул қилиш сизга хос эмас. Сиз гарчи ўзингизнинг қарорларингиз бўлса ҳам узгаларнинг фикрини ҳурмат қиласиз, ҳамкорликдаги ишларда ўзингизга танқидий ёндашасиз. Мулоқотда босиқ эканлигингиз, хайрихоҳлигингиз намоён бўлади, лекин баъзан, келишувчанлик ва ён беришга мойиллигингиз сизга панд бериши мумкин.

13 : 15 баллар, Сизда раҳбарлик учун ҳали қатъиятлилиқ ва уюшқоқлик етишмайди. Шу сабабдан ўйлаган нарсангизни охирига етказа олмайсиз. Сизда ҳиссиётга берилувчанлик мавжуд. Мулоҳаза билан иш кўриш ва босиқ бўлишни тавсия қилган бўлардик.

10:12 баллар, Сизнинг ишингизда режалаштириш хоҳиши кузатилмайди. Ҳатто режа тузсангиз ҳам унга амал қилишингизга ҳеч қандай кафолат йўқ. Лекин ўзингиз тўғрингизда фикрингиз салбий эмас. Ўз шахсиятингизга нисбатан бошқаларнинг айтилган танқидни душманлик, деб қабул қилишингиз мумкин. Ўзингиз тўғрингизда камроқ ўйлаб, ишни ташкиллаштириш ва бошқалар фикрига кўпроқ эътибор беришингиз маъқулроқ.

0 : 9 баллар, Сизнинг асосий кулфатингиз ўзингиздан мавқе жиҳатдан

юқорида турувчи кимсалар фикрига тобелигингиздир. Сиз юқори поғонадагиларнинг фикри ноҳақ бўлса ҳам уларни инкор этмайсиз, кўрсатмаларини бажараверасиз. ҳамкорликдаги ишда сизга нима топширилса, шуни бажарасиз. Бироқ ишга нисбатан Сизда қизиқиш пайдо бўлса, у холда мустақиллик, қатъият, ташкилотчилик қобилиятларингизни намоён этишингиз мумкин.

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Сиёсий реализм мактабининг асосий тамоилларини айтиб беринг.
2. Сиёсий либерализм мактабининг асосий тамоилларини айтиб беринг.
3. «Халқаро тизим» тушунчасининг маъносини очиб беринг.
4. «Халқаро сиёсат» ва «жаҳон сиёсати» тушунчаларини таърифлаб беринг.
5. «Кучлар мувозанати» концепциясининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
6. «Жаҳон тартиботи» тушунчасини таърифлаб беринг.
7. Қандай жаҳон тартиботи концепцияларини биласиз?
8. Халқаро сиёсат учун геосиёсий ўзгаришларнинг аҳамиятини изоҳлаб беринг.
9. Глобаллашув бу нима ва у қандай кўринишларда намоён бўлади?
10. Замонавий халқаро сиёсатда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли ҳақида нима фикр билдира оласиз? Мисоллар келтиринг.
11. МДХнинг тузилиши ва унинг бугунги асосий концептуал муаммолари тўғрисида гапириб беринг.
12. Марказий Осиё минтақасининг стратегик аҳамияти нима билан белгиланади?
13. Минтақамизда янги «Катта ўйин» бўляпти, деган ибора нимани англатади?
14. Ўзбекистон ташқи сиёсатини реализм ва идеализм нуқтаи назардан изоҳлаб беринг.

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Абдикация** – лот. тахтдан, ҳокимиятдан, лавозимдан воз кечиш.

**Аболиционизм** – лот. бекор қилиш-бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.

**Аборигенлар** – лот. бошидан - мамлакат, ҳудудда, бу ерга янги келганлардан фарқли равишда қадимдан яшаб келаётган туб аҳоли.

**Аброгация** – лот. бекор қилиш – эскирган қонуннинг бекор қилиниши: 1) амалдаги қонунни янги қонун билан алмаштириш орқали; 2) амалдаги қонунни бошқа қонун томонидан расман бекор қилиш орқали; 3) қонун амал қилиши муддати расман тугаганида; 4) қонун қабул қилинган шароит, вазиятнинг ўзгариши туфайли уни бекор қилиш зарурати вужудга келиши натижасида.

**Абсентеизм** – лот. *absentis* – йўқлик, қатнашмаслик - сиёсий иштирокдан бош тортиш, сиёсий лоқайдлик. Абсентеизм сайловчилар томонидан сайловларда онгли равишда қатнашмаслик, мавжуд бошқарув тизимида қарши пассив қаршилиқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга нисбатан бефарқлигининг намоён бўлиши.

**Абстракция** - нарсаларнинг бир қатор хусусиятларидан ва улар ўртасидаги алоқадорликлардан ҳаёлан чалғиш воситасида унинг бирор муҳим қирраси, жиҳати, белгиси, хоссаларида эътиборни жамлаш имконини берувчи илмий усул.

**Абсолютизм** – лот. мутлоқ, шубҳасиз - мутлоқ ҳокимият, мустабид ҳокимият маъноларини англатади. Абсолютизм – бир кишининг (подшо, султон, император) қонун билан чекланмаган мутлоқ ҳокимиятига асосланган давлат бошқаруви шакли.

**Авангард партиялар** – партияларнинг муайян тури. У жамиятдаги ижтимоий-сиёсий кучларга етакчиликка даъвогарлик қилади, бунини мамлакатдаги муаммоларни ҳал эта олиши ва жамиятга самарали раҳбарлик қила олиши билан асослайди.

**Автаркия** – юнон. *avtarkia* – мустақиллик, ўз-ўзини таъминламоқ - айрим давлатлар ўз хўжалигини бошқа мамлакатлар таъсиридан ажратиб мустақил хўжалиқ сифатида ривожлантиришига қаратилган сиёсат номи.

**Автократия** - греч. *autokrateia* – бир киши ҳокимияти, самодержавие – бир кишининг чекланмаган ва назорат қилинмайдиган ҳокимиятига асосланган бошқарув шаклларида бири. Автократик бошқарув эркинлик, тенглик, адолат сингари умуминсоний қадриятларни инкор этади, жамиятни плүрализм, демократия, бирдамлик тамойиллари ёрдамида бошқаришдан узоқ бўлади.

**Автономия** – гр. ўз-ўзини бошқариш, мустақиллик – мухторият; Конституция билан белгиланувчи ва давлат таркибидаги сиёсий субъектларга нисбатан мустақил фаолият кўрсатиш имконини берувчи ҳуқуқ, имкониятнинг мавжудлиги. У ички қонунлар чиқариш ва ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини, ўз-ўзини идора этишни назарда тутади.

**Авторитаризм** - сиёсий бўлмаган соҳаларда шахс ва жамиятнинг мустақил



ривожланишига имкон берувчи, сиёсат соҳасида шахс ёки гуруҳнинг якка хукмронлигига асосланган, лекин муайян чекловларга эга сиёсий тизим тури. Авторитаризмнинг дастлабки маъноси – *авторитет ва анъанага асосланган катталар ҳокимиятини ҳурмат қилиш*. Авторитаризмда давлат ва жамият бир-бирига нисбатан мустақил бўлиб, улар ўртасидаги муносабатлар маълум қоидалар билан тартибга солинади.

**Авторитар** – таабалик маданияти – демократик фуқаролик маданиятидан фарқ қилиб, фуқаро ва давлат ўртасида ўзаро масъулиятли муносабатларни эмас, фуқароларнинг масъулиятини давлат бир томонлама ўз зиммасига олувчи, индивиднинг сиёсий тизимга пассив ва бегоналашган муносабатларни англатади. Бу маданиятга эга шахс сиёсий онгли бўлишига қарамай анъаналарни устун қўяди, ҳокимиятга итоат эвазига ундан турли неъматларни кутади, сиёсий фаол бўлмайди.

**Авторитет** – лот. кадр-қиммат, куч - барча эътироф этган, аҳамиятли, таъсирга эга – барчанинг эътирофига сазовор бўлган инсон ёки гуруҳ сифати. Сиёсий авторитет - бир гуруҳ ичида ўз аъзосининг шахсий ва ишбилармонлик хислатлари тан олинishi даражаси. Шахснинг ижтимоий гуруҳ ёки жамиятдаги таъсирини, нуфузини акс эттиради.

**Агиократия** – грек. авлиё – муқаддас нарсалар, кадриятлар, юқори маънавиятга асосланган ҳокимият. Маънавий тубан ҳокимиятга қарши қўйилади.

**Агрессия** – лот. босиб олиш - тажовуз, босқинчилик, бир ёки бир неча давлатнинг бирор давлат, халқ сиёсий мустақиллиги ва суверенитетига қарши харбий кучни ноқонуний тарзда қўллаши. Агрессия тўғридан-тўғри, бавосита, қисман амалга оширилади. Ҳар қандай вазиятда у кескинлик ортиши, қурбонлар, сиёсий ва б. вазиятларнинг нобарқарорлашувига олиб келади. Халқаро ҳуқуқда агрессия учун халқаро ҳуқуқий жавобгарлик тамойили амал қилади, БМТ Низомида агрессиянинг ноқонунийлиги белгилаб берилган.

**Адекват** – лот. Тенглашган - айнан ўхшаш, тенг маъноли.

**Адепт** – лот. эришган - бирор таълимот, ғоянинг ашаддий тарафдори, давомчиси.

**Аккредитация** – лот. ишонч билдирмоқ - 1) халқаро ҳуқуқда бир давлат қошида иккинчи давлат ёки халқаро ташкилот вакилини шу давлат ёки ташкилот розилигига кўра тайинлаш; 2) мухбирларнинг бирор ахборот агентлиги, давлат раҳбари ёки халқаро ташкилот котибиятида (бирор халқаро тадбир ташкилий қўмитаси котибиятида) тайинланиши.

**Актор, агент, сиёсат субъекти** – лот. арбоб - сиёсий жараён иштирокчиси. Уларни бавосита ва бевосита субъектларга бўлиш қабул қилинган. Бавосита сиёсат субъектларига – шахс, синфлар, ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, миллатлар, демографик гуруҳлар, регионал гуруҳлар, диний гуруҳлар киради. Бевосита сиёсат субъектларига – давлат, партиялар, ассоциациялар, ҳаракатлар, сиёсий элиталар ва сиёсий етакчилар, яъни вакиллик тизими асосида бавосита субъектлар манфаатини сиёсий ҳокимиятда баён этувчи сиёсий институтлар киради.

**Акцессион шартнома** – лот. қўшилиш - бирор давлат илгари бошқа давлатлар

кабул килган шартномага қўшилганлигини тасдиқловчи шартнома.

**Алармизм** – фр. хавотир, хавфсираш - интеллектуаллар ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – ядровий, экологик ва ҳ. – борасида огоҳлантиради.

**Альянс** – фр. иттифоқ - умумий мақсадларга эришиш ниятида айрим шахслар, сиёсий партиялар ёки давлатларнинг бирлашуви, иттифоқи.

**Альтруизм** – бошқа инсонлар учун қайғуриш, бошқалар учун ўз манфаатларидан ҳам воз кечиш.

**Амалий сиёсатшунослик** – бевосита амалий вазифаларни ҳал этишга қаратилган сиёсат фанининг таркибий қисми. Амалий сиёсатшуносликнинг асосий вазифаси муайян сиёсий субъектлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида улар учун аниқ тавсиялар ва қисқа муддатли тахминларни шакллантиришдан иборатдир.

**Амбивалентлик** – қарама-қарши ҳиссиётларнинг бир вақтда мавжудлиги. Масалан, бир одамда бирор ҳодиса ҳам ҳайрат, ҳам нафрат уйғотиши.

**Амбиция** – инсон томонидан ўз маънавий, интеллектуал ва бошқа сифатларига ортиқча баҳо бериш, ўзи тўғрисида юқори фикрда бўлиш, ҳаддан ортиқ ўзини севиш натижасида вужудга келувчи ман-манлик.

**Аналитик** – лот. – таҳлил усулига асосланган, таҳлилий.

**Аналогия** – гр. ўхшаш, монанд - умуман ҳар хил бўлган предметлар, ҳодисаларнинг муайян маънода ўхшашлиги, монандлиги.

**Анархизм** – гр. бошлиқсиз, бебош - 2) тартибсизлик, хаос; 3) ҳокимиятсизлик, ҳокимиятнинг йўқлиги, фалсафий, ижтимоий–сиёсий оқим. Яна бир маъносида у антиэтатистик ҳар қандай ғоя, фаолият, шу жумладан, экстремизмни англатади. У давлат, ҳуқуқ ва конституцион бошқарувнинг ҳар қандай шаклларида воз кечишга чақиради. Мақсади – шахсни ҳамма соҳада давлатнинг ҳар қандай таъсиридан озод этиш.

**Анклав** –(фр. кулфламоқ - бир давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудуди билан ўралган қисми.

**Аннексия** – лотин. *annexio* – бирлаштириш - бир давлат томонидан бошқа давлат ҳудудининг, шунингдек халқаро ҳамжамиятнинг умумий фойдаланишида бўлган макон ҳудудининг бир қисмини зўрлик билан ва ғайриқонуний қўшиб олиниши, эгалланиши. Аннексиянинг қонунга хилофлиги БМТ Уставида ҳам қайд этилган бўлиб, унда давлатларнинг ҳудудий дахлсизлиги, яхлитлилиги ва сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилиш тақиқланади.

**Аномия** - гр. қонун, ташкилотнинг йўқлиги - жамиятда умумий эътироф этилган ҳуқ-атвор меъёрларининг, қадриятларнинг заифлашуви ёки йўқолиб кетиши натижасида асоциал фаолиятнинг, жумладан, сиёсатда радикализм ва экстремизмнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолат.

**Антиглобализм** – глобаллашув жараёнинг айрим қирраларига, жумладан, Трансмиллий корпорациялар ва Халқаро савдо ташкилоти сингари ташкилотларнинг устунлигига қарши қаратилган сиёсий ҳаракат. XXI аср бошида жаҳонда 2500 тадан ортиқ антиглобалистик ташкилот мавжудлиги қайд этилган.

**Антиномия** – фр. қонунга қарши - бир хил даражага асосланган ва тўғри деб эътироф этиладиган, лекин қарама-қарши ҳукмлар тўқнашуви.

**Антисемитизм** – ирқий айирмачилик ва миллий низони авж олдиришга уринувчи миллатчиликнинг энг кескин кўринишларидан бири. Яҳудий миллатига мансуб шахсларга нисбатан душманлик муносабати ва таъқибни тарғиб қилувчи мафкура ва сиёсат. Шакллари: сегрегация, дискриминация, геноцид.

**Антагонизм** – гр. кимгадир қарши курашаман - мурасасиз қарама-қаршилиқлар.

**Антропология** – гр. инсон + таълимот - 1) дастлаб инсоннинг келиб чиқиши ва биологик хусусиятлари тўғрисидаги фан; 2) ҳозирги вақтда – инсонни коинот ҳодисаси сифатида, биологик ва ижтимоий-маданий ўлчовларда ўрганувчи фанлар бирлиги. **Маданий антропология** – примитив ва анъанавий жамиятларни асосан маънавий ўлчовда – эътиқодлар, қадриятлар, одатлар нуқтаи назаридан ўрганувчи фан. **Сиёсий антропология** – сиёсатнинг биологик, интеллектуал, ижтимоий, маданий, диний ва ҳ. инсон сифатларига боғлиқлигини, шунингдек, сиёсий тартибнинг шахсга таъсирини ўрганувчи фан.

**Анъана** – ар. - тарихан вужудга келган, барча учун умумий, одатдаги ҳаёт услуби ва ҳаракатга айланган, муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳда ҳукмронлик қилувчи, алоҳида шахслар ҳам, бутун жамият ҳам амал қилишини талаб этувчи ва амал қилинувчи ижтимоий ҳаёт тартиби ёки урф-одатлар, ахлоқ меъёрлари, қарашлар тизими.

**Анъанавий давлат** - тўлалигича анъаналар асосида бошқарилувчи давлат, анъанавий жамиятлар бағрида фаолият кўрсатади. Анъанавий жамиятда давлат тўлалигича жамият таъсирида бўлади.

**Апартеид** – (алоҳида бўлиб яшаш) ирқий камситиш ва сегрегациянинг кескин шакли. Унда айрим гуруҳлар бошқаларга нисбатан жуда тенгсиз ҳолатга кўйилади, уларнинг сиёсий, фуқаролик ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари чекланади, хатто махсус ҳудудларда – резервацияларда яшашга маҳкум қилинишигача.

**Апатридизм** – гр. инкор этиш + ватанни - ҳеч қандай фуқароликка эга бўлмаган шахснинг ҳуқуқий ҳолати. У шахс бирор давлат фуқаролигидан воз кечиши ёки маҳрум қилиниши ва бошқа давлат фуқаролигига эга бўлмаган вақтда рўй беради. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки апатридлар яшаб турган мамлакатлари қонунларига бўйсундилар ва бирор бошқа давлат дипломатик ҳимоясига даъво қилолмайдилар.

**Аралаш турдаги республика** – республика бошқаруви шаклларида бири. Республика бошқарувининг президентлик ва парламент шаклига тўла мос келмайдиган кўринишлари аралаш турдаги республикаларга киритилади.

**Аргумент** – лот. - фикрни исботлаш учун хизмат қиладиган мантиқий асос, далил.

**Аристократия** – гр. муносиблар бошқаруви - 1) бошқарув шакли: унда давлат ҳокимияти имтиёзларга эга олий табақага тегишли, монархия ва демократияга қарши туради.

**Артикуляция** – лот. бўғин-бўғин, тушунарли сўзлаш - сиёсий тизим функцияси. Артикуляция жараёни фуқароларнинг кутишлари ва хиссиётларини аниқ сиёсий талаблар ва мақсадлар шаклида ифодаланишини англатади.

**Архетип** – гр. ибтидо - жамоа ботиний онгида яширинган маданий стереотиплар. У бевосита тарзда хулқ-атворимизга, танловимизга таъсир кўрсатади. Сиёсатда амал қилувчи субъектив омил сифатида ўрганилади.

**Аспект** – лот. тур - 1) предмет, тушунча, ҳодисага доир ушбу дамда қабул қилинаётган нуқтаи назар, қараш; 2) бирор ҳодисага маълум жиҳатдан ёндашиш.

**Ассамблея** - фр. йиғилиш – бирор халқаро ташкилот аъзоларининг ёки бир неча давлат вакилларининг ялпи мажлиси. 1) айрим давлатларда олий давлат органи, парламент номи; 2) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) бош органи, барча аъзо давлатлар делегацияларининг умумий йиғилиши.

**Ассимиляция** – лот. ўхшаб кетмоқ - сингиб кетиш, кўшилиб кетиш. Масалан, бир халқнинг бошқа халқ тилини, урф-одатларини ўзлаштириши ва ўзининг миллий хусусиятларини аста-секин йўқота бориб унга кўшилиб кетиши.

**Ассоциация** – лот. - шахслар ёки муассасаларнинг ихтиёрий бирлашмаси, уюшмаси.

**Атрибут** – лот. - предмет ёки ҳодисанинг ўзига хос, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим характерли хусусияти, белгиси.

**Атгаше** – фр. бириктирилган - 1) кичик дипломатик даража; 2) элчихона ва дипломатия таркибидаги лавозимли киши.

**Аудиенция** – лот. тинглаш - давлат бошлиғи ёки юқори лавозимли шахсларнинг расмий қабул маросими.

**Ахборот жамияти** – саноати ривожланган давлатларда ахборотнинг янги ролини, ахборот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш, тарқатишнинг сифат жиҳатидан янги усулларини таснифлаш учун қўлланиладиган атама. Ахборот жамияти концепциялари замонавий жамиятлар ўз тарихий тараққиётларида янги босқичга кўрилганликларини таъкидлайди. Ахборот жамиятининг тарихий ўрнини баҳолашда икки ёндашув мавжуд: Ю. Хабермас, Э. Гидденслар томонидан ишлаб чиқилган биринчи ёндашув ахборот жамиятини саноатлашган жамиятнинг босқичи сифатида талқин этади. Д. Белл ва О. Тоффлерга тегишли иккинчи ёндашув ахборот жамиятини тараққиётнинг янги босқичи (“учинчи тўлқин”) тарзида ўрганишни таклиф этади. Ахборот жамиятида биринчи ўринга хизматлар ишлаб чиқариш кўтарилади, жамиятнинг малакавий, маърифий таркиби, меҳнатнинг табиати ўзгаради.

**АҚШ сиёсий фани мактаби** - бу мактаб шаклланиши ва ривожланишига катта таъсирни Афлотун ва Арасту ғоялари кўрсатган, Гоббснинг мумтоз конституционализи, Локк, Монтескье ва бошқаларнинг илмий мероси асос бўлган. 1889 йилда етакчи ҳуқуқшунослар, тарихчилар, файласуфлар кучи билан Сиёсий ва социологик фанлар Америка Академияси тузилди, 1903 йилда эса политологларнинг ўзи Сиёсий фанларнинг Америка ассоциациясига бирлашдилар ва уни Фрэнк Гудноу бошқарди. Илк давр америка сиёсий фани учун хос асарлар ва муаллифлар сифатида Джон Берджеснинг “Сиёсий фан ва

киёсий конституцион ҳуқуқ” асари (1890), Дуайт Вулсининг «Сиёсий фан» (1878), Уильям Уиллоубининг «Давлатнинг табиатини ўрганиш» (1896), Генри Форднинг «Америка партияларининг шаклланиши ва ўсиши» (1898), Эдгар Робинсоннинг «Америка сиёсий партияларининг эволюцияси» (1924), Чарльз Мерриамнинг «Америка сиёсий назарияларининг тарихи» (1903), Чарльз Мерриам ва Джеймс Госнеллнинг «Овоз беришдан воз кечиш: сабаблари ва назорат усуллари» (1924), Вудро Вильсоннинг «Давлат» (1889), Эббот Лоуэллнинг «Ғарбий Европа давлатларида ҳукумат ва сиёсий партиялар» (1896) кабиларни санаб ўтиш мумкин.

## **Б**

**Баёнот** – ар. дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва ҳ.. ҳақида манфаатдор томонлар ва ахборот учун оғзаки ёки ёзма равишда эълон қилинган расмий билдириш ва шу ҳақидаги ҳужжатлар.

**Байкот** – ингл. иқтисодий ёки сиёсий кураш воситаси бўлиб, бошқа шахслар, ташкилотлар, давлатлар билан муносабатлардан тўла ёки қисман воз кечиш, қандайдир ташкилотлар ишида қатнашмаслик, қайсидир функцияни бажармаслик ёки ҳуқуқдан фойдаланмаслик, кимnidир хизматидан воз кечиш, муносабатни тўхтатиш, алоқани узиш.

**База** – гр. 1) асос, негиз; 2) доимий ёки вақтинча тушуниладиган жой, ҳудуд; 3) бирор нарса сақланадиган омбор.

**Бетарафлик** – икки томондаги урушга аралашмайдиган ва улар билан тинч муносабатларни сақлаб қоладиган давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳолати.

**Би-би-си** – (**British Broadcasting Corporation**) 1922 йилда ташкил топган Британия радио эштириш корпорацияси. Давлат томонидан молиялаштирилади. 1954 йилгача – ички теле-кўрсатувларга, 1971 йилгача – радио эшиттиришларига яқка ҳокимликка эга эди. 1932 йилдан чет элга инглиз тилида эшиттиришлар узатади; бугунги кунда тезкор ахборотлар, теле-эшиттиришлар, нашрлар, инглиз тилини ўрганувчилар учун қўлланмаларни дунёнинг бир нечта тилда чел элларга тарқатувчи йирик медиа-корпорация.

**Бикамерализм** – парламентнинг икки палатали тизими. Шаклланиб бориши тарихи давомида парламентлар икки, уч, тўрт палатали таркибга эга бўлган. Бу парламентлар ишида дин арбоблари, аслзода табақа вакиллари қиролнинг шахсий таклифига кўра иштирок этган бўлса, “учинчи табақа” – буржуазия вакиллари аввал бошиданоқ сайлов ёки танлов асосида кирганлар. У даврдаги парламент палаталарида мамлакат эмас, табақа манфаатлари тақдим этилган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб парламентларнинг иккинчи палаталари ташкил топиши тенденцияси кучайган. Бикамерализмнинг камчиликларига қўйидагилар кўрсатилади: бир палатали парламентлар фаолияти тезкор бўлгани учун самаралироқ; иккинчи палаталар бошқарувнинг демократик эканлигига кўпинча зид келади: уларнинг баъзи аъзолари сайланмайди – тайинланади; икки палатали парламентлар институционал ихтилофларга мойиллар; иккинчи палаталар консервативлар.

**Билл** – ингл. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда қонун чиқарувчи

ташкилот эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси.

**Биосиёсат** – физиология, генетика, биология, ҳуққ, экология ва тараққиёт фалсафаси ўзаро уйғунлигига асосланган замонавий назария. Биосиёсат инсон ва ҳайвонот дунёси ва тушунчалар умумийлигини тан олиш асосига қурилади. Биосиёсатнинг бош объекти – инсон ҳуққидир.

**Бипатрид** – икки ёки бир нечта давлат фуқаролигига эга шахс.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)** – халқаро тинчлик ва хавфсизликни, давлатларнинг ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида суверен давлатлар кучларини ихтиёрий бирлаштириш асосида таъсис этилган универсал халқаро ташкилот. 1945 йилда – СССР, АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Франция томонидан тузилган. БМТнинг бош органлари: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Социал Кенгаш, Халқаро суд ва Котибият (Бош котиб Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига кўра тайинланади). БМТнинг бош штаб-квартираси – Нью-Йорк (АҚШ)да.

**БМТ Бош Ассамблеяси (БМТ БА)** – БМТнинг бош органларидан бири. Унинг таркибига БМТниг барча аъзолари киради. У БМТ Устави асосида барча масалаларни муҳокама қилиши ва улар бўйича тавсиялар қабул қилиши мумкин. Бу тавсиялар (ташкилый ва бюджетга таалуқлиларидан ташқари) мажбурий табиатга эга эмас. БМТ Низомига кўра БА Хавфсизлик Кенгаши ҳисоботларни кўриб чиқади, Иқтисодий ва Социал Кенгаш, Ҳомийлик Кенгашларига муваққат аъзолар тайинлайди, Халқаро суд судьяларини сайлашда қатнашади, БМТ Бош котибини тайинлайди, ташкилот бюджетини тасдиқлайди. БМТ БА қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

**Бихевиоризм** – ингл. ҳуққ-атвор - Америка ижтимоий фанларидаги йўналиш. У инсоннинг ҳуққ-атвори мотивларини, жавоб реакцияларини ўрганиш зарурлиги, шу тарика ижтимоий фанлар ўзларининг «гуманитар чекланганлигини» енгиб ўтиши, ҳамда исботлилиги ва аниқлик даражасига кўра табиий фанларга яқинлашуви ғоясига асосланади. Бихевиоризмнинг концептуал асослари Ғарб политологиясига кучли таъсир кўрсатган. Американинг Чикаго мактаби вакиллари томонидан кенг қўлланган.

**Блеф** – ингл. мақтанчоқлик ва бошқа мақсадларда қилинган уйдирма, ёлғон, мавжуд бўлмаган кучлар ва воситалар билан кўрқитиш.

**Блокада** – ингл. тўсмоқ - сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ҳ. яққалаб қўйиш; камал, қуршов.

**Брифинг** – ингл. йўл-йўриқ - муайян масала бўйича ҳокимият нуқтаи назарини ваколатли шахслар томонидан баён қилинишига бағишланган қисқа матбуот кенгаши.

**Бумеранг** – ингл. бирон нарса, томон, шахс ва ҳ.га қарши қаратилган душманона ҳаракатнинг уни бошлаган нарса, томон, шахсга қайтиб келиши.

**Бундесрат** – нем. ГФРда ерлар палатаси. Германия Ерлари ҳукуматларининг

учдан бештагача вакилларида иборат. **Бундестаг** – (нем.) ГФР парламенти. 1949 йилда ташкил этилган. Аралаш сайлов тизимида 4 йиллик муддатга сайланади.

**“Буюк давлатлар”** – сиёсий ва халқаро нутққа 1814-1815 йилларда Вена Конгрессидан сўнг кирган атама. У халқаро сиёсатда етакчи роль ўйнайдиган давлатларга нисбатан қўланади. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг БМТ Уставига кўра СССР (ҳозирги Россия), АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой “Буюк давлатлар” мақомига эга ва Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Бу мамлакатларнинг ўзига хос мақомлари уларнинг тинчлик йўлидаги маъсулиятларидан келиб чиқади.

**Бюджет** – ингл. сумка - давлатнинг муайян бир даврдаги даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланган режаси. Давлат бюджети мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан тасдиқланади.

**Бюрократизм** – бюрократиянинг алоҳида маъмурий қатлам сифатида негатив сифатларининг намоён бўлиши; тўрачилик, расмиятчилик; ишни чўзиш, расмий талабларни бажариш баҳонасида ишнинг моҳиятига эътиборсизлик. Бюрократизм давлат бошқаруви соҳасида ёрқин намоён бўлади ҳамда давлат ва жамият, фуқаро ва ҳокимият ўртасидаги зиддиятларни акс эттиради.

**Бюрократия** – фр. девонхона ҳукмронлиги - бошқарувда ўзига хос функциялар ва имтиёзларга эга гуруҳ, қатлам. Бюрократиянинг келиб чиқиши давлатчиликнинг ривожланиши ва аҳоли таркибидан амалдорлар, жамиятни бошқариш вазифасини бажарувчи алоҳида қатлам ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Бошқарув муносабатлари тизимида бюрократия сиёсий элиталар билан аҳоли ўртасида оралиқ мавқени эгаллайди ва уларнинг манфаатлари учун хизмат қилади.

## **В**

**Вакил** – ар. бирор киши, муассаса, ташкилотларнинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс. Вакиллик – сиёсий тамойил. Унда инсон ёки гуруҳ бир қанча одамлар номидан фаолият юритади. "Вакил" тушунчаси жуда кўп маъноларда ишлатилади. Масалан, муайян бир шахс тўғрисида ўз миллати, касби, ижтимоий гуруҳи ва ҳ.нинг "типик вакили" бирор мамлакат вакили, давлат раҳбари вакили, у ёки бу савдо компаниясининг вакили дейилади.

**Вакиллик демократияси** - фуқароларнинг давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида ўз вакиллари орқали иштирок этиши. Антик даврдаёқ демократия ривожидида икки йўналиш белгиланди: биринчиси, ўз-ўзини бошқарувчи демократия, яъни фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирокини назарда тутувчи тартиб.

**Валидлик** – респондентдан олинган ахборотни верификация маълумотлари билан қиёслаш. Валидлик ўлчов ҳақиқийлиги мезонидир.

**Валюта** – лот. қиймат, баҳо - халқаро иқтисодий ва бошқа пул ҳисоби билан боғлиқ муносабатларда иштирок этувчи мамлакатнинг пул бирлиги. Валюта сифатида миллий пул бирлиги ўзининг халқаро «баҳосига» эга ва у валюта

курсида акс этади. Валюта курси котировка ёрдамида белгиланади.

**Вассал** – лот. итотдаги, қарам давлат ёки шахс.

**Ватикан** – лот. Римдаги Тибр дарёсининг ўнг қирғоғидаги тепалик номи - папа бошқаруви, рим папаси ҳокимияти; католик черковининг ҳукмрон қисми.

**Вербал** – лот. оғзаки, сўзда ифодаланган.

**Вердикт** – ингл. тўғри айтилган - қарор, ҳукм.

**Верификация** – лот. ҳақиқий қилмоқ - гувоҳлик, ҳақиқийлигининг исботи. Респондент хабар берадиган маълумотларнинг аниқлигини ўлчаш учун зарур далилларни тўплаш, олиш жараёни.

**Версия** – лот. кўринишини ўзгартириш - далил, фаразлар; воқеани баён қилиш ёки тушунтиришнинг бир-биридан фарқ қиладиган тури.

**Вестернлашув** – ингл. ғарблашув - ғарб қадриятлари, институтлари ва турмуш тарзини айнан кўчириш, уларни товарлар, маданият, ахборотлар воситасида бутун дунёга тарқатиш. Политологияда модернизация назарияларининг ривожланишидаги биринчи босқич (XX асрнинг 50-60-йиллари) учун хос камчилик сифатида ўрганилади. Бу босқич назариялар ривожланаётган жамиятлардаги анъаналарни инкор этиш, маданий ўзига хосликни назарга илмаслик ва тараққиётнинг Ғарб андазасини тўғридан-тўғри кўчириш зарурлигини асослаган. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб бу ёндашув кескин танқидга учраган.

**Вето** – лот. тақиқлайман - ваколатли орган қабул қилган қарорни вето ҳуқуқига эга шахс ёки орган иродасига мос келмаслиги туфайли тақиқланиши: мутлоқ вето, кечиктирувчи вето. Сиёсий амалиётда вето ҳуқуқи бир сиёсий орган томонидан иккинчи орган қабул қилган қарори ёхуд тўхтама бажарилишининг бошқа сиёсий орган ёки шахс томонидан тақиқлаб қўйилиши мумкинлигини англатади.

**Виза** – лот. кўриб чиқилган - рухсатнома. 1) Паспортга қўйиладиган белги, муайян шахснинг бошқа давлат ҳудудига киришига, ундан чиқиб кетишига ёки шу давлат ҳудуди орқали ўтишига рухсат берилганлигини билдиради; 2) мансабдор шахснинг ҳужжат устига ўз фикрини билдириб имзо қўйиши.

**Волюнтаризм** – лот. ирода - ижтимоий-сиёсий амалиётда тарихий жараён объектив қонуниятларини инкор этиш ва айрим шахслар субъектив истакларига кўра қабул қилинган қарорларга суяниш. **Сиёсатда волюнтаризм** – субъективизмнинг ўта кучли намоён бўлиши; субъект иродаси, интилишларини сиёсатнинг бош омили сифатида қаралиши; уни амалга оширувчи шахсларнинг субъектив иродаси ва ўзбошимча қарорлари билан билгиланувчи сиёсий фаолият. Сиёсатда волюнтаризм сиёсат етакчилар, кичик гуруҳ иродаси билан яратилиши ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ; сиёсий ҳокимиятнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириб кўрсатади. Сиёсатда волюнтаризм айниқса ўтиш даври жамиятларида авж олади. Уни чеклаш – ташкилотлар ва институтлар фаолиятида демократияни ривожлантириш, давлат миқёсида эса - қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини аниқ ва изчил бўлиниши орқали амалга ошади.

**Вотум** – лот. истак - ҳокимият фаолиятига ишонч ёки ишончсизликни



билдирувчи, овоз бериш йўли билан қабул қилинадиган қарор.

**Г**

**Гангстеризмлик** – ингл. жиноятчи, профессионал қотил - 1) уюшган жиноятчилик тури. У зўрлик, қотиллик, қўрқитиш, таъмагирлик, давлат амалдорларини сотиб олиш ва ҳ.ларда намоён бўлади. Гангстеризм мафия фаолиятига боғлиқ; 2) сиёсий гангстерлар - ҳар қандай воситаларни қўллашга ариққан сиёсатчилар.

**Гарант** – фр. кафил - кафолат берадиган ва унинг бажарилишини кузатиб турувчи шахс, ташкилот, давлат.

**Гегемонлик** – гр. ҳукмронлик - раҳбарлик, етакчилик, устунлик; гуруҳ, қатлам (синф), давлат (давлатлар) нинг бошқа гуруҳ, қатлам (синф), давлат (давлатлар) устидан раҳбарлиги, ҳукмронлиги, етакчилиги.

**Генезис** - гр. келиб чиқиш, пайдо бўлиши, ривожланиш жараёни.

**Геноцид** - лот. уруғ, қабилани йўқ қилмоқ - халқаро жиноят тури. У аҳолининг бутун бир гуруҳларини ирқий, миллий ёки диний белгиларига кўра жисмонан йўқ қилишдан иборат. Одатда, геноцидни фашизм ва расизм билан боғлашади.

**Геосиёсат** – давлат ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларнинг географик, геостратегик, ижтимоий-сиёсий, харбий, демографик, иқтисодий ва бошқа омиллар билан мураккаб ўзаро боғлиқликка эга эканлигини таҳлил қилувчи сиёсий фан йўналиши. Миллий қудратнинг бу хилма-хил омиллари минтақада ёки дунёдаги кучлар нисбати нуқтаи назаридан ўрганилади. Атамани швед тадқиқотчиси ва сиёсий арбоби Рудольф Челлен (1864-1922) киритган: у давлатни маконда ривожланувчи географик организм эканлигини асословчи назарияни яратган. Геосиёсат фанининг мумтоз вакилларига британиялик географ ва сиёсатчи Х. Маккиндер (1861-1947), америкалик тарихчи А. Мэхэн (1840-1914), германиялик географ, сиёсий география асосчиси Ф. Ратцель (1844-1901), германиялик тадқиқотчи К. Хаусхофер (1869-1946), америкалик тадқиқотчи И. Спайкмэн (1893-1944)лар киритилади.

**Геронтоқратия** - гр. қария - 1) кекса авлод ҳокимияти; 2) ҳокимият кексаларга тегишли бўлган қадимги жамиятлар шакли.

**Гетероген** - хилма-хил, сифат жиҳатидан турли негизлардан иборат. Масалан, кўп миллатли давлатлар аҳолиси – гетероген; турли сиёсий партиялардан иборат парламент таркиби – гетероген ва ҳ.

**Гетто** - ингл. ўрта аср катта шаҳарларида яҳудийлар яшаши мажбурий бўлган маҳаллалар. XVIII аср француз инқилобидан сўнг уларга барҳам берилди. Нацистлар ўзлари босиб олган мамлакатларда яҳудийлар учун тузганлар, кейинчалик улар ўлим лагерларига айланиб кетган. Ҳозирги вақтда Г. айрим мамлакатларда миллий, этник озчилик учун ташкил этиладиган ҳоллар учрайди.

**Гипотеза** – гр. таҳмин - илмий тадқиқот жараёнида бирор ҳодисани тушунтириш учун илгари сурилган таҳмин, эҳтимол. Илмий назарияга айланиши учун қўшимча текширишлар, тажриба, амалиёт натижалари билан тасдиқланиши керак.

**Глобалистика** – инсоният муаммоларига доир фанлараро билимлар тизими.

Сиёсий глобалистика унинг доирасида ривожланиб сиёсий табиатга эга ёки сиёсий соҳа билан боғлиқ муаммоларни ўрганувчи фан.

**Глобаллашув** – жаҳон миқёсида амалга ошувчи иқтисодий, сиёсий ва маданий интеграция ва бир хиллашув жараёни. Бунинг асосий оқибатларига умумжаҳон меҳнат тақсимоли, капитал, инсон ва ишлаб чиқариш ресурсларининг бутун ер кўрсати бўйлаб миграцияси, қонунчиликнинг, иқтисодий ва технологик жараёнларнинг стандартлашуви, шунингдек турли мамлакатлар маданиятининг яқинлашуви ва уйғунлашуви киради. Глобаллашув жараёнларини тушунтиришнинг ахборот-технологик талқинлари ҳам мавжуд.

Сиёсий ва иқтисодий глобаллашув фарқланади. Сиёсатда глобаллашув айрим халқаро ташкилотларнинг нуфузи ва таъсир доирасининг ортишида, миллий давлатлар суверенитетининг заифлашишида намоён бўлади. Глобаллашувга жавоб реакцияси сифатида XX асрда минтақавийлашув, локаллашув жараёнлари ҳам ривожланган.

**Глобал муаммолар** - лот.*globus* – шар – ҳозирги даврнинг бош, асосий муаммолари бўлиб, цивилизациянинг мавжуд бўлиши, сақланиши ва ривожланиши ана шу муаммолар ҳал этилишига боғлиқдир. Замонавий цивилизациянинг ўзига хос жиҳати глобал таъвоулар ва муаммоларнинг кўпайиб бораётганлигидир. Бу ўринда гап термоядро уруши таҳдиди, қурол-аслаҳалар кўпайиб бораётганлиги, табиий ресурслардан ноқилона фойдаланилаётганлиги, касалликлар, очлик, қашшоқлик ва бошқа шу каби ҳақида бормоқда.

**Гомогенлик** – гр. келиб чиқиши бир хил - асос эътибори билан, келиб чиқиши, ҳамда моҳияти жиҳатидан бир хил, бир турдаги, ягона.

**Гуманизм** - лот. инсонпарвар - инсонга муҳаббат, унинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, кишилар фаровонлиги ва уларда юксак маънавий сифатларни ривожлантириш ғояларига асосланувчи дунёқараш.

**Гуманитар** - табиий фанлардан алоҳида, бошқа-бошқа ижтимоий фанлар. Инсон онги, инсонлар жамияти, инсонлар маданиятига тааллуқли.

**Д**

**Давлат** - ар. қонунлик, бойлик, ҳокимият - 1) кенг маънода – муайян ҳудудда яшовчи, олий ҳокимият органи томонидан тақдим этилувчи ва уюштирилувчи одамлар жамоаси. Бу маънода у мамлакат ва халқни ифодалайди. Масалан, ўзбек давлати; 2) политологияда, тор маънода - муайян ҳудудда олий ҳокимиятга эга ташкилот, муассасалар тизими. У бошқа сиёсий ташкилотлар билан бир қаторда (масалан, сиёсий партия, ҳаракатлар) мавжуд.

**Давлат аппарати** – лотин. *apparatus* – асбоб-ускуна - давлат бошқарувининг барча даражасига хизмат кўрсатувчи муассасалар, ташкилотлар, уларнинг ходимлари бирлиги. Марказий ва ҳудудий давлат аппарати ажратилади. Давлат аппарати икки асосий ва ўзаро боғлиқ функцияни амалга оширади. Биринчидан у давлат раҳбарлари, сиёсий элиталари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиши жараёнида уларнинг аҳоли билан мулоқотини йўлга қўйса, иккинчидан, аҳолидан ортга қайтувчи алоқа воситасида уларнинг давлат ҳокимияти институтларига мувожаатини таъминлайди. Ана шу роли ва

нисбатан мустақил давлат аппаратининг давлат бошқарувидаги алоҳида аҳамияти ва заруратини асослайди. Давлат аппарати ижро ҳокимияти таркибида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки у орқали қонунчилик ва суд ҳокимияти қарорлари амалга оширилади.

**Давлат бошлиғи** - давлатдаги ижро ҳокимиятини бошқарувчи ва ташқи муносабатларда олий вакил бўлган маъмурий шахс. Давлат ҳокимияти яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлайди, давлатни ички ва ташқи сиёсатда тақдим этади. Монархик давлатларда – монарх, республика бошқарувида – президент.

**Давлат бошқаруви тизими** – давлат органлари жамият сиёсий ҳаётининг барқарорлиги ва тартибини таъминлаш имконини берувчи усуллар, воситалар, механизмлар бирлиги. Давлат бошқаруви тизими ривожланиши давлат ҳокимиятининг бўлиниши ҳамда марказ ва минтақалар манфаатларининг бирлиги ва ўзига хослиги тамойилларига асосланади.

**Давлатнинг келиб чиқишига оид назариялар** – сиёсий фикр тарихида давлатнинг келиб чиқишини тушунтирувчи бир қанча назариялар мавжуд.

**Теократик назария** давлатнинг келиб чиқишини илоҳий тушунтиради. Илоҳийлик давлат ҳокимиятининг авторитетини кучайтирган, давлат қарорларини эса мажбурийлигини таъминлаган. **Патриархал концепция** давлатни катта оила сифатида талқин этади: унда монарх ва унинг фуқаролари муносабатлари ота ва фарзандлар муносабати сифатида таърифланган. Давлат бу концепцияга кўра уруғларнинг қабилаларга, қабилаларнинг жамоаларга, жамоаларнинг давлатга бирлашиши натижасида вужудга келган. Монарх ўз фуқаролари тўғрисида ғамхўрлик қилиши, фуқаролар эса монарх иродасига бўйсунушлари керак бўлган.

XVII—XVIII асрларда давлат келиб чиқишининг **шартнома назарияси** ишлаб чиқилди. Давлат одамларнинг “ёввойи” ҳолатдан “маданий” ҳолатга чиқишга уриниши сифатида, яъни ўз ҳавфсизлиги, мулки, эркинлигини ҳимоя қилиш воситаси сифатида келишув асосида тузилган. Шартнома назарияси давлат келиб чиқишини сиёсий талқин этувчи назариядир. Унинг асосчилари Гоббс, Локк, Руссо, замонавий сиёсий фанда Джон Роулслардир. Бу назария уч асосий фикрга таянади: давлатсиз жамият образи берилади (табiiй ҳолат) – тартибсизлик; одамлар бу ҳолатдан чиқиш учун ижтимоий шартнома тузишга ҳаракат қиладилар (аслида бу шартнома бўлмаган, бу тушунча одамлар ўзларини гўё шундай битим бордек тутишларини истаганларини ифодалайди); ижтимоий шартнома одамларга берган барқарорлик ва ҳавфсизлик эвазига улар давлатни ҳурмат қилишлари ва унга итоат этишлари керак. Гоббс фикрича барқарорлик ва тартибни фақат мутлақо чекланмаган кучли давлат томонидан амалга оширилиши мумкин, яъни давлатга қарши норозилик ҳам, эътирозлар ҳам қабул қилинмайди. Бу фикрни тўлдирган ҳолда Локк давлат ҳокимиятига қарама – қарши тура оладиган тенг куч фуқаролик жамияти эканлигини, давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларини тартибга солувчи конституциявий ва ваколатли ҳокимият сингари воситалар амалда мавжуд бўлиши кераклигини асослаган.

**Давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши шакли** - ҳокимият

ваколатларининг маҳаллий ва марказий ҳокимият институтлари ўртасида тақсимланиши турли давлатларда турлича шаклларда амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу давлат ҳокимиятининг турлича маъмурий-ҳудудий шаклларида намоён бўлишига (давлат тузилиши шаклларига) олиб келади. Давлат тузилишининг уч шакли ажратилади: унитар, федератив ва конфедератив. Бу туркумлашнинг асосини суверенитет тушунчаси ташкил этади.

**Давлат органлари** - давлат вазифалари, функцияларини амалга оширувчи муассасалар: бошқарув органлари, суд ва назорат органлари, армия.

**Давлат рамзлари** - ҳар бир давлат Конституцияси билан белгиланади. Уларга байроқ, герб, мадҳия, пул бирлиги киради.

**Давлат функциялари** - давлат уни бошқа сиёсий институтлардан фарқловчи бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Одатда, давлатнинг ички ва ташқи функциялари ажратилади. Ички функцияларга иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, таълимий, маданий-тарбиявий ва ҳ. вазифалар, ташқи функцияларга глобал муаммоларни ҳал этишда иштирок этиш; миллий хавфсизликни таъминлаш; ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш; халқаро муносабатларда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш киритилади.

**Давлат шакллари** – давлатнинг ички тузилишига оид уч таркибий қисм бирлиги: бошқарув шакли; давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши шакли; сиёсий режим шакли.

**Давлат ҳокимияти** – ижтимоий-сиёсий ҳокимият шакли. У махсус куч ишлатиш аппаратига таянади ва бутун аҳолини қамрайди. Сиёсий ҳокимиятнинг олий кўриниши. Белгилари: 1) ҳам ташкилот, ҳам шу ташкилот мақсадларини амалга ошириш бўйича фаолият; 2) махсус бошқарув ва зўрлик аппаратининг мавжудлиги.

**Далил** – ар. фикр, мулоҳаза ва шу кабиларни тасдиқловчи ёки воқеа, ҳодиса ва шу кабилар тўғрисида гувоҳлик, далолат берувчи факт, исбот, нарса.

**Даосизм** – хит. йўл - Хитой фалсафасидаги икки асосий оқимнинг бири. Эрамиздан аввалги 6-5 асрларда шаклланган. Асосчиси Лао-Цзи. Табиат билан ҳамоханг яшашга ундаган. У зулмга қарши чиқади, ибтидоий муносабатларга қайтишга ундайди.

**Дебатлар** - фр. муҳокама, тортишув, фикр алмашинуви. **Парламент дебатлари** - депутатлар ўртасида қонунчилик масалалари бўйича ёки ҳукумат фаолияти бўйича фикрлар алмашинувининг расмий ўрнатилган тартиби. Давлат ҳукумат фаолиятини матбуотда, намойиш ва йиғинларда жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган ҳолда ҳам қўлланади.

**Девальвация** – фр. қийматнинг пасайиши - миллий пул бирлиги қийматининг қонун билан пасайтирилиши. У мамлакатларнинг савдо ва тўлов баланслари пасайиб кетиши, валюта захираларининг камайиб кетиши, миллий валюта курсининг тушиб кетиши билан боғлиқ.

**Девант** ҳулқ–атвор – жамиятда қабул қилинган ахлоқий ёки ҳуқуқий меъёрлардан чекинувчи ҳулқ–атвор. Асосий кўринишлари: жиноятчилик, ахлоқсизлик, ичкилик ва ҳ.к.

**Дедукция** – исботлашга оид илмий усуллардан бири, умумийдан хусусийга

томон мантикий фикрлаш.

**Дезинформация** – фр. ахборотни инкор этиш - ижтимоий фикрни чалғитиш мақсадида тарқатиладиган ёлғон, иғво ахборот.

**Деидеологизация** – лот. мафқурани бекор қилиш - ижтимоий қарама-қаршиликлар йўқолиши билан ҳозирги дунёда мафқуранинг ҳам йўқ бўлишини асословчи концепция. Унга кўра илмий–техник тараққиёт муаммоларни мафқура таъсиридан ҳоли илмий ва техник воситалар билан ҳал қилиш имконини беради.

**Декларация** - лот. баён этувчи, тушунтирувчи - 1) халқаро ҳуқуқда томонлар тарафидан мақулланган умумий тамойиллар ва мақсадлар; 2) солиққа тортиладиган фуқаронинг даромади ҳақидаги маълумотнома; 3) чегара орқали бойлик ёки товар олиб ўтишда божхонага тақдим этиладиган билдиришнома; 4) баёнот, давлат, ҳукумат баёноти.

**Декларатив** - умумий, асосланмаган, конкретлаштирилмаган баёнот.

**Делимитлаш** – лот. чегараларни ўрнатиш - давлат чегарасини, унинг ўтиш жойларини батафсил тавсифлаш ва бошқа давлат билан бу ҳақида тузилган шартномага асосан уни ҳаритага тушириш.

**Делегатив демократия** – аргентиналик сиёсатшунос О.Доннел томонидан демократия ва авторитаризм белгиларини уйғунлаштирувчи сиёсий тартиботни номлаш учун киритилган атама. Унинг белгиларига қуйидагилар киради: 1) ижро ҳокимияти бошлиғининг мунтазам равишда сайловлар воситасида сайланиши ва шу муддатда унинг миллат манфаатлари ифодачисига айланиши; 2) ҳокимият институционаллашувининг қуйи даражаси; 3) ижро ҳокимиятини чекловчи механизмларнинг деярли йўқлиги; 4) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мавжудлиги; 5) қонунчилик ҳокимиятининг расмий табиати; 6) сиёсатнинг кескин воситаларга таяниб олиб борилиши; 7) манфаатларни келиштириш механизмларининг йўқлиги. Вакиллик демократиясидан фарқлича делегатив демократияда ижро ҳокимиятининг вертикал ҳисоботлилиги мавжуд бўлгани ҳолда (сайловлар), горизонтал ҳисоботлилиги механизмлари мавжуд эмас (ҳокимиятлар бўлиниши). Д.Д. оралиқ тизим бўлгани учун ривожланишининг икки йўли мавжуд: биринчисида Д.Д. авторитаризмга қайтиши, иккинчисида вакиллик демократиясига ўтиши мумкин.

**Демагог** – гр. халқни эргаштираман - ўз фаолиятида кўпчиликни чалғитадиган усуллардан, нутқ маҳоратидан фойдаланувчи киши; фақат ўз манфаатини кўзловчи сиёсатчи.

**Демагогия** - ўзининг сиёсий ёки бошқа ғаразли мақсадларига эришиш учун сохта ваъдалар бериш, кўпчиликни жалб этувчи шиорларни ўртага ташлаш, хушомад қилиш, фактларни бузиб кўрсатиш орқали одамларни саросимага солиб қўйиш мақсадида уларнинг ҳиссиёти ва кайфиятига атайин таъсир қилиш, тамойилсиз сиёсат юритиш.

**Демаркация** – фр. ажратиб, чеклаб қўйиш - чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартнома ва битимларга асосан давлат чегараларини аниқлаш ва уни махсус чегара белгилари билан белгилаш. Демаркация чизиғи - сулҳ тузган икки душман армияси ўртасидаги чизик.

**Демарш** – фр. дипломатик чиқиш - бир ҳукумат ёки унинг идоралари бошқа ҳукуматга илтимос, норозилик, огоҳлантириш ва бошқа оғзаки ёки ёзма баёнотлар билан муружот қилиши.

**Демилитаризация** - лот. ҳарбий... + бекор қилиниши - бирор давлат ёки унинг маълум бир ҳудудининг тўла ёки қисман қуролсизланиши. Давлатнинг қуролли кучларга, ҳарбий истеҳком ва базаларга, ҳарбий саноат ва бошқаларга эга бўлишини тўла ёки қисман тақиқлаб қўювчи халқаро шартнома билан белгиланади.

**Демииург** - гр. бунёд этувчи, яратувчи, фаол, серғайрат куч - қадимги Юнонистонда олий ҳукумат вакили.

**Демобилизация** – фр. 1) армия шахсий таркиби сонини камайтириш ёки ҳақиқий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни бўшатиш; 2) қуролли кучларни, шунингдек, халқ хўжалигининг муайян тармоқларини ҳарбий ҳолатдан тинчлик ҳолатига ўтказиш; 3) (мажозий маъноси) фаолликнинг, ҳушёрликнинг, қувватнинг тушиб кетиши.

**Демография** – гр. халқ кезаман - аҳоли таркибини - унинг жинси, ёши, машғулоти ва бошқа белгиларига қараб - ҳаракати, туғилиши, никоҳи, ўлими ва ҳ. жараёнларни ўрганувчи фан.

**Демократик социализм** – социал-демократиянинг асосий ғоявий-сиёсий концепцияси. “Демократик социализм” атамасидан биринчи марта 1988 йилда Д.Б.Шоу фойдаланган. Биринчи жаҳон урушига қадар уни Э.Бернштейн ва О.Бауэр, урушлар оралиғидаги даврда эса К.Каутский ва Р.Гильфердинг қўллаганлар. Урушдан кейинги даврда демократик социализм социал-демократик ҳаракатнинг расмий доктринасига айланди. Мазкур концепциянинг чизгилари Социалистик интернационалнинг Франкфурт декларациясида (1951), XX аср 50-йиллари охири ва 60-йилларининг бошида Ғарбий Европаги социал-демократик, социалистик, лейбористик партияларнинг дастурий ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

**Демократлашув** – подмократик сиёсий тизимлардан демократик сиёсий тизимларга ўтиш жараёни. У демократия тамойилларини ўрнатиш, демократик тузум барпо қилиш, демократик тадбирларни амалга ошириш сингари тушунчаларни қамрайди. Замонавий сиёсий фанда демократлашув масалаларини транзитология фани ўрганади. Кўзга кўринган вакиллари – С.Хантингтон, Д.Растоу, А.Пшеворски ва ҳ. Уларга кўра демократлашув – натижаси мавҳум бўлган жараён бўлиб у демократиянинг узил-кесил қарор топиши – уюшган демократия ёки авторитар тизимнинг у ёки бу кўринишига қайтиш билан тугалланиши мумкин.

**Бошқарувнинг демократлашуви** - бошқарувнинг сезиларли равишда номарказлашган тус олиши, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишда жамоатчиликнинг фаол иштироки, ваколатларни қуйига узатишдан кенг фойдаланиш.

**Демократия** – гр. халқ ҳокимияти - халқни ҳокимият манбаи деб тан олишга, унинг давлат ишларини ҳал қилиш ҳуқуқини, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни кенг қамрови билан биргаликда эътироф этишга асосланган сиёсий тизим. Демократия сўзи “халқ ҳокимияти” сифатида таржима қилинади. Бу маънода,

ёки “бошқарувда тўғридан-тўғри иштирок” маъносида демократияни қабила-уруғчилик жамиятларидаёқ учратиш мумкин. Ҳозирги вақтда **демократия** – *халқни ҳокимият манбаи, деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларини ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари - сайловлар натижасида шаклланувчи сиёсий тизим тури* сифатида тушунилади.

Демократиянинг жамият ҳаётини ташкил этиш усули сифатидаги энг муҳим афзалликлари унда бошқа бошқарув усулларига нисбатан ҳокимиятни чеклаш, унинг барқарорлигини сақлаш ва уни бир қўлдан иккинчисига ўтиши механизмларининг атрофлича ишлаб чиққилганидир.

**Демократия тадбирлари** - сайловлар, сайланган мансабдор шахсларнинг ҳисоботлилиги, вакилларни чақириб олиш, қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни умумхалқ муҳокамаси, референдумлар, сўровлар, намоёишлар, йиғилишлар, съездлар, чет эл ташрифлари ва ҳ.к., халқнинг давлат ва жамият ишларида кенг қамровли ва самарали иштирокини таъминловчи тадбирлар.

**Демократия тамойиллари** - ҳокимият асосий органларининг сайланиши, сиёсий плюрализм, қарорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилиниши, камчиликнинг ўз нуқтаи назарига эга бўлиши ва уни ошқора ифодалаш ҳамда ҳимоя қила олиш ҳуқуқи.

**Демос** – гр. халқ - Қадимги Юнонистонда аҳолининг оқ суяк, зодагонларга қарама-қарши қўйиладиган қисми. Қуллар демос таркибига кирмаган.

**Денатураллашув** - бир давлат фуқаросининг ана шу давлат фуқаролигидан чиқиши ёки ундан маҳрум қилиниши.

**Денацификациялашув** - фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилганидан сўнг у ерда нацизмни, национал-социалистик партияни, унинг бўлимлари, бошқа фашистик ташкилотларни тағ-туғи билан йўқотишга, ҳар қандай нацистик милитаристик ташвиқотнинг олдини олиш, Германия сиёсий ҳаётини демократик асосда қайта қуриш учун замин яратишга қаратилган жараён.

**Денонсация** – фр. - бир давлат томонидан иккинчи давлатга ўзаро тузилган шартноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида хабар берилиши.

**Департамент** – фр. - 1) баъзи мамлакатларда Вазирликлар, Сенат ва бошқа олий органлар бўлимларининг номи; 2) Францияда маъмурий-ҳудудий бирлик; 3) АҚШ, Швейцарияда - вазирлик шундай номланади.

**Депортация** – лот. чиқариб юбориш - шахсни давлат ташқарисига мажбуран чиқариб юбориш.

**Депривация** – субъект ўзи интилаётган ҳолат билан амалда эришган нарсалари ўртасидаги фарқлар натижасида вужудга келувчи норозилик ҳолати. Депривация концепциялари сиёсий ҳуққ – атворнинг норозилик, қаршилиқ ҳаракатлари сингари кўринишларини тушунтириш учун қулай.

**Депрессия** – лот. бостириш - руҳий тушкунлик, эзилганлик ҳолати.

**Депутат** – лот. юборилган - давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида иш олиб борувчи халқ вакили, маълум муддатга сайланади.

**Деспотия** – гр. чексиз ҳокимият - ҳеч қандай қонунлар билан чекланмаган ҳокимият шакли, мутлоқ ҳокимиятга, қонунсизликка, ўзбошимчалиқ ва зўравонликка асосланган монархия.

**Детерминациялашув, детерминизм** – лот. белгилаш - табиат ва жамиятдаги барча ходисаларнинг объектив-қонунийлиги ва бесабаб бўлмаслигини асословчи фалсафий қарашлар мажмуи.

**Дефиниция** – лот. таъриф - тушунчанинг аниқ таърифи, мазмунини аниқлаш.

**Дефляция** – лот. пуфлаб ташламоқ - инфляция даврида ҳокимият томонидан амалга ошириладиган бир қатор тадбирлар уйғунлиги. Улар муомаладаги пуллар миқдори ва берилаётган кредитлар ҳажмини қисқартиришга қаратилган. Мақсад - пулнинг харид қобилиятини ошириш.

**Де-факто** – лот. - ҳақиқатда мавжуд бўлган, бироқ юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган.

**Дефект** – нуқсон, шикаст, камчилик.

**Де-юре** – лот. - ҳуқуқий, ҳуқуққа эга, расмий.

**Диверсификация** – лот. тенг қилмоқ - ялпи кўп тармоқли ривожланишга қаратилган давлат сиёсати.

**Диверсия** – лот. чекланиш - махсус тайёрланган гуруҳ ёки шахслар томонидан амалга ошириладиган кўпоровчилик ҳаракати.

**Диктатор** – лот. қатъий буюрувчи, айтганини қилдирувчи - Қадимги Римда фавқулодда аҳвол юз берган вақтда Сенат тавсияси билан вақтинча ёки муддатсиз қўйиладиган ва бутун ҳокимиятга эга ҳукмдор; бирор бошқарув ёки хўжалик органида чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган шахс.

**Диктатура** - бирор синф ёки гуруҳнинг сиёсий ҳукмронлиги.

**Диний эътиқод** - диннинг чинлигига иймон келтириш, диний қоида, анъана, ақидаларга ишониш.

**Динамизм** – гр. куч - ривожланишнинг кучли, тезкор, юқори суръатлари. Секин, қатъиятсиз ҳаракат, турғунлик, бир жойда туриб қолишнинг акси.

**Дипломат** – фр. икки букланган қоғоз - 1) чет мамлакатлар билан алоқада бўлиш ёки музокаралар олиб бориш учун ҳукумат томонидан ташқи ишлар муассасасига вакил қилинган лавозимли киши; 2) (маъжозий маъноси) бошқа кишиларга усталик билан муомалада бўладиган ва ўз ишининг нозик томонларидан, қонун-қоидаларидан, музокаралар олиб бориш санъатидан яхши хабардор бўлган киши.

**Дипломатик иммунитет** – лот. иммунитет - нимадандир озод бўлиш - чет эл дипломатлари (элчи, элчихона ходимлари) шахси ва улар эгаллаган биноларнинг дахлсизлиги, маҳаллий суд томонидан суд қилинмаслиги, ўз ҳукумати билан яширин алоқа қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ ва имтиёзлар йиғиндиси.

**Дипломатик корпус** - 1) бирор мамлакат ҳудудидаги чет эл дипломатик ваколатхоналари бошлиқларидан иборат ҳайъат. Унга элчилар ичидан сайланган оқсоқол бошчилик қилади; 2) кенг маънода - мазкур давлат қошидаги дипломатик иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадиган чет эл ваколатхоналарининг барча ходимлари.

**Дипломатия** – ташқи муносабатлар ёки хорижий ишлар тўғрисидаги фан. Тор маънода - музокара юритиш санъати ёки билими. Дипломатия - давлат ташқи сиёсати мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, чет элдаги муассаса ва фуқароларини ҳимоя қилиш



бўйича давлатлар, ҳукуматлар, ташқи ишлар вазирлари, чет элдаги дипломатик ваколатхоналар, халқаро анжуманлардаги делегацияларни расмий фаолияти.

**Дискредитация** – фр. кимгадир бўлган ишончни емириш, кимнингдир обрўсини тушириш.

**Дисперсия** – лот. тарқалган, ёйилган - сиёсатда ҳокимиятнинг бир марказда тўпланмай, бутун жамиятда ёйилиши, кўплаб ўзаро боғлиқ, уйғун, ҳокимият марказларининг мавжудлиги. Демократик сиёсий тизим хусусиятларидан бири.

**Диспут** – лот. фикрлаш, таҳлил қилиш, баҳслашиш - 1) оғзаки илмий баҳс; оммавий маърузадан сўнг аввалдан белгиланган оппонентлар иштирокидаги мунозара.

**Дискуссия** – лот. тадқиқот, таҳлил - йиғилишда, матбуотда, хусусий суҳбатда қандайдир масалани муҳокама қилиш, баҳс.

**Дискурс** – лот. суҳбат, мулоқот - гуманитар фанларда кенг қўлланадиган, лекин ягона таърифга эга бўлмаган атама. Одатда дискурс деганда бирон мақсад билан айтилган фикрларнинг ҳар қандай бирлиги ёки ижтимоий амалиёт сифатида тушуниладиган нутқий фаолият, бирон мавзуда ёки йўналишда жамиятда кечаётган муҳокама назарда тутилади.

**Догма** - гр. таълимот, шаклланиб бўлган фикр - муайян вазиятга тўғри келмай қолса ҳам кўр-кўрона қўлланадиган қоида, ҳамма вақт ва шароит учун шакл-шубҳасиз, ўзгармас, деб ҳисобланадиган ҳақиқат.

**Доимий яшаш цензи** - қонун билан белгиланган тартиб. Унга кўра, фуқаро сайлов ҳуқуқига эга бўлиши учун муайян мамлакатда маълум муддат яшаган бўлиши керак.

**Доктрина** - лот. таълимот, илмий ёки фалсафий назария, қарашлар, ақидалар кўрсатмалар тизими. Баъзан уни яратган шахс номини олади.

**Доминионлар** – ингл. эгалик, ҳокимият - Британия миллатлар ҳамдўстлигига кирувчи ўз-ўзини бошқарувчи ҳудудлар; Канада, Австралия Иттифоқи, Янги Зеландия, Жанубий Африка Иттифоқи, Ҳиндистон, Покистон, Цейлон.

**Дуалистик монархия** – мутлоқ монархиядан парламентар монархияга ўтиш шакли. Конституцион монархия кўриниши сифатида қаралади: унда монарх асосан ижро ҳокимияти ва қисман, қонунчилик ҳокимияти эгасидир: Марокаш, Қувайт, Иордания.

**Е**

**Европоцентризм** - Ғарбий Европа маданиятини бутун инсоният учун наъмуна, деб қаровчи концепция. Унга кўра Ғарбий Европа – жаҳон тараққиёти марказидир.

**Ёш цензи** - фуқароларнинг сайловда иштирок этишлари учун муайян, қонунда белгиланган ёшга етишлари талаб этилишидир. Ўзбекистонда парламентнинг қуйи палатасига депутатларни сайлаш ҳуқуқи фуқаролар учун 18 ёш (пассив сайлов ҳуқуқи), депутатликка сайланиш учун 25 ёш белгиланган (актив сайлов ҳуқуқи).

**Ж**

**Жадидчилик** – XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошида юзага келган сиёсий-ижтимоий ҳаракат. Фаолиятида маърифатпарварлик ва сиёсий ғояларни илгари сурган, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун курашган.

**Жамоа** - ар. ҳамма, умумий, ҳаммага таалукли - 1) ишлаб чиқариш воситаларига биргаликда эгалик қилувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам биргаликда ишлаб чиқарувчи ижтимоий гуруҳ, масалан: уруғ жамоаси, қишлоқ жамоаси, оила жамоаси; 2) баъзи мамлакатларда (масалан, Болгарияда) - қуйи маъмурий-худудий бирлик; 3) кенг маънода – ҳар қандай ижтимоий уюшма.

**Жамоат шартномаси** – ижтимоий ҳаётнинг асосий тартибга солувчи воситаси бўлиб, фуқаролик жамияти доирасидаги ўзаро алоқалар ва институтларга, шунингдек фуқаролик жамияти билан давлат муносабатларига қонунийлик тусини беради. Жамоат шартномаси икки ва ундан ортиқ тарафнинг ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар бўйича келишиш, уларни ўзгартириш ва тўхтатиш тартибини белгилаб берувчи битим тузиш мақсадини кўзлайди. Жамоат шартномаси – фуқаролар ўртасида келишувнинг янги шакллари қидириш ҳамда топишнинг очик ва чексиз жараёни бўлиб, бу жараён ҳар бир муайян тарихий даврда ижтимоий курашнинг вайронгарчилик келтириш хавфига тўсик қўйишга ва уни конструктив ўзгаришга буриб юборишга қаратилган меъёрлар ҳамда чегараларни белгилаб беради.

**Жингоизм** – уруш, урушдаги ғалабалар ва босқинчиликка оид хабарлардан хурсандчилик, тантана психологияси.

**З**

**Зиддият** – ар. бир-бирига хилофлик, акслик, муросага келтириб бўлмайдиган қарама-қаршилик. Зиддият ихтилоф сингари универсал табиатга эга. Бунда ихтилофни муайян зиддият ривожланишидаги энг кескин ҳолат, унинг ҳолати ёки хусусиятларининг кескин тарзда намоён бўлиши сифатида олиш мумкин.

**И**

**Идеал** – гр. тушунча, тасаввур - баркамоллик, у ёки бу соҳадаги мукамаллик; интилишларнинг энг юқори чўққиси. **Сиёсий идеал** – баркамол инсон, жамият ва бошқарув ҳақидаги сиёсий қарашлар, тасаввурлар, ғоялар тизими. У жамият олдида қўйилган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазифаларни рўёбга чиқариш йўллари ва воситаларини аниқлаш, ҳамда фаолиятнинг амалий, тўғри йўналишларини топиш эҳтиёжи асосида вужудга келади.

**Идентитар демократия модели** - жамият ва шахс (миллат, синф) манфаатларининг умумийлиги, халқ ҳокимиятнинг ягона манбаи эканлиги, ваколатли ҳокимият тўлалигича халқ манфаатини ифодалашдан келиб чиқади. Идентитар демократия назарий моделини Ж.Ж.Руссо ишлаб чиққан. У социалистик демократия тарзида XX аср давомида амал қилди.

**Идентификация** – лот. ўхшатмоқ, тенглаштирмақ, бараварламоқ - монандлик. Шахснинг бошқалар билан интеллектуал, ҳиссий уйғунлиги. Шахсдаги шундай сифатни аниқлаш жараёни, унинг асосида шахсни бирор синф, турга мансуб деб аташ, шахс ёки ижтимоий бирликни эса яхлит ва ўз-ўзига монанд деб билиш имкони пайдо бўлади. **Сиёсий идентификация** - у

ёки бу сиёсий гуруҳга ўзини бошқалардан ажратиш имконини берувчи барқарор белгилар, хусусиятлар бирлиги. Сиёсий идентификация гуруҳий табиатга эга. Ўз навбатида у легитимлик тушунчаси билан боғлиқ.

**Идеократия** – гр. ғоялар ҳокимияти - сиёсий қарорлар мафкуравий тамойилларга асосан қабул қилинувчи, ҳамда сиёсий фаолият мафкурага асосланган, илоҳийлашган сиёсий ҳокимият тури.

**Идеология** – гр. ғоя, таълимот - тасаввур ва тушунчалар тўғрисидаги таълимот. Ижтимоий онгнинг турли шаклларида (фалсафа, сиёсий қарашлар, ахлоқ, санъат, дин) ифодаланган тушунча, тасаввур, ғоялар тизими, мафкура.

**Идея** – гр. тушунча, тасаввур, ғоя- воқеликни киши онгида акс этиши, айтилиши вақтда инсоннинг ўзини ўраб турган предмет ва ҳодисаларга бўлган муносабатини ифодаловчи тушунча, ғоя.

**Идиографик фанлар** – гр. ўзига хос ёзув - ҳодисаларни, бўлиб ўтган воқеаларни, яъни хусусий ҳолатларни ҳар томонлама ўрганади, тавсифлайди. Идеографик фанлар сирасига тарих, география, астрономия сингари фанлар киради.

**Иерархия** – гр. хизмат поғонаси куйидан юқорига қараб, бир-бирига ўтувчи ва аҳамияти ортиб борувчи мансаб, унвонлар қатори.

**Ижро этувчи ҳокимият** – давлат аппаратининг ижро этувчи органлари тизими. Қонун чиқарувчи ҳокимият қабул қилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакат бутун ҳудудида ёки одамларнинг маҳаллий ҳудудий ҳамжамиятида рўёбга чиқарилишини таъминловчи давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий турларидан бири.

**Ижтимоий гуруҳлар** - социологияда – бир-бири билан муайян тарзда ўзаро мулоқотда бўладиган одамлар бирлиги. Гуруҳ мансубликнинг англанини, бундан келиб чиққан ҳолда бошқа аъзолар билан ҳамкорлик қилишга, монандликка мойилликни ривожлантиради, расмий ташкилотга хос бир қанча хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

**Ижтимоий давлат** – Конституцияга биноан инсон ва фуқаронинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳамда давлатнинг тегишли бурчларини кафолатлайдиган давлат. Ижтимоий давлат – ХХ аср ўрталарида шаклланиган, аммо ғояси жуда қадимий. Ижтимоий давлатларнинг шаклланиши социалистик ғоялар таъсирида кечди. Биринчи бор бу ғояни немис олими Лоренц фон Штайн киритган: у давлат ижтимоий бўлиши ва фуқароларининг ижтимоий ва иқтисодий равангага шароит яратиши керак деб ҳисоблаган.

**Ижтимоий (жамоатчилик) жамғармалари** – аъзолиги бўлмаган ва ўз маблағлари (мулк) ни кўнгилли бадаллар, қонунлар билан тақиқланмаган бошқа қиримлар ҳисобига шакллантирувчи, ҳамда уларни муайян ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирувчи ташкилот. Асосан ҳайрия мақсадларида тузилади.

**Ижтимоий мобиллик** - инсонларнинг бир ижтимоий қатламдан иккинчисига ўтиши, шахс, гуруҳ ёки қатлам мавқеининг ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар "**ижтимоий мобиллик**" ёки "**ижтимоий силжиш**" атамаларида ифодаланади. Ижтимоий мобиллик ижтимоий барқарорлик тушунчаси билан

бевосита боғлиқ.

**Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар** – муайян ижтимоий мақсадларга интилувчи, лекин тугал ташкилий тузилмаларга ва қайд этилувчи аъзоликка эга бўлмаган фуқароларнинг ташаббусига кўра қуйидан тузилган, ихтиёрий ўзини ўзи бошқариш тузилмаси. Ижтимоий ҳаракат, агар у ўз фаолиятида ўз аъзоларининг давлат ҳокимияти институтларига мурожаат қилишга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари ишлаб чиқилишида иштирок этишга, митинглар, намойишлар, юришлар ва фуқаролар сиёсий фаоллигининг бошқа шаклларида, сайлов кампанияларида иштирок этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини манфаатларни уйғунлаштирган тарзда йўналтириб борса, давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритса, ижтимоий-сиёсий ҳаракат ҳисобланади. Ҳаракатлар фаолиятига доир масалаларнинг сиёсатга дахлдор қисми сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлар соҳасини ҳам ўзида қамраб олиши мумкин.

**Ижтимоий ташкилот** – қуйидан юқорига ички ташкилий тузилмаларга эга, ҳамда қайд этилувчи индивидуал ёки гуруҳий аъзолиги мавжуд фуқароларнинг кўнгилли иттифоқи, уюшмасидир.

**Ижтимоий шерикчилик** – ўзаро ҳамкорликнинг бир кўриниши бўлиб, бунда субъектлар ўзаро тенг ҳамкорликка киришади, яъни улар бир хил ҳуқуқий мақомга эга бўладилар. И.Ш. - нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ва бошқарув органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзаро келишган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиши, гуманитар муаммоларни ҳал қилиши, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишидаги ўзаро ҳамкорлиги тушунилади.

**Ижтимоий қатламлашув** – одамларнинг муайян ижтимоий гуруҳларга мансубликлари натижасида вужудга келувчи ҳуқуқ ва бурчлар, имкониятлардаги фарқларни акс эттирувчи, жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тенгсизлик тизими. Ижтимоий қатламлашиш ижтимоий тенглик ва тенгсизлик, жамиятда мавжуд кўплаб ижтимоий тузилмаларнинг ҳокимият, моддий бойликлар, имтиёзлар, ҳуқуқлар, мақомларга эгаллиги ва ёки таъсири турличалиги билан ажралиб турувчи муносабатлар тизими. Бу тушунча ҳар бир муайян жамиятда доимо мавжуд бўлган ва ижтимоий муносабатлар таъсирида вужудга келган тенгсизлик муносабатларини акс эттиради.

**Ижтимоийлашув агентлари** – инсонни сиёсатга жалб этишни амалга оширадиган ижтимоий тузилмалар.

**Икки партиявий тизим** – партиявий тизим кўриниши. У ҳокимият учун кураш икки йирик партия ўртасида кечиши ва уларнинг ҳукмрон ҳамда муҳолиф партия сифатида ўрин алмашилиб туриши билан ажралиб туради. Икки партиявий тизим яна бошқа партиялар мавжудлигини истисно қилмайди, лекин кичик партияларнинг давлат бошқарувида иштироки учун имкон қолдирмайди. Француз политологи Ж.Л.Шабо туркумлашувига кўра мукамал икки партиявий тизим ва номукамал (икки ярим) икки партиявий тизимлар ажратилади.

**Имидж** – (ингл. тасаввур, образ) одамлар онгида объект ҳақида изчил ва

муайян тасаввурларни шакллантириш ва унга кўшимча қадриятлар (ижтимоий, сиёсий, ижтимоий–руҳий, эстетик) хос, деган фикрни уйғотиш орқали янада кучли ва ҳиссий қабул қилинувчи образ. Сиёсатда етакчи, раҳбар имиджи, партия, сиёсий ташкилот имиджи тўғрисида сўз юритилади.

**Имиджиология** – тадбиқий сиёсатшуносликдаги илмий-амалий йўналиш. У кишилар онгида сиёсий етакчи сиймоси шаклланиши ва таъсири қонуниятларини ўрганади.

**Имманент** – лот. бирор нарсага хос - бирор нарса, ҳодиса, жараёнга ички хос хусусият.

**Иммиграция** – лот. кўчиб кирмоқ - чет эл фуқароларининг (баъзан оммавий тарзда) бирор мамлакатга кўчиб келиши.

**Императив мандат** – лот. буюрувчи-сайланган шахс ёки орган қатъий амал қилиши керак бўлган топшириқ, ваколат.

**Империя** – лот. ҳокимиятга эга, қудратли - тўлиқ ҳокимият, давлат тепасида император турган йирик давлат. 1) Қадимги Римда дастлаб халқнинг олий сиёсий ҳокимияти шундай деб номланган: у сайловлар, қонунлар қабул қилиш, уруш ва сулҳ эълон қилиш, суд қарорларини қабул қилишда намоён бўлган. Кейинроқ, Рим Республикаси даврида, консул, претор, диктатор, префект, цензорларнинг олий ваколоти маъносида қўлланган. 2) Бир нечта мамлакат ва халқларни ягона сиёсий марказ атрофида умумий мақсад йўлида бирлаштирган йирик давлат; 3) кучли марказлашган ҳокимият негизида метрополия-мустамлака, марказ-вилоятлар, марказ-миллий республикалар муносабатларига қурилган ҳудудий бирлик.

**Импичмент** – инглиз *impeachment* – хайфсан, айблов - давлат олий мансабдор шахсларини парламент “суди”га тортишдан иборат ҳуқуқий тартиб-таомил. Импичмент институти президентлик бошқаруви тизимлари ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойили амал қилиши даврида шаклланган. У конституцион ёки ҳуқуқий тизимга таҳдидлар вужудга келган шароитда сиёсий ҳокимиятни сафарбар этишнинг самарали механизми сифатида қаралади. Импичментни, агар мазкур институт ҳақиқатда амал қилаётган бўлса, демократия ривожининг мезони деб таърифлаш мумкин.

**Имтиёзлар** – фуқароларга пенсия олиш, пенсия ёшини белгилаш, давлат солиқлари, турар жой, маълумот олиш, транспортдан фойдаланиш сингари соҳаларда қонун асосида белгиланадиган энгилликлар.

**Инаугурация, иногурация** – лот. бағишлаш - янги сайланган давлат бошлиғининг лавозимига киришиши билан боғлиқ тантанали маросимининг номи.

**Инвестиция** – лот. кийинтирмоқ - капитални, фойда олиш мақсадида, турли тармоқларга узок муддат сарф қилмоқ.

**Инглиз сиёсий фан мактаби** – замонавий чет эл политологияси асосий мактабларидан бири. Инглиз мактаби америка мактабининг кучли таъсирида ривожланган. Бу ерда тадқиқотларнинг социологик, иқтисодий, ижтимоий-руҳий йўналишлари кучлидир. Замонавий инглиз сиёсий фанининг марказий муаммоларига ихтилофлар назариялари; келишувлар назариялари; плюралистик демократия назариялари киради. Джеймс Брайснинг «Америка

республикаси» (1898) ва «Замонавий демократиялар» (1921), Джон Гобсоннинг «Империализм» (1902), Сидней Лоунинг «Англияда давлат тузуми» (1910), Херлуф Маккиндернинг «Тарихнинг географик ўқи» (1904) и «Демократик идеаллар ва реаллик» (1919), Гарольд Ласкининг «Сиёсат грамматикаси» (1925) асарлари британия сиёсий мактаби шаклланишидаги мумтоз асарлар сифатида қаралади.

**Индивид** – лот. бўлинмас, тур - алоҳида инсон, шахс.

**Индустриал (саноати) ривожланган жамият** – замонавий ғарб жамиятларининг номлаш учун аксарият олимлар томонидан «ривожланган жамият», «капиталистик жамият» атамалари билан бирга қўлланиладиган категория. У ғарб жамиятларини анъанавий (уруғчилик, феодал) жамиятлардан ажратиш учун хизмат қилади. Уни илмий мулоқотга Сен-Симон киритган. XX асрнинг 50-60 йилларида у Дарендорф, Арон, Растоу, Белл ва бошқаларнинг асарларида кенг қўлланилган.

**Инсинуация** – лот. ичига кириш - бировни қоралаш мақсадидаги ёлғон уйдирмалар.

**Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари** – шахсга ўз ихтиёрига кўра фаолият кўрсатиш (эркинликлар) ёки муайян имтиёзларга эга бўлиш (ҳуқуқлар) имкониятини берувчи индивид ва давлат ўртасидаги муносабатлар, тамойиллар, меъёрлардир.

**Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 1948 йилда қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат.

**Институт** – лотин. *institutum* – ўрнатиш, таъсис этиш - ижтимоий агентларнинг системалашган, барчага маълум, амалда қўлланувчи (ва баъзан расман қайд этилмаган бўлса-да) эътироф этилган ўзаро таъсир, алоқалари шакли. Институтлар таркибига эътироф этилган сиёсий меъёрлар ва қадриятлар; сиёсий хулқ-атвор моделлари; сиёсий муносабатларни ташкил этиш шакллари; меъёрлар ва қоидалар амалга оширилиши устидан назорат қиради. Институт ўзаро таъсир-алоқалари ушбу шаклларда белгиланган қоидалар ва меъёрларни амалга оширишга қаратилган бўлади.

**Институционал манфаат гуруҳлари** - манфаат гуруҳларининг тури. Уларга черков, армия, давлат бюрократияси, депутатлар корпуси сингари ижтимоий институтлар негизида ташкил топган манфаат гуруҳлари киритилади. Улар гуруҳий (корпоратив) бирдамликка, ва поғоналашувга асосланади. Юқори даражада ташкил топганлиги ва ҳокимият тузилмаларига яқинлиги – уларга сиёсий лоббизм билан муваффақиятли шуғулланиш имконини беради. Лекин уларда ижтимоий манфаатни гуруҳий манфаат билан алмаштиришга мойиллик кучли бўлади. Фуқаролик жамияти заиф мамлакатларда бу гуруҳларнинг аҳамияти сезиларли даражада катта.

**Институционаллашув** – барча эътироф этган қоидалар, қонунлар, анъана ва маросимларга асосланган ижтимоий муносабатларнинг барқарор наъмуналари шаклланиши, расмийлашуви. **Сиёсатда институционаллашув** асосий сиёсий акторлар томонидан сиёсий меъёрлар, қоидалар, тадбирлар, қадриятлар, хулқ-атвор наъмуналарини ўзлаштириш, эътироф этиш, уларга амал қилиш

жараёни. Сиёсий институционаллашув сиёсий барқарорликнинг энг муҳим шартларидан бири.

**Инстанция** – лот. набатдаги - асосан давлат бошқаруви (суд, маъмурият), шунингдек, партиявий ва бошқа турдаги муассасаларда юқоридан пастга қараб итбат этувчи органлар тизимидаги ҳар бир бўғин.

**Интеграция**

**Интерпеляция** – лот. нутқ бўлиниши - талабнома, ҳукумат олиб бораётган сиёсатнинг умумий ёки муайян масалари бўйича олий қонун чиқарувчи органдаги халқ номзодлари гуруҳининг сўрови.

**Интерпретация** – талқин қилиш, шарҳлаш; бирор нарсани муайян нуктаи назардан талқин қилиш, тушунтириш, қараб чиқиш (масалан, қонун моддасини талқин қилиш)

**Инфляция** – лот. шишмоқ - муомаладаги қоғоз пуллар хажмининг товарлар хажмига нисбатан ортиб кетиши натижасида пулнинг қадрсизланиши.

**Интрига** – лот. адаштирмақ - 1) кирдикор; хийла-найранг; ғаразли мақсад билан яширин қилинадиган ҳаракат.

**Инцидент** – лот. рўй берувчи - 1) одатда кўнгилсиз табиатга эга воқеа, ходиса, тўқнашув; 2) очиқ ихтилоф кечишидаги бошланғич босқич.

**Инқироз** – гр. қарор, ҳукм, қатъий яқун - 1) кескин ўзгариш, бурилиш, оғир ўтиш ҳолати; 2) сиёсий инқироз – мамлакатдаги ялпи норозилик ва ғзаб ҳолати; сиёсий тизимнинг мослашиши функцияси бажарилмаслиги билан боғлиқ барқарорлик йўқотилиши ҳолати.

**Ирк** – ар. илдиз, томир - тери ранги, гавда тузилиши, юз тузилишига кўра белгиланадиган генетик ва жисмоний фарқлар билан белгиланувчи, келиб чиқиши умумий, қондош одамлар жамоаси. Одатда учта катта ирк ажратилади: европоид, монголоид, негроид. Сиёсий маънода иркларга бўлиш кўпинча маданий стереотипларга асосланади. Яъни жамиятлар этник ва ирқий асосларга кўра гуруҳларга ажралади ва бу муаммо, шубҳасиз, сиёсат билан боғлиқ. Дастлабки ирқий назариялар XIX асрда Европада вужудга келган: 1855 йил Габинонинг “Инсоният иркларининг тенг эмаслиги ҳақидаги очерк” ва Чемберленнинг “Ўн тўқизинчи аср асослари” (1899) асарлари “оқ танли” европаликлар ва шимолий америкаликларнинг “қора”, “сарик”, “жигар ранг” африкалик ва осиеликлардан устунлигини асослашга ҳаракат қилган. XIX аср охирида Европада (Германия, Австрия, Россия) антисемистик сиёсий партиялар ва ҳаракатлар шаклланди. XX асрда иркчиликнинг энг даҳшатли шакли – германия нацизми вужудга келди. 1948 йилдан (Миллатчи партия ғалабаси билан) 1994 йилгача (Африка Миллий Конгресси партияси ғалабасидан сўнг) Жанубий Африка Республикасида апартеид режими мавжуд бўлган. Британия Миллатчилик партияси ва Ле Пен Миллий fronti томонидан эмиграцияга қарши юришлар ташкил этилади. Ирқий назариялар танқид қилинади, негаки одамлар аслида битта биологик турга мансуб.

**Иркчилик** – кишилик жамиятда «олий» ва «паст», «тўла қонли» ва «нуқсонли» элатлар ва халқлар бор, деган ғояга асосланувчи таълимот.

**Ислоҳот** – тубдан ўзгартириш, қайтадан қуриш, янгидан ташкил қилиш. Сиёсатда ислоҳот мавжуд ижтимоий–сиёсий тартибни ўзгартирмай, сиёсий

тизимнинг қандайдир жиҳатларини (институтлар, меъёрлар ва х.) ўзгаришини англатади. Модификация, трансформация ва замонавийлашув каби шакллари ажратилади.

**Истиқлол** – ар. ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити.

**Истибдод** – ар. чексиз ҳокимият - золимлик, зўравонлик ҳуқуқи қонун билан чекланмаган монархистик идора усули; зўравонлик асосига қурилган золим ҳукумат.

**Истэблншмент** – жамиятнинг ҳукмрон доиралари, жамиятдаги устун элита.

**Иттифоқлар (ассоциациялар)** – бир-бирига яқин ижтимоий уюшмалар томонидан таъсис шартномалари ёки Низомлар асосида вужудга келувчи ижтимоий уюшмалар.

**Ихтилоф** - (ар. қарама-қаршилик, келишмовчилик, зиддият, низо) – одамларнинг биргаликда ҳаракат қилиш усули бўлиб, бунда қарама-қаршилик, ғанимлик, эришилган яқдиллик, келишув ва ҳамкорликни бузиш тамойиллари устун туради.

**Ихтилофшунослик** (конфликтология) – ихтилофга ва унинг турли кўринишларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган назарий концепциялар, методологик услублар ва воқеаларни ўрганувчи интегратив фан. Мустақил фан соҳаси сифатида ихтилофшунослик XX аср ўрталарига келиб, социология ва психология таркибидан ажралган ҳолда шаклланди. Бу фан ихтилофларни ижтимоий ҳаётнинг зарурий, универсал воситаси, “ҳокимият”, “бозор иқтисодиёти”, “ижтимоий шартнома” сингари ижтимоий ҳаётнинг барқарор шакли сифатида ўрганади. Мутахассислар орасида Г.Зиммель, Л.Козер, Р.Дарендорф ва К.Боулдинлар яратган ихтилофнинг назарий концепциялари айниқса машҳур. Р. Дарендорф ўзининг “Синфлар ва индустриал жамиятда синфий ихтилофлар” (1957), “Замонавий ижтимоий ихтилоф”(1988) сингари асарларида ихтилофларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам ушбу ижтимоий тизим учун ҳавф туғдирмайди, улар позитивўзгаришларнинг манбаи бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин, деган фикрларни асослаган.

**Ихтилофни бошқариш** — ихтилоф жараёнига мақсадли таъсир этиш бўлиб, бу таъсир ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишни таъминлайди. Ихтилофларни бошқариш ўз ичига қуйидаги жиҳатларни олади: уларни олдиндан айтиб бериш; баъзиларининг олдини олиш, айримларини рағбатлантириш, ихтилофларни ҳал этиш.

**Ихтилоф эволюцияси** – ихтилофнинг оддий ҳолатидан мураккаб шакллариغا аста-секинлик билан ўсиб ўтиши жараёни.

**Ички сиёсат** - инсоннинг муносиб ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш, мавжуд ижтимоий ва давлат тузумини сақлаб қолиш ёки ислоҳ қилиш мақсадида халқ манфаатларини ташкилий жиҳатдан, мазмун жиҳатидан ифода қилиш борасида давлат, унинг тузилмалари ва институтлари олиб борадиган фаолият йўналишларининг жамламаси.

**Иқтисодий сиёсат** – давлатнинг иқтисодий тадбирлари тизими, иқтисодга мақсадли таъсир кўрсатиш борасидаги мақсадлар, воситалар, вазифалар,



тадбирлар бирлиги. Иқтисодий сиёсатнинг изчиллиги ва самарадорлиги турли омилларга боғлиқ. Сиёсий ҳокимият фаолиятининг таркибий қисми сифатида у жамиятнинг ижтимоий таркиби, сиёсий субъектларнинг ва қарор қабул қилувчи ташкилотларнинг манфаатлари, кадриятлари, ижтимоий онг, сиёсий маданият ҳолати, ҳокимият таркиби (қонунчилик ва ижро ҳокимияти муносабатлари, ҳукумат ва фуқаролик жамияти муносабатлари, партиялараро муносабатлар) ва ҳокимиятда кучлар нисбатига боғлиқ. Иқтисодий сиёсатнинг стратегик мақсади – самарали ва ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни яратишдан иборат. Бу вазифани иқтисоддаги асосий мафкуралар бажарадилар: Адам Смитнинг либерал назарияси, марксистик иқтисодий назария, Джон Мейнард Кейнс, Фридрих Август фон Хайек, Милтон Фридман концепциялари.

## **К**

**Кантон** – фр. - 1) Швейцария республикаси таркибига кирувчи ҳар бир алоҳида давлат; 2) Франция ва Бельгиядаги кичик маъмурий бирлик.

**Канцлер** – нем. - 1) Ўрта асрларда Европа давлатларида қирол девонхонаси ва архиви бошлиғи; 2) Швейцарияда кантонлар кенгаши котиби; 3) Буюк Британияда лордлар палатаси раиси (лорд-канцлер) ва молия вазири; 4) Чор Россиясида - олий фуқаролик лавозими; 5) 1945-йилгача Германияда рейхканцлер - бош вазир.

**Капитал сиёсий** – (фр-ингл. бош) шахс, партия, ижтимоий ҳаракатнинг сиёсий фаолият тажрибаси, сиёсий обрў-эътибори ва аввалги мувафақиятлари бирлиги.

**Категория** - (гр. ҳукм, таъриф) сўзлашув тилида тур, синф, даража, маъноларида. Энг умумий мантиқий тушунча, борлиқнинг асосий шакллари ва муносабатларини акс эттиради.

**Каузаллик** – (лот. сабаб билан белгиланганлик, сабаб ва фаолиятнинг қонуний алоқаси.) Тамойил (ёки қонун) сифатида каузаллик қуйидагиларни англатади: ҳар бир ҳодиса сабабга эга (бирор сабаб билан содир бўлган) ва айни вақтда - бошқа ҳодисанинг сабабидир; сабабсиз ҳеч нарса пайдо бўлмайди.

**Квази...** – лот. турли сўзлар бошига қўйилувчи ва «гўё», «сохта» маъноларини берувчи қўшимча. Масалан, квазидемократия.

**Квинтэссенция** – (лот. бешинчи асос) бирор нарсанинг асос, моҳияти; энг муҳим, энг асосий.

**Кворум** – (лот.) анжуманни (мажлис, раҳбарлар кенгаши, съезд ва ҳ.) бошлаш ва унинг қарорларини ҳақиқий деб ҳисоблаш учун қонун ёки уставда белгиланган қатнашчилар миқдори.

**Квота** – (лот. қанча) қисм, улш, меъёр; Сайлов квотаси – бир сайлов округида бир номзод сайланиши учун зарур бўлган овозлар миқдори.

**Клан-кельт** - Шотландияда уруғ жамоаси; кенг маънода - уруғ ёки маиший маънода - жипстлашган қариндошлар гуруҳи, уруғнинг синоними.

**Классификация** – (лот. тасниф) предметлар, ҳодисалар ва тушунчаларни синфлар, бўлимлар, даражалар бўйича, уларнинг умумий белгилари,

хусусиятларига кўра тақсимлаш (тур, бўлимларга киритмоқ), туркумламоқ. Классификация бир хиллик ва ўхшашликка қурилади.

**Клиентелизм** - тенгсиз мавқени эгаллаган индивидлар ёки гуруҳлар ўртасидаги бенефициялар (яхши ишлар, даромадлар) алмашинувига асосланган муносабатлар.

**Клерикал партиялар** – (лот.) XIX асрда шаклланган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дин ва черков таъсирини кучайтиришга интилувчи сиёсий партиялар.

**Коалиция** – (лот. бирлашган) муайян мақсадларга эришиш учун давлатлар, сиёсий партиялар ёки бошқа ташкилотлар бирлашуви, иттифоқи.

**Коалицион ҳукумат** - парламентар давлатларда парламент депутатлари ўрни турли партиялар ўртасида бўлиниб кетганда, бирор партиянинг яқка партиявий ҳукумат тузиш имконияти бўлмаганда бир неча ҳукуматдаги ўринни партиялар ичида тақсимланиши асосида вужудга келувчи ҳукумат.

**Когорта** – (лот.) қаттиқ жипслашган бир-бирига содиқ, ҳамфикр одамлар гуруҳи.

**Кодекс** – (лот. китоб) қонунлар мажмуи.

**Коммунизм** – (лот. умумий) 1) ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликка асосланган ижтимоий-сиёсий тизим; 2) мафкура; унинг негизида синфсиз жамият, тенглик, ижтимоий адолат ғоялари ётади. Коммунизм назариясини Маркс, Энгельс ва Ленин (марксизм-ленинизм) яратганлар. Бундай назария XIX аср биринчи ярмининг охирида вужудга келган. Марксистик назариянинг асосий қирраларини қуйидаги ғоялар ташкил этади: 1. Ижтимоий-иқтисодий формация. Ушбу формация пролетариат инқилоби натижасида капиталистик формациянинг ўрнига ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ижтимоий мулкчилик ва меҳнатни инсонни қул қилувчи кучдан унинг ривожланиши воситасига айлантириш асосида келган. 2. Тараққиётнинг олий шакли капитализмдан коммунизмга социализм босқичи орқали ўтилади. 3. Капитализмдан коммунизмга ўтишнинг муқаррарлигини ва шакллари илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қиладиган коммунистик мафкура мавжудлиги. Ҳозирги замон мутафаккирларининг кўпчилиги назарий коммунизм утопиядан иборат, мазкур мафкура асосида жамиятни ўзгартиришга бўлган уриниш эса, сиёсий жиноят, деб ҳисоблайдилар.

**Коммуникация** – (лот.) хабар, алоқа, хабар бериш йўли. Политологияда сиёсий тизим ва муҳит билан, шунингдек, сиёсий тизим элементлари ўртасида ахборот алмашинувини таъминловчи жараёнлар ва институтлар бирлиги. Партиялар, манфаат гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари коммуникатив функцияни амалга оширадилар. Сиёсий коммуникациянинг етарли ривожланмаганлиги - сиёсий тизимнинг мослашиш функцияси пасайишига, мадад ва барқарорлик йўқолишига олиб келувчи сабаблардан бири.

**Коммюнике** – (фр. хабар қиламан) халқаро музокаралар бориши ва яқунлари, ҳамда мамлакатдаги муҳим воқеалар тўғрисида расмий ахборот.

**Компендиум** – (лот, қисқартириш) бирор фан, тадқиқот ва ҳ.. асосий мазмунининг қисқача баёни.

**Компетентлик сиёсий фаолиятда** – (лот. қобилияти бор) сиёсий раҳбар, жамоат арбоби ёки ҳокимият органларининг муайян сифатлари уйғунлиги. Бундай сифатларга одамларнинг сиёсий қизиқишлари, амал қилаётган сиёсий вазиятни келтириб чиқарган сабабларни билиш, сиёсий муносабатлар тизими, сиёсий ташкилотлар ўзаро алоқадорлигини таҳлил қила олиш, у ёки бу ҳаракатлар оқибатини олдиндан кўра олиш кабилар киреди.

**Компиляция** – (лот. босқинчилик) бошқаларнинг асарларини умумлаштириш орқали ёзилган, мустақил бўлмаган асар, тадқиқот; кўчириб ёзиш.

**Конвенционал** – (лот. шартга мувофиқ) шартли, анъаналарга мувофиқ келувчи.

**Конвенция** – (лот. шартнома, битим) бирор махсус масала юзасидан давлатлар ўртасида тузиладиган шартнома.

**Конвергенция назарияси** – (лот. яқинлашув) XX аср ўрталарида кенг тарқалган ижтимоий-сиёсий ва политологик концепция. Унга кўра саноати ривожланган жамиятларда мавжуд умумий таркибий ва функционал жиҳатлар (масалан, фаннинг ишлаб чиқаришга кириб келиши, рационаллашув ва бюрократлашув, истеъмол жамияти, таълимнинг, даромаднинг, турмуш даражасининг тенглашиши ва глобаллашув сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан қарама-қарши тизимлар - капитализм ва социализмнинг - келажакда аралаш жамиятларга бирлашиши эҳтимоли мавжуд (Дж. Гэлбрейт, Арон, Тинберген). XX асрнинг 70-йилларида негатив конвергенция концепциялари вужудга келди (Маркузе, Хабермас). Унга кўра социализм ва капитализм асосан бири-биридаги салбий элементларни ўзлаштирадilar.

**Конверсия** – (лот. бошқа қиёфага кириш) ҳарбий ишлаб чиқаришни қисқартириш, ўзгартириш; аввал чиқарилган давлат заёми шартларини ўзгартириш.

**Конвертация** – (лот. айлантириш) бир мамлакат пулини чет эл пулига эркин алмаштириши.

**Конгресс** – (лот. учрашув, йиғилиш) 1) одатда, халқаро йиғилиш; 2) АҚШ, Лотин Америкаси в.б. бир қатор мамлакатлардаги қонунчилик органларининг номи.

**Консенсус** – (лот. битим) фикр, мулоҳазалар бирлиги, ўзаро келишув, овоз берувчиларнинг барчасининг розилиги олинган ҳолдагина кучга кирувчи қарор қабул қилиш шакли.

**Консерватизм** – (фр. сақламоқ) ижтимоий-сиёсий мафкура. Биринчи бор атама француз ёзувчиси Ф.Р.Шатобриан томонидан қўлланган, деб ҳисобланади. Мафкуранинг асосчиси деб эса инглиз сиёсий арбоби Э.Берк (1729-1797) эътироф этилади. Мафкура инқилобий ўзгаришларни қатъиян рад этади. Давлат ва ижтимоий ҳаётнинг тарихий шакллари, айниқса оила, миллий ўзига хослик, дин мулкчилиги каби институтларда гавдаланган кадриятий асосларини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Конституцион давлат** - замонавий давлат қурилишининг бош тамойили –

одамлар ёки анъаналар бошқарувини эмас, қонунлар бошқарувини таъминлашга асосланувчи бошқарув шакли.

**Конституция** - асосий қонун, энг юқори кучга эга ҳужжат. У мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тизимини, сайлов тизимини, давлат ҳокимияти органларининг тузилиши ва фаолият тамойилларини, бошқариш усулларини, фуқороларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Кенг маънода Конституция у ёки бу бошқарув тизимида мавжуд институтларнинг мажбуриятлари, ваколатлари ва функциялари, бу институтларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги ёзилган ёки ёзилмаган қоидалари бирлигидир.

**Конституционализм** - Конституция асосида фаолият кўрсатадиган давлат бошқаруви шакли. Конституционализм – бошқарувнинг муайян кўриниши, ҳуқуқий давлатнинг илк шакли бўлиб, унда давлат ва фуқаролик жамияти муносабатлари ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади. Расмий - ҳуқуқий маънода конституционализм жамиятда асосий Қонун – Конституциянинг мавжудлигини, у халқ суверенитетини таъминлаши, ҳокимият турли тармоқларининг бўлиниши ва уларнинг ваколати кўламини белгилаши, фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлашини назарда тутди.

**Конституциявий монархия** - бошқарув шаклларида бири. Унда мутлоқ ҳокимият Конституция билан чекланган бўлади, сайланадиган парламент ва мустақил суд амал қилади.

**Консюмеризм** – истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси, атроф-муҳитни ҳимоялаш, бизнеснинг салбий оқибатларига қарши ижтимоий ҳаракат.

**Конфедерация** – (лот.) 1) иттифоқ, ҳамжамият, қандайдир ташкилотлар бирлашуви; 2) мустақил (суверен) давлатлар иттифоқи, улар бир ёки бир нечта орган томонидан бирлаштирилади. Конфедератив иттифоқ давлатларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, унда ҳар бир давлат иттифоқнинг умумий марказий ҳокимиятига қатъий чекланган ваколатлар доирасини ўтказди. Бутун конфедерацияга дахлдор бўлган умумий қарорлар фақат конфедерация таркибига кирган барча давлатлар вакилларининг розилиги билан қабул қилинади ва ҳар бир давлатнинг миллий ҳокимият органи томонидан тасдиқлангандан кейингина кучга киради. АҚШ, Швеция, Европа Иттифоқи конфедератив давлатларга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Конфессинал** – (лот. иқроп) диний. Масалан, дунёвийдан фарқ қилувчи конфессинал мактаб.

**Конфиденциал** – (фр.) бир сиёсий куч иккинчисига қарама-қарши турган вазиятда сиёсат борасидаги қарши туриш, кескинликнинг кучайиши.

**Концептуаллаштириш** – маълумотларни, ҳар бир алоҳида ҳолат, ғоя, ҳодиса, унинг мазмунини номлаш, тушунчанинг мазмунини аниқлаш.

**Консорциум** – (лот. бирга иштирок этиш) муайян кўшма тадбирлар ўтказиш, мақсадида саноат фирмалари ёки банклари ўртасида тузиладиган битим. Монополия шаклларида бири.

**Кооптация** – (лот. сайлаш, танлов, кўшимча танлов) сайланадиган орган таркибини кўшимча сайлов ўтказмасдан тўлдириш.

**Корпорация** – (лот. ҳамжамият) иттифоқ, бирлашма, жамият. Хусусий, гуруҳий, касбий манфаатлар асосида бирлашиш.

**Корпоративлик** – жамиятни ташкил этишнинг шундай моделики, унинг бирламчи элементлари сифатида индивидлар эмас, иқтисодий ва функционал гуруҳлар чиқади. Марказий ҳокимият корпорацияларга бирлашган ана шу гуруҳлар вакилларида тузилади.

**Корпоратив давлат** – давлатни ташкил этишга оид концепция. Унга кўра меҳнат ва капитал муносабатлари давлат томонидан касбий-тармоқ иттифоқлари (корпорациялар) шаклида бошқарилади ва тартибга солинади, парламент эса корпоратив кенгаш билан алмашинади. Ижтимоий манфаатларни баён этишнинг бошқа шакллари ва усуллари чекланади.

**Корреляция** – (лот. нисбат, ўзаро муносабат) фақат бир-бири билан ўзаро таққосланганда мазмунга эга бўлган нарсалар, тушунчалар.

**Коррупция** – (лот. сотиб олиш) мансабдор шахс, сиёсий арбобнинг бойиш мақсадида ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларини суистеъмол қилишдан иборат жиноят.

**Кортеслар** – (исп.) Испания (1911 йилгача Португалия)да қонунчилик йиғини.

**Котерия** – (фр. тўғарак, жипслашган гуруҳ) муайян мақсадлар негизида жипслашган одамлар гуруҳи, тўғарак. М. Дювержеда замонавий сиёсий партиялар ривожланишида биринчи босқич. Амалда фақат инглиз партияларигина шу босқичдан ўтган, деб ҳисобланади.

**Кратология** – (юнон. kratos – ҳокимият, logos – таълимот) – сиёсий фан йўналишларидан бири: ҳокимият шаклланиши, амал қилиши, кўринишлари ва қонуниятлари тўғрисидаги фан. Ушбу фанда ҳокимият муаммолари, унинг келиб чиқиши, амал қилиши ва ривожланиши, турлари ва шакллари, ҳокимиятни бошқарувчилар ва таъсир кўрсатиш объекти, усуллари, ҳокимият вазибалари, ўзга ижтимоий жараёнлар билан ўзаро алоқалари ва бошқа шу кабилар ўрганилади.

**Криптократия** – гр. яширин, махфий – яширин ҳокимият.

**Кумулятив вотум** – кўп мандатли сайлов округларида овоз бериш тартиби: унда сайловчи ўзида бўлган овозининг бир қисмини ёки барчасини бирлаштириб уни номзодлардан бирига бериш ҳуқуқига эга бўлади.

**Л**

**Лантаг** – (нем.) Германия, Австрияда айрим ерлар (вилоятлар)даги вакиллик йиғини.

**Легал** – (лот.) қонуний, ошқора, очиқ.

**Легаллаштириш** - фаолиятига рухсат бериш, уни қонунийлаштириш.

**Легитимлаш** – ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлаш жараёни. У бир қанча механизмларни ўз ичига олади: 1) ижтимоий-руҳий механизмлар – одамларда ҳокимият адолатли эканлигига, мавжуд ҳолат унинг манфаатларига мослигига, ҳокимиятни назорат эта олишига ишончни шакллантириш; 2) сиёсий иштирок ва, аввало, сайловларда иштирок орқали; 3) сиёсий ижтимоийлашув орқали; 4) ҳокимият самарадорлигини намойиш этиш орқали; 5) ички ва ташқи душман образини яратиш орқали.

**Либерализм** – (лот. эркинлик) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий

тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлоқлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Милл, А.Смит, Г.Спенсер).

**Лига** – (фр. боғламоқ) иттифок, бирлашма.

**Лоббизм** – (ингл. кулуар) турли манфаат гуруҳларининг ҳокимиятга таъсир этишининг хилма-хил шакллари бирлаштирувчи мураккаб, кўп қиррали ходиса. Замонавий демократияларда манфаатларни қонунчилик ва ижро ҳокимиятида тақдим этиш усули сифатида эътироф этилади. Босим гуруҳлари ва лобби – давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларни қўллаб-қувватлаш ёки бекор қилишга ҳаракат қилувчи ташкилотлар, қонунчилик жараёнига бевосита таъсир кўрсатишни англатади. Шунинг учун бу тушунчалар манфаат гуруҳлари фаолиятининг фақат бир қиррасинигина акс эттиради. Лоббистик фаолият усулларига қуйидагилар киради: 1) парламент кўмиталарида қонун лойиҳаларини тайёрлаш; 2) парламент муҳокамаларида иштирок; 3) олий ҳокимият вакиллари билан бевосита учрашувлар, музокаралар; 4) ижтимоий фикрни шакллантириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш; 5) жойлардан “босим” кампанияларини уюштириш; 6) социологик ва б. тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш; 7) сайлов кампанияларини молиялаштириш; 8) мансабдор шахсларни тўғридан-тўғри “сотиб олиш”.

**Лойял** – (ингл. содиқ) 1) қонунга амал қилувчи; 2) кимгадир ёки нимагадир виждонан муносабатда бўлиш.

**Локаллаштириш** – (лот. маҳаллий) бирор ходиса, ҳаракат ва ҳ.к. ларни маълум жой билан чеклаш, унинг муайян ҳудуддан, жойдан четга чиқишига йўл қўймаслик.

**Лонгитюд тадқиқот** – (ингл. узоқлик) бир хил шахслар, гуруҳ ёки объектларни узоқ вақт кузатиш ва маълум бир давр ўтгач улар орасидаги сўровни қайта ўтказиш, натижаларни аввалгилари билан қиёслашга асосланган тадқиқод усули.

**Либераллашув** - қиёсий политологияда давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларини қамровчи, ҳукмрон элита назорати остидаги авторитар тизимнинг қисман “очирилиши”. У демократлашув жараёнининг бошланғич нуқтаси сифатида қаралади.

**Либертаризм** - давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга аралашмаслиги, бу бозор муносабатлари соҳаси эканлиги тўғрисидаги ғояни тарғиб қилувчи концепция. ”Чикаго мактаби” вакиллари (О.Фридман, Г.Беккер, А.Лаффер, П.К.Робертелар) томонидан фаол қўлланади.

## **М**

**Маданий миллатчилик** – миллатчиликнинг шакли, миллатнинг маънавий камол топишини мақсад қилиб қўяди. Лекин мавҳум сиёсий жамоанинг эмас, муайян, ўзига хос белгиларга эга цивилизациялар раванқини назарда тутди. Шунинг учун маданий миллатчиликда давлат муҳим элемент ҳисобланмайди. Сиёсий миллатчилик аниқ тамайлларга суянгани ҳолда маданий миллатчилик маълум маънода “ердан узилган” тарзда, яъни миллатни ноёб,

тарихан шаклланган, ўз “руҳи” билан йўғрилган органик бирлик сифатида талқин этади. У одатда куйидан юқорига қараб ривожланади ва кўп даражада халқ анъаналари, удумлари, афсоналарига эътибор қаратади. Табиатига кўра консерватив, лекин муайян шароитларда ривожланиш ва замонавийлашувнинг кучли омилига айлана олади.

**Мажоритар сайлов тизими** – (франц. *majorite* сўзидан *majoritaire* – кўпчилик) фақат кўпчилик овоз олган номзод учун берилган овозлар ҳисобга олинувчи сайлов тури. Унда овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиб-таомилига кўра энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. **Бу энг «ёши катта» сайлов тизими ҳисобланиб, унинг икки кўриниши мавжуд:** мутлақ кўпчилик овозли мажоритар сайлов тизими (50% + 1 овоз); нисбий кўпчилик овозли мажоритар сайлов тизими. Мажоритар сайлов тизими тегишли сайлов округидан сайловчиларнинг энг кўп овозини олган номзодлар ўртасида мандатлар тақсимланишини кўзда туттади. Мажоритар тизим оддий, тушуниш осон, кенг тарқалган, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қўлланиладиган тизимдир. Ушбу тизим парламентда аксарият кўпчиликка таянадиган барқарор ҳукумат тузиш имконини беради. Ўзбекистонда мутлақ кўпчилик овозга асосланган мажоритар тизим қўлланади.

**Макиавеллизм** – сиёсий мақсадларга эришиш йўлида ахлоқ меъёрларини менсимайдиган сиёсий хулқ-атвор схемаси. Ушбу атама италиялик сиёсий арбоб ва ёзувчи, кучли давлат ҳокимияти тарафдори Макиавелли (1469–1527) номи билан боғлиқ. Макиавеллизмнинг асоси “мақсад воситани оқлайди” шиоридир. Унга мувофиқ қўйилган мақсадга эришиш учун ҳар қандай восита, шу жумладан босқинчилик, макр, шафқатсизлик, сиёсий рақибни алдаш ўзини оқлайдиган ва мақбул восита ҳисобланади.

**Максимализм** – (лот. энг кўп) талабларни ҳаддан ошириб юбориш.

**Мандат (лот.)** — 1) топшириқ, бажарилиши лозим бўлган иш; 2) ваколат; 3) бирор ваколатни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ҳужжат. Масалан, депутатлик мандати.

**Манипуляция** – (франц. *manipulation*–фириб) одамларнинг тафаккурини уларнинг манфаатларига зид равишда ўзгартиришнинг мафкуравий, рухий усуллари тизими. Сиёсий манипуляция – оммага психологик таъсир кўрсатиш усуллари тизими, сиёсий ҳокимият бу усуллардан сиёсий ҳийла, халқ онгига сиёсий ҳаёт тўғрисида пуч тасаввурларни сингдириш мақсадида фойдаланади. Манипуляциянинг уч даражаси ажратилади: биринчи даража – одамлар онгида манипулятор учун керакли ғоялар, қоидалар, турткилар, қадриятлар, меъёрларни кучайтириш; иккинчи даража – муайян ҳодисага нисбатан қарашларнинг, ҳиссий ва амалий ёндашувларнинг қисман ўзгартирилиши; учинчи даража – ҳаётий қоидаларни тубдан ўзгартириш.

**Манифест** – (лот. ошкора) 1) муҳим сиёсий воқеа муносабати билан аҳолига олий ҳокимиятнинг тантанали, ёзма мурожаати; 2) сиёсий партия, жамоат ташкилоти, ва ҳ.к.ларнинг ўз қарашлари, дастурлари, қарорларини баён қилиб ёзган мурожаати.

**Манифестация** – (лот. намоён бўлиш) оммавий равишда бирдамлик,

норозилик ёки мададни ифода қилиш.

**Манфаат** - иқтисодий, ижтимоий в.б. эҳтиёж. У анланган ва анланмаган бўлиши мумкин. Манфаат – **шахсий**, у индивиднинг фаолияти турткиси, хатти-ҳаракатларини белгиловчи сабаб, унинг субъектга муносабатининг асосидир.

**Маргинал** – (лот. чет, ҳад) шахс, ижтимоий қатлам ёки гуруҳ муайян жамият учун хос тузилмалар, ижтимоий-маданий меъёрлар, сиёсий анъаналар, хусусиятларининг айримларини ёки барчасини йўқотиши. У аҳоли ва индивидларнинг жамият таркибида горизонтал ва вертикал кўчиши имкониятлари кенгайиши билан боғлиқ. Маргиналлик шахс, қатлам ва субъектлар гуруҳининг онги ва хулқ-атворининг ижтимоий сифатини белгилаш учун фойдаланиладиган атама. Маргиналлик дастлабки ижтимоий субсратдан узилишни, шахс ва гуруҳнинг моҳиятини белгилаб берувчи ижтимоий алоқаларни тўхтатишни, шунингдек бу каби интеграцион алоқаларни қайта тиклаш принципал жиҳатдан мумкин эмаслигини англатади. Маргинал шахс жамиятдаги бирор ижтимоий гуруҳга тўла қонли аъзо эмас, у оралиқда турувчи инсон бўлиб, у дунёдаги ўз ўрнини фақатгина қандайдир сохта оммавий ҳаракатга мансублик орқалигина ҳис қилади.

**Марказлашув** – маҳаллий бўғимларнинг олий ҳокимият органларига бўйсунушига асосланган бошқарув тизими. Бутун тизим ягона марказдан бошқарилади. Ҳокимиятдаги доимий тенденциялардан бири.

**Мафия** – (итал. ўзбошимчалик, бедодлик, зўравонлик) зўрлик, қўрқитиш усуллари билан иш кўрадиган уюшган жиноятчилик.

**Мафкура** – (ар. қараш, фикр) жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, илмий, фалсафий фикрлар, қарашлар, ғоялар мажмуи.

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш** – халқ ҳокимиятини ташкил этишнинг шаклларида бири бўлиб, унинг моҳияти маҳаллий аҳамиятга молик масалалар бевосита аҳоли ёки у ташкил этадиган органлар томонидан мустақил ҳал этилиши ва бунинг учун бутун масъулият аҳоли зиммасида бўлишини таъминлашдан иборатдир.

**Мақом** - инсоннинг жамият у ёки бу поғонасидаги ўрни, бажарадиган роли, ҳуқуқлари ва бурчларини акс эттиради. У ўз ичига обрў-эътибор, шаън, жамиятда тутган ўрни сингари тушунчаларни қамрайди. Анъанавий жамиятларда мақом аниқ, шаклланиб бўлган табиатга эга. Замонавий жамиятларда у нисбий, ўзгарувчан, кўпроқ моддий таъминланганлик, касб ёки фаолият турига қараб белгиланади. Мақом инсоннинг келиб чиқиши, маълумоти, жинси, ирқий ёки этник мансублиги сингари омилларга ҳам боғлиқ.

**Маъмурият** – 1) ижро этувчи ҳокимият бошқарув органлари; 2) муассаса, корхонанинг лавозимли кишиси, раҳбарлари.

**Маъмуриятчилик** – буйруқбозлик, расмиятчилик, бюрократларча раҳбарлик қилиш, бошқариш.

**Меморандум** – (лот. нимани ёдда тутиш лозим) халқаро муносабатларда – дипломатик суҳбат чоғида кўрилувчи масалалар ёзилган варақ. Меморандум



нота мазмунини асослаш учун унга илова қилинади ёки мустақил ҳужжат сифатида имзосиз ва муҳрсиз тақдим қилинади.

**Метрополия** – (гр.) мустамлакаларга эга давлат.

**Мерия** – (фр.) муниципал бошқарув ташкилоти.

**Менеджмент** – (ингл. бошқарув) самарали ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, бошқариш.

**Менталитет** – (лот. тафқур, фикрлаш тарзи) дунёни муайян тарзда қабул қилиш, ҳис этиш, фикрлаш, фаолият кўрсатишга шахс, гуруҳ, жамоа, миллат, жамиятнинг тайёрлиги, мойиллиги. У анъаналар, расм-русум, диний эътиқод ва иримларни ҳам қамраб олади.

**Меритократия** – (лот. *meritus* – муносиб, юнон. *kratos* – ҳокимият; сўзма-сўз айтганда энг иқтидорлилар ҳокимияти) шахсий хизматларига кўра сайланувчи ҳукумат бошқарадиган жамият; ҳокимиятни энг истеъдодли, иқтидорли одамлар, малакали мутахассислар бошқаришини исботловчи назария. Меритократия назариясининг асосчиси инглиз социологи Митчел Янг, уни 1958 йилда яратган. Унинг фикрича, ижтимоий тараққиёт ҳокимият ва интеллект, яъни ақл-заковат қай даражада уйғунлашувига боғлиқ. Жамият тараққиётининг муваффақияти инсон салоҳиятидан, истеъдодидан фойдаланилишига боғлиқ.

**Метод** – (гр. тадқиқот, йўл) билим олиш, борлиқни тадқиқ этиш тадбирлари, усуллари ва жараёнлари бирлиги. Политологияда қўлланувчи методларни уч гуруҳга ажратилади: универсал усуллар; ижтимоий фан усуллари; эмпирик тадқиқот усуллари. Универсал усуллар барча фанларда қўлланади. Буларга индукция, дедукция, таҳлил, синтез, ташҳис, башорат, таърифлаш, туркумлаш, қиёслаш, тавсиф, кузатиш, тажриба сингарилар киради; политологиядаги деярли барча илмий методлар бошқа ижтимоий фанлардан олинган: сўров, статистик маълумотлар таҳлили, даражалаш, моделлаштириш, абстрактлаштириш ва ҳ.; эмпирик методлар асосан тадбиқий политологияда қўлланади: "ўйинлар назарияси", контент-таҳлил, когнитив карталаш, сиёсий вазиятни моделлаштириш, мониторинг ва ҳ.

**Методология** – (гр. *metodos* – билиш йўли, *logos* – таълимот- билишнинг йўли, усуллари тўғрисидаги таълимот) билишнинг қуроллари, воситалари, йўллари бўлиб, илмий тадқиқотнинг умумий стратегиясини ташкил этади. Методология турли методларни тадқиқотда қўллаш, илмий муаммони тўғри қўя билиш, уни тўғри баён этиш; ушбу муаммога тўғри ёндошувларни танлай билиш каби масалалар билан боғлиқдир. Сиёсий фанда ҳам бошқа фанлардаги каби методология: турли услубларни ёки бир нечта услубларнинг муайян бирлигини сиёсий билим олиш учун қўллаш; тадқиқ этилиши лозим бўлган масалани тўғри қўя билиш, уни тўғри баён этиш; ушбу муаммога мос ёндошувларни, воситаларни тўғри танлай билиш каби масалалар билан боғлиқ.

**Миграция** – (лот.) жойини ўзгартириш, кўчиш (аҳоли, жонзотларнинг) силжиши, ҳаракати.

**Миллат** – (ар.) маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб келган кишиларнинг маънавий-руҳий бирлиги. Сиёсий миллат –

сиёсий тизим ривожланиши, устивор кадриятлари, меъёрлари, мақсадларига доир яқдил бўлган фуқаролар бирлиги.

**Миллатлараро зиддиятлар** – ижтимоий зиддиятларнинг ўзига хос, этник кўриниши.

**Миллий давлат** – давлатнинг тарихий шакли ва шунингдек, сиёсий идеал ҳамдир. Миллий давлат ягона фуқаролик ва миллат ришталари билан боғланган мустақил сиёсий ҳамжамиятдир. Шу маънода у кўп миллатли империялар ва шаҳар – давлатларининг зидди. Иккинчи ҳолатида, яъни сиёсий идеал сифатида у “бир миллат – бир давлат” (Мадзини) тамойилининг идеал типи. Миллий давлат анъанавий ижтимоий алоқаларнинг узилиши ва товар-капиталистик муносабатлар ривожланиши жараёнида пайдо бўлган замонавий давлатчиликни ташкил этишнинг энг муҳим тамойилларидан бири. Миллий давлат сиёсий-ҳуқуқий воқелик сифатида давлатнинг фуқаролари қандай анъанавий мақомга эга эканлигини аниқлаштириш заруриятидан келиб чиқади ва натижада мазкур фуқароларга нисбатан, чет элликлардан фарқли ўлароқ, сиёсий содиқликнинг анча қатъий мезонлари, шунингдек қонун билан белгиланган фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари татбиқ этилади.

*Миллий манфаатлар - Миллий манфаатларнинг мавжудлиги одамларнинг миллий монандлигини англашда энг муҳим шартдир. Шунингдек, у муайян миллий харакатларга давлат ичиди ва халқаро майдонда муайян мақомга эга бўлиш миконини беради. Миллий давлат фаолиятида миллий манфаат мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб келади. Миллий манфаатлар давомли ва қисқа муддатли; устивор ва иккинчи даражали; доимий ва ўзгарувчи; ички ва ташқи сиёсатга доир бўлиши мумкин.*

**Миллий сиёсат** – давлат томонидан миллий муносабатлар соҳасида амалга ошириладиган, миллий манфаатларни рўёбга чиқаришга, миллий қарама-қаршилиқларни ҳал этишга қаратилган, ҳар томонлама асосланган чоратадбирлар тизими.

**Миллий ўзини ўзи англаш** – миллат ёки элат вакилларининг бирлигини яхлит тарзда акс эттириш ва ҳар бир индивидни ижтимоий яхлитлик таркибига киритиш имконини берадиган тасаввурлар, анъаналар ва тушунчалар жамламаси.

**Миллатга мансублик** – қонун билан шаклга солинган тавсифлар жамламасини кўрсатувчи сиёсий-ҳуқуқий категория бўлиб, бундай тавсифларга эга бўлиш инсонни миллий давлатнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантиради. Миллий мансублик тушунчаси XIX асрда, Европа миллатлари шаклланиши жараёнида юзага келган.

**Миллий сиёсат** – давлатнинг муайян сиёсий ҳужжатлари ва ҳуқуқий қоидаларида акс эттирилган, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи мақсадли фаолият.

**Миллий ҳавфсизлик** – давлатнинг ички ҳолати ва халқаро майдондаги мавқеини тавсифловчи тушунча. Миллий ҳавфсизлик давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилади, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлайди, ички нобарқарорликнинг ва бошқа давлатлар агрессиясининг олдини олади.

Миллий ҳавфсизликнинг барча йўналишлари бўйича масалаларни ҳал этиш билан малакавий тарзда давлат ҳавфсизлигининг ихтисослаштирилган органлари шуғулланади. Мазкур органлар миллий ҳавфсизликнинг асосий субъектларидан бири сифатида иш кўради, бироқ уларни миллий ҳавфсизликнинг ягона субъекти деб айтиш мутлақо нотўғридир. Улар билан бир қаторда бу масалаларни ҳал қилишда давлатнинг барча институтлари ва фуқаролик жамиятининг субъектлари иштирок этади.

**Минтақавий ҳавфсизлик** – жаҳоннинг у ёки бу минтақаларидаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, бунда давлатлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш шакллари ҳамда йўлларини ўзлари мустақил танлаш имкониятини қўлга киритадилар, урушлардан, иқтисодий ва сиёсий кўпоровчиликлардан, шунингдек ўз ички ишларига ташқаридан бўладиган аралашувлардан ҳоли бўладилар. Минтақавий ҳавфсизлик халқаро ҳавфсизликнинг таркибий қисми ва миллий ҳавфсизликни амалга ошириш шакли.

**Митинг** - қандайдир масалани ҳал этиш, ечимини топиш учун чақирилган йиғин. Унинг мақсади мунозара эмас, одамларни амалий ҳаракатга ўтишлари учун руҳан тайёрлаш.

**Мобиллик** – (лот. ҳаракатчан) стратификация назарияларида шахс ва гуруҳларнинг мақоми ўзгариши билан боғлиқ кўчишлар. Вертикал ва горизонтал мобиллик ажратилади.

**Модернизация** (франц. *moderne* – ҳозирги замон) - анъанавий турдаги жамиятдан индустриал жамиятга ўтиш жараёни. Модернизация концепциялари қарор топиши ва ривожланишининг асосий босқичи ХХ асрнинг 50–60-йилларига тўғри келади. Бу давр модернизация назариялари муаллифлари орасида жамиятнинг тўғри чизиқли ривожланиши ғояси ҳукмрон бўлган. Айрим давлатлар ўз ривожланишида бошқа давлатлардан орқада қолади, бироқ улар мазмунига кўра бошқа давлатлар босиб ўтган модернизациялаш йўлини босиб ўтадилар, деб ҳисобланади, яъни Ғарб тизими ва маданияти йўлини. Шунинг учун модернизация моҳияти вестернизация (инг. *west* – ғарб), яъни ҳаётнинг турли соҳаларига Ғарб андозаларини кўчириш жараёни сифатида тушунилган.

**Монархия** – (гр. якка ҳокимлик) бошқарув шакли. Унда ҳокимият манбаи ва ҳокимиятнинг олий тимсоли бир шахс бўлади, бу шахс ўз ҳокимлик ваколатларини мерос тариқасида олгани туфайли унинг ҳокимиятга келиши аҳоли хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайди. Давлат бошлиғи ўз ҳокимиятини ворислик асосида тахтни эгаллаш орқали эгаллайди. Монархияларнинг икки кўриниши мавжуд: абсолют монархия ва конституцион монархия.

**Монократия** – (гр. якка ҳокимият) монархнинг ўзи.

**Монополия** – (гр. бир ўзим сотаман) бирор нарсага (ер, ишлаб чиқариш соҳаси, савдо) ёлғиз эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш.

**Муниципалитет** – (лот. ўз-ўзини бошқарувчи жамоа) шаҳар ёки қишлоқдаги ўз-ўзини бошқарув тизими. Кўпчилик давлатларда давлат ва маҳаллий (муниципал) ҳокимият тизими ажратилади. Айрим давлатларда фақат шаҳарлар бошқаруви муниципал деб номланади (АҚШ, Буюк Британия).

Уларнинг ўзига хос белгиларига сайланиши ва маҳаллий даражада бошқарувнинг нисбатан мустақиллиги киради. Муниципалитетлар маҳаллий бюджетни тасдиқлайдилар, меъёрий ҳужжатлар чиқарадилар.

**Муқобиллик** – (ар.) бир-бирига қарама-қарши (бошқа-бошқа) икки ёки ундан ортиқ нарсадан бирини танлаш, мавжуд икки ёки бир неча имкониятдан бири, альтернатива.

**Муҳожирлар** – (ар. кўчиб келганлар) ўз ватанидан бутунлай ёки маълум муддатга иқтисодий, сиёсий, бошқа сабабларга кўра ихтиёрий ёки мажбурий чиқиб кетган фуқаролар.

## Н

**Нацизм** – Гитлер режими мафкураси ва амалиётининг номи. 1919 йилда вужудга келган национал-социалистик партия номидан олинган. Национал-социализм 1933 йилда Германияда ҳокимият тепасига келди. У фашизмдан ўсиб чиққан бўлсада, кўп хусусиятларига кўра совет коммунизмига ўхшаш: инқилобийлиги, либерализмга қарши жамоавийликни қўйиши, тоталитар партия ва давлат тузиш шакллари ва ҳ. Фақат "синф" тушунчасининг ўрнини — "миллат", "синфий манфаатлар" ўрнини - "миллий ва ирқий манфаат" олади. Национал-социализм миллатчилик мафкураси ва унда кучли намоён бўлган антисемитизм, нордик, орий ирқини ва кучни улуғлаш билан ажралиб туради. Шунингдек, унинг элитарлигини ва оммага паст назар билан қарашини, шунинг учун ўз ташкилотини қуйидан юқорига қараб қатъий ҳарбий итоат асосига қурганлигини кўрамыз. Национал-социализм демократияни тўлиқ инкор этган. Коммунистик тизимларда кураш тиғи ички, синфий душманга қаратилган бўлса, национал- социализмда ташқарига, бошқа халқларга қаршидир.

**Нейтралитет** – (лот. *neuter* унга ҳам, бунга ҳам тегишли бўлмаган) давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳолати. Давлатнинг қуроли тўқнашувларда иштирок этмаслигини, тинчлик вақтида эса ҳарбий иттифоқлар ва блоklarда қатнашишни рад этишини кўрсатувчи ташқи сиёсий фаолияти принципи. Ушбу принцип давлатнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми сифатида расмийлаштирилади. Нейтралитетга нисбатан сиёсат сифатида, яъни давлат органлари ва халқлар номидан иш кўрувчи давлат олий шахсларининг тинчлик муносабатларини барқарорлаштиришга, инсонийлик, инсонпарварлик томонига ривожлантиришга қаратилган мақсадли, онгли фаолияти сифатида қаралади.

**Неолиберализм** – янги либерализм – мумтоз либерализм негизда ХХ асрнинг 50-60 йилларида ривожланди. Неолиберализм давлатнинг ижтимоий функциялари кенгайишини зарур деб билди. Сиёсий роллар аниқ тақсимланиши тўғрисидаги тезис барча сиёсий кучлар консенсуси тўғрисидаги қоида билан алмашинди. Адолат, давлатни ҳуқуқ билан чеклаш, ҳукуматнинг ахлоқий қадрият ва тамойилларга суяниши, омманинг сиёсий жараёнда иштироки, элиталар рақобати зарурлиги тан олинди. Неолиберализмнинг моҳиятини қисқача шундай ифодалаш мумкин: давлат шахсни бозор тизимининг салбий оқибатларидан ҳимоялаши зарур.

**Неоконсерватизм** – мумтоз контерватизм, либерализм ва технократизм

ғояларини уйғунлаштирган мафкура. Вакиллари: назарияда – А.Хайек, сиёсатда - Р.Рейган, М.Тетчер, Ж.Ширак. Асосий ғоялари: фақат бозор муносабатларигина жамият ва шахснинг ривожланишига олиб келади; эркинлик ва тенглик биргаликда мавжуд бўла олмайди; мумтоз демократияни элиталар ҳокимияти билан тўлдириш лозим ва шахснинг бош ҳуқуқи – мулкка эгалик.

**Нигилизм** – (лот.) ҳар қандай меъёрлар, тамойилларни инкор этиш.

**Нолегал** – қонунсиз, қонун тақиқлаб қўйган, қонунни чеклаб қилинган, яширин.

**Номзод кўрсатиш** – давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органига номзод белгилаш бўйича сиёсий партия. Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади. Сиёсий партия фақат ўз аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатиш ваколатига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин.

**Номзоднинг ишончли вакили** – рўйхатга олинган номзод томонидан тайинланадиган, ўз фаолияти билан тегишли номзоднинг сайланишига кўмаклашадиган ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ махсус мақомга эга бўлган шахс. Ишончли вакилларни тайинлаш рўйхатга олинган номзодларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради. Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда, сайловга қадар ўз ишончли вакилини ишлаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил ишлаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

**Номзодларни рўйхатга олиш** – сайлов комиссияси томонидан шахсни депутатликка номзод сифатида рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилишидан иборат юридик амалиёт. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан номзодлар рўйхатга олинган номзод учун сайлов тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳуқуқларга, шу жумладан, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Депутатликка номзод сифатида кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Сайлов комиссиялари сайловчиларни рўйхатга олинган номзодлар ҳақида хабардор қиладилар. Уларга оид маълумотлар сайлов бюллетенларига

киритилади.

**Номзоднинг сайловда номзодликдан воз кечиш ҳуқуқи** – сайлов тўғрисидаги қонунчиликда номзод (рўйхатга олинган номзод) ўзи истаган вақтда ихтиёрий равишда ўз номзодлигидан воз кечиши мумкинлигини назарда тутувчи субъектив ҳуқуқ. Қонунчилик палатасига депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

**Номенклатура** – (лот. исмлар ёзуви) 1) билим ёки фаолиятнинг бирор махсус соҳасида қўлланиладиган терминларнинг мажмуи, номи; 2) юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланадиган лавозимлар рўйхати.

**Немис сиёсий фани мактаби** шаклланиши Германиянинг иқтисодий ва ҳарбий кудрати тез суръатлар билан ўсаётган даврга тўғри келди ва унинг кучли томони сифатида давлатни ҳар томонлама ўрганиш, унинг институтларини, шу жумладан, бюрократияни чуқур таҳлил қилиш, геосиёсий тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Сиёсий фан институционаллашуви нуктаи назаридан Франкфуртда “Ижтимоий тадқиқотлар институти”(1923)ташқил этилиши (машҳур Франкфурт мактаби), шунингдек Карл Хаусхофер томонидан мюнхен геосиёсат институти (1933) тузилишини кўрсатилади. Немис сиёсий фани асосини Франц Оппенгеймернинг «Давлат» (1909), Георг Еллинекнинг «Давлат тўғрисидаги умумий таълимот» (до 1914), Ганс Кельзеннинг «Давлат тўғрисидаги умумий таълимот» (1925), Макс Вебернинг «Миллий давлат ва халқ хўжалиги сиёсати» (1895), «Германияда сайлов ҳуқуқи ва демократия» (1917), «Амалдорликни сиёсий танқидига доир» (1918), «Сиёсат ҳам майл, ҳам касб сифатида» (1919), Фридрих Ратцелнинг «Сиёсий география» (1898), «Давлатларнинг ҳудудий ўсиши қонунлари тўғрисида» (1901), Роберт Михелснинг «Демократия шароитида сиёсий партиялар социологияси» (1911) асарлари ташқил этади. Немис сиёсий фани мактаби қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб боради: сиёсат фалсафасини ўрганиш (Т. Адорно, Ю. Хабермас, Э. Фромм); тоталитаризмнинг ижтимоий табиати, унинг манбалари, шакллари ва намоён бўлишини ўрганиш ( Х . Арентс, К. Поппер); ижтимоий ихтилофлар ва уларнинг сиёсий муносабатларда намоён бўлишини ўрганиш (Р. Дарендорф).

**Нота** – (лот. белги) бир ҳукуматнинг иккинчи бир ҳукуматга расмий, ёзма, дипломатик мурожаати.

**О**

**Обструкция** – (лот. тўсик) норозилик билдириш усули, асосан парламентлар фаолиятида номаъқул қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилишга йўл қўймасликка қаратилган парламент кураши усулларида бири. Шовқин солиш, ишга алоқаси бўлмаган узундан-узоқ нутқлар сўзлаш ва ҳ.к.лар обструкция шаклларида бири.

**Округ сайлов комиссияси** – давлат ҳокимияти органларига сайлов ўтказиш даврида ҳар қайси бир мандатли сайлов округида тузилади. Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби

ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тасдиқлаш учун Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилади.

**Олигархия** – (лот. камчилик ҳокимияти) кичик гуруҳнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигига асосланган бошқарув шакли.

**Олий Мажлис** – Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи олий орган, Ўзбекистон парламентининг номи.

**Омбудсман** – инсон ҳуқуқлари бўйича вакил; махсус сайлаб ёки тайинлаб қўйиладиган лавозим, парламент олдида ҳисоботли вазир. Омбудсман фуқароларни давлат амалдорлари тазйиқидан сиёсий ҳимоя қилиш институти сифатида Фарбий Европада шаклланган. Бу институт биринчи бор Швецияда ташкил топган ва оддий фуқароларни амалдорларнинг ноқонуний ва адолатсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилган. Скандинавия мамлакатлари, Буюк Британия, Германияда бу институт ҳукумат фаолияти натижасида фуқароларга етказилган моддий зарар, амалдорларнинг ноқонуний ҳаракатлари борасидаги шикоятларни кўриб чиқади. Омбудсман бу масалаларни мустақил ҳал этиш ёки ҳукм чиқариш ваколатига эга эмас, лекин шундай вазиятларни олдини олувчи чоралар бўйича таклифлар билан қонунчилик органларига мурожаат қила олади.

**Омма** (а.- умум, кўпчилик, халқ) – сиёсий жараённинг бирор-бир яхлит тузилмавий ташкилотга эга бўлмаган, ўта ўзгарувчанлиги, вазиятга қараб амал қилиши ва умуман номуайянлиги билан фарқланиб турувчи субъектларидан бири.

**Олигархия** (юнон. *oligarchia*, *oligos* сўзидан – кўп эмас, *arche* – ҳокимият) – кам сонли, тор доирадаги шахслар гуруҳининг ҳокимияти. Сиёсий олигархия тушунчаси бутун ҳокимият алоҳида элита (ҳарбийлар, латифундистлар ва бошқалар) қўлида бўлган сиёсий режимни англатади. Айти бир вақтда мутлак ҳукмронлик амалга ошириладиган ижтимоий соҳа ва социал қатламни англатувчи “молия олигархияси”, “саноат олигархияси” каби тушунчалар ҳам ишлатилади.

**Оммавий** – 1) оммабоп, ҳамма учун тушунарли, оддий баён қилиш; 2) кенг халқ ичида танилган муҳаббат ва муваффақият қозонган.

**Оммавий ахборот воситалари** – аҳолига ахборотни нашрлар, техник, кўргазмалар ва бошқа шакл ва воситалар ёрдамида етказиш тизими, шунингдек, маданий ва сиёсий субъектлар ўртасида коммуникацияни санъат, оммавий томошалар, спорт ва ахборот етказиш имконини берувчи бошқа ҳодисалар орқали амалга оширишдир.

**Оппонент** - (лот. эътироз билдирувчи) баҳсда бирор кишининг фикрига, мулоҳазасига эътироз билдириб, уни қисман ёки тўла рад этувчи киши.

**Оптация** – (лот. истак, танлов) бир давлатдан иккинчи давлатга ўтаётган ҳудудда яшаётган аҳолига фуқароликни танлаш ҳуқуқининг берилиши.

**Оптимизм** – (лот. энг яхши) ҳаётга, ривожланиш, келажакка ишонч билан суғорилган дунёқараш.

**Ориентализм** – Шарққа ўхшашликка интилиш, сиёсат ва маданиятда Шарққа хос элементларнинг кучайиши.

**Ориентация** – (лот. шарх) 1) вазиятни, рўй бераётган воқеаларни аниқлаш; 2) сиёсатдаги фаолият йўналишини аниқлаб олиш.

**Ортодоксал** – (гр.) қандайдир соҳада белгиланган қоида ва тамойилларга ҳеч иккиланмай эргашиш.

**Охлократия** – (гр. «қора»лар ҳокимияти) оломон ҳукмронлиги.

## П

**Паблик рилейшнз (ПР)** (ингл. *public relations* – оммага муносабат) – турли ҳукумат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг жамият билан ўзаро тушунишга эришиш, умумий тасаввурлар ёки умумий манфаатларни аниқлаш ва муайян принципларга асосланган икки тарафлама мулоқот ўрнатишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлари соҳаси. ПРдан фойдаланиш тарихи Америка президенти Томас Жефферсондан бошланади. У 1807 йилда “Конгрессга еттинчи мурожаат” деб номланган қўлёзмасида ўчириб ташланган “фикр ҳолати” деган сўзлар ўрнига “жамоатчилик билан муносабатлар – “Public Relations” деган сўзларни киритган. ПР иборасидан 1919 йилдан эътиборан фойдаланила бошланган. ПР урушдан кейинги даврда фаолиятнинг алоҳида турига айланиб, мустақил касб сифатида қарор топди. Бу соҳанинг юқори мақомга эга бўлган ташкилотлари юзага кела бошлади, чунончи: Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Америка жамияти, Амалий алоқалар бўйича халқаро уюшма, жамоатчилик билан алоқалар бўйича турли давлат уюшмалари ва бошқалар. ПР ҳозирги замон коммуникатив технологиялари, яъни мулоқот, фикр айирбошлаш ва ўзаро тушуниш учун махсус механизмлар яратиш билан шуғулланади.

**Пакт** – (лот. битим) халқаро шартнома номларидан бири.

**Паллиатив** – (лот. яширмоқ) қўйилган масалани тўлиқ ҳал қилмайдиган ярим чора.

**Парадигма** – (гр. наъмуна) илмий тафаккур услуби. Айни вақтда тан олинган ва муайян илмий тадқиқот (билим)ни белгиловчи омиллар бирлиги. Позитивист Г.Берман томонидан киритилган ва америкалик физик Т.Кун томонидан табиий фанлар учун кенг асосланган тушунча. Илмда муайян даврда қабул қилинган эътиқодлар, қадриятлар, техник воситалар бирлигини англатади ва илмий анъаналар сақланишини таъминлайди. Парадигма назариядан кенгроқ тушунча, унинг алмашинуви фандаги инқилобни англатади. Сиёсатни тушунтиришдаги асосий парадигмалар: 1) Теологик - сиёсат ва ҳокимиятнинг илоҳий талқини. 2) Табиий – а) сиёсат ташқи табиий муҳит таъсири орқали таърифланади - географик парадигма; б) сиёсат жонли табиат хусусиятлари орқали таърифланади - биологик парадигма. в) сиёсат инсон хусусиятларидан келтириб чиқарилади - психологик парадигма. 3) Ижтимоий - сиёсат ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари орқали талқин қилинади. 4) Оқилона-танқидий - сиёсат унинг омиллари, масалан, конфликт-консенсус орқали таърифланади.

**Парадокс** – (гр. кутилмаган) 1) барча эътироф этган фикрга ўхшамайдиган, мантиққа зид бўлиб кўринувчи фикр; 2) одатдаги тасаввурларга мос



келмайдиган кутилмаган ҳодиса.

**Паритет** – (лот. тенглик) тенг муносабатлар, бир хил вазиятда бўлишлик; томонларнинг тенг ваколатлилик тамойили.

**Парламент** – (фр. сўзламоқ) олий вакиллик ва қонун чиқарувчи орган номи. Жамиятдаги мавжуд табақалар вакиллиги тамойилининг ривожланиши натижасида шаклланган. Замонавий давлатларнинг олий сиёсий органларидан энг муҳими ва ваколатлиси деб қаралувчи ва энг нуфузлиси – ассамблеялар, қонунчилик органлари, легистлатуралар, парламентлардир.

**Парламентаризм** - давлат органлари тизимида парламент етакчи мавқени эгаллайдиган бошқарув тизими. Унда қонун чиқарувчи ва ижро вазифалари аниқ белгиланган бўлади, парламент бошқа давлат ҳокимияти органларидан расман устун ҳисобланади.

**Парламент республикаси** - республика кўринишларидан бири. Унда парламент сиёсий жиҳатдан ўзига ҳисоб берадиган ҳукуматни тузади; давлат раҳбари бўлган, лекин ижро этувчи ҳокимият ҳуқуқига эга бўлмаган президентни сайлайди ва ҳ.к.

**Парламентёр** - ( фран. *parlementaire*) – одатда уруш ҳолатида бўлган қарама-қарши сиёсий кучларнинг бири тарафидан душман тараф билан ўртадаги зиддиятга (урушга) барҳам бериш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун вакил қилинган шахс. Халқаро ҳуқуқ ва анъанавий нормаларга кўра, парламентерлар фаолиятини таъминлаш учун уларнинг шахси дахлсиз бўлиши керак. Кутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида парламентерлар оқ ёки бошқа рамзий тусга эга байроқлар, бантлар, шарфлар ва бошқа шу каби рамзлардан фойдаланадилар.

**Парламент ҳуқуқи** - парламент аъзолари амал қиладиган меъёрлар.

**Парламент текшируви** - давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан, ҳукумат ва унинг айрим аъзолари фаолияти устидан парламентнинг назорат ваколатини амалга ошириш.

**Парламент типдаги партия** - ваколатли органлар, шу жумладан, парламентга сайловларда иштирок этиш билан ўзининг бош мақсади – ҳокимиятга эришишни амалга оширувчи партиялар. У ҳокимият органларидаги фаолиятини ўз вакиллари орқали олиб боради ва конституцион меъёрларга амал қилади, бошқа партиялар билан қонун доирасида рақобатлашади.

**Партия** – ( лот. *pars, partis* – қисм) барқарор тузилмага ва доимий тусдаги фаолиятга эга, ўз аъзолари ва тарафдорларининг сиёсий хоҳиш-иродасини ифодаловчи, ҳокимият вакиллик органларига сайланган ўз вакиллари орқали муайян давлатнинг сиёсий йўлини белгилашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришда, шунингдек ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган мустақил жамоат бирлашмаси.

**Партиялар туркумлашуви** – сиёсий партиялар фаолиятининг таркибий ва функционал ўзига хосликларини қиёсий ўрганиш. 1951 йилда М.Дюверже нашр этган “Сиёсий партиялар” мумтоз асарида партияларнинг қуйидаги туркумлашувини таклиф этган: **кадрлар партиялари** – XIX асрда

шаклланган. **Оммавий партиялар** - қаттиқ марказлашган тузилмага эга, мафкуравийлашган, интизом кучли, аъзолиги қайд этилади, оммавийликка интилади. Партияларни ўнг, сўл ва марказ партияларига туркумлашда улар ҳимоя қилувчи қадриятлар, сиёсат майдонида жойлашиши асос қилиб олинади. Ўнг партиялар хусусий мулк, бозор иқтисодиёти, шахс эркинлиги сингари консерватив ва либерал қадриятларни ёқлайди. Сўл партиялар ижтимоий мулк, жамоавийлик, тенглик сингари коммунистик ва социалистик ғоялар тарафдорилар. Марказ партиялари ўнг ва сўл спектдаги ғояларни муътадиллаштиришга уринадилар ва сиёсий курашнинг марказида жойлашадилар. Дастурининг ижтимоий йўналиши ва фаолият йўналишига кўра сиёсий партиялар: социал — демократик; либерал-демократик; коммунистик; миллий; ирқий; диний; давлат - ватанпарварлик; халқ партияларига ажратилади. Фаолиятининг ғоявий асосларига кўра сиёсий партиялар қуйидагича бўлинади: доктринал (ўз мафкурасини ҳимоя қилувчи); прагматик (мақсадга мувофиқликдан келиб чиқувчи); харизматик (муайян сиёсий етакчи атрофида бирлашувчи). Дастурни амалга ошириш услубларига кўра: инқилобий (жамиятни тубдан қайта ислоҳ қилишга интилувчи); ислоҳотчи (ижтимоий ҳаётни кескин таркибий ўзгаришларсиз ўзгартириш тарафдори). Сиёсий фаолият табиатига кўра сиёсий партиялар: реакцион; консерватив; радикал; экстремистик; муътадил бўлиши мумкин. Ҳокимиятда иштирокига кўра сиёсий партиялар: ҳукмрон; муҳолиф (ошқора, яширин) ларга бўлинади.

**Ташкилий тузилишига кўра сиёсий партиялар:** парламент партиялари, лейбористик партиялар, авангард партиялар.

**Партиявий тизим** - ҳокимият учун курашда ва уни амалга оширишда иштирок этувчи барча партиялар бирлиги ва улар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлик ва тартиб асосига қурилиши тушунилади. Мамлакатда бир нечта партиянинг мавжудлиги ҳали бу ерда партиявий тизим шаклланганлигини аниқлатмайди. Партия тизимлари шаклланишига ва унинг ўзига хослигига жуда кўп омиллар таъсир этади. Хусусан, амалдаги Конституция, қонунчилик, сайлов тури, шунингдек, жамиятда амал қилувчи сиёсий маданият, анъаналар, миллий, диний омиллар, жамиятдаги ижтимоий қатламлар – партия тизими табиатини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Тарихан партиявий тизимларнинг қуйидаги турлари шаклланган: бир партиявий, икки партиявий ҳамда кўп партиявий тизим.

**Партогенез** - партияларнинг шаклланиши жараёни.

**Партократия** - партия ҳукмронлиги билан тавсифланувчи ҳокимият шакли.

**Пассив сайлов ҳуқуқи** – (лот. бефарқ, фаол эмас) фуқароларининг давлат ҳокимияти органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикасида пассив сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш учун шахс Ўзбекистон фуқароси бўлиши ва қонунда белгиланган ёшга тўлиши зарур. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эга. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим

яшаётган Ўзбекистон фуқаролари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Пауперизм** – (лот. камбағал) оммавий қашшоқланиш, аҳолининг камбағаллашуви; яшаш учун энг зарур нарсалардан маҳрумлик.

**Пацифизм** – (лот.) урушга қарши сиёсий ҳаракат, қурбонларга олиб келувчи курашнинг ҳар қандай шакллари қоралайди. Ишонтириш, эътиқод ёрдамида урушларнинг олдини олиш мумкинлигига ишонади.

**Пентагон** – (ингл.) Вашингтондаги марказий ҳарбий муассасаларнинг беш бурчакли биноси номидан олинган – АҚШ ҳарбий муассасасининг номи.

**Перманент** - (лот.) доимий, узлуксиз давом этадиган.

**Персона грата** - (лот. исталган шахс) бир давлат томонидан иккинчи давлатга дипломатик вакил сифатида юборилишини ана шу иккинчи давлат маъқуллаган ёки ишонч қозонган киши; персона нон грата - элчи қилиб юборилмоқчи бўлган мамлакат бунга розилик бермаган ёки ўзи вакил бўлиб турган хорижий мамлакат ҳукумати унинг чиқиб кетишини талаб қилган дипломатик ходим.

**Петиция** – (лот. илтимоснома, арзнома) ҳукуматнинг юқори вакилларига, давлат бошлиғига кўпчилик томонидан берилган илтимоснома.

**Плебисцит** – (лот. халқ қарори) умумхалқ овоз бериши; референдум.

**Пленар** – (лот. тўла, умумий) бирор ташкилот, кенгаш, кўмита, ва ҳ.к. ларнинг барча аъзолари иштирокида ўтадиган йиғилиш.

**Плутократия** – (юнон. *plutokratia* *plutos* – бойлик, *kratos* – ҳокимият, қудрат) – асосий субъекти жамиятнинг энг бой қатламидан иборат бўлган ҳокимият шакли. Плутократия шароитида аҳолининг энг бой қисми билан таркиби бойлардан иборат элитанинг кўшилиши, манфаатларининг умумлаштирилиши рўй беради. Қадимги дунёда ҳокимиятнинг плутократия шакллари Карфагенда ва ўрта асрлар Венециясида юзага келган. Ҳозирги замон плутократияси жамият барча аъзоларининг манфаатларини капитал манфаатларига бўйсундирувчи олигополия билан жипс боғлиқдир

**Позитив ҳуқуқлар** (позитив – (лот. ижобий) ижобий тажрибага, фактларга, реал воқеликка асосланган. Тескариси - негатив) - давлат, шахслар ва ташкилотларнинг фуқарога у ёки бу имтиёзларни бериш борасида муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вазифаларини белгилайди. Барча ижтимоий ҳуқуқлар позитив табиатга эга. Позитив ҳуқуқларни амалга ошириш учун давлат муайян ресурсларга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлиши керак.

**Полис** – ( гр.) шаҳар-давлат.

**Полиархия** – (гр. кўп ва бошқарув) – замонавий демократиянинг эмпирик моделларидан бири. Сиёсий плюрализм назариясининг энг ёрқин намоёндаларидан бири америкалик политолог Роберт Даль Чарльз Линдблом билан биргаликда “барчанинг ҳокимияти” ни англатувчи демократия маъноси ўрнига “ кўпчилик ҳокимияти” маъносини берувчи «**полиархия**» атамасини киритди.

**Политология** – сиёсат, сиёсий муносабатлар, институтлар, меъёрлар, дунёқараш ва ҳ.. тўғрисидаги интегратив фан. XIX асрнинг иккинчи ярмида

деярли бир вақтда АҚШда ва Ғарбий Европада шаклланди. Объекти - жамият ҳаётининг сиёсий соҳаси; предмети - сиёсий ҳокимият шаклланиши, амал қилиши ва ўзгариши қонуниятлари. Функциялари - назарий-билиш, дунёқарашни шакллантириш, методологик, бошқариш, башорат, баҳолаш.

**Политолог** - сиёсат соҳасидаги мутахассис.

**Популизм** – (франц. *populisme*, лот. *populus* – халқ) – тез орада натижага эришиш имконини берувчи сиёсий оқим, «сиёсатдаги услуб». У оммага мураккаб масалаларни осон тушунтиради, оддий, лекин чиройли шиорларга мойилликка асосланади.

**«Постиндустриал жамият»** - замонавий ривожланиш назарияларида бир қатор давлатларнинг бугунги ҳолатини белгилаш учун қўлланадиган тушунча. «Постиндустриал жамият» нинг турли концепцияларини З.Бжезинский, Ж.Гелбрэйт, Тоффлер, А. Турен, Хабермаслар ишлаб чиқишган. «Постиндустриал жамият» назарияларининг пайдо бўлиши учун асосни ХХ асрнинг 60-70-йилларида бир қатор мамлакатлар иқтисодида рўй берган таркибий ўзгаришлар ташкил этди.

**Потенциал** – (лот. имконият, қувват) ҳали фойдаланилмаган, бироқ зарур вақтда фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар.

**Прагматизм** – (гр. фаолият, амалиёт) амалий ва фойдали натижа берувчи фаолиятнинггина тан оладиган, политологиянинг назарий - методологик асосларидан бири бўлган фалсафий, ижтимоий, сиёсий қарашлар тизими.

**Праксиология** - (гр. фаолият билан боғлиқ) социологик тадқиқотлар йўналиши. У фаолият ёки фаолиятлар бирлигини уларнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан ўрганади.

**Преамбула** – (фр. кириш сўзи (қисми) халқаро битим ёки шартноманинг, қонун ёки бошқа ҳужжатларнинг кириш қисми бўлиб, одатда, унда тамойилиал қоидалар, сабаблар, шартнома тузиш асослари баён этилади.

**Превентив** – (лот.) огоҳлантирувчи, олдини олувчи.

**Президент** – (лот. олдида (бошида) ўтирувчи) республика бошқарувида - сайланувчи давлат бошлиғи. У ўзида ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятларини мужассамлаштиради. Президент мақоми Конституция билан белгиланади.

**Президентлик институти** – ҳокимлик институти бўлиб президентнинг ҳокимиятга оид ваколатларини, яъни президент фаолиятини тартибга солувчи конституцион меъёрлар, анъаналар, президентнинг сиёсий фаолияти амалиёти ва президент девонини ўз ичига олади.

**Премьер** – (фр. биринчи) 1) бош вазир, биринчи вазир, вазирлар маҳкамасининг бошлиғи

**Прерогатива** – (лот.) шахсга ёки ташкилотга эгаллаб турган мавқеи берувчи устунлик, истисно тариқасидаги фавкулудда ҳуқуқ.

**Префект** – (лот. бошлиқ) қадимги Римда ва баъзи замонавий давлатларда мансабли кишиларнинг номи. Масалан, Францияда префект - департаментдаги юқори мансабли киши бўлиб, унга полиция бўйсунди.

**Префектура** - префект бошчилик қиладиган маъмурий бошқарма ва у жойлашган бино.

**Прецедент** – (лот. олдинда кетувчи) ўтмишда бўлиб ўтган ва ҳозирги вақтда ана шундай ҳаракатлар қилиш учун наъмуна.

**Примат** – (лот.) биринчилик, устунлик, аҳамияти жуда зўр, ҳукмрон роль ўйновчи.

**Примитив** – (лот. ибтидоий, дастлабки) оддий, тузилиши мураккаб бўлмаган; қолоқ.

**Приоритет** – (лот. биринчи) биринчилик.

**Прогресс** – (лот.) илгарилама ҳаракат: пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон мукаммалликка қараб ривожланиш. Тескариси - регресс.

**Пролонгация** – (лот.) шартнома, битим, вексель ва бошқаларнинг амал қилиш муддатини чўзиш.

**Промульгация** – (лот.) қабул қилинган ва тасдиқланган қонуннинг расмий матбуот органида эълон қилиниши. қонун шундан сўнггина кучга киради.

**Пропорционал сайлов тизими** (пропорционал – (лот.) қисмларнинг бутунга нисбатан тўғри нисбатга эгаллиги)– сайлов тизими кўринишларидан бири. У партиявий рўйхатлар асосида овоз беришни кўзда тутди. Сайловчилар номзодларнинг партиявий аъзолигига кўра тузилган бир неча рўйхат ичидан ўзлари истаган рўйхатни (айрим ҳолларда ўзи маъқул топган номзодларни) белгилайдилар. Овозларни санаш жараёнида партиялар парламентда эгаллаган жойлар сони ушбу партияларга берилган овозлар сонига пропорционал бўлади.

**Пророгация** – (лот. чўзиш) давлат бошлиғининг қарори билан парламент мажлисини кейинга қолдириш.

**Протекционизм** – (лот. ҳомийлик) давлат миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоялашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсат.

**Профессионал армия** - шахсий таркиб учун ҳарбий хизмат асосий касб ҳисобланган армия.

**Публицистика** – (лот. жамоатчиликни) оммавий ахборот воситалари ва алоҳида нашрларда сиёсат ва ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритувчи адабиёт тури.

**Пунктуал** – (лот. нукта) аниқ, батартиб.

**Путч** – (нем.) бир гуруҳ фитначиларнинг давлат тўнтаришини амалга ошириш учун ҳаракати.

**Р**

**Радикализм** – (радикал – (лот.) туб, асосий, кескин, қарама-қарши) 1) бирор масалани ҳал қилишда кескин ҳаракат ва тадбирларни қўллаш, муросасизлик; 2) сўл қарашларни ифодаловчи оқим, ҳаракат.

**Расизм** – (ирқчилик) мафкура. Унга кўра халқлар бир-биридан «табиати» га кўра фарқланиб, раҳбарлик ва бошқариш учун яралган «олий», ҳамда тарихий ривожланиш учун аҳамиятсиз «қуйи»ларга бўлинади. Шу билан бирга расизм халқларни ирқий мансублигига кўра ажратиш, камситишга қаратилган амалиёт сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин (баъзан бутун бир давлат миқёсида: фашистик Германия, XX аср 70-йилларигача ЖАР).

**Ратификация** – (лот. тасдиқламоқ) ахдлашувчи давлатларнинг мухтор вакиллари томонидан тузилган халқаро шартнома ёки битимнинг олий давлат

хокимияти томонидан тасдиқланиши. Ратификация шартномага (битимга) юридик куч беради.

**Рационал-танқидий парадигма** (рационал – (лот.) оқил, мақсадга мувофиқ, асосли) – сиёсатни тушунтиришдаги асосий парадигмалардан бири. У сиёсатни унинг ички хусусиятлари орқали тушунтиради.

**Реабилитация** – (лот.) 1) нотўғри айбланган ёки қораланган кишининг пок номини, обрў-эътиборини қайта тиклаш; 2) суд орқали ёки маъмурий тартибда аввалги ҳуқуқларни тиклаш.

**Реакцион** – (лот. қарши фаолият) эски тартибларга қайтиш тарафдори, барча илғор, прогрессив нарсаларга қарши.

**Реванш** – (фр. қасос) мағлубият учун ўч олиш; аввалги мағлубият ўрнини босувчи ютуқ.

**Реваншизм** – урушда енгилган давлат ёки ундаги муайян гуруҳларнинг ўз мағлубиятлари учун ўч олиш ва бой берган мавқени қайтариб олиш учун янги урушни тайёрлашга қаратилган сиёсати.

**Регионал (минтақавий) ихтилофлар** (регион – (лот.) вилоят-минтақа) – мамлакатлар ўртасидаги ихтилофларнинг минтақавий даражада кескин шаклда намоён бўлиши. Очiq қуролли тўқнашувларда, уруш хавфи мавжудлигида намоён бўлади.

**Регламент** – (лот. қоида) 1) ҳукумат ички тузилиши ва тартибини белгилайдиган қоидалар тўплами; 2) парламент ички тузилиши ва фаолияти шаклини белгилайдиган қоидалар тўплами; 3) турли мажлислар, конференцияларни ўтказиш тартиби.

**Редемаркация чегараларнинг** – давлат чегарасини жойда текшириш ва тиклаш, ҳамда у ерга қабул қилинган ҳужжатлар асосида чегара белгиларини ўрнатиш.

**Резиденция** – (лот. қароргоҳ) давлат, ҳукумат бошлиқлари, чет мамлакатлар элчилари турадиган жой.

**Резолюция** – (лот. руҳсат бермоқ) 1) қарор; 2) ҳужжат тепасида раҳбарнинг ёзма қарори.

**Резонанс** – (лот. акс садо берувчи) акс садо; сиёсатда бирор ҳодиса муносабати билан туғилган ҳаракат, жараён, кайфиятлар.

**Резюме** – фр. 1) нутқ, мақола ва ҳ.к. ларнинг мазмунини қисқача баён қилиш; 2) нутқ, маърузанинг якуни; 3) айтилганларнинг қисқача якуни.

**Релятив** – (лот. нисбий) муайян муносабатлардагина аҳамиятга эга, шу муносабатлар билан белгиланувчи. Тескариси – мутлоқ.

**Ренегат** – (лот. инкор этиш) ўз эътиқодини ўзгартириб, рақиблар томонига ўтган инсон.

**Ренессанс** – (фр. жонланиш, юксалиш) XIV асрда Италияда вужудга келган ижтимоий, сиёсий, маданий жараён. Шарқда Уйғониш даври IX-XI асрларга тўғри келади.

**Рентабель** – (нем.) ҳаракатларни оқлайдиган, хўжалик юритиш нуктаи назаридан мақсадга мувофиқ, даромад келтирувчи.

**Репрезентатив демократия** (репрезентация – (фр.) вакиллик) – халқ олдида маъсул ва малакали ваколатли бошқарув. У демократиянинг элитар

моделларидан бири сифатида қаралиши мумкин, негаки репрезентатив демократия – халқ розилиги билан амалга ошадиган элитар бошқарувдир. Унга кўра демократиянинг ривожланиши омманинг бошқарувда тўғридан-тўғри иштирокини кенгайтириш билан эмас, балки халқ назоратидаги, самарали элитани танлашнинг мукамал механизмини яратиш билан боғлиқ.

**Репрезентативлик** – (фр. вакиллик) тадқиқот қилинаётган бирликнинг хусусиятларини акс эттирувчи танлов белгиси. Масалан, мамлакат ўқувчи ёшлари ўрганилаётган бўлса, унинг репрезентативлигини таъминлаш учун танловда иштирок этувчилар сарасига шу гуруҳ нисбатидан келиб чиқиб, ўқувчилардан тортиб аспирантларгача киритиш ва ўрганиш керак.

**Респондент** – (ингл. жавоб бериш) анкета саволларига жавоб бераётган, интервью бераётган шахс.

**Республика** – (лот. жамоатчилик иши, давлат) давлат бошқаруви шакли. Унда олий ҳокимият, монархиядан фарқлича, муайян муддатга сайланади ёки умуммиллий вакиллик муассасалари томонидан тайинланади, фуқаролар шахсий ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўлади. Президентлик, парламент, аралаш турдаги республика турлари мавжуд.

**Ресурс** – (фр.) восита, захира, манба. Ҳокимият ресурслари – кенг маънода – индивид ёки гуруҳ, бошқаларга таъсир этиш учун қўллаши мумкин бўлган барча нарса (Р. Даль); тор маънода – субъектнинг ҳокимият объектига таъсирини таъминловчи барча воситалар. Утилитар, мажбурий ва меъёрий ресурслар ажратилади. Ҳаётнинг муҳим соҳаларига кўра – иқтисодий, ижтимоий, маданий - ахборот, мажбурий ресурс турлари мавжуд.

**Референдум** – (лот. хабар қилиниши лозим бўлган нарса) умумхалқ сўрови, халқнинг фикрини овоз бериш йўли билан аниқлаш. Энг муҳим масалалар бўйича ўтказилади. У тўғридан-тўғри демократия институти. Инсоният тарихидаги биринчи референдум 1439 йилда Швейцарияда ўтказилган. XX аср бошида бу институт фақат Швейцария, АҚШ, Австралияда амал қилган. II жаҳон урушидан кейин у барча ривожланган давлатларда қўлланила бошланди. Ўзбекистонда ҳам «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида» қонун қабул қилинган (1991 йил 18 ноябр) ва фаол қўлланилади. Референдумларнинг конституцион, қонунчиликка доир ва маслаҳат мақомидаги; ўтказиш усулига кўра – мажбурий ва факультатив; қўлланиш соҳасига кўра – умуммиллий ва маҳаллий турларга ажратилади.

**Ривожланган мамлакатлар** – тараққиётнинг юқори босқичи, илм, техника, технология соҳасида илгарилаб кетиш, аҳолининг юқори турмуш даражаси, рационализм, прагматизм, танлов эркинлиги, мулкчилик, маданиятлар мулоқоти каби қадриятларга асосланувчи жаҳоннинг илғор мамлакатлари гуруҳи (АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада ва бошқалар).

**Ривожланиш** – эволюция, генезис. Борлиқнинг универсал хусусияти. **Сиёсий ривожланиш** – жамият сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ва жараёнлар бирлиги, у сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатларнинг такомиллашуви, мураккаблашувини англатади. У 1) сифат ва миқдор ўзгаришлари тўпланиб бориши жараёни доимийлигини; 2) ўзгаришлар йўналганлиги; 3) ўзгаришлар тўпланиб бориши

жараёни қонунийлиги каби белгиларга эга.

**Ротация** – (лот. айланма ҳаракат) ҳокимиятнинг вакиллик органлари таркибини қисман (босқичма-босқич) янгилаш.

**Рэкет** – қўрқитиш ва куч ишлатиш йўли билан қилинадиган зўравонлик.

**С**

**Саботаж** – (фр. пойафзални бир-бирига уриш) бирор ишни атайин бажармаслик ёки пала-партиш, юзаки бажариш; бирор нарсанинг амалга ошишига зимдан қаршилик кўрсатиш.

**Садизм** – фр. ёзувчиси Маркиз Де Сад (1740-1814) исмидан олинган - бошқаларнинг азоб чекишидан роҳатланиш.

**Сайлов** – давлат, партиялар, ташкилотлар ва ҳ. раҳбар органларини шакллантириш, улар таркибига вакиллар юбориш, шунингдек, ваколатли мажлислар, анжуманларга вакиллар танлаш бўйича ўтказиладиган одатда, тегишли қонунлар билан тасдиқланган тадбирлар мажмуидир. *Сайлов* қонун билан белгиланган муайян ҳуқуқий жараён бўлиб, унда фуқаролар муайян бир партия ёки номзод учун ўз овозларини беришади ва бунинг натижасида ёки ҳокимиятнинг сайлаб қўйиладиган органи - парламент шакллантирилади ёки аниқ бир мансабдор шахс, жумладан, Президент, шаҳар ҳокими (мэри), баъзи давлатларда судьялар сайланади.

**Сайлов бюллетени** — белгиланган шаклда тасдиқланган, яширин овоз бериш учун мўлжалланган сайлов ҳужжати. Сайлов бюллетенлари расмий (давлат томонидан чиқарилган) ва норасмийлиги билан фарқланади (Францияда сайлов бюллетени ўз номзодини қўядиган партиялар, номзодлар томонидан чиқарилади; Норвегияда сайловчи оддий оқ қоғоздан фойдаланиши мумкин). Ўзбекистонда

**Сайлов гарови** — депутатликка номзодларни рўйхатга олишда қатор хорижий мамлакатлар қонуни бўйича номзод давлатга пул суммаси топшириши лозим ва у округ бўйича белгиланган сондан кам овоз тўпласа унга бу пуллар қайтарилмайди.

**Сайловчиларнинг йиғма, аралаш рўйхати** - пропорционал сайлов тизимида сайловчиларга бир вақтнинг ўзиде бир неча партия рўйхатларида кўрсатилган номзодларга овоз беришга рухсат берилиши. Бу қонун Швейцария, Швеция ва Норвегия каби давлатларда амал қилади. Замоनावий давлатларда овоз бериш нафақат фуқаролик ҳуқуқи, балки, фуқаролик мажбурияти ҳамдир. Баъзи мамлакатларда сайловда қатнашмаганлик учун ҳам жазо чоралари белгиланган.

**Сайлов кампанияси** (кампания – (фр.) қандайдир мақсадга қаратилган ҳаракатлар)- муайян вақт оралиғида махсус ижтимоий - сиёсий вазифани амалга ошириш учун ( мисол учун, парламентда вакиллик ўринларини эгаллаш ва ҳ.) уюштириладиган ва олиб бориладиган фаолият, кураш; *бўлажак сайловларда ўзига* кўпроқ сайловчиларни жалб этиш, уларнинг мададини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан олиб бориладиган тарғибот тадбирлари тизими.



**Сайлов кассацияси** — сайлов кампанияси даврида овоз бериш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби бузилганлиги учун бўлиб ўтган сайловларни ҳақиқий эмас деб топиш.

**Сайлов квотаси** (сайловчилик метри, яқка сайловчилик, ўрта сайловчилик) — битта депутатни сайлаш учун зарур бўлган энг кам овоз сони. Сайлов квотаси ҳар бир сайлов округи учун алоҳида ҳамда мамлакат учун бутунлай аниқланиши мумкин.

**Сайлов корпуси** — қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (актив овоз бериш ҳуқуқи билан) йиғини, яъни юридик сайлов корпуси ёхуд аниқ овоз берувчи фуқаролар йиғиндиси (аниқ сайлов корпуси).

**Сайловчилар нақзи** — номзод сайланганидан сўнг бажариши лозим бўлган топшириқ, талаб ва таклифлар, сайловчилар томонидан депутат бўлиб сайланаётган номзодга нисбатан бериладиган ҳар қандай саволлар.

**Сайлов округи** — давлат органларига аъзолар сайланадиган ҳудудий бирлик. Ҳар бир сайлов округидан қанча депутатлар сайланишига қараб, бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари ташкил этилади. Сайлов округи, шунингдек, умумдавлат (пропорционал сайлов тизимида, давлат бошлиғини сайлашда) ва регионал (асосан можаритар ва гоҳида пропорционал сайлов тизимида) бўлиши мумкин.

**Сайловолди ташвиқоти** — фуқаролар, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, жамоат бирлашмаларининг сайловчиларни сайловда қатнашиш, шунингдек муайян номзодларни қўллаб-қувватлаб ёки уларга қарши овоз бериш учун ташвиқ этиш мақсадига қаратилган ёхуд шунга ундайдиган фаолияти.

**Сайлов органлари** — конституциявий ҳуқуқда сайловларни тайёрлаш ва ўтказишни амалий таъминловчи органлар. Сайлов органлари турли давлатларда махсус сайлов комиссияси сифатида ёки мавжуд давлат органлари — муниципалитетлар, судлар, ички ишлар органлари кўринишида бўлиши мумкин. Ўзбекистонда сайлов округлари тизимини Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади.

**Сайлов тизими** - сиёсий ҳокимиятнинг вакиллик органларини легитим тарзда шаклланишини таъминловчи ва тартибга солувчи қоидалар, воситалар, ҳаракатлар бирлиги. Сайлов тизими — давлат сиёсий тизимининг муҳим элементи, у ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади, уларнинг йиғиндиси сайлов ҳуқуқини ташкил этади. кампаниясини ўтказишда номзодлар тенг ҳуқуқлилиги.

**Сайлов тизими турлари.** Сайлов тизимининг қуйидаги турлари мавжуд: мажоритар сайлов тизими; пропорционал сайлов тизими; аралаш сайлов тизими. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар мажоритар тизим асосида, аниқроғи, мажоритар тизимнинг мутлақ кўпчилик овозли кўриниши шаклида амалга оширилади

**Сайловчи** — фаол сайлов ҳуқуқига эга, у ёки бу номзод учун, ёки бирор масала юзасидан сайловда, референдумда овоз беришда иштирок этувчи фуқаро.

**Сайловчилар рўйхати** – фаол сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхати. Сайловчиларнинг рўйхатлари фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш; фуқароларни ўзлари ҳақида рўйхатда қайд этилган маълумотлар билан таништириш, бу маълумотларга аниқлик киритиш; овоз беришни ўтказиш ва сайлов натижаларини аниқлаш мақсадларидан келиб чиқиб тузилади.

**Сайлов ҳаракати** - фуқароларнинг сиёсий характердаги вақтинчалик уюшмаси бўлиб, уларнинг асосий вазифаси вакиллик муассасига сайловларда ўз номзодларини ғалаба билан таъминлашдан иборат. Сайловларда партия блоклари ва бошқа жамоат бирлашмалари муайян платформада иштирок этиб, ўзига хос сайлов ҳаракатини вужудга келтиради.

**Сайлов ҳуқуқи** - конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти сифатида сайлов жараёнини тартибга соладиган меъёрлар тизими. Сайлов ҳуқуқи - муайян бир давлатдаги вакиллик органлари ва мансабдор шахсларнинг сайланиш тартиби ва асосларини тартибга солувчи меъёрлар мажмуидан иборат. Сайлов ҳуқуқининг манбаларига конституция, давлат олий ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар киради.

**Сайловчилар цензи** - Конституция ёки сайлов ҳақидаги қонунларга кўра ҳар бир давлатда фуқаро сайлов ҳуқуқига эга бўлиши учун зарур шартлар. Турли мамлакатларнинг конституциявий амалиётида қуйидаги Сайлов цензлари маълум: ёши, фуқаролиги, маълумоти, ўтроқлиги, мулк, жинс, ирқ, хизмат мавқеи, тили. Мулк, жинс, ирқ сайлов цензлари доимо камситиш характерида ва демократик сайлов тамойилларига зиддир.

**Сайлов ҳуқуқи** - фуқароларнинг давлатнинг ваколатли органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари. У сайлов ҳуқуқининг умумийлиги, тенглиги ва тўғридан-тўғрилиги тамойилларига таянади.

**Санкция** – (лот. бекор қилинмайдиган қарор) 1) олий инстанция тамонидан бирор актни тасдиқланиши билан унга қонун кучининг берилиши; 2) маъқуллаш; 3) ҳуқуқга оид: бирор қонунни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари; 4) замонавий ҳалқаро ҳуқуқда: ҳалқаро шартномалар бузилганда қўлланувчи (иқтисодий, молиявий, ҳарбий) чоралар.

**Сателлит** – (лот. йўлдош, давлат) сателлит бошқа йирик давлатга тўла қарам, лекин формал жиҳатдан тўла мустақил давлат.

**Сегрегация** – (лот. ажратиш, четлатиш) ирқий камситишнинг бир тури. Унга кўра бирор ирқ вакилларига бошқалар билан шаҳарнинг бир қисмида яшаш, бир мактабда ўқиш, театр, ресторанларга кириш ва ҳ.к.лар тақиқланган. Тарихда яҳудийлар, негрларга нисбатан фаол қўлланган.

**Секуляр** – (лот. дунёвий) ижтимоий, сиёсий соҳаларнинг дин таъсиридан халос бўлиши, дунёвийлиги.

**Сенат**- лот. ҳокимиятнинг олий органи.

**Сепаратизм** – (лот. ажралган) ажралишга, бўлинишга интилиш. Кичик миллатларнинг мустақил давлат тузишга интилишида намоён бўлади.

**Сепарат шартнома** - душман билан унга қарши коалициядаги ўз иттифоқчиларидан алоҳида тузилувчи шартнома.

**Сиёсат** - сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, қўлда тутиб туриш ва ундан фойдаланиш мақсадида катта ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатларнинг давлат муносабатлари соҳасидаги фаолияти.

**Сиёсатда компромисс** (лот.*compromissum* – битим) – иштирок этувчи томонларнинг ўзаро ён босишлари йўли билан зиддиятни бартараф этиш усули; ён бериш, келишиш, мураса.

**Сиёсатдаги конформизм** ( лот. *conformis* – ўхшаш, монанд, мавжуд тартиб, ҳукумрон ғоялар ва ҳ. ларни суёт қабул қилиш; ўз нуқтаи назарига эга бўлмаслик) - сиёсий мослашувчанлик усули бўлиб, мавжуд тартибни суёт қабул қилишни, ўз сиёсий мавқеига, принципларига эга эмасликни, муайян сиёсий тизимда ҳукумрон бўлган ҳар қандай бир қолипдаги сиёсий ҳулқ-атворга кўр-кўрона тақлид қилишни англатади.

**Сиёсий авангард** – (фр. олдинда ва қоровул) сиёсий ҳокимиятга, унинг мазмунига, ҳамда мақсадларига кучли таъсир кўрсатиш ва сиёсий ҳаракатга бошчилик қила олиш қобилиятига эга бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг етакчи қисми

**Сиёсий авантюризм** – (фр. саргузашт, таваккал) сиёсат соҳасида ижтимоий қонуниятларни, ҳақиқий аҳволни ва кучлар нисбатини ҳисобга олмай амалга ошириладиган, аксарият ҳолларда мағлубиятга олиб келадиган фаолият.

**Сиёсий адаптация** – (лот. мослашиш) сиёсий тизим, сиёсий тузилмаларнинг атроф-муҳит талабларига мослашиши жараёни. Д.Истонда сиёсий тизимнинг энг муҳим функцияси. У сиёсий тизим олдида турган вазифалар ўзгариши, янги мақсадлар аниқланиши, муаммоларни ҳал қилиш учун янги ёндошувлар ишлаб чиқилишида намоён бўлади.

**Сиёсий антропология** – инсонни барча сиёсий организмларнинг жами маданий, тарихий ва географик хилма-хиллигида ҳаракат қилувчи “сиёсий ҳайвон” сифатида ўрганувчи фан.

**Сиёсий апатия** - (гр. ҳиссизлик) сиёсий воқеликка нисбатан шахсда ҳиссий бефарқлик, лоқайдлик билан белгиланувчи ҳолат. У сиёсий манфаатлар ва сиёсий фаолиятга жалб этувчи турткилар кучсизланганда ёркин намоён бўлади, инсон сиёсатга таъсир эта олиш имконияти ва қобилиятини йўқотиши натижасида вужудга келади.

**Сиёсий башорат** – (ар. хушхабар, юнон. *prognoss* – олдиндан кўра билиш) 1) сиёсий жараён келажаги тўғрисидаги сиёсий фикрларнинг ишлаб чиқилиши; 2) сиёсий ҳаёт, унинг жараёнлари, ҳодисалари ривожланишининг истиқболлари тўғрисидаги махсус тадқиқот.

**Сиёсий бегоналашув** – инсонни ўзининг асосий кучи ва фаолият маҳсулларидан зўрлик билан ажратиб, уларни инсоннинг ўзига ёт, душман қилиш, кўпинча эса, ўз кучининг қулига айлантиришнинг объектив тарихий асосланган жараёнидир.

**Сиёсий блок** – (ингл.) давлатлар, сиёсий партиялар, бошқа ташкилотлар биргаликда ҳаракат қилиш ва қўйилган мақсадларга эришиш учун тузган иттифоқи, битими; иттифоқ.

**Сиёсий бошқарув** – давлат оммавий ҳокимияти томонидан амалга

ошириладиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий шакли.

**Сиёсий география** – сиёсий кучларнинг жойлашиши ва ҳудудий уйғунлиги, жамият сиёсий ҳаётига географик омилларнинг таъсири тўғрисидаги фан.

**Сиёсий дискриминация**– (лот. фарқлаш, ажратиш) ҳуқуқларда камситиш фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, давлат ташкилотлари ҳуқуқларининг бошқа фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, давлатлар ва мавжуд қонунларга нисбатан атайин махрум қилиниши ёки чекланиши. У ирқий, миллий мансублигига кўра, иқтисодий аҳволи, сиёсий ёки диний эътиқоди, қайси давлат фуқароси эканлигига қараб амалга ошиши мумкин.

**Сиёсий идеал** – жамиятнинг сиёсий ва давлат қурилишини ифода қилувчи мукамал намуна; муайян тарихий босқич учун сиёсий субъект онги ва фаолиятининг энг яхши шакли; самарали фаолиятга ундовчи сиёсий кадрият; идеал, омманинг замонавий, намунали талабларига жавоб берувчи инсон сифатида эътироф этилган сиёсий арбоб сиймоси; аҳолининг идеал тасаввурларига мос келадиган норматив, легитим ҳокимият механизми ва бошқа шу кабилар.

**Сиёсий жараён**– жамият сиёсий тизими шаклланиши, ўзгариши ва фаолият кўрсатишига бевосита таъсир этувчи ижтимоий субъектлар фаолиятининг уйғунлиги. Сиёсий жараён қуйидаги босқичларга эга: манфаатларни белгилаш ва мувофиқлаштириш, фаолият мақсади ва дастурини шакллантириш; сиёсий дастурни муҳокама этиш ва қабул қилиш; одамлар ижтимоий-сиёсий бирлигининг, шахснинг фаолиятида дастурни амалга ошириш, уни рўёбга чиқариш устидан назорат қилиш; натижаларга баҳо бериш, дастурни рўёбга чиқариш учун жавобгарлик турларини белгилаш, муваффақият ёки муваффақиятсизлик.

**Сиёсий ижтимоийлашув** – индивид жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида фаолият кўрсатишига имкон берувчи муайян билимлар, меъёрлар, кадриятларни ўзлаштирилиши жараёни. Инсон ўз ҳаёти давомида жамиятдаги ўз мақоми ва ролига кўра ҳулқ-атвори, маданий кадриятлар ва меъёрларни ўзлаштиради. Бу жараён унда сиёсий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажаришга доир сифатлар ва кўникмалар шаклланишига олиб келади. Ана шу жараён ижтимоий фанларда сиёсий ижтимоийлашув дейилади.

**Сиёсий имидж** (инг. *image* – сиймо) – сиёсий етакчи, арбоб ва партиянинг сиймоси бўлиб, у сиймо соҳибининг обрў-эътибори ва нуфузига (рейтингига) таъсир кўрсатган ҳолда жамоатчилик фикри ва онгида юзага келади. Сиёсий имидж жамоатчилик фикрида турли даражаларда мавжуд бўлади, чунончи: оқилона даражада (имидж соҳибининг дастури, нутқи, келтирган далиллари таъсири остида), эмоционал даражада (етакчи (гуруҳ) жамиятнинг специфик асосларини сафарбар этишга қай даражада қодир эканлигига қараб), ҳис қилиш даражасида (сиёсий имидж соҳибининг ташқи қиёфаси, халқ-атвори, одатлари ва бошқалар).

**Сиёсий интеграция**– (лот. яхлит) муайян сиёсий умумийликка, давлатлар ва жамиятлар барқарор ривожланишига эришиш мақсадида сиёсий кучларнинг давлат ёки давлатлараро тузилмалар, сиёсий институтлар доирасида

бирлашиши, қўшилиши; ижтимоий гуруҳлар томонидан сиёсий унсурлар мувозанатини, муайян барқарорлигини тутиб туриш шакли; сиёсий тизим ва унинг таркибий қисмларининг ички ва ташқи емирувчи омиллар (воситалар) га қарши тура олиш қобилияти.

**Сиёсий интуиция**– (лот. тикилиб қараш) сиёсий воқеаларга баҳо беришда ва сиёсий қарорлар қабул қилишда дастлабки илмий таҳлил ва асослашларсиз, аввалги сиёсий фаолият тажрибасига суяниб иш кўра олиш қобилияти. Сиёсий интуицияни илмий таҳлил, мантиқ, исботга қарши қўйиб бўлмайди, чунки у ўзига хос фикрлаш усули.

**Сиёсий инқилоб** – (лот. бурилиш, тўнтариш) жамиятдаги, хусусан, унинг сиёсий тизими ривожланишидаги кескин сакраш, бир сиёсий тизимдан иккинчисига ўтиш. У мавжуд ижтимоий-сиёсий кучларнинг амалдаги институционал механизмлар доирасидан чиқиши ва очикдан-очик тўкнашиши тарзида кечади. Инқилоб натижасида ҳукмрон ижтимоий–сиёсий гуруҳ сиёсий муносабатдаги мавқеи ва имтиёзларини йўқотади.

**Сиёсий ишонч** – сиёсий манфаатлар мослашуви, ўхшашлигига асосланган алоҳида шахсларга ҳам, инсонлар жамоасига ҳам хос ижтимоий–руҳий ҳиссиёт ва аҳвол. Айрим сиёсий арбоб ва давлат ёки сиёсий ташкилот сиёсий ишончнинг субъекти ва объекти бўла олади.

**Сиёсий иштирок** – ижтимоий-сиёсий жамоа аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлиги (муайян босқичда эса — халқаро ҳамжамият муносабатларига ҳам). Сиёсий иштирок тушунчаси демократия концепцияларида, сиёсий модернизация ва сиёсий ривожланиш, сиёсий маданият, сиёсий партиялар доирасида асосий тушунчалардан бири сифатида қўлланади. Сиёсий иштирок субъектларига индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар киради. Кўлами жиҳатидан сиёсий иштирок: маҳаллий; минтақавий; умумдавлат; халқаро сиёсат даражасида амалга оширилади. Сиёсий иштирок тўғридан-тўғри (бевосита) ва бавосита амалга оширилиши мумкин; умумий ва чекланган; ихтиёрий ва мажбурий; анъанавий, фаол ва пассив, легитим ва нолегитим, қонуний ва қонунга хилоф бўлиши мумкин.

**Сиёсий иштирок шакллари**га ахборот қабул қилиш ва узатиш; сиёсат ва давлат арбоблари, ҳамда ташкилотлари билан мулоқот; сайлов ва бошқа сиёсий кампанияларда иштирок; намоёнларда, сиёсий иш ташлашларда, оммавий норозилик ҳаракатларида, озодлик урушлари ва инқилобларда иштирок; бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувда иштирок; қонунлар яратиш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишда иштирок; сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаолиятида иштирок киради.

**Сиёсий ихтилоф** – ҳокимият муносабатлари тизимидаги ўрни ва ролига кўра қарама - қарши сиёсий манфаатлар, кадриятлар, қарашлар, мақсадларга эга субъектларнинг қурашидир. Сиёсий ихтилоф тушунчаси давлат ҳокимияти институтларида ва бошқарувда таъсирга эга бўлиш, ижтимоий аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, манбаларни тақсимлашда қатнашиш, ўз манфаатлари яққа ҳокимлиги ва уларни барчанинг манфаати тарзида тақдим этишга интилиш учун бир ижтимоий кучларнинг бошқалари билан қурашини англатади.

**Сиёсий етакчи** – халқ ёки бирон ижтимоий гуруҳ манфаатларини тўла ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи, сиёсий арбобга зарур сифатлар йиғиндисига эга шахс. Сиёсий етакчилик – сиёсат соҳасида биргаликда ҳаракат қилиш турларидан бири бўлиб, бунда битта шахс бошқа одамларни биргаликда фаолият кўрсатиш мақсадида уюштиради ва улар фаолиятини йўналтириб боради.

**Сиёсий концепция** ( лот. *conceptio* – идрок этиш, у ёки бу ходисага нисбатан қарашлар тизими; ходисаларни ўрганиш, англаш усули; олим, санъаткор, ёзувчининг умумий мақсади) - сиёсий онгнинг шакли ёки даражаси бўлиб, унда сиёсий ҳаётдаги қандайдир бир жараённинг метафизик асоси бериледи. Сиёсий концепцияда сиёсий соҳанинг назарий асоси ҳамда уни сиёсий тизимда ва умуман жамиятда амалга оширишнинг тўғрилиги каби жиҳатлар; концептуал асосдан келиб чиқадиган қадриятлар ва сиёсий оқибатлар тизимини расмийлаштириш; сиёсий воқеликда мафкуравий ғояларни рўёбга чиқаришни режалаштириш ва мушоҳада қилиш усуллари; ғояларнинг муайян тизимини амалга жорий этиш имконини берадиган сиёсий механизмлар ва институтларни тайёрлаш ўз ифодасини топади.

**Сиёсий кураш** – сиёсий субъектлар манфаатларининг муайян сиёсий натижаларга эришиш йўлида қарама-қаршилиги ҳолати. Сиёсий кураш шакллари турлича: манфаатлар тўқнашуви муросасиз тус олганида ва томонлар радикал чоралар ва воситалар ёрдамида жамиятда туб ўзгаришлар содир этишни мақсад қилиб қўйганларида у инқилобий тус олади.

**Сиёсий кучлар баланси** – (фран. *balance* - торози) – жамият ва давлат сиёсий ҳаётида тез ўзгарувчан сиёсий кучларнинг нисбати ёки мувозанатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.

**Сиёсий маданият** - тарихан шаклланган, нисбатан барқарор қадриятлар, кўрсатмалар, эътиқодлар, тасаввурлар, ҳулқ-атвор моделлари тизими бўлиб сиёсий жараён субъектларининг бевосита фаолиятларида намоён бўлади ва сиёсий ҳаётнинг узвийлигини таъминлайди. Жамият ўзини маданият орқали англайди ва мадаият орқали намоён этади.

**Сиёсий манфаат** - ҳокимият билан боғлиқ, субъект (объект) ҳаётининг ижтимоий (моддий, миллий, сиёсий) шароитларини ўзгартириш (сақлаб қолиш) асосидаги онгли (англанган) эҳтиёж.

**Сиёсий маркетинг** ( ингл. *marketing* – бозор, сотиш - бозор қоидаларини билиш, уларга мослашиш ва унга таъсир қилишнинг замонавий усулларини қўллаш) – одамлар онги ва ҳулқ-атворида, уларнинг бирлашмалари ва ташкилотларига аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиш тизими бўлиб, у сиёсий ва фуқаровий эркинликлар шароитида одамларда, уларнинг бирлашмалари ва ташкилотларида сиёсий муносабатларнинг амалдаги субъекти учун нафли бўлган манфаатлар ва эҳтиёжларни шакллантириш имконини беради.

**Сиёсий менежмент** – давлат сиёсатини самарали ташкил этиш ва самарали бошқарувга оид фан.

**Сиёсий меъёр**– (лот. *norma* – раҳбарлик асоси, қоида, намуна) – сиёсат субъекти эътироф этган ва амалда риоя қилувчи наъмуна, қоида, фаолият

тамойили, тегишли сиёсий маданият қадриятларига мувофиқ индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий фаолиятини тартибга солувчи, жамиятда сиёсий тизимнинг барқарорлиги ва бирлигини мустақамловчи сиёсий хулқ-атвор қоидалари, кутилаётган натижалар ва мезонлар, таъқиқлар ва тартибга солиш воситалари.

**Сиёсий монополия** (юнон. *poleo* сўзидан – /битта/ – сотаман *monopolion*,) – жамият сиёсий ташкилотининг, сиёсий ҳокимиятнинг шакли бўлиб, унда бошқарувнинг бутун тизими сиёсатнинг ягона субъектига тегишли бўлади. Монопол ҳокимият битта одам қўлида мужассам бўлиши мумкин.

**Сиёсий муассаса**– жамиятнинг сиёсий ва бошқа соҳалари фаолиятини таъминловчи бошқарув органлари, ташкилотлари, идоралари.

**Сиёсий муносабатлар** - одамларнинг сиёсий соҳада, давлат ишларида иштироки давомида, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ёки шу билан боғлиқ тарзда шаклланувчи ижтимоий ўзаро алоқалар шакли.

**Сиёсий мунозара** – турли нуқтаи назарлар ойдинлашувига олиб келувчи баҳс, муаммоли масалани муҳокама қилиб кўриб чиқиш.

**Сиёсий муҳолифот** – (лот. *oppositia* – қарши қўйиш) – бир сиёсий қарашлар, ғоялар ва ҳаракатларни бошқа сиёсий қарашлар, ғоялар ва ҳаракатларга қарши қўйиш усули. Муҳолифот сиёсатда сиёсий ҳукмронликнинг турли даражаларида, давлат ва партия ҳокимиятининг турли кўринишларида, улардан ҳар бирининг ичида амалга оширилиши мумкин.

**Сиёсий мулоқот** - субъектларнинг ўз сиёсий қарашларини, фикр-мулоҳазаларини, баҳоларини, сиёсий тафаккур усулларини ошқора баён қилиш усули. Сиёсий мулоқот жараёнида субъектлар ўртасида келишувга эришилади, сиёсий фаолиятнинг дастури ва механизмлари ишлаб чиқилади. Сиёсий мулоқот демократик сиёсий тизим ривожланишининг белгиловчи шартидир.

**Сиёсий онг** – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, реал сиёсий муносабатларни акс эттирувчи ижтимоий ҳиссиётлар, тасаввурлар, қарашлар бирлигидир.

**Сиёсий олигополия** (юнон. *Oligos* – кўп эмас, *poleo* – сотаман) – давлатдаги кам сонли, муайян гуруҳга кирувчи одамлар манфаатлари йўлида халққа нисбатан амалга ошириладиган ҳокимият шакли.

**Сиёсий платформа** - бирор сиёсий партия, ташкилот, гуруҳ илгари сураётган дастур, вазифалар, талаблар, мақсадлар, муайян концептуал асосга таянадиган умумий сиёсий мавқе.

**Сиёсий психология** – политологиянинг жамият сиёсий ҳаётидаги руҳият билан боғлиқ жиҳатларини (кайфият, фикр, ҳиссиёт, қадриятлар, стереотиплар ва ҳ.к.) ўрганувчи соҳаси.

**Сиёсий плюрализм**– (лот. кўплик) сиёсатда қарашлар, ғоялар, муносабатлар, ташкилотлар хилма-хиллиги.

**Сиёсий рақобат** – бирор мақсадга эришишдан манфаатдор шахслар, гуруҳлар, партиялар ўртасидаги сиёсатнинг қандайдир соҳаси бўйича мусобақа, беллашув, тўқнашув.

**Сиёсий раҳбарлик** – ҳокимиятни амалга ошириш механизмларидан бири.

Жамият учун муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унинг мақсадлари, вазифалари, истиқболларини аниқлаш билан боғлиқ фаолият.

**Сиёсий реализм мактаби** – халқаро муносабатларни ўрганишнинг ўз концептуал аппаратиغا, категорияларига, жаҳон ишларига доир ўз тушунчалари ва танқидий ёндашувларига эга бўлган илмий методология. Чикаго университетининг профессори Ганс Моргентау сиёсий реализм мактабининг бош назариётчиси ҳисобланади.

**Сиёсий режим** – (лот. *regimen* – бошқарув) тартиб, давлат тизими, бошқарув тартиби - муайян давлат ва жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг реал тақсимланишини акс эттирувчи сиёсатшунослик категорияси, жамиятда сиёсий тизим амал қилишининг усули. У муайян бир жамиятда муайян бир вақтда мавжуд сиёсий ҳокимият қиёфасини акс эттиради. Сиёсий режимнинг: авторитар, тоталитар ва демократик режим каби учта тури ажратилади.

**Сиёсий стереотип** – (гр. қаттиқ из) бирор сиёсий ҳодиса тўғрисида соддалаштирилган, схематик, образли, ўзгариши жуда қийин тасаввурлар.

**Сиёсий стратегия ва тактика** – (гр. қўшинни олиб бораман ва гр. тартибга солмоқ) сиёсий ҳаёт, сиёсий жараён ва сиёсий курашда сиёсий партиялар, бошқа кучлар, ҳаракатлар, ташкилотлар иштирок этишининг назарияси ва амалиёти.

**Сиёсий социология** - сиёсат билан чегарадош фанлардан бири. У сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши ва алоқадорлигини, жамият ижтимоий тузилмасини, ижтимоий унсурлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари табиатини, юқоридагиларнинг сиёсий муносабатлар тизимида касб этувчи алоҳида ҳукмронлик мазмунини ўрганади. Жамиятнинг ижтимоий асоси ва таркиби сиёсатнинг негизини ташкил этади. Ўз навбатида, сиёсат ҳам жамият ижтимоий соҳаси ривожланиши ва амал қилиши механизмларига муҳим таъсир этади.

**Сиёсий суверенитет** – давлат ва ҳокимиятнинг асосий тавсифи ҳамда мансублигини очиқ берувчи тушунча.

**Сиёсий ташкилот** - сиёсат ва ҳокимиятга, сиёсий манфаатларга доир мақсадларни рўёбга чиқариш учун қатъий белгиланган тузилишга, таркибий қисмлари вазифаларининг аниқлигига, фаолиятининг яхлит тизим сифатида курилишига асосланувчи, одамлар, ихтиёрий равишда, ўз мақсадларига эришишлари учун тузган иттифоқлари.

**Сиёсий таҳлил**– илмий усул. У бутунни қисмларга бўлиш ва уларни сифат ёки миқдор жиҳатидан жиддий ўрганишга асосланади. Таҳлил аниқлик киритиш ва талқинни назарда тутиши мумкин. Масалан, муайян сиёсий кучлар ривожланиши, таркиби, фаолияти, талаблари ва ҳаракатларини билиш мақсадида уларни таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш.

**Сиёсий тизим** - 1) турли сиёсий ҳодисаларнинг умумий тизимга тегишли хусусиятлари, белгиларини тавсифлаш имконини берувчи назарий-фикрий модел, назария; 2) жамиятда ҳокимият шаклланиши ва амал қилишининг реал, мураккаб механизми. Ушбу категориянинг пайдо бўлиши Т.Парсонснинг жамият тизими таҳлилига бағишланган тадқиқотлари билан боғлиқ.

**Сиёсат фалсафаси** (грек. донишмандлик) – сиёсий фанлардан бири, у



сиёсатни фалсафий, назарий-методологик жихатдан ўрганади. Сиёсат фалсафасининг предметини сиёсат ва сиёсий ҳокимият онтологияси, сиёсий-ҳокимлик муносабатларининг субстанционал асослари, уларнинг муҳим умумий жихатлари, сиёсий гносеология, сиёсий праксеология, сиёсат субъектларининг маданияти ва ҳ.лар ташкил этади.

**Сиёсий фаоллик** – муайян сиёсий ва бошқа мақсадларга эришишга қаратилган онгли ҳаракат даражаси.

**Сиёсий фаолият** – одамлар аниқ мақсад йўлида онгли равишда ўз ҳаётлари, мақомлари, ўзларини такомиллаштириш мақсадида амалга оширадиган ҳаракатлар уйғунлиги.

**Сиёсий элита**– (фр. энг яхши, сараланган) анча мустақил, олий, нисбатан имтиёзли, камчиликни ташкил этувчи гуруҳ. Бу гуруҳ вакиллари юқори руҳий, ижтимоий ва сиёсий сифатларга эга ва ҳокимиятни қўллаш ёки унга таъсир этиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш, ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

**Сиёсий ҳокимият** – муайян гуруҳ, қатлам, синфнинг ёки жамиятдаги кўпчиликнинг ҳамда уларнинг манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар ва индивидларнинг бошқа гуруҳлар, қатламлар, синфларга, алоҳида индивидларга ўз иродасини ўтказиш, умумий манфаатларни ва мақсадларни турли воситалар ёрдамида амалга ошириш қобилияти.

**Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги** (лот. *legitimus* – қонуний деб эълон қилиш – қонунийлик, тўғрилиқ, адолатлилик) – сиёсий ҳокимият, унинг воситалари, фаолият механизмлари, шунингдек уни сайлаш усуллариининг халқ ва сиёсий кучлар томонидан ҳаққоний, қонуний деб эътироф этилишини англатувчи қадриятини тушунча.

М.Вебер легитимликнинг учта моделини асослаган: **анъанавий легитимлик** урф-одатларга, кучга ва муайян жамиятда қарор топган анъаналарга содиқликка асосланади. **Харизматик легитимлик** етакчига, дохийга ва унинг ғайриоддий фазилатларига шахсан содиқлик сифатида тавсифланади.

**Рационал легитимлик** қонунийликка асосланади.

**Сиёсий хулқ-атвор** - **сиёсат субъектининг сиёсий фаолиятнинг у ёки бу турини амалга ошириши жараёни**, ижтимоий субъектларнинг (ижтимоий жамоалар, гуруҳлар ва шахсларнинг) сиёсий тизим фаолиятига жавоблари (реакциялари) бирлиги.

**Сиёсий ҳаёт** - одамларнинг ҳокимиятга доир ўзаро алоқалари шакллари, фаолияти сифатида намоён бўлади. У доимо моддий ва ижтимоий–маънавий асослар билан белгиланади ва муайян тарихий шаклда намоён бўлади. Сиёсий ҳаёт ўз ичига сиёсат субъектларини, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини, муносабат ва фаолиятларини, сиёсий институтларни, қоида, онг ва маданиятни, сиёсий ҳокимиятга доир алоқалоқарни олади.

**Сиёсий ҳамкорлик** – халқаро сиёсат субъектларининг биргаликдаги сиёсий ҳаракатларида вужудга келадиган масалалар юзасидан ягона нуқтаи назарлар ишлаб чиқилишида ифодаланувчи муносабат турларидан бири. Унга кўра томонлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларида мустақилликни сақлаб қолгани ҳолда қарашлар мос тушувчи амалий масалаларда биргаликда

фаолият кўрсатадилар.

**Сиёсий қарор** - ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир. Сиёсий қарорларни қабул этишнинг уч босқичи кўрсатилади: 1) тайёргарлик босқичи; 2) қарорларни қабул қилиш босқичи; 3) қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи.

**Сионизм** - мафкура ва амалдаги ҳаракат. Унга кўра бутун дунё яҳудийлари жаҳон миллатини ташкил этади, унга тарихийлик ва илоҳийлик хос ва ҳ.

**Социал алмашинув** - политология, социология, психология, иқтисодда кенг тарқалган назария (П.Блау, Ж.Хоманс, Р.Эмерсон). Унга кўра 1) ижтимоий муносабатларнинг асосини турли социал неъматлар билан алмашинув ташкил этади. Унинг асосида мақом, нуфуз, ҳокимият сингари тузилмалар вужудга келади; 2) инсон хулқ-атворида уни муайян «фойда» олишга даъват этувчи оқиллик устун туради; 3) ижтимоий таъсирни одамлар ўртасида доимий социал «фойда» билан алмашиниш жараёни сифатида қарайди.

**Социал-демократик партиялар** – партиявий-сиёсий майдонда сўл- марказда жойлашган, ижтимоий ислохотлар, аралаш иқтисодиётни ривожлантириш, фаровонлик давлатини барпо этишга оид кенг кўламли дастурлар билан чиқувчи сиёсий ташкилотлар.

**Социал-демократия** - таълимот ва ҳаракат. Мазмуни - демократик социализмга ислохотлар ёрдамида аста-секин ўтиш. Белгилари: кундалик ва пировард мақсадларнинг инсонийлиги, ижтимоий коллективизм. Асосий ғоялари: ҳар қандай диктатурага йўл қўймаслик; демократик парламентаризмга содиқлик; сиёсий плюрализм ва консенсусга асосланиш; тинч демократик воситалар устунлиги; иқтисоднинг давлат тамонидан тартибга солиниши ва бозор механизмларини ривожлантириш; меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш.

**Социализм** - (лот. *socialis*) – замонавий ижтимоий ишлаб чиқаришнинг жамоавий негизга эга эканлигини ва ижтимоий тенглик ғоясини тарғиб этувчи сиёсий ва иқтисодий ғоялар тизими ва бу ғоялар тизимига асосланувчи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тартиб.

**Спикер** – (ингл. нотик) айрим мамлакатларда қуйи палатанинг раиси, баъзи мамлакатларда парламент раиси

**Стагнация** – (лот. ҳаракатсиз) ишлаб чиқариш, савдо-сотик, фаолиятдаги турғунлик.

**Статистика** – (лот. ҳолат) жамият ривожланишини миқдор ўзгаришларида ўрганувчи фан. Ушбу миқдор ўзгаришлари илмий ва амалий мақсадларда қайта ишланади ва таҳлил қилинади.

**Статус** – (лот. – *status* – ҳолат, мавқе) ижтимоий тизимда шахс ёки гуруҳнинг бошқа шахс ёки гуруҳга нисбатан тутган ўрни. **Сиёсий мақом** инсоннинг жамият сиёсий тизимидаги ўрнини юридик белгиланган сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳамда уларни қайд этувчи сиёсий институтлар бирлигини англатади.

**Статус-кво** – лот. айна вақтда мавжуд ҳолат. Уни тиклаш, ўзгартиришлар рўй

бергунга қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклашни англатади.

**Стимул** – (лот.) фаолиятга ундовчи туртки, сабаб.

**Стихия** – (гр. элемент) ҳеч нарса билан тутиб туриш мумкин бўлмаган куч.

**Страта** – барқарор ижтимоий жамоа, синф, биргаликда фаолият кўрсатувчи одамлар тузилмаси. Стратани ажратиш асосида одамларнинг жамиятдаги аҳволи қиёсланувчи бирор ресурс ётади. У ёки бу ресурсга эгалик гуруҳнинг жамиятдаги мақомини аниқлаш ва шу асосда гуруҳларни бир-биридан ажратиш имконини беради.

**Стратификация** – (лот. қатлам) ижтимоий гуруҳлар ўртасида доимий мавжуд тенгсизлик муносабатлари, шунингдек, гуруҳлар эгаллаган ижтимоий мавқедан келиб чиқувчи уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, қатламлашув.

**Структура** – лот. қурилма, тузилиш.

**Субмаданият** – (лот. суб - тагида) бирор ижтимоий, сиёсий ёки демографик гуруҳ маданияти.

**Субстанционал** – (лот. моҳият) муҳим, асосий, моҳиятига тегишли.

**Суверенитет** – (фр. олий ҳокимият эгаси) давлат мустақиллиги; олий ҳокимиятнинг ёлғиз унга тегишлилиги.

**Схематик** – (гр. образ, кўриниш) энг умумий, содда тасаввур берувчи.

**Т**

**Табиий ҳуқуқлар** – либерализм вакиллари асослаган ва инсоннинг яшашга, эркинликка, мулкка, истибдодга қаршилик кўрсатишга йўналтирилган ҳуқуқларини табиий, бегоналашмайдиган ва муқаддас деб билувчи ҳуқуқлар тизими. Бунда табиийлик – улар инсонга туғилишидан тегишлилигини, бегоналашмаслик – уларсиз инсон ўз сифатларини намоён қила олмаслигини, муқаддаслиги – инсон ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини англатади.

**Табу** – (полинез.) 1) бирор нарса, ҳаракат, сўз ва ҳ.к.га солинадиган диний тақиқ. Уни бузиш гўё фалокатга олиб келиши мумкин; 2) тақиқланган нарсалар, саволлар, фикрлар, сўзлар ва ҳ.к.

**Тадбиқий политология** – сиёсатшунослик фанининг йўналишларидан бири. У бевосита сиёсий жараёнларни ўрганиш, улар тўғрисида ҳукм юритиш ва аниқ хулосалар асосида тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Тадбиқий политология бихевиористик йўналиш асосида Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг вужудга келди ва у асосан сиёсий таҳлилнинг эмпирик усулларига таянади.

Тадбиркорлик

**Ташқи сиёсат** – халқаро майдонда давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга оид сиёсат. Ташқи сиёсат миллий манфаатларни акс эттиради. Уларни рўёбга чиқарар экан, давлат ўзининг ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширади. Бунда турли усуллар қўлланади. Энг муҳим усул – дипломатия. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсатининг давоми бўлиб, ўзида шу давлат ва жамият белгиларини мужассам этади. Ташқи сиёсат - муайян давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатларини бошқаришга оид барча масалаларни қамрайди. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати аввало ўз ҳалқи (миллати) манфаатини таъминлаш

билан боғлиқ. Шу билан бирга, халқаро майдонда давлат сиёсати ташқи омиллар таъсирида ҳам шаклланади.

**Телеология** – (гр. мақсад + таълимот) дунёда мақсадга мувофиқлик ва инсонга боғлиқ бўлмаган объектив мақсадлар борлиги ҳақидаги таълимот.

**Тенглик** – 1) ижтимоий тенглик – жамиятда одамларнинг ижтимоий аҳволи бир хиллигини англатувчи тушунча.

**Тенденция** – (лот. йўналтириш, интилиш) 1) бирор нарсага интилиш, мойиллик; 2) бирор ҳолат, ҳодиса ривожланиши йўналиши.

**Тендер** – (ингл. хизмат кўрсатмоқ) буюртмаларни жойлаштиришнинг танлов шакли. У буюртмачи томонидан турли объектларни қуриш, ҳар хил хизматларни бажаришга пудратчиларни жалб қилиш ва бошқа тадбирлар учун уюштирилади.

**Теократия** – (юн. илоҳий ҳокимият) сиёсий ҳокимият дин пешволарига тегишли бўлган давлат бошқаруви усулларида бири. Теократия м.а. V-I асрларда мавжуд бўлган.

**Терроризм** – (лот. террор - қўрқув, дахшат) қўрқитиш сиёсати, сиёсатда зўравонлик - сиёсий мотивларга кўра алоҳида шахслар жонига суиқасд, оммавий жисмоний қурбонлар билан боғлиқ жиноятлар содир этишга қаратилган фаолият.

**Террористик ҳаракат** – конституцион тузум асосларига, давлат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят.

**Технократия** – (гр. маҳорат, ҳунар + ҳокимият) америкалик иқтисодчилар Г.Скотт, Т.Вебленлар XX асрнинг 20- йилларида ишлаб чиққат таълимот. Унга кўра замонавий жамиятларни менеджерлар, замонавий билим, маданият ва ихтисосликка эга техник ходимлар бошқаради.

**Технологик детерминизм** – ижтимоий ривожланишнинг асосини ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик тузилмалари ўзгаришларига бевосита боғлайди. Унга кўра техник-технологик ҳар бир муҳим ўзгариш ижтимоий тузилмаларни ва улар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиради. Бу ёндошув индустриал, постиндустриал, технотрон, ахборот жамиятлари концепциялари учун хос.

**Технология** – (гр. маҳорат, ҳунар + таълимот) восита ва усуллар тўғрисидаги билимлар бирлиги.

**Тимократия** – (гр.баҳо, тўлов) Афлотун “Давлат” асарида таҳлил қилган салбий бошқарув шаклларида бири. Мулк цензига асосланган бошқарув.

**Тиран** – (гр.) қадимги Грецияда ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаган шахс.

**Тирания** – зулмга, истибдодга асосланган бошқарув.

**Толерантлик** – (лот.) сабр-тоқатлилиқ ўзгалар фикри, эътиқоди, турмуш тарзи, анъаналари, қадриятлари, ғоялари, ҳулқ-атворида тоқатлилиқ, бағри кенглик. Толерантликка асосланган сиёсий маданият қонун доирасидаги ҳар қандай сиёсий фаолиятга нисбатан тоқатлилиқни англатади. Толерантлик расмий, мазмунли, мавҳум, амалий ва б. бўлиши мумкин. Толерантлик сиёсий плюрализмда тугал тарзда намоён бўлади.

**Тори** – (ингл.) Англиядаги сиёсий партия (XVII-XIX а). У йирик ер эгалари, дворянларга таянган. Ҳозирда консерватив партия сифатида фаолият юритади.

**Тоталитаризм** – (лот.ялпи, яхлитлик, тўлалик) XX асрда вужудга келган сиёсий тизим тури: унда сиёсий ҳокимият жамиятнинг барча соҳаларини тўлиқ, тотал назорат қилишга интилади. Тоталитаризм бутун жамият устидан ўз назоратини ўрнатишга ҳаракат қилувчи, ўз легитимлигини бахтли келажак ва {тоталитар} мафкура билан асословчи, абсолют ҳақиқатга даъво қилувчи тизимдир.

**Трайбализм** – (ингл. қабила) қабилалар ўртасидаги нифоқ, қабилаларнинг ажралишига, бўлакликка интилиши. Қабила-уруғчилик муносабатлари сақланган жамиятларда учраши мумкин.

**Транзит** – (лот. ўтиш) авторитар сиёсий тизимлардан демократияга ўтиш. Транзит муқаррар равишда демократияга ўтиш билан яқунланиши шарт эмас. Бу кўп шаклли мураккаб жараён. Унда либераллашув ва демократлашув босқичлари ажратилади.

**Трансмиллий корпорация (ТМК)** – XX аср ўрталаридан илмий техник инқилоб ва жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар туфайли ривожланган халқаро монополиялар. ТМКнинг ривожланиши жаҳон иқтисодиётидаги янги босқич билан боғлиқ. Эндиликда фақат товарлар эмас, капитал ҳам миллий чегараларни кесиб ўтади. Ихтисослашиш, кооперативлашув, меҳнат тақсимоти асосида бугунги кунда ТМКлар илғор технологиялар ва катта молиявий маблағларга эга.

**Трансформация** – (лот. ўзгариш, айланиш) тоталитар сиёсий тизимларнинг демократик сиёсий тизимларга ўзгариши жараёни.

**У**

**Узурпация** – (лот. эгаллаб олиш) ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиш ва кўлда тутиб туриш.

**Ультиматум** – (лот. энг охири) дипломатик алоқаларни узиш ёки бошқа чоралар кўриш билан огоҳлантириб, бир давлатнинг иккинчи давлат томонидан кўрсатилган муддатда қўйилган шартларни бажарилишини қатъий талаб этиши.

**Унитаризм** – (фр. ягона) давлат бирликларига марказлашган бошқарувнинг мавжудлиги ва таркибида мустақил давлатларнинг йўқлиги билан белгиланувчи давлат тузилиши. Унитар давлат – ягона, бўлинмас бир яхлитликни ташкил этуви давлат шакли.

**Унитар давлат** – (лот. бирлик) ҳудуд, Конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти, суд тизими ягона бўлган давлат шакли. Унитар давлатда суверенитет ягона марказда тўпланади ва барча маъмурий бирликлар ҳеч қандай қўшимча ваколатларга эга бўлмайдилар. **Урбанизация** – (лот. шаҳар) жамиятда шаҳарлар нуфузининг ортиб бориши билан боғлиқ тарихий жараён. Шаҳар аҳолиси сонининг кўпайиши.

**Уруш ва қуроли ихтилоф** – сиёсий қарама-қаршиликларни ҳарбий куч қўллаш воситасида ҳал этиш усули.

**Утилитаризм** – (лот. фойда) инсон фаолиятининг асосида фойдага эришиш, оқиллик ётишини асословчи назариялар. Асосчиси У.Бентам.

**Ф**

**Фактор–таҳлил** – (лот. ишлаб чиқарувчи) кўп ўлчовли математик статистика

усули. У ижтимоий объектлар белгилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўлчаш ва белгиларни ана шу ўзаро алоқалар асосида туркумлашга асосланади. Жуфт корреляциялар асосида фактор таҳлилда янги, йирикроқ белгилар олинади. Ана шулар фактор деб аталади.

**Фальсификация** – (лот. сохталаштириш) ҳақиқийни қалбакига, аслини сохтага алмаштириш, реал борлиқни бузиб кўрсатиш.

**Фанатизм** – (лот. жуда асабийлашган, мутаассиблик) ўз эътиқодига содиқликнинг бошқаларнинг эътиқодларига тоқатсизлилик билан уйғунлашуви.

**Фашизм** – (итал. боғлам, бирлашма) тоталитар сиёсий тизимнинг кўринишларидан бири. Қаттиққўл ва поғонавийлашган ҳокимият тизими, диктатор авторитетига сўзсиз бўйсунуш, мамлакатда барқарорликни таъминлаш учун кескин чоралар қўлланилишини оқлаш, бир партиявий тизим ва давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан ялпи назоратини ўрнатиш – фашизмга хос белгилардир.

**Федерализм** ( лот. *foederatio* – иттифоқ) – бошқарув тизими. Унда бошқарув икки даражага эга: миллий ҳокимият ва минтақавий ҳокимият (штатлар, вилоятлар, республикалар, кантонлар, ерлар). Федерализм худудий бирликларнинг кенг мустақиллигини назарда тутди.

**Федерация** – конституцион тарзда бир марказий ва икки ёки ундан ортиқ худудий (минтақавий) ҳукуматларга бўлинган давлат.

**Феминизм** – (лот. аёл) XVIII асрда вужудга келган эркак ва аёллар ўртасида тенглик ўрнатиш учун қаратилган ҳаракат.

**Франкфурт мактаби** – XX асрнинг 30-йилларида Германияда, Франкфурт-Майндаги социал тадқиқотлар институти негизида вужудга келган ижтимоий-фалсафий мактаб. У фашизмга, шунингдек, технократик оммавий истеъмол жамиятига интеллектуал муҳолифатни ташкил этган.

**Фракция** – (лот. бузиш) 1) сиёсий партиянинг унинг йўналиши, услубларига қўшилмайдиган, у билан курашадиган, лекин таркибидан чиқиб кетмайдиган ўз қарашлари, ички интизомига эга қисми; 2) ўз партиялари сиёсатини амалга ошириш учун парламент, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи ёки бирор ижтимоий гуруҳ таркибига сайланган депутатлар ёки аъзолар гуруҳи.

**Француз сиёсий фани мактаби** XIX аср охири XX аср бошида француз жамиятида рўй берган жараёнлардан келиб чиқиб, француз политологлари давлат ва унинг институтларини, шаклланаётган партиявий тизимларни чуқур ўргандилар, фуқароларнинг сайлов жараёнида иштироки кенгайишини жиддий таҳлил қилдилар. Айнан Францияда сиёсий фан шаклланишида фалсафа ва социология таъсири кучли бўлган. Илк давр француз сиёсий фани мумтоз вакилларида Эскир де Парьенинг «Сиёсий фан тамойиллари» (1870), Эдмон Шевриернинг «Сиёсий фан унсурлари» (1871), Эмил Акоюнинг «Сиёсий фан фалсафаси» (1877) асарлари кўрсатилади. II Жаҳон урушидан сўнг унда давлатшунослик, сиёсий жараёнларни конституцион ҳуқуқ доирасида ўрганиш ривожланди. Француз сиёсий фани мактаби асосан кўйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб боради: сиёсий муносабатлар доирасида синфлар ва гуруҳларни ўрганиш (Л. Сэв, М. Фуко в.б.); ҳокимият

моҳиятини, сиёсий фаолият агентлари ўзаро таъсирларини, элиталарни танлаш, сиёсатда оқилона ва нооқилона (рационал ва иррационал) ҳолатлар (П. Бурдые, Ф. Буррико в.б.) ни ўрганиш; сиёсий партиялар ва ҳаракатлар стратегиялари, сиёсий инқирозлар, сиёсий ижтимоийлашув (айниқса, ёшларнинг) ни ўрганиш; сиёсат ва сиёсий маркетинг (Д. Давид, М. Бонгран в.б.).

**Функция** – (лот. фаолият) фаолият, бурч, иш, вазифа.

**Фуқаролик** – шахснинг муайян давлатга ҳуқуқий мансублиги.

**Фуқаролик жамияти** – бозор ва демократик ҳуқуқий давлатчилик шароитида эркин ва тенг ҳуқуқли индивидлар ўзаро муносабатлари тизими.

**Фуқаролар тотувлиги** – ижтимоий ҳаётнинг туб муаммолари бўйича фуқаролик жамиятининг турли ижтимоий кучлари (ёки уларнинг аксарияти) ўртасида консенсус, яқдиллик, келишув мавжудлигидир. Айни мана шу ҳол муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролар ўзаро келишиб ҳаракат қилишларига асос бўлади.

## **Х**

**Хавфсизлик** – ҳеч қандай хавфнинг мавжуд бўлмаслиги, дахлсизлик. Тўрт асосий тури ажратилади: халқаро; жамият; давлат; шахс хавфсизлиги. Ушбу категория давлатлар, ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар аҳволига тааллуқли расмий қарорларга асосан шарҳланади. Ҳозирги кунда у халқаро вазиятни соғломлаштириш, оммавий қирғин қуроли ва қуроли кучлар миқдорини қисқартириш ёки йўқотишга қаратилган. Бунда тенглик, баробар хавфсизлик, учинчи давлатларга зиён етказмаслик ақидаларига амал қилинади, халқаро муносабатларда куч ишлатишга нисбатан сиёсий воситалар устиворлигига амал қилинади, давлатлараро муносабатлар беқарорлигига йўл қўйилмайди.

**Халқаро сиёсат** - кўпинча ташқи сиёсат билан бир нарса, деб қаралади. Лекин унда давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг улар олдида турган муаммоларни ҳал қилишга доир биргаликдаги, келишилган ҳаракатларини таъминлаш билан боғлиқ муҳим жиҳат ажратилади. Халқаро муаммоларни ҳал қилиш усуллари ҳам ўзига хос. Улар тенг ҳуқуқли, суверен давлатлар ўртасидаги рақобат, келишув, музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

**Халқ** - 1) умумий тарихий тақдир, ўхшаш турмуш тарзи белгилари ва ахлоқий қадриятлар, шунингдек, ягона тарихий жамоага мансублик ҳисси асосида бирлашувчи ижтимоий гуруҳлар бирлиги;

**Халқаро валюта фонди** – БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақомига эга валюта ташкилоти. Вазифаси – ташқи савдо ва халқаро валюта – молия ҳамкорликларини ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат. Ресурслари унга уюшган мамлакатларнинг аъзолик бадаллари (квота)дан ташкил топади.

**Халқаро муносабатлар** – дунё ҳамжамиятининг барча субъектлари ўртасидаги сиёсий, хўжалик-иқтисодий, илмий-техник, валюта-молиявий, ижтимоий, дипломатик, ҳуқуқий, ҳарбий, гуманитар, коммуникацион алоқалар ва муносабатларнинг тизимли бирлиги (яқлитлиги)дир.

**Халқаро муносабатлар назарияси** – сиёсий тадқиқотлар соҳаси бўлиб, унинг

предметини халқаро ташкилотлар ва уюшмалар (БМТ, НАТО, ОБСЭ ва х.), давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти, халқаро муносабатлар ташкил этади. У шунингдек уруш ва тинчлик, халқаро ихтилофларни олдини олиш ва уларни бошқариш, янги халқаро тартибни шакллантириш масалаларини ҳам ўрганади.

**Халқаро сиёсат** – халқаро муносабатлар субъектларининг биргаликдаги, мақсадли сиёсий фаолияти; БМТ ва дунё ҳамжамиятининг бошқа қонуний ва эътироф этилган органлари ва ташкилотлари фаолиятида намоён бўлувчи бирлашган манфаат.

**Халқаро ташкилотлар** – муайян мақсадларга эришиш учун келишув асосида тузилган давлатлараро ёки нодавлат бирлашмалари. Ҳар бир халқаро ташкилот ҳам ўз уставига эга бўлавермайди (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – БМТ ўз уставига эга, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти – ЕХХТ эса, фаолиятининг хусусиятларига кўра уставга эга эмас). Халқаро ташкилотлар халқаро ҳукуматлараро (давлатлараро) ташкилотларга ва халқаро ноҳукумат (нодавлат, жамоат) ташкилотларига бўлинади.

**Халқаро хавфсизлик** – сиёсий субъектларга уларнинг қонуний суверенитетини кафолатловчи, халқаро қонунлар амал қилувчи геосиёсий макон ҳолати. Халқаро хавфсизлик ягона глобал сиёсий макон вужудга келиши шароитида рўёбга чиқади.

**Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили** – халқаро ҳуқуқнинг энг қатъий, асосий тамойилларидан бири. У қуйидагиларни назарда тутаяди: халқ ўз давлат тузилишини эркин танлаши, шу жумладан, давлат таркибидан чиқиб, мустақил давлат тузишгача; ўз ривожланишининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий – маданий истиқболларига оид масалаларни мустақил ҳал этиши; давлатчиликнинг институтлари ва рамзларини эркин танлаш ҳуқуқи; халқларнинг ягона давлатга бирлашиши ихтиёрийлиги. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи намоён бўлиши шакллари: айирмачилик (халқ талаби асосида миллатнинг кўп миллатли давлат таркибидан чиқиши) ва бирлашиш (бир миллатнинг бошқаси билан федерация, конфедерация ёки муҳторият асосида бирлашиши).

**Харизма** – (гр. илоҳий қобилият) католикларда худо томонидан черков манфаати йўлида қўллаш учун бирон шахсга берилган руҳий-маънавий фазилат.

**Хартия** – (юн. қоғоз, ёрлик) ўрта асрларда оммавий ҳуқуқий сиёсий характердаги ҳужжат бўлган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда декларациянинг синоними. У – мажбурий кучга эга бўлмаган, умумий тамойиллар ва мақсадларни ифода этувчи ҳужжат.

**Хартленд** – (ингл.) геосиёсатда «марказий ер», курраи заминнинг бош, асосий қитъаси тушунчаси. Унга эгалик қилиш – дунёга эгалик қилиш имконини беради.

**Холдинг** – одатда, ишлаб чиқаришнинг бир тармоғи доирасида корхоналарнинг ҳамкорликдаги фаолиятини акцияларнинг (ёки бошқа қимматли қоғозларнинг) контроль пакетига эгалик орқали назорат этиш



усули. Холдинг кампанияси аъзолари хўжалик ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақилликларини сақлаган бўладилар.

**Хорижий (халқаро) кузатувчи** – қонунда белгиланган тартибга мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикасида сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнларини кузатиб бориш ҳуқуқига эга бўлган хорижий ёки халқаро ташкилот вакили.

**Хронология** – (гр. вақт тўғрисидаги таълимот) воқеаларни уларнинг тарихий кетма-кетлигидаги тартибига кўра жойлаштириш; ҳодисалар вақтини, ҳужжатлар пайдо бўлган вақтни аниқлаш.

**Хунта** – (исп. мажлис, бирлашма) 1) испан тилли мамлакатларида давлат ҳокимиятининг олий коллегиял органи номи; 2) давлат тўнтариши ёки бошқа ноконституцион йўл билан ҳокимият тепасига келган ҳарбий (аралаш) гуруҳлар номи.

**Хаос** – (қад. юн.) тартибсизлик, мавҳумлик.

**Хусусий мулк** – ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва ҳ.к. га эгаллик қилиш, уларни ўзлаштириш шакли. Хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш (сотиш, ижара бериш ва ҳ.к.) мумкин.

## Ц

**Ценз** – (лот. рўйхат қиламан) чеклаш; шахсларга муайян сиёсий (аввало сайлов) ҳуқуқларидан фойдаланишда қўйиладиган чекловчи шартлар. **Сайлов цензи** – Конституция ёки сайлов тўғрисидаги қонун билан белгиланган сайлов ҳуқуқини олиш ёки амалга ошириш шартлари. Турли мамлакатларнинг амалиётида ёш, фуқаролик, саводлилиқ, маълумот, мулк, турғунлик, тил ва бошқа сайлов цензлари мавжуд.

**Центризм** (нем. *zentrismus*) – сиёсий кучлар онги ва фаолиятининг ҳолати; мўтадил, компромисли, йирик ижтимоий негизга асосланувчи оқилона ҳаракатлар; ўнг ва сўл радикализмдан қочиб, турли сиёсий кучларнинг қарашларини мўтадил ислохотчилик асосида бирлаштиришга ҳаракат қилувчи сиёсий йўналиш. Сиёсатда Центристлар деб “ўнг” ва “сўл” лар ўртасида, яъни марказда жойлашган сиёсий гуруҳларни номлайдилар. Центристлар икки ёнларидаги сиёсий кучларга хос кескинликни юмшатадилар, уларнинг ҳатоларини такрорламайдилар, сиёсий масалаларни оқилона қўйилиши ва ҳал этилиши, ҳамда жамият ва давлат институтларининг жиддий ўзгаришига олиб келмайдиган мўтадил воситаларни қўллаш тарафдоридирлар.

**Цивилизация** – (лот. фуқаролик, ижтимоий) жамият ривожланганлиги даражаси, поғонаси. Ўзбек тилида маданий тараққиёт даражаси ёки **тамаддун** атамалари қўлланиши мумкин.

**Цинизм** – гр. беҳаёлик, сурбетлик билан умумий ахлоқий қоидаларни рад этиш, уларга нафрат билан қараш.

## Ш

**Шариат** – исломда давлат амал қилувчи, Қуръонга асосланган диний ва ҳуқуқий қоидалар мажмуи.

**Шахс** – (ар. одам) субъект, индивид. Ижтимоий мавжуд ва индивидуал сифатларга эга инсон.

**Шахсга сиғиниш** – бир киши ролини ошириб кўрсатиш орқали, унга ғайритабиий фазилатларнинг берилиши ва тарихий жараён ривожланишига ўша шахс таъсирини белгиловчи деб ҳисоблаш.

**Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви** – давлат фуқароларининг сиёсий муносабатлар тизимига жалб этилиши. Сиёсий ижтимоийлашув умумий ижтимоийлашув жараёнининг ўзига хос бир қисмини ташкил этади. Сиёсий ижтимоийлашув мазмунига сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий тажриба ва амалиёт ривожланиши, электорал тарбия, сиёсий иштирок, сиёсий фаолият субъекти сифатидаги фаолиятларни киритиш мумкин. М.Веберга кўра, шахснинг ижтимоийлашувини белгиловчи бир нечта сиёсий муҳит турини ажратиш мумкин: партиархал, табаалик ва фаол турлар.

**Шовинизм** – (фр.) миллатчиликнинг энг кескин, реакцион шакли. Моҳиятини бошқа халқларга нисбатан нафрат ва душманликни тарғиб қилиш ташкил этади. Наполеон Бонапартнинг босқинчилик сиёсатини маъқуллаган француз аскарлари Шавин исмидан олинган. Мафкура сифатида учига чиққан миллатчилик, яъни бир миллатнинг бошқа миллатлар устидан устунлигини асослашдан иборат; Сиёсат сифатида бошқа миллатларни таҳқирлаш, эзиш, бир миллатни иккинчисига гиж-гижлашни назарда тутати. Ташқи сиёсатда Шовинизм бошқа давлатлар билан муносабатларни фақат агрессия шаклида куради. АҚШ ва Англияда **жингоизм** деб номланади

Э

**Эволюция** – (лот. очилмоқ) аста-секинлик билан боровчи миқдор ўзгаришларининг муайян шароитда янги сифатга ўтишига олиб келувчи ҳаракат шакли.

**Эвристика** – (гр. топаман, излайман) ҳақиқатни излашга қаратилган мулоҳазалар тизими. Политологияда қўлланувчи умум илмий усуллардан индукция ҳамда аналогия эвристика усулларга киритилади.

**Эгалитаризм** – (фр. тенглик) ўзининг олий қадрияти сифатида тенгликни эътироф этувчи ижтимоий-сиёсий назария. Эгалитаризм ғоялари диний таълимотлар, ўтмишдаги кўпгина халқ ҳаракатлари тарихига бориб тақалади. Сиёсий фикр тарихида Ж.-Ж. Руссо, Г. Бабефлар томонидан асосланган. Бугунги кунда тенглик масаласига турлича ёндашувлар шаклланди: кўрамиз: янги либераллар ва социал-демократлар Эгалитаризмга мўътадил қараш тарафдорлари. Улар имкониятлар тенглиги ва натижалар тенглиги ўртасида компромисс йўлини излайдилар, мулкдаги тенгсизликни юмшатиш, даромадлар ўртасидаги тафовутларни камайтириш борасида фаолият олиб бордилар. Бунда асосий восита – давлатнинг фаол иқтисодий сиёсати (солиқ сиёсати, дотациялар, ижтимоий дастурлар ва ҳ.). Янги консерваторлар тенглик эркинлик ва инсон табиатига зид бўлгани учун унга жуда салбий муносабатдалар. Сунъий равишда яратилувчи натижалар тенглиги жамият, аввало, унинг иқтисодий тизимининг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиши, боқимандалик кайфиятини тарбиялашини таъкидлайдилар.

**Экстремизм** – (лот. кескин) кўпроқ сиёсий соҳада кескин қарашлар ва воситаларга мойиллик. Одатда Экстремизм мавжуд сиёсий меъёрларни, қадриятларни, тадбирлар ва сиёсий тизимни ташкил этишнинг бош тамойилларини инкор этиш, сиёсий барқарорликни емириш, мавжуд ҳокимиятни ағдаришга интилишлар тарзида намоён бўлади.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
5. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
7. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. Тошкент. Академия, 2007.
8. Зеркалов Д.В. Социальная безопасность [Электронный ресурс] : Хрестоматия / М. 2009.
9. Арифхонов Ш.Р. и др. «Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность». –Т.: «Шарқ», 2002.
10. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. М.: Аспект Пресс, 2007;
11. Соловьев А.И. Политология. Политические теории и политические технологии. М., 2006.

### IV. Электрон таълим ресурслари

12. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
13. [www. edu. Uz](http://www. edu. Uz)
14. Infocom.uz электрон журналы: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
15. [www. nuuz.uz](http://www. nuuz.uz)
16. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)